

8/2  
Т-91

Б. ТҮЙЧИБОЕВ

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРАҚКИЁТ БОСҚИЧЛАРИ



Б. ТҮЙЧИБОЕВ

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Онин ўқув юртлари филология факультети  
талиабалар и ва тил-адабиёт ўқитувчилари  
учун қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлигигинг Республика таълим маркази  
нашрга тавсия этган



ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 1996

*Транскрипция*

А — тил орқа, лабланмаган кенг унли.

'Ә (Ә) — тил олди, лабланмаган кенг унли.

Ә — тил олди, лабланмаган, ўрта кенг унли.

И — тил олди, лабланмаган, тор унли.

Ӣ — тил орқа, лабланмаган, тор унли.

Ү — тил орқа, лабланмаган, тор унли.

Ӯ (Ӯ) — тил олди, лабланмаган, тор унли.

Ӧ — тил орқа, лабланган, ўрта кенг унли.

Ӳ — лаблашишга мойил унли.

Ө — тил олди, лабланган, ўрта кенг унли.

ұ — нг бурун ундоши.

1. „Аттуффатуз“. — „Аттуффатуз“ фил луготит Туркия“
2. Гулх. — Гулханий
3. Длт. — „Девону луготит турк“
4. Замах. — Замахшарий
5. Келурн. — „Келурнома“
6. Мажл. — Мажслисий
7. Мн. — „Мұхаббатнома“
8. Муқ. — Мукимий
9. Рабг. — Рабгузий
10. С.С. — Сайфи Саройи
11. Сак. — Саккокий
12. Таф. — „Тафсир“
13. Х.Ш. — „Хисрав ва Ширин“
14. Ш.Н. — „Шайбонийнома“
15. Ш. Турк. — „Шажараи турк“
16. Қ.Б. — „Құтадғу билик“
17. Ҳ.Х. — „Ҳибатул ҳәқойиқ“

T 4602000000—130  
353 (04)—96 134—96

ISBN 5-645-02597-0

© „Үқитувчи“ издастети, 1996

## МУҚАДДИМА

Тил—бу тарих. Тил—бу халқ. Зеро, тилга шу нүктаи назардан қарамогимиз даркор. Тилидан ажралган халқ тарихидан ажралади, демакдир. Тил жамиятта хизмат қиласы. Жамиятда, ижтимоий ҳаётда буладиган ўзгариш эса тилда у ёки бу даражада ўз аксини топади. Бироқ, тилда буладиган ўзгариш жамиятта буладиган ўзгаришлардан фарқли ұлароқ, жуда секинлик билан содир булади. Тилдаги бу икки қолат, яни баражорлық ижтимоий тилинде тарих бирга ўрганилғандагина ўзининг тұғри ифодасини топади. Худди шундай кузатиш усули, хусусан, ўзбек тили учун бугунги кунда жуда зарурдир. Бу заруриятни яна шундай изохлаш, асослаш ўринли бұлади:

1. Собиқ иттифоқ даврида „Милий тилларнинг даврлар утиши билан бир-бирига сингишиб, бир умумий тил булиши“ ҳақидаги гоя устивор бұлды. Аммо барча жумқуриятлар ажralиб, мустақил булиб кеттеган бугунги кунда тилга зурлик сиёсатини ұтказыш мутлақо мумкин эмаслиги исботланған. Ўзбек тили мустақил Ўзбекистоннинг давлат тили сифатида хизмат құлмоги учун унинг озиқланиш манбай, бойиш манбай тұғри белгіланмоги керак.

2. Ўзбек тили атайнин жуда узоқ вақт ўз тарихидан узид қўйилди. Тарихдан ажратиш айни пайтда илдизи қирқиңлар дараҳтни эслатади. Ваҳоланки, ўзбек тили нағақат узоқ тарикга, балки жуда ҳам бой манбага эга. Тил барқарор ҳодиса бўлғанлиги сабабли тарихий шакллар ҳозир ҳам ўзбек тилида жуда кўп қўлланилади. Дунёдаги кўп тиллар ва уларнинг лаъжалари муносабатини дараҳт ва унинг бутоқларига ухшатиш мумкин бўлса, ўзбек тили ва унинг лаъжалари ўргасидаги муносабатларни ҳам ўзаро узвий боғлиқ ҳолда куриш мумкин.

Ўзбек тили турли мустақил лаъжаларнинг тадрижий бирикуви натижасида пайдо бўлган. Дунё тиллари орасида кўп лаъжалилиги билан ажralиб турувчи ўзбек тилининг бу хусусияти унинг тутакмас бойлиги манбаидир. Афсуски, бизнинг тилшүнослигимизда тилнинг та-

раққиётини сунъий тарзда тезлаштиришга интилиш натижасида адабий тил маҳаллий лаҳжалардан ажралиб қолди. Аксар ҳолларда, адабий тил лаҳжаларга, айрим маҳаллий лаҳжалар бир-бирларига қарама-қарши қўйилди. Бу ҳол, ўз навбатида, адабий тилни ҳар жиҳатдан камбағаллаштириди, шеваларнинг кишилик хотира-сидан унут бўлишигта сабаб бўлди. Ҳазрат Алишер Навоий ўзидан V—VI аср сўнг тилнинг шундай аячли ахволга тушиб қолишини пайғамбарона сезгандек башорат қилганга ўхшайди: „маҳзане учради, дурлари кавокиб ғавҳарларидин рахшандароқ, ва гулшане йулукти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ; ҳарими атрофи эл оёғи етмакдин масун ва ажноси гаройиби ғайр илги тегмакдин маъмун. Аммо маҳзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳал ва шумор. Хаёлға келдиким, ҳамоноки, бу йилонлар неши нашитаридин табъ аҳли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра тоғмай ўтуптурлар; ва кўнгулга андоқ эврулдиким, гёё бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгучага гул иликлай олмай йўл тутуптурлар“.

3. Туронзамин ҳудудидаги ҳалкларнинг минтақа (регионал) федерациясини тузиш, минтақада яшовчи миллатларнинг иқтисоди, ижтимоий турмушки, маданий ҳаётини яқинлаштиришга уринишлар ҳақиқатга айланайтган айни фурсатда Туркистон минтақаси учун умуммуомала тили масаласи келиб чиқиши аниқ. Шу боис туркий тилларни бир-бiri билан кесишмайдиган, бегоналилка олиб борадиган ғайрииљий йўлларга бошқариш эмас, балки имкони борича бир-бiriiga яқинлаштиришга интилиш зарур. Тилларни яқинлаштириш барча туркий тилларнинг умумий жиҳатларини акс эттирувчи грамматик қоидаларни яратиш, умумтурк тили тараққиётига асос бўлган лексик қатламларни аниклаш сянгари йўллар билан амалга оширилади.

4. Тилни шу йўналишда кузатишни нафақат назария, балки амалиёт ҳам тақозо этади. Дарҳақиқат агар тил шу усулда кузатилганда эди, олийгоҳ ва мактабларда ўқитувчилар ўқувчи ва талабалар нутқидаги маҳаллий тил тафовутларини тугатиш, бошқача қилиб айттиша, „диалектал хато устида ишлаш ва уларни бартарлғи пиш“ борасида эмас, балки шу тафовут, фарқнинг бўлиши сабабини тарихийлик нуқтаи назардан изоҳлите бўлади. Шунингдек, грамматикадаги айрим бир сўнгима

ҳам барҳам топарди. Афсуски, бундай бир ёқлама изохлар тилшуносликнинг барча бўлимида — фонетика, лексикология, морфология ва ҳатто, синтаксисда ҳам учрайди. Масалан, учинчи шахс ва айрим, кўрсатиш олмошлари келишик қўпнимчалари билан турланган пайтда уртадаги „н“ товуши дарслик ва қўлланмаларда ўз изохини тўғри топмаган. Ёки мен, сен олмошлари қараткич ва тушум келишиги билан турланган пайтдаги товуш жараёни ҳам ишончли талқин этилмайди.

Дарҳақиқат ҳалқ тилини қиёсий-тариҳий усулда кузатиш, тадқиқ этиш ҳаётий эҳтиёж, тилнинг ўз талаби, тадқиқотчиларнинг эса муҳим вазифаси.

Таъкидланганидек, узбек тили бир қанча мустақил лаҳжаларнинг тадрижий бириқувидан шаклланган экан, улар ўртасидаги муносабат ҳақида туркий тиллар грамматикасининг билимдони, профессор Е.Д. Поливанов ўз вақтида шундай ёзган эди: „Ўзбек тили (ўзбек диалектларининг бир бутун йигиндиси сифатида) ягона системанинг, ҳеч қачон амалда бўлмаган ўзбек бобо тилининг диалектологик парчаланиши йўли билан эмас, балки тил системаларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган“. Ҳақиқатан ҳам шевашуносларимизнинг кўп йиллик тадқиқотлари ўзбек умумхалқ тили уч йирик мустақил лаҳжанинг бириқувидан ташкил топганлигини тасдиқлади:

1. Қарлуқ-чигил ёки ўрта ўзбек лаҳжаси.
2. Қипчоқ ёки соғ ўзбек (Е.Д. Поливанов атамаси) лаҳжаси.
3. Ўғуз лаҳжаси.<sup>2</sup>

Табиийки, ҳар бир лаҳжанинг номланиши ўша лаҳжа эгаси бўлмиш уруғлар ва уларнинг йигиндиси ҳисобланмиш қабила номлари ҳамда, шубҳасиз, уларнинг тарихи билан алоқадор. Жумладан, тариҳий манбаларда, Туронзамииннинг кечмишини тасвирловчи қадимий қўллэзмаларда Даشت қипчоқ ўзбеклар диёри деб юритилганлиги, Даشت қипчоқ фуқаролари ўзбеклар деб аталганлиги бугунги тарихчиларимиз томонидан ҳам

1

Поливанов Е.Д. Говор кишлака Кият-Конград Шаватского района (в Хорезме). УзНИКС, сб. научных трудов, I вып, 2, Ташкент, 1934.

2

Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, 1933.

таъкидланмоқда<sup>1</sup>. Айни пайтда, бир қатор олимлар тасаввүфнинг Турондаги асосчиларидан бўлмиш Хўжа Аҳмад Яссавий асарларини ва бадиий сўз жозибасининг гўзал на- мунаси бўлмиш „Мұхаббатнома“ достонини қипчоқ лаҳжасига нисбат бериб изоҳлайдилар. Бундай маълумотлар, бир жиҳатдан, қипчоқ лаҳжасининг жуда қадимий ва кенг тарқалганлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг ўзбек умумхалқ тилини шакллантиришдаги ҳақиқий ўрнини белгилашга ёрдам беради, учинчидан, бу қадимиийлик лаҳжанинг ўзида ўша давр тил хусусиятларини тўлиқроқ сақлаб қолиш имконияти ҳам кенгроқ бўлганлигини белгилайди. Бундай фикрни бошқа лаҳжаларга ҳам нисбат бериш мумкин.

Тил барқарор ҳодиса бўлганлиги сабабли қадимги туркий тилда истеъмолда бўлган товушлар эски туркий ва эски ўзбек тилида ҳам қўйланади. Эски ўзбек тилидан эса табиийки, ҳозирги ўзбек тилига ўтган. Бундай хусусият, яъни узоқ яшашлик тилнинг фақат товушлар тизимиғагина кос булмасдан, унинг грамматик қурилишита, яъни ҳар бир гуруҳдаги сўзларга ҳам тегишилдири. Бошқача қилиб айтганда, тил далилларида тарих изи мужассамлашиб қолади. Бу мужассамлашувни фақат ҳозирги ўзбек адабий тилидангина излаш унчалик тўғри бўлмайди. Бу ҳолат ўзбек шеваларининг бирида ёки бирор туркий тилда мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун зарур уриниларда уларга ҳам мурожаат этиши табиий эҳтиёждир.

Мантиқдан келиб чиқсан ҳолда, иш муқаддимадан ташқари иккى асосий бобдан иборат бўлиб, нутқ товушларида тарих изининг мужассамлашуви ва сўз гуруҳларида тарих изининг мужассамлашуви ҳақида баҳс этади. Хотимада умумий холосалар баён этилади.

1 Аҳмадсон Н. Узбек тарихини ызғиф чиқдимиши йашашлини. Дониш саноати, 1961

## І Б О Б

### НУТҚ ТОВУШЛАРИДА ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Ўзбек халқи ҳам бошқа туркй халқлар сингари узоқ тарихга эга. Юнон манбаларида Ўрта Осиёнинг энг қадимги уруғларини скифлар, Эрон манбаларида улар саклар деб кўрсатилади. Шу билан бирга, бу ҳудудда айни шу пайтда массагетлар ҳам яшаганлиги аник.

Ўрта Осиё ҳам бу вақтда бир қанча ҳудудларга — вилоятларга бўлинган эди. Чунончи, ҳозирги Зарафшон водийси, яъни Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаси — Суғдия; Фарғона водийси — Парикан; Амударёнинг ўнг томони — Бақтрия ва бошқалар. Бу қабилаларнинг, яъни сак ва массагетларнинг ўз ёзуви мавжуд эди.

Милодгача III асрларда бу уруғларга йўйэ-чжи ва хунн уруғлари келиб қўшилди.

Ўрта Осиёда милодгача II асрда Қангўй давлати бўлиб, кейинчалик бу йўйэ-чжи уруғлари томонидан бирлаштирилиб, кушонлар (I—IV асрлар) давлати номи билан ҳукмронлик қилди. Кейин кушонлар давлати эфталитлар (V—VI) давлати билан алмашди. Бу давлатга хунлар таъсири кучли бўлиб, тиллари ҳам туркий эди. VI аср ўрталаридан бошлаб, турк хоқонлиги тузилиб, X аср охирига келиб Еттисув ва Қашқарда Қорахонийлар давлати вужудга келди. Унинг асосини эса қарлук ва чигиллар ташкил этади. Айни пайтда қипчоқлар ҳам жуда қадимий туркий қабилалардан бири бўлиб, Хитой ёдномаларида Кюше, куча, кинча, хибиса; араб, форс манбаларида қимак, қипчоқ; Византия манбаларида қуман деб юритилган.

Қипчоқларнинг эрадан аввалги III асрнинг охирларидан VI аср ўрталарига қадар Шимоли-Фарбий Олтойда истиқомат қилганлиги тарихий-этнографик асарларда қайд этилган. Кейинчалик, яъни XI асрларга келиб, улар Сирдарёнинг ўрта оқимидағи ҳудудларда, Хоразм, Ўрол, Волга дарёлари ўртасидаги жойларда, Шимолий Кавказда ҳаёт кечира бошладилар. Қипчоқларнинг катта-катта гурӯҳлари XV—XVIII асрларда Мовароуннаҳда (асосан, Фарғона водийси, Зарафшон воҳасида) ва Хоразмда ут-

Бартольд Б.В. Кипчаки. Соч. т. ү, 550—551- бетлар.

роқлашиб, ўзбекларнинг каттагина қисмини ташкил эта бошлади. Айни пайтда қипчоқлар нафақат ўзбек халқининг, балки Ўрга Осиё, Қозогистон, Олтой, Гарбий Овруғе ва Шимолий Кавказдаги жуда кўп туркий халқларнинг шаклланишида қатнашган. Шу тарихий сабабларга асосланиб қозоқ, қоракалпоқ, нўғай, татар, бошқирд, қараем, қумиқ, қорачой-балқар, қрим-татарлари ҳамда ўзбек тилининг қипчоқ лаъжаси туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳи деб юритилади.

Кўринадики, ўзбек халқининг шаклланишида турли уруг ва қабилаларнинг таъсири бор. Бу ҳолат унинг тилида ҳам ўз ифодасини топганилиги шубҳасиз. Демак, ўзбек тилининг шева ва лаъжаларида ўзига хосликларнинг бўлиши табиий.

Туркий тиллар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, товшулар тизимида бир томондан ҳозирги туркий, жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тили билан умумийлик, иккичи томондан жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда нутқ товушларида ҳам айрим ўзига хосликларнинг юзага келиши табиийdir.

### Унли товушларда тарихий ўзгаришлар

Туркий тиллар тарихида энг қадимги адабий мерос - Ўрхун-Энасой ёдномалари ҳисобланиб, бу ёзувда, асосан, 41 белги бўлган. Улар бир-бирига боғланмасдан ўнгдан чапга қараб ёзилган ва шундай ўқилган.

Бу алифбода унли товушларни ифодалаш учун тўрттагина белги бўлган, холос. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қадимги туркий тилда, шунингдек, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари тилида оҳангдошликнинг (сингармонизмнинг) ҳам танглай, ҳам лаб уйғунилиги мавжуд бўлган. Шунга кўра гарчи ёзувда тўрттагина белги орқали унли товушлар ифодаланса-да, нутқ товуши сифатида, уларнинг сони кўпроқ бўлган, яъни, қадимги туркий тилда саккизта унли товуш бўлиб, улар бир-биридан қатори, тор-кенглиги, лабланган-лабланмаганлигига кўра фарқланади<sup>1</sup>. Товушлардаги бундай хусусиятнинг эски туркий тил даврида ҳам мавжудлигини Маҳмуд Конғарий алоҳида таъкидлаган эди .

1

Абдурақмонов Р.А., Рустамов А. „Кипчак туркоти тарих“ Тошкент, „Ўқитунчи“, 1982, 7 бор

2

Карим Махмуд Конғарий „Дарёни тарих“ тоғлиқ, 1-менинг Ташкент, 1981, II бор

Эски ўзбек тилига оид обидалар, асосан, араб алифбосида битилганилиги сабабли, жами унлилар учун утагина белги ишлатилган, холос. Аммо унли товушлар ҳақида турли олимлар турлича фикр билдирганлар. Жумладан, К.К. Юдахин эски ўзбек тили даврида ижод қилган шоирлар тили сингармонизмсиз тил бўлиб, уларнинг тилида олти унли товуш мавжуд бўлган, деган холосага келади<sup>1</sup>. Профессор А.К. Боровков Алишер Навоий асарлари тилининг унлилар тизими ҳақида гапирап экан, шоир тилида 8 унли товуш мавжудлигини уқтиради<sup>2</sup>. А.М.Шербак умуман эски ўзбек тилида, жумладан, Алишер Навоий асарлари тилида унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқликда фарқланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, тил олди ва тил орқа „и“ унлисининг фарқланганлигини кўрсатиб, бу давр тилида 8 унли товуш (э, а, ы, и, ө, е, у, ў) истеъмолда бўлган, деган холосага келади. Алишер Навоий ва Бобур диалектлари бир-бирига яқин, буни Бобур ўз „Бобурнома“ сида ҳам кўрсатади, деб ёзади<sup>3</sup>.

Профессор Х.Д. Дониёров Алишер Навоий асарлари тили ва эски адабий тилдаги унлилар тизимини кузатар экан, бу давр тилида унлилар жами 11 товуш бўлиб, шундан 9 таси фонема, деган холосага келади.

Профессор А. Рустамов эски ўзбек адабий тили ғарининг унлилар тизимини маҳсус тадқиқ этиб, бу давр тилида айрим ҳолатларда чўзиқ ва қисқа и унлисининг эъни фарқлаш хусусиятига ҳам эта бўлиб қолганлитини юҳида кўрсатади. Бу давр тилида 9 унлилик тизим тезмолда бўлганлигини таъкидлаб, уларни мисоллар сосида изоҳлайди. Булар: и, и:, э, а, э, о, ө, у, ў<sup>4</sup>.

Умуман олганда, эски ўзбек адабий тили даврида оҳангдошликнинг ҳам танглай, ҳам лаб уигуналиги истеъ-

<sup>1</sup> Юдахин К.К. Материалы к вопросу о звуковом составе чагатайского языка. Культура и письменность востока, кн. IV. Баку, 1929, 67- бет.

<sup>2</sup> Боровков А.К. Алишер Навои — как основоположник узбекского литературного языка. Сб. „Алишер Навои“, М-Л.: 1946: 106- бет.

<sup>3</sup> Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М-Л.: 1962, 77—72-бетлар.

<sup>4</sup> Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент, 1976, 64- бет

<sup>5</sup> Рустамов А. XV аср ўзбек адабий тилининг вокализми. „Ўзбек тили на адабиёти масалалари“ журнали, 6-сон, 66—68- бетлар.

молда бўлиб, түққиз унлилик тизими мавжуд бўлган. Бироқ тил ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли эски ўзбек тилига араб, форс, тожик тилининг маълум даражада таъсири бўлди. Натижада бу ҳолат, аввало, эски ўзбек тилида узоқ вақтдан бўён қўлланиб келаётган асрий оҳангдошликка қисман таъсир этди. Шубҳасиз, уша тиллардан ўзлашган сузларга, қушимчаларга бу талабни қўйиб булмас эди. Йиккинчидан, уша тилларнинг таъсирида айрим унли товушларда ҳам қисман ўзгаришлар бўлади<sup>1</sup>.

а) лабланмаган унли товушларда тарихий ўзгаришлар:

А қадимги туркий, эски туркий ва эски ўзбек тилида махсус белгилар билан ифодаланган бўлиб, тил орқа, лабланмаган, кенг унли. Туркий тиллар тарихининг дастлабки пайтидан бошлаб қўлланган. Сўзнинг ҳар уч ҳолатида ҳам учрайди. Масалан, адағ, қаған, ара, қара каби. Бу товуш эски туркий тил, яъни қорахонийлар даври адабий тилида ҳам шу шаклда истеъмолда бўлган. Айни пайтда эски ўзбек адабий тилида ҳам шу ҳолат сақланган.

Қолни шафтаду учун сундум зәнхандён алмаға,  
Қашу көзу кэлдилёр ҳўр гушёдин жан алмаға.

(Лутфий)

Қадимги туркий а унлиси Тошкент шевасидан ташқари ўзбек шеваларининг барчасида мустақил нутқ товуши сифатида ишлатилади. Тошкент шаҳар ва шу тип шеваларда а мустақил товуш эмас, балки вариант сифатида учрайди<sup>2</sup>. Ҳозирги ўзбек адабий тили материалларига мурожаат этсак, бу товушнинг қўлланилишида, талаффузида ўзгариш деярли кўзга ташланмайди. Бироқ шу уринда бир изоҳталаб масала мавжуд. Баъзи олимлар о товушининг эски ўзбек тили давридаёқ маълум даражада лаблашишга мойиллиги бор эди, дейишади<sup>3</sup>. Шунга кўра ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам у лаблашган, деган фикрни

<sup>1</sup> Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1990, 10- бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Решетов В.В. Узбекский язык, часть I. Введение, Фонетика, 1959, 202- бет; Тошкент вилоят ўзбек шевалари, „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1976, 8- бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Шчербак А.М. Юқоридаги асар. 70- бет.

биддирадилар. Аммо бу ўринда бир нарсани араплаштирмаслик керак. Маълумки, тил ижтимоий ҳодиса. Шунинг учун жамиятда бўладиган ўзгариш, шубҳасиз, тилга шу жумладан, унинг товуш тизимиға ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ўзбек халқи тарихда араблар, форслар, тожиклар билан үзаро муносабатда бўлган. Натижада бу тиллар бир-бирига ўз таъсирини ўтказган. Ўзбек тилига лаблашишга мойил бўлган ә товуши иштирок этган сўзлар (масалан, Раъно, Барно, гулзор каби) ҳам анчагина кириб кела бошлади. Шубҳасиз, унинг артикуляциясида эрон гурӯҳ тилларига хос бўлган ҳолат сақланиши табиий эди. Шунинг учун бу товушни тил орқа, лабланмаган, қадимги туркий а унлиси билан чалкаштирмаслик лозим.

Қадимги туркий тил ёдномалари тилида лаблашишга мойил бўлган ә товуши учрамайди. Бу товуш эски ўзбек тили даврига келиб, юқорида қайд этилганидек, тожик тилидан кирган сўзлар таъсирида шаклланганлигини профессор А. Рустамов алоҳида таъкидлаб кўрсатади: „Бу фонема XV аср ўзбек адабий тилида... тожик тилидан ўтган сўзлар туфайли пайдо бўлди. Бу даврда баъзи туркий сўзлардаги а нинг о га томон силжий бошлаганини кўрамиз“<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, далиллар бу товушнинг ўзбек тили унлилар тарихий тараққиётида кейинги ҳодиса эканлигини исботлайди. Аслида ўзбек тилшунослигидаги мунозара шу товуш атрофида бўлиши лозим .

Ҳозирги пайтда бу товушнинг қўлланилиши аксарият қарлуқ-чиғил-уйғур гурӯҳ шеваларига хос. Қиёсланг: бўшмәлдәр, қишлиғ, тарғ ва б. Қипчоқ шеваларининг асосий қисмида (қозоқ-найман ва қурама шеваларидан

1 Рустамов А. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари. „Навоий ва адабий таъсир масалалари“. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1968, 262- бет.

2

Изоҳ: бир гурӯҳ олимлар о товушини лабланган, деган фикрни билдирадилар. Бу ҳақда қаранг: Севорян Э.В. Материал к сравнительности фонетике турецкого, азербайджанского и узбекского литературных языков, I, Фонетика, М., 1965, 1- бет; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, изд. „Наука“, Л., 1970, 39- бет; Атамираева С. Экспериментально-фонетическое исследование Наманганскоого говора узбекского языка. Ташкент, изд. „Фан“, 1974, 37- бет. Иккинчи гурӯҳ олимлар о товушини лабланмаган, деган фикрда. Бу ҳақда қаранг: Решетов В.В. Юқоридаги асар, 143- бет; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, 16—18- бетлар; Шобдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1962, 57- бет.

бошқа), шунингдек, қардош туркй тилларнинг аксариятида (татар, ёкут, чуваш) бу товуш мустақил фонема сифатида учрамайди.

Э (а) унлиси тил олди, кенг, лабланмаган товуш Қадимги туркй тил давридан бошлиб мустақил нутқ тоvuши сифатида қўлланган. Бу давр тилида тил орқа а ва тил олди ўнлиси учун ёзууда битта белги олинган. Унинг қайси пайтда орқа қатор, қайси пайтда олд қатор эканлиги ундошларнинг хусусиятига қараб белтиланган. Яъни тил орқа ундошлари билан а унлиси, тил олди ундошлари билан э унлиси қўлланилган. Сузнинг ҳар уч ҳолатида — сўз боши, сўз ўртаси ва охирида кела олган: әдгу — яхши (зэгу), әб — уй, тэр — тар, сәкиз — саккиз, билғэ — олим, нә — нима.

Эски ўзбек тили даврида ҳам бу товушдаги шу ҳолат давом этди. Қиёс қилинг:

Иса фәләккә ашты чўн болды ләбиқ жан бәргучи,  
Шәрмәндәликтин кәтмәсә кектә эңэ нә бар эрур.

(Лутфий)

Өзгеләр ҳўснўн тамаша эйләсем чықсан көзум,  
Өзга бир көз ҳәмки ҳўснини тамаша эйләсэ.

(Навоий)

Ҳозирги имлода эса бу икки унли товушни ифодалаш учун унинг ҳар бирига алоҳида белтилар қабул қилинган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам бу товуш сўзнинг боши, ўртаси ва охирида кела олади.

Э унлиси ҳозирги кўпгина туркй тилларда<sup>3</sup>, шунингдек, ўзбек шеваларининг деярли барчасида фаол ишлатилади. Қиёсланг: ёдгорликларда: биләк, шеваларда: биләк; ёдгорликларда: билә<sup>4</sup>, шеваларда: билә каби. Бироқ бу

1 Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Ташкент, 1935; Боровков А.К. Вопросы классификации узбекских говоров. Известия, АН УзССР, 1953, №5, 70- бет; Решетов В.В. Юқоридаги асар, 206- бет.

2

Жамоа: Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1- қисм. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1980, 51- бет.

3

Толипов Т. Гласные звуки уйгурского и казахского языков. Изд. „Наука“, Алма-Ата, 1968, 41- бет.

4

Қаранг: Малов С.В. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951, 371- бет.

унлиниң құлланилишида адабий тил билан айрим шева материаллари ўртасида қисман фарқ ҳам күзга ташланади<sup>1</sup>. Чунончи, баъзан адабий тилдаги тил орқа а товуши ўрида қипчоқ шеваларида тил олди ә товуши ишлатилади. Қиёсланг: адабий тилда боғла // қипчоқ шевасида бэйлэ, чай // чэй, сач // чеч каби. Худди шунга ўхшаш ҳолатларни, яъни уларнинг ўзига хос хусусиятларини бошқа гурух шеваларида ҳам учратиш мумкин.

Ўрта кенг, ёпиқ ә (e) товуши юзасидан турколог олимлар орасида мунозара мавжуд. Бу товуш ҳақида биринчи маротаба В. Томсен Ўрхун-Энасой ҳавзаларида топилган Рун ёзуви буйича ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, и товушини ифодалаган белги баъзан ә унлисини ҳам билдирган, бу товуш эки (два), эл (племенной союз), эш (товарищ), бэл (поясница), бэш (пять), йэтмиш (семьдесят) каби сўзларда қўлланган, деган фикрни баён этади. Шундан кейин бу масалага В.В. Радлов ҳам ўз муносабатини билдириди. В.В. Радловнинг бу фикрига К. Фой зътиroz билдиради. К. Фой текшириш маnbai қилиб қадимги ёдномалар тили билан ҳозирги жанубий ўғуз гурух тилларини олади. К. Фойнинг фикрича, қадимги туркий тилда ә мустақил фонема бўлмасдан, фақат вариант бўлган, и товушини ифодалаган белги уни кўрсата олмаган<sup>2</sup>. Қадимги ёдномалар тилида ә мустақил фонема бўлмасдан, балки вариант бўлганлигини профессор С.А. Аманжолов ҳам қайд этади<sup>3</sup>.

Ә унли товушининг тараққиётини, унинг шаклланиш жараёни туркий тиллар тарихида нисбатан кейинга тұғри келишини профессор F.A. Абдураҳмонов алоҳида таъкидлаб кўрсатади ва бу ҳақда шундай ёзади: „XI аср тилида қўлланмаган фонемалардан яна бири ҳозирги замон ә унлисиdir. Бу унли ўрнига ўзига хос ә унлиси қўлланганки, у ә, и, а товушларининг ўртасида талаффуз

<sup>1</sup> Қаранг: Ражабов Н. Ўзбек тилининг Рарбий Самарқанд шевалари. „Фан“ наприёти, Тошкент, 1977, 22- бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, изд. „Наука“. Ленинградское отд. Ленинград, 1970, 28—29- бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Аманжолов А.С. К генезису тюркских Рун. Журн. „Вопросы языкоzнание“, изд. „Наука“ 1978, 2- сон, 77- бет.

этапан. Бу фонема, асосан, э фонемасига, айрим ўринда и бошқа уринларда а унлиларига асос булган”<sup>1</sup>.

Профессор А. Рустамов Алишер Навоий асарлари тилининг унлилари тизими юзасидан тадқиқот ишларни олиб борар экан, э фонемасининг шаклланиши, эски ўзбек тили даврида унинг қўлланиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Олим бу товушнинг қадимги турк тилидаги кенг, тил олди э товушининг торайиши натижасида вужудга келганилигини қайд этади. Бу давр тилида э товуши туркий сўзларда биринчи бўгинда, тохик тилидан кирган сўзларда кейинги бўгинларда ҳам учрашини, шунингдек, уларнинг бўғини ҳосил қилишда ва талаффузда узаро фарқланниши кўрсатиб, шундай ёзади: „Э фонемаси туркий сўзларда биринчи бўгинда учраса ҳам, XV аср ўзбек адабий тилидаги ҳамеша, андэша каби тохик сўзларида кейинги бўгинларда ҳам учрайди. Баъзида туркий сўзлардаги э очиқ бўгинда бир қисқа ва ёник бўгинда бир чўзиқ бўғин ҳосил қиласди, яъни шеърда туркий сўзлардаги э қисқа, тохик сўзларидаги э чўзиб талаффуз қилинади”.

Дарҳақиқат, э унлиси мустақил товуш сифатида эски туркий тил давридан бошлиб шаклланган бўлиб, унинг юзага келишида кенг, тил олди, лабланмаган э товушининг нисбатан торайиши, ҳам тор, тил олди лабланмаган и унлисининг кентайиши муҳим аҳамият касб этмаган. Э товуши асосида э нинг шаклланганлигини ҳозирги туркий тилларининг барчаси, хусусан ўзбек тилининг ўғузлаҳжаси тўлиқ исботлайди. Агар ҳозирги ўзбек тилидаги мэн, сэн кашнилик олмошларидаги сўз ўргасида келувчи ўрта кенг э унлисининг тарихан тор и товуши бўлганлигига ётибор берсак, айрим ҳолатда э нинг шаклланнишида и товушининг ҳам асос бўлганлигини кўрсатади.

Эски ўзбек тили даврида э унлиси мустақил фонема сифатида ишлатилиб, аксарият асл туркий сўзларда биринчи бўгинда қўлланади:

Мәни мән истеген киши эз сухбетига аржу маъд этмәс.

Мәни истэр кишиниң сухбетин көнлум писәнд этмәс.

(Навоий)

Абдураҳмонов Ф.А. Ўзбек тили фонетикаси тарихидан. „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали. Т., 1963, 2-сон, 19-бет.

2

Рустамов А. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари, „Навоий ва адабий таъсир масалалари“, „Фан“ нафриёти, Тошкент, 1968, 262-бет.

Э унли товуши шахс - сон құшимчаси, шунингдек, үкшатиши құшимчаси сифатида келганды эски ўзбек тилида кейинги бўғинда ҳам қўлланиши мумкин бўлган. Қиёсланг:

Бэсәбрмэну бэсәру самандурмэн,  
Бир гамзадурмәну паришандурмэн.  
Нә диннинг ишин қилдиму нә дунёнинг,  
Ёраб, иэтай өз ишимга ҳайрондурмэн.

(Бобур)

Үрни билан шуни алоҳида таъкидлаб курсатиши лозимки, гарчи эски ўзбек тилининг аксарият ёдномаларида э унлиси мустақил товуш сифатида қўлланилса ҳам, айрим ёдгорликларда, хусусан, Хоразм ҳудудида битилган асарларда унинг истеъмол доираси чегараланган. Шу ўринда XVII аср ёдгорлиги бўлмиш Абулғози Баҳодирхоннинг „Шажараи турк“ ва „Шажараи тарокима“ асарларини эслаш ўринли бўлади. Қиёсланг:

Отуз йылдын бәри йығылған хазинаны алды Тақы иткә ва қушқа бәрди. Ахир он бәш күндә сувлары тўг‘енди<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, бу товуш юқорида қайд этилганидек, ўгуз гуруҳ тилларига хос эмас. Шунинг учун бу ҳолат ўгуз гуруҳига киравчи туркий тилларда - озарбайжон ва туркман тилларида, шунингдек, ўзбекларнинг ўгуз лаҗжасида ҳатто ҳозиргача ҳам сақланниб қолган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва ўзбек халқ шеваларининг аксариятида бу товуш ишлатилади. Бироқ бу товушнинг талаффузида ҳозир шевалараро маълум даражада фарқ бор. Чунончи, шаҳар ва шаҳар типидаги шеваларда бироз ёпиқроқ<sup>2</sup>, қипчоқ диалектида эса очиқроқдир. Масалан, Тошкент, Маргилон, Наманган шеваларида бер, енди, еркәй еркәк, қипчоқ шеваларида энди, эркак, чекман, она. Бу товушларнинг тарқалиш чегарасида, яъни қўлланиши доирасида ҳозирги тилда ҳам, асосан, эски ўзбек тилидаги ҳолат сақланган дейиш мумкин. Бироқ ҳозирги адабий тилда мэн, сән олмошлари шахс-сон құшимчаси сифатида

<sup>1</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент, „Чулпон“, 1992; Абулғазы Баҳадырхан. Туркменларин, несли дарагты. Ашгабад. „Метбудат“, 1991; Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Газихана, Грамматический очерк, изд. „Фан“, Тошкент, 1969, 31- бет.

<sup>2</sup>

Шоабдураҳмонов Ш. Юқоридаги асар. 51- бет.

қүшилганды ундағы үрта кенг ә унлиси кенг ә унлисига айланади:

Бу ишқ シリн китоб этдинг, китобинг ичра  
мэн борман,

Үқурман дәб хитоб этдинг, хитобинг ичра  
мэн борман.

Ярашгайдур, ажаб, сәнга ажаб нозу таманнолар,  
Кэтурман, дәб шитоб этдинг, шитобинг  
ичра мэн борман.

(A. Орипов)

Бинобарин, нафақат ә унлиси бошқа товушлардан шаклланган, балки бу товушнинг ўзи ҳам айни пайтда бошқа товушларга таъсир этган.

Қадимги туркий тил даврида ёк тил олди, тор, лабланмаган и ҳамда тил орқа, тор, лабланмаган ы унлилари мустақил товуш сифатида мавжуд бўлган. Улар ёзувда битта белги билан ифодаланган. Сўзнинг барча ўрнида — сўз боши, сўз ўртаси ва охирида кела олган<sup>1</sup>. Қиёсланг:

ығач (дараҳт), қырқ, йылқы; ини, биз, - бери ва б.

Бу товушлардаги худди шундай хусусият қорахонийлар даври адабий тилида ҳам сақланди. Масалан, сызды (чизди), сыйзлады (зирқиратди), сын (қомат), сынды (синди, енгилди), сыр (сир, бўёқ), сиз (сиз — хурмат маъноси), силкиди, сиркә (бошдаги бит сиркаси)<sup>2</sup>.

Эски ўзбек тилининг барча даврида тил олди и унлиси билан тил орқа ы унлилари мустақил товуш сифатида қулланилди. Давр тилидаги бу хусусиятни Алишер Навоий ўзининг „Муҳокаматул лугатайн“ асарида, шунингдек, шоир асарлари тилини кузатган олимларнинг аксарияти (масалан, А.Ю. Боровков, А. Рустамов, Х. Дониёров ва бошқалар) қайд этганларки, у кишида мунозара туғдирмайди. Қиёсланг:

Бўйунг сарву санубартек, белинг қыл,  
Вафо қылған кишиләргә вафо қыл.

(Хоразмий)

1

Қаранг: Аманжолов С.А. Юқоридаги асар, 77- бет, Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века, Алма-Ата, 1971, 42- бет.

2

Қаранг: Маҳмуд Кошварий. „Девону луготит турк“ индекс-луграт. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1967, 220—226- бетлар.

Эски ўзбек тили ёзувида бу икки товуш битта белги ёй ҳарфи билан берилган. Шунинг учун тил тарихини ўрганувчилар, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилини тадқиқ этувчилар ўртасида бу товушларнинг фарқланиши ёки фарқланмасликлари түғрисида маълум мунозаралар ҳам бўлиб ўтди. Бироқ Алишер Навоийнинг ўзи ҳам уларнинг ҳар бири алоҳида товуш эканлиги ҳақида „Муҳокаматул лугатайн“ ида маҳсус тўхталиб ўтган.


Ҳозирги ўзбек тили ёзув усулида бу икки товуш битта ҳарф билан ёзилганилиги сабабли уларни бир-биридан ажратиш анча қийин. Бунинг устига шаҳар ва шаҳар типидаги шеваларда ҳозир олд қатор и ҳамда орқа қатор ы товушлари оралиқ (индиферент) товуш сифатида талаффуз этилади. Бироқ чуқур тил орқа ва тил олди ундошлари билан келган сўзларда бу унлиларнинг талаффузида фарқ сезилади, албатта. Аммо ўзида оҳангдошликтининг танталай уйгунлигини тўлиқ сақлаб қолган баъзи туркий (масалан, қозоқ, қорақалпоқ) тилларида<sup>1</sup>, шунингдек, қипчоқ, ўғуз шеваларида тил олди и ва тил орқа ы унлилари эски ўзбек гилидагидек алоҳида мустақил икки товушдир<sup>2</sup>. Бинобарин, қипчоқ шева вакиллари тыш (ташқари) — тиш — (кишининг тиши); ыс (қурум) -ис (ҳид); сиз (чиз) — сиз(сиз) сўзларидағи ы ва и товушларини фарқли талаффуз этадилар. Худди шу фикрни адабий қолишига амал қилиб гапиравчи ҳар бир кишига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Яъни ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматик конун-қоидасига амал қилиб гапиравчи кишиларнинг ҳеч бири қыш (қиши), қызы, ғызы, қыл, қыр каби сўзлардаги ы товушини тил олди қилиб талаффуз қилмайди. Чунки уни тил олди қилиб талаффуз қилишга олдинги ундошлар йўл қўймайди. Агар борди-ю, тил олди и (и) қилиб талаффуз этиладиган бўлса, унли беихтиёр чўзиқлик касб этади, шутқада ўз-ўзидан ғализлик юзага келади. Чўзиқлик эса асли туркий тилларга хос бўлмасдан, араб тилларига хос ҳодиса. Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида, араб тилининг маҳаллий халқлар тилига, шунингдек, ўзбек тилига ҳам таъсири сезилари бўлади. Жумладан, араб тилининг таъсири натижасида эски ўзбек тилида айрим унлиларда чўзиқлик шаклана бошлади. Бироқ у ҳолат

Аралбаев Ж.А. Вокализм казахского языка. (Очерки по экспериментальной фонетике и фонологии) изд. „Наука“, Казахской АССР, Алма-Ата, 1970, 64- бет.

2

Бу ҳақда батафсил қаранг: Дониёров Х, юқоридаги асар, 113- бет.

2— Б. Тўйчибоев



түлиқ фонемалык хусусиятта эга бўлмади. Байзи сўзларда айрим ҳолатларда чўзиқ — и: билан қисқа и маънени фарқлашта хизмат қилди, дейиш ҳам мумкин. Масалан, оиз сўзидаги и қисқа талаффуз этилганда олмош маъносини ифодаласа, чўзиқ талаффуз этилганда би: з— бигиз тушунчасини берган. Ёки чин сўзидаги и қисқа талаффузда рост маъносини билдириса, чўзиқ талаффузда ч и : и хитой маъносини англатган. Қиёсланг:

Саройдин борди чи:н — мочинга човинг,  
Киё боксанг, бўлур арслонлар овинг.

(Хоразмий)

Ваҳ, не юздур улки, тақлидин қилиб наққоши чи:н  
Келса юз сурат, бирин юздин натудор айламас.

(Навоий)

Зулфиға кўнгул қуюб паришон бўлдум,  
Кўз олдурубон юзига ҳайрон бўлдум.  
Чин дей сенга, Бобурки, ошиқликта,  
Ҳар неки қилиб эдим пушаймон бўлдум.

(Бобур)

Хозирги ўзбек тилида узиллардаги чўзиқлик бундай маъно ажратиш хусусиятига эга эмас, албатта. Бироқ, айрим ҳолатда сўзга қўшимча маъно юклаш мумкин. Масалан, болам сўзидаги — а товуши чўзиброк талаффуз килинса, мурожаат, ялиниш оҳанги сезилади. Ёки ҳозир, тоза сўзларида унлини чузиб талаффуз қилганда ҳам маълум даражада маъно нозикликлари юзага келади. Сўловчи томонидан таъкиднинг кучайтирилганлиги аниқ сезилади.

б) Лабланган унли товушларда тарихий Ўзгаришлар:

Туркий тиллар тарихининг дастлабки давридан бошлиб, яъни қадимги туркий тил—Ўрхун-Энасой ёзув ёдномалари тилида тўртта лабланган унли товуш бўлган. Улар ўзаро тор ва ўрга кенглиқда, хусусан, тил олди — тил орқалиқда фарқланган. Бу тўрт унлини ифодалаш учун ёзувда иккита белти қабул қилинган. Бу белтилар—ҳарфларга товушлардаги тил олдилик ва тил орқалик асос қилиб олинган бўлиб, иккита тил олди узиллар учун битта, иккита тил орқа унлилари учун битта ҳарф қўлланган.

Ўрга кенг, тил орқа, лабланган о (ў) ҳамда тор, тил

орқа, лабланган у унли товушлари ёзувда битта ҳарф билан ифодаланган. О (ү) унли товуши сўзниг бошида ва биринчи бўғинида ишлатилган, холос. У унлиси эса сўзниг ҳар уч ҳолатида—бошида, ўргасида, охирида кела олган. Бу давр тилида оҳангдошликнинг ҳар икки уйғунлиги—ҳам танглай, ҳам лаб уйғунлиги амалда бўлганлиги сабабли бу унлилар, биринчидан, доимо тил орқа ундошлари билан қўлланилган. Иккинчидан, биринчи бўғиндаги лабланган унлига монанд равишда аксарият ҳолатда кейинги бўғинларда лабланган у унлиси иштирок этган. Қиёсланг: отуз, он, боз, улус, будун (халқ)<sup>1</sup>.

Ўрта кенг, лабланган, тил олди ө (ү) ҳамда тор, лабланган, тил олди ў (ү) унлилари ҳам қадимги туркий тил даврида ёқ мустақил товуш бўлиб, улар ҳам ёзувда битта белги — ҳарф билан ифодаланган. Тил олди ө (ү) унлиси ҳам худди тил орқа ө (ү) унли товуши каби фақат сўзниг боши ва биринчи бўғиндагина қўлланилса, тил олди ў (ү) унлиси тил орқа у товуши каби сўзниг ҳар уч ҳолатида кела олган. Қиёсланг: өз, екун, кәк, коңул, уч, учун, турк, илгәрў каби.

Эски туркий тил даврида ҳам бу товушларнинг ҳар бири мустақил фонема бўлган. Буни Маҳмуд Коштарий ўзининг „Девону луготит турк“ асарида маҳсус таъкидлаб кўрсатади<sup>2</sup>. Қиёсланг: ўлӯш—ҳисса (тил олди қилиб талаффуз этилади). Улуш (тил орқа қилиб талаффуз этилади), қишлоқ (чигилча). Баласа-ғун ва уларнинг юқори ёнидаги аргулиларча шаҳар демакдир ўри (товуш, бақириш, ҳуриш, фарёд тил олди қилиб талаффуз этилади), оч-уч—интиқом кек. Уч' нарсанинг уни (тил орқа талаффуз қилинади). От-ут, олов-от деган билан ориз кўймәс (тил орқа қилиб талаффуз этилади). Маҳмуд Коштарий бу унлиларга тавсиф берар экан, уларнинг талаффузидаги фарқни ва шу фарқнинг маъно муносабатига таъсир гишини алоҳида изоҳлаб кўрсатади. Чунки агар бу турт товуш аввал—қадимги туркий тил даврида икки ҳарф билан ифодаланса, энди араб ёзуви истеъмолда бўлган ёки туркий тил даврида улар бир ҳарф, яъни вов ҳарфи

1 Қиёслаш учун мисоллар С.Е. Малов ва F. Айдаровнинг кўрсатилган олиниди.

2 Қаранг: Маҳмуд Коштарий. „Девону луготит турк“, Уч жилдлик, 1-жилд, „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1960, 23- бет.

билин ифодаланадиган бўлдики, бунда асосан сўзларнинг маъно муносабатига қараб уларни фарқлаш мумкин, холос.

Эски ўзбек тилининг узоқ тараққиёти босқичида араб ёзуви истеъмолда бўлган. Шунга кўра бу давр ёзма ёдгорликлари тилида ҳам лабланган бу тўрт унли товуш худди эски туркий тил давридагидек битта ҳарф билан ифодаланган. Шунга кўра бу давр унли товушлар тизими юзасидан олимлар ўртасида мунозаралар узоқ давом этди. Ниҳоят, Алишер Навоий асарлари тилини кузатган олимларнинг аксарияти, жумладан, А.К. Боровков, А.М. Шчербак, А.Рустамов, Х. Дониёров, Э.И.Фозилов ва бошқалар шоир асарлари тилида ва умуман, эски ўзбек тилида бу тўрт товуш мустақил фонема, деган холосага келдилар.

Эски ўзбек адабий тили даврида бу тўрт лабланган унлининг алоҳида фонема эканлигини Алишер Навоий алоҳида кўрсатиб, „Муҳокаматул луғатайн“ да шундай ёзади: „Ва туркий алфозда бу маъруф, мажхул ҳаракат тўрт навъ топилур: ҳам „вовий“-си ҳам „ёйий“-си. „Вовий“-си андоқки, ўтки шайти муҳриқдур (кўйдирувчи нарса) ва ўт мурур (ўтиш) маъноси била ва ўт муқаммирға бурд жиҳатидин амр (қимор ўйновчига ютмоқ учун буйруқ), ва ўтки баридин ириқ ҳаракатдур, каллани ўтга тутип, тукин аритур маънидадур“<sup>1</sup>.

Эски ўзбек адабий тилида ҳам лабланган унли товушларнинг қўлланишида қадимги туркий, эски туркий тил анъанаси сақланади. Яъни ўрга кенг, тил орқа о, тил олди ё товушлари сўзнинг боши ва биринчи бўғинида, тор, тил орқа у, тил олди ў унлилари сўзнинг ҳар қандай ҳолатида қўлланган. Қўйидаги ҳолатларда аксарият лабиал ўйғунлик, яъни кейинги бўғинларда лабланган унлининг қўлланиши ҳолати учрайди:

1. Шахс-сон қўшимчаси I, II шахс бирликда ва I шахс кўпликда келганда: көрдўк (биз курдик), көрдўн (кўрдинг), көрдўм (кўрдим).

Ё раб, не ажаб ёру жафокора йолуқтум,  
Кўзию қоши жодуи маккора йолуқтум.

(Лутфий)

1 Алишер Навоий. Асарлар, ўн беш жилдлик, ўн тўртинчи жилд. 1967, 114- бет.

Көрдүм қоши аксини күнгүл күзгуси ичра

(Навоий)

2. Эгалик құшымчаси I,II шахс бирликда келганды:

Өзүм, озүқ, кезүм, кезүн каби.

Эй азалдин то абад көңлүм гирифторинг сенинг,  
Чора қылким, бұлды жоним асру афгоринг сенинг.

(Лутфий)

3. Сұроқ юкламаси қатнашганды:

Чархнинг мен күрмаган жавру жафоси қолдиму?

Хаста күнгүл чекмаган дарду балоси қолдиму?

(Бобур)

4. Ҳозирги-келаси замон сифатдош шакли иштирок эт-  
ганды:

Хар неча ямонликни, қилур яхши көринур,  
Нозук кишидин ҳарие келур, яхши көринүр.

(Лутфий)

5. Ҳолат феъли боғламалик вазифасида келганды:

Сен гулсену мен ҳақыр булбулдурмэн.  
Сен шуъласену ул шуълаға мен қулдурмен,  
Нисбат йүқтүр деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элта, vale сенга қулдурмен.

(Бобур)

6. II—III шахс буйруқ-истак майли иштирок этганды:

Ишқ әлининг оқидин ул сарвқад ҳам бөлмасун,  
Фам елидин ул муанбар зулғ дарҳам бөлмасун.

(Бобур)

Ақбоб, йиғильмоқни фароғат тутуңгиз,  
Жамъиятингиз борини давлат тутуңгиз,  
Чун гардиши чарх будуур, тенгри учун,  
Бир-бирни неча куне ғанимат тутуңгиз.

(Бобур)

7. Баъзи ҳаракат номлари доирасида: көрүнүш, сөкү  
шы, көркүнч каби.

8. Айрим ҳолатни ифодаловчи номларда:

Қаён қылса ҳаво ул турфа қуш уйқум алур қайғу,  
Вагар кулбамда бир тун құнса худ құздин учар уйқу.  
Фироқнинг шомида субқи висолинг ёдима киргач,  
Келур ҳар лаҳза тинмай йиғламоқ ичра менга күлгү.

(Навоий)

9. Үтган замон равищдоши құлланганда:

Ким көрүктүр, эй құнгул, ахли жаҳондин яхшилиғ,  
Кимки ондин яхши йүқ, күз тутма ондин яхшилиғ.

(Бобур)

Бу түрт лабланган унли товушнинг ҳозирги үзбек шеваларида учраши масаласига келсак, қисман юқоридагидан бошқачароқ ҳолни күриш мүмкін. Чунончи, Тошкент шевасида тил орқа, тор у ва тил олди, тор ў товушлари бир-биридан фарқланмайды. Шунингдек, тил орқа, ўрта кенг о ва тил олди Θ товушлари ҳам бир-биридан унчалик фарқ қылмайды. Бу товушлар Тошкент шевасида оралиқ қилиб талаффуз этилади<sup>1</sup>. Бироқ Андижон шевасида у (тил орқа), ў (тил олди) о (тил орқа) Θ (тил олди) бир-биридан яхши фарқланиб, мустақил түрт фонема ҳисобланади<sup>2</sup>. Яъни мазкур шева вакиллари тұз (тизмоқ), туз (ош тузи), бол (тайёр бұл), бөл (булакка ажратмоқ) сұздарини ҳам талаффузда, ҳам маънода, ҳам әшитишда яхши фарқлайдилар. Бошқача қилиб айтганда, бу түрт лабланган унли бир-биридан әшитилишда, талаффузда, лингвистик қиймати билан фарқланиб, унинг ҳар бири мустақил фонема ҳисобланади.

Үзіда сингармонизм ҳодисасининг танглай үйғунлигини тұлиқ сақлаб қолған қылғочоқ, ўғуз диалектларыда ҳам бошқа күпгина туркій (қозоқ, қорақалпоқ, нұғай ва б.) тилларидагидек, бу түрт лабланган унли мустақил фонема саналады. Бу шева вакиллари ҳам худди тилемиз тарихидегі уларни бир-биридан жуда осон ажратадилар.

Ҳозирги үзбек адабий тили манбаларига әтибор берадиган бұлсак, бу товушлар бүйіча есқи үзбек адабий тили билан, шунингдек, умумхалқ тили билан, хусусан, бу түрт унли мустақил товуш ҳисобланувчи шева материаллари билан улар үртасида унчалик фарқни топа олмаймыз

1

Қаранг: Шоабдураҳмонов Ш. Күрсатилган асар, 40—50- бетлар.

2

Қаранг: Иброҳимов С. Үзбек тиилининг Андижон шеваси. „Фан“ нашириети. Тошкент, 1967.

жам. Бироқ ҳозирги ўзбек тили бўйича чиқарилган мурсликларда лабланган унлилар фақат иккитагина деб талқин этилади. Булардан фарқли ўлароқ 1980 йилда нашр этилган „Ҳозирги ўзбек адабий тили“<sup>1</sup> дарслигига имкони борича уларни ажратиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, у фонемаси ҳакида шундай ёзилади: „Бу фонема лабланган, тор унли товуш бўлиб, тилнинг горизонтал ҳолатига кўра олдинги қатор у (Ӯ) ва орқа қатор у (Ӳ) вариантиларига эга“<sup>2</sup>. Ўрта кенг ў унлиси ҳам қуйидагича изоҳланади: „Бу фонема лаблашган, ўрта-кенг унли товуш бўлиб, тилнинг горизонтал ҳолатига кўра фарқланадиган олдинги қатор ў (Ӯ) ва орқа қатор ў (Ӳ) вариантиларига эга“<sup>3</sup>. Шунингдек, улар маъно ажратиш хусусиятига эга деб кўрсатилади. Аниқ маъно ажратиш хусусиятига эга бўлгандан кейин уларни вариант деб эмас, балки бемалол алоҳида фонема деб изоҳлаш мақсадга мунофиқ бўлур эди. Чунки фонемаларнинг фонемалик хусусиятини белгиловчи асосий мезон ҳам ана шу маъно муносабати ҳисобланади. Дарҳақиқат, манбаларга мурожаат тадиган бўлсан, адабий тил қонуниятига амал қилиб тапириувчи ҳар бир ўзбек бу турт лабланган унлини жуда тхши фарқлайди. Масалан, қол (қўл), қозы(қўзи), қорық (қўриқ), ғоза (ғўза) сўзларидағи о (Ӷ) тил орқа, көл (қўл), кез (қўзи), көрік (қўриқ), гөзэл (гўзал) сўзларида о (ӷ) тил олди талаффуз қилинади. Ёки қул, қуч, қут, бутоқ сўзларида у тил орқа, кўл, кўч, қут, бутӯн сўзларида ў тил олди тарзда талаффуз қилинади. Айни пайтда ҳозирги ўзбек адабий тилида шундай сўзлар борки, гарчи улар талаффузда, эшлилишда ва маънода фарқланса-да, имло қонун-қоидасига асосан бир хил ёзилади ва уларни лексикологияда омофонлар деб ўргатилади. Қиёсланг: от (ут) — унли тил орқа — олов, ўсимлик маъносида, өт (ут) — унли тил олди—үтишга буйруқ, организмнинг бир қисми, ор (ўр) — унли тил орқа — бедани уриш, өр (ўр) (унли тил олди) — сочни ўриш; тор (тўр) (унли тил орқа) — балиқ тутадиган ускунна, төр (тур) — (унли тил олди) — уйнинг тўри, ез (ўз) — (унли тил орқа) — узишга буйруқ, ез (ўз) — (унли тил олди) ўзлик олмоши,

1 Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Ҷониёров Ҳ. „Ҳозирги ўзбек адабий тили“, 1- қисм, Тошкент, „Ўқитувчи“, 1980.

2

Шу асар, 50- бет.

3

Шу асар, 51- бет.

боз (бўз) — (унди тил орқа) — майса, ишга солинмаган бузер, боз (бўз) — (унли тил олди) — материал; уч (унли тил орқа учишга буйруқ, ўч — (унли тил олди) — сон, тутун — (унлилар тил орқа) — ака-ука тутуниш, тутун (унлилар тил олди) — мўрининг тутуни, тур — (унли тил орқа) — туришга буйруқ, тур — (унли тил орқа) туришга буйруқ, тур (унли тил олди) — хил, жинс, бур — (унли тил орқа) — буришга буйруқ, бур (унли тил олди) — ҳаё, уят маъноларида қўлланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилига бағишлиб чиқарилган қўлланма ва дарсликларнинг барчасида тўртта (е, ё, ю, я) графема (ярим унли) бор деб кўрсатилади. Улар бирмабир қўйидаги шаклда изоҳланади. Чунончи я графемаси й ва а товушлари бирикмасини ифодалайди, ю графемаси й ва у товушлари бирикмасини ифодалайди, ё графемаси й ва о товушлари бирикмасини ифодалайди, деб кўрсатилади. Тўгри, бу графемалар ўзбек тили ёзув тизимига киритилган. Аммо у ўзбек тилининг тарихий ҳолатини ҳам, ҳозирги ҳолатини ҳам, халқ тили хусусиятини ҳам ҳисобга олмасдан қабул қилинган. Аниқроғи қабул қилирилган. Бу сунъийлик, бир томондан, ўқиш ва ўқитишларида анчагина моддий зарар етказиш билан бирга энг асосийси маънавий зарар келтириш, яъни саводхонликка катта тусиқ бўлмоқда. Бу ҳолат табиий графемаларнинг ўзбек тили хусусияти учун ёт эканлитини исботлайди.

Хулоса қилиб, ўзбек тили унли товушлари тизимида тарих изининг мужассамлашувини шу йўсинда курсатиш ўринли бўларди:

## Қадимги туркій тилдаги унлилар тизими

### Эски туркій тилдаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига	Лабланмаган		Лабланган	
	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тұғри йұналишига күра				
Тилнинг тик ҳара- катига күра				
Тор	и	ы	ү	у
Үрта кенг	э		е	о
Кенг	ә	а		

### Эски ўзбек тилидаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига	Лабланмаган		Лабланган	
	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тұғри йұналишига күра				
Гилнинг тик ҳара- катига күра				
Тор	(и:)	ы	ү	у
Үрта кенг	э		е	о
Кенг	ә	A( э )		

### Хозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига күра	Лабланмаган		Лабланган	
	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тик қарапатига кү- ра	Тилнинг тұғри йұналишига күра	тил олди	тил орқа	тил олди
Тор		и	ы	ү
Үрта кенг		э		е
Кенг		ә		а

## Ундош товушларда тарихий ўзгаришлар

Туркий тиллар тарихига назар ташлайдыган бұлсак унинг ундош товушлари тизиміде ҳам, бир томондан, ҳозирги туркий, жумладан, ҳозирги үзбек адабий заумумхалқ тили билан умумийлик, иккінчи томондан, айрим ўзига хосликларини ҳам учратиш мүмкін.

Қадимғи туркий, яғни Үрхун-Энасой ёзув тизиміде баъзи ундош товушлар нафақат талаффузда, балки ёзувда ҳам фарқланған. Яғни улар қаттиқ ва юмшоқликда фарқланиб, биттә ундош товушнинг ўзи иккі ҳарфі белги билан ёзилған. Үйгур ёзув тизиміде эса бундай тағовут ўз ифодасини топмаган. Ҳатто Үрхун-Энасой ёзувида мавжуд бұлған айрим ҳарфлар бу ёзув тизиміде йўқ. Шунинг учун Маҳмуд Кошгариј бу ҳақда шундай ёзади: „Туркий тилларда құлланиладыган асосий ҳарфлар сони ўн саккизтадир. Ҳолбуки, тилдаги товушлар ун саккизта әмас, күпидир. Бу ун саккиз ҳарф етишмайды. Булардан бошқа тилда бұлған товушларни бериш учун яна етти ҳарф керак. Лекин бу ҳарфлар йўқ. У етти товушни ана шу мавжуд ҳарфлар устига маҳсус белги қўйиб ёзилади“<sup>1</sup>. Булар: п, ж (портловчи), ж (сирғалувчи), ф, г, т, н. Айни пайтда Маҳмуд Кошгариј араб тилидан ўзлашған сұзлар таркибида келувчи са, зод, сод, итқи, изри товушларини туркий халқтар талаффуз эта олмасликларини тъқидлайды. Шунингдек, XIV асрда Мисрда ўғуз, қыпчоқ қабила тили асосида битилған „Китоби мажмұын таржимои туркий ва ажамий ва мұғұлий ва форсий“ китобида ҳам туркий халқларнинг арабчадан ўзлаштан сұзлар таркибида келувчи са, ҳа, сод, зод, итқи, изғи, айн, фе, ҳойи ҳавваз ундошларини айта олмасликларини қайд қиласы.

1

Маҳмуд Кошгариј. „Девону луготит турк“. 1- жилд, 47—48- бетлар

2

Уша асар, 48- бет.

фуз жихатидан туркий тиллар қонуниятига мослаштирилади.

Туркий тиллар тарихида оҳангдошлик қонунияти билан борлиқ равишда ундоши товушлар дастлаб иккига—якка ва жуфт ундошлиар деб ажратилган. Табиийки, қаттиқ, юмшоқлиқ, яъни тил орқа ва тил олдилик хусусияти ёзувда ҳам ўз аксини толган.

а) Якка ҳарфли ундоши товушларда тарихий ўзгаришлар

П ундоши. Лаб-лаб, портловчи, жарангиз товуш. Қадимги туркий тил давридан мавжуд. Якка ундоши сифатида бир хил куринишда ёзилган. Суа ургаси ва ёкирида кела олган: —ана, алн.

XI—XII аср ёзма манбаларида п ундоши туркий сўзларнинг ҳар уч ҳолатида кела оладиган булади: пишиди (ДЛТ, II, 19) - пишди; пичоқ (Замах., 123) - пичоқ; ёпка (ДЛТ, I, 148) - ўпка; қопарды (Замах.) - кўтарди; қоп (Рабг.) - тур, йип (Гаф.) - иш, ёп-ўп.

Қадимги уйғур ёзувида жарангиз п ва жарангли б ундоши битта белги билан ифодаланган.

Эски туркий тил даврида жарангиз п ундошининг жарангли б га ўтиш жараёни бошқа товуш жараёнига нисбатан кам бўлган. Бошқа товуш жараёnlари бўлиш билан бирга Алишер Навоий асарлари тилида айрим сўзларда туркий п товушининг сирғалувчи Ф га айланганини учратиш мумкин.

Хунарни асрларон неткумдур ахир,  
Олиб туфроқкаму кеткумдур ахир.

(Навоий)

1 Маҳмудов Қ. XIII—XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. Тошкент, „Фан“ нашриёти. 1990, 73- бет.

2 Юқоридаги асар, 74- бет.

3 Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М-Л.: 1951, 56, 64, 80, 85- бетлар

4 Маҳмудов Қ. "Ҳибатул ҳақойиқ" тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари (КД). Тошкент, 1963, 67- бет.

5 Рустамов А. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари. „Навоий ва адабий таъсир масалалари“, „Фан“ нашриёти, Т., 1968, 264- бет.

Баъзан сүз бошида п>б ва бу ундошнинг сиргалувчи лаб-тиш W ва лаб-лаб в товушига ўтиш ҳодисаси ҳам мавжуд. Ҳозирги туркй тилларнинг аксариятида<sup>1</sup> п ундоши туркй сўзларнинг барча ҳолатида кела олади<sup>2</sup>.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу товуш сўзнинг ҳар уч ҳолатида ҳам кела олади. Бироқ оғзаки нутқ ва халқ тилида ҳозирги адабий қолип ҳисобланган сүз охиридаги б товуши аксарият п шаклида (бориб // борип) талаффуз этиладики, буни ҳозирги дарсликларимизда талқин қилганимиздек, б>п товуш жараёни деб эмас, аксинча, оғзаки нутқимизда ва халқ шеваларида бу товушнинг сўз охирида п шаклида талаффуз қилинишини тilda дастлабки ҳолатнинг сақланиши деб изоҳлаш бу товушнинг тараққиёт жараёнини тўғри кўрсатиш бўлади.

М ундоши. Лаб-лаб, бурун, портловчи, сонор<sup>3</sup>, жарангли товуш. Қадимги туркй тил давридан бошлаб мустақил фонема сифатида иштирок этади. Бу товуш Ўрхун-Энасой ёдномалари тилида якка ундош сифатида тил олди ва тил орқа товушлари билан бир хил кўринишда ишлатилган. Бу давр тилида у сўз бошида кўпинча б нини варианти сифатида учраса, сўз ўртаси ва охирида мустақил фонема сифатида ишлатилади: мин, кўмўс // кўмўш, илим, каным. Эски ўзбек тили даврига келиб ҳам бу товушнинг сўз бошида келиши жуда кўп сўзларда учрамайди. Бунда ҳам унинг дастлабки ҳолати б товушига бориб тақалишини унутмаслик керак. Қиёсланг: минди <бинди, мўнгә < бунгә, мўндән < бўндән, миң < биң, муң < буң, мэн<бэн каби. Эски туркй, яъни қорахонийлар даври тилида сўз бошида келган б ундоши м товушига

1

Мелиоранский П.М. Араб. филолог о турецком языке, Спб. 1900, 41-бет.

2

Тенишев Э.Р. Тодаева Б.Х. Язык желтых уйголов. М. 1966, 12, 49-бетлар; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, Л.: 1970, 93- бет; Убрятова Е.И. Опыт сравнительного изучения фонетических особенностей языка некоторых районов Якутской АССР, М., 1960, 67- бет.

3

Севорян Э.В. Материалы к сравнительной фонетике турецкого, азербайджанского и узбекского литературных языков. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Т. 1. М. 1955; Байчура У.Ш. Звуковой строй татарского языка, Казань, 1959; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, Л.: 1970 г.

утганлигини Маҳмуд Кошгарийнинг „Девону луготит турк“ асарида очиқ кўриш мумкин. Масалан, Муңлуг—сиқилган, қийналган. Муңлуг эр—сиқилган, сиқувда қолган одам<sup>1</sup>.

Бу товуш жараёни эски ўзбек тили даврида ҳам шу ҳолатда давом этди.

Фалак мунг бирла онинг жонин олиб,  
Буларни дод онсиз мунгга солиб.

(Навоий)

Тил тарихида б нинг м га ўтишида н, һ бурун товушларининг кучли ассимилятив таъсири бор деб қараш керак бўлади.

Туркий тиллар тарихида шахс-сон қўшимчалигининг 1-шахс кўплигининг тўлиқ шакли биз олмошидаги б ундошининг м га ўтиши асосида миз шаклига утган. Бу жараён эски ўзбек тили даврида ҳам қисман давом этди: ... кечади *Fори Отчион тарафига келингким, қўргонни берубиз.* ("Бобурнома") Худди шу жараён ҳозирги айrim туркий тилларда, жумладан, татар тилида ҳамон сақланиб қолган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва умумхалқ тилида бу товуш сўзнинг ҳар уч ҳолатида фаол қўлланади:

Дунёни қизғанма, мендан, азизим,  
Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор.  
Менинг бу оламда айтар сўзим  
Ва ўзим сиғинар мозорларим бор.

(А. Орипов)

З ундоши — тил олди, сирғалувчи, жарангли товуш. Қадимги туркий тил давридан бошлаб мустақил товуш сифатида мавжуд. Якка ундош саналган. Фақат сўз ўртаси ва охирида кела олган: узун, барзун, боз, йуз, кунтуз. Аммо „Девону луготит турк“ да баъзи сўзларнинг бошида з товуши учрайди: заб-заб<sup>2</sup> ундов сўз.

Эски ўзбек тили даврида з ундоши ўзлашган сўзларда сўз бошида ҳам қўлланилган ҳолда, асл туркий сўзларда сўз ўртаси ва охирида фаол ишлатилган. Айrim пайтда бу

1

Маҳмуд Кошгарий. "Девону луготит турк". 1963, Тошкент, „Фан“ нашриёти. III жилд, 393- бет.

2

Маҳмуд Кошгарий, „Девону луготит турк“, 1, 309- бет.

давр тилида араб, форс-тожик сўзлари таркибида келувчи зод, >зол, изғи ундошлари туркй тилга хос З товуши каби талаффуз этилган: азаб, баъзи, ҳазир каби<sup>1</sup>. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилида з ундошининг истеъмол доираси кенг.

Ч ундоши — тил олди, қоришиқ, портловчи, жарангиз товуш. Қадимги туркй тилда якка ундош сифатида қўлланилган ва сўзнинг барча ҳолатида кела олган: чөл, чик, чықаи, кичиг, учун, қач (қанча) - табғач, ығач.

Толи Имоний Ҳиравий узининг „Бадоъеул-луғат“ асарида „Жими арабий“ ва „Жими ажамий“ атамаларини қўллаган<sup>2</sup>. „Жими ажамий“ атамаси туркй ва форсий тилларда қўлланган жарангиз африкат ч га нисбатан бўлса, „Жими арабий“ ибораси жарангли ж нинг қўлланишига ишорадир.

Эски ўзбек тили даврида ҳам жарангиз африкат ч ундошининг қўлланилишида аввалги давр тилига хос хусусият сақланиб қолган<sup>3</sup>. У сўзнинг ҳар уч ҳолатида учрайди. Бу товуш унлилар олдидан қўлланганда ҳам уша жарангизлигини сақлайди, ж га ўтмайди<sup>4</sup>.

Шакар лаъли лабинг боли чин оре,  
Чаманнинг сарвари, қаддин чинори.

Кулар бўлсанг қиши ичра ёз очилур,  
Сочингдин анбари соре сочилур.

(Хўжандий)

Қонимга кирмагил, эй кўзи қиймоч,  
Ки бошимга тегур худ ул қаро соч.

(Лутфий)

<sup>1</sup> Маҳмудов К. XIII—XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. „Фан“ нашриёти, Т., 1990, 105- бет.

<sup>2</sup>

Боровков А.К. "Бадаи-ал луғат". Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. М., 1961, 55 а, 55- бетлар.

<sup>3</sup>

Конопов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абулгазихана Хивинского М.Л., 1958, 121- бет; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка, М.-Л., 1962, 85- бет; Рустамов Алибек. Фонетико-морфологический язык Алишера Навои (Автореф. дис.. докт. филол, наук). Ташкент, 1966, 10- бет.

Щербак А.М. Юқоридаги асар, 85- бет.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ч ундоши худди тилимиз тарихидагидек, сўзнинг барча ҳолатида кела олади<sup>1</sup>. Худди шу ҳолат ҳозирги уйгур тилида ҳам сақланиб олган<sup>2</sup>. Ўзбек халқ шеваларида эса адабий тилга нисбатан сўз ўртасида бу товушнинг истеъмол доираси торроқ дейиш мумкин. Чунки оғзаки нутқда жарангсиз ундошлардан олдин келган **Ф** аксарият с га мойил талаффуз тилиди<sup>3</sup>.

Ш ундоши тил олди, сирғалувчи, жарангсиз товуш. Гуркий тиллар тарихининг дастлабки давридан бошлаб учрайди. Бу товуш якка ундоши сифатида тил орқа ўзакда ҳам, тил олди ўзакда ҳам бир хил шаклда, сўзнинг ҳар қандай ҳолатида кела олган: шад, йашыл, киши, йаш, таш.

XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдномаларда узлашган арабча, форсча-тожикча сўзлар таркибида ш ундоши туркий тилларнинг фонетик қонунларига мослашган<sup>4</sup>.

Эски ўзбек тили даврида ҳам ш ундоши худди қадимги туркий ва эски туркий тил давридагидек сўзнинг барча ҳолатларида кела олган<sup>5</sup>.

Менга шайх бирла курашмак ҳамон,  
Муборак аёғига тушмак ҳамон.

*(Навоий)*

*Ул навоҳида бўлмоқни маслаҳат кўрмай кеш сари азиммат қилдук. (Бобур)*

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қадимги туркий тил давридаёқ айрим ёдгорликларда баъзан ш

<sup>1</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М—Л., 1960, 33- бет.

<sup>2</sup> Кайдаров А.Т. Развитие современного уйгурского литературного языка. Алма-Ата, 1969, 176-177- бётлар.

<sup>3</sup> Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Т., „Ўқитувчи“, 1990, 33- бет.

<sup>4</sup> Маҳмудов Қ. Юқоридаги асар, 90- бет.

<sup>5</sup> Шчербак А.М. Кўрсатилган асар, 85- бет; Рустамов А. Кўрсатилган асар 10- бет.

ўрнида с ундоши қўлланилган<sup>1</sup>. Бу хусусият ҳозирги айrim туркӣ тилларда<sup>2</sup>, жумладан, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларида қисман сақланиб қолган: сасқан, сор, сыйыр каби. Бироқ бу хусусият ўзбек адабий тилида ҳам, унинг бирорта шевасида ҳам учрамайди. Ҳатто Қорақалпогистон ҳудудидаги ўзбек шеваларида ҳам бундай ҳолат йўқ<sup>3</sup>.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва унинг барча шеваларида ш ундошининг истеъмол доираси кенг бўлиб, сўз таркибида келишида тилимиз тарихидаги ҳолат сақланган: *Шоир баланд бўйли, қирқлардан энди ошган киши.* (*Ойбек*) *Баъзи-баъзида ўзига ўхшаш фақир қўшини қизлар, ўртоқлари чиқишиб, кўнгилларини гам-гуссадан жиндай бушатадилар.* (*Ойбек*)

Ҳ ундоши бурун, сонор товуш бўлиб, қадимги туркӣ тил ёдномаларида фақат сўз ўртаси ва охирида кела олган: тэнри, тынла, буң, таң каби XI—XII аср ёдномаларида ҳам ҳ ундоши қўлланилиш ва талаффуз жихатидан қадимги туркӣ тил даврига тўғри келади. Эски ўзбек тили даврига оид ёдномалар тилида ҳам ҳ ундоши фаол ҳолда қўлланган. Айни пайтда бу товуш эски ўзбек тили даврида ҳам икки варианти бўлиб, унинг чуқур тил орқа варианти н+р, саёз тил орқа варианти н+г тарзида юзага келтан. Бу фонема ёзува нун ва қоф ҳарфлари билан ифодаланган<sup>4</sup>. Бу давр тилида ҳам у сўз бошида учрамайди:

Ки то олам биноси бўлди бунёд,  
Бу йаңлығ қилмади, иш одамизод.

(*Навоий*)

Баҳорий равза сари қылсаң оҳаң.  
Мэнинқ сўзум учун тук ашки гўлрәң.

(*Навоий*)

<sup>1</sup> Айдаров Г. Юқоридаги асар, 55- бет.

<sup>2</sup> Богородицкий В.А. Введение в татарское языкоzнание в связи с другими языками. Изд. 2-ое, Казань, 1953, 51- бет.

<sup>3</sup> Ишаев А. Қорақалпогистондаги ўзбек шевалари, „Фан“ наприёти, Тошкент, 1977, 15- бет.

<sup>4</sup> Рустамов А. Навоий тилининг фонетик хусусияtlари. „Навоий ва адабий таъсир масалалари“. Т., 1968, 269—270- бетлар.

Ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигига бу ўзига хос бурун товуш - һ ундоши мавжуд. Ҳозир ҳам бу товуш ўзакдаги унлига қараб тилнинг ўрта қисмида ёки орқа қисмида ҳосил бўлади. Сингармонизм ҳодисасини нуқотган шеваларда бу товуш тил ўрта ундоши сифатида мавжуд. Бироқ сингармонизмни ўзида сақлаб қолган ўзбек шеваларида ва баъзи туркий тилларда бу товушнинг икки варианти (доңыз, жаңбыр, ингрэ каби) тил олди ва тил орқа қатор вариантлари мавжуд.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу товуш яқин тил орқа ундоши сифатида талқин этилади. Ҳозир ҳам у сўз бошида қўлланмайди. Сўз ўртаси ва охирида учрайди:

Саҳро сўқмоғида бошин этиб жим,  
Бир кимса кетмоқда, билмасман у ким.  
Агар у сен бўлсаң, қошиңга борай,  
Агар у мен бўлсам, тезроқ кел, дўстим.

(A. Орипов)

Қани айт, мақсадин нимадир сенин,  
Нега тилкалайсан бағримни, оҳаң.  
Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,  
Нечун керак рубоб:, сенга бунча ғам!

(A. Орипов)

Ҳозирги пайтда оғзаки талаффузда айрим ҳолатларда, ҳусусан, шу халқ вакили бўлмаган кишилар нутқида гонг, жанг, ранг тарзли сўзлардаги н ва г ҳарфларига илоҳида ургу берилиб, уларни мустақил товуш сифатида талаффуз этиш ҳолати ҳам учрайди. Бу шубҳасиз талаффуз меъёрини бузиш демакдир. Бирсқундай ҳолат нафақат оддий муомалада, балки мактаб ҳаётида, ўқиш ва ўқитиш жараённида ҳам рўй бермоқдаки, бу ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқига, нутқ маданиятига шубҳасиз салбий таъсир этади, бизнингча, бунинг маълум даражада сабаблари ҳам бор. Биринчидан, туркий тиллар оиласига мансуб бўлмаган кишиларнинг нутқ аъзолари һ товушини талаффуз қилишга мослашмаган. Иккинчидан,

Абдуллаев Ф.А. Турк тилларида „н“ товушининг урчиши масаласи. „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари“ журнали, 1961, 2- сон, 62—63-бетлар.

таъкидланганидек, бу битта нутқ товуши ўзбек имлосида икки белги билан ифодаланади. Учинчидан, битта то вушни иккита белги билан ифодалаш ўқувчини худди икки мустақил фонемани бир белги билан ифодалаб чалкаштиришдек гап. Унли товушлар имлосида худди шу ҳолат давом этмоқда. Бу ўқувчининг ёзма саводини ҳам нутқ маданиятини ҳам бузади. Шуинг учун бу фонемани худди бошқа туркий тиллардагидек (масалан, қозоқ, озарбайжон, қирғиз ва б.) битта белги - ң (н) билан ифодаланса, ҳар жиҳатдан маъқул бўларди.

б) Жуфт ҳарфли ундош товушларда тарихий ўзгаришлар

б ундоши — лаб-лаб, портловчи, шовқинли, жаранг товуш. Қадимги туркий тил даврида икки варианти булиб, тил олди ва тил орқа шакллари учун алоҳида алоҳида белги олинган. Унинг тил олди шакли фақат ти олди унли ва ундошлиари билан, тил орқа шакли эса ти орқа унли ва ундошлиари билан кела олган. Ёзувда бу тартибиға қатъий амал қилинган. Бу товуш сўзнинг барча ҳолатида кела олган: буң (муң), бунча, йаблақ (йаман) — табусған, суб, бин, бирлә, әбгәру, әб (уй).

Б ундоши араб ёзувида бе ҳарфи билан ифодаланган. Эски туркий тил даврида ҳам б ундоши туркий сўзларнинг барча ҳолатида кела олган: бузар, тэбрэтти (*Длит*). Эски ўзбек тили ёзма манбаларида ҳам б ундоши бе билан ёзилган, туркий сўзларнинг бошида ва ўртасида жарангли хусусиятини сақлаган<sup>1</sup>, сўз охирида эса б товуши аксарият п га тўтири келади: байрам, бакёвул каби

Сени жонимдин ортуқроқ севармен,  
Бу сўзда ҳақ билур ёлғон йўқ, эй жон.

(Хоразмий)

Чин ул маъшуқу ошиқтек чибуқлар,  
Бири-бирини айнарда чобуқлар.

(Хўжандий)

Боғламалар қўшилган пайтда ҳам эски ўзбек адабий

1 Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М., —Л., 1962, 80-бет.

тилида көрүбдүр, кэлипдүр шаклда икки хил ҳолатни учратиш мумкин.

Тил тараққиети натижасида ўзбек тили тарихида умум туркий тилга хос болган назализация<sup>1</sup> бўм жараёни рўй осорди. Бу жараён баъзан айрим сўз бошидаги б уйлошининг м га ўтишида кўринади. Қиёсланг: буң>муң, бинғ>миң, бэн>мэн. Баъзан интервакал ҳолатдаги б нинг м га ўтиш жараёни учратиш мумкин: қаба>қама.

Маълумки, туркий тиллар тарихида биринчи шахс ўплик олмоши — биз билан I шахс, куплик шахс-сон қўшимчаси - миз алоқадор, яъни бу ерда ҳам бўм товуш жараёни юз берган. Бироқ эски ўзбек тилида I шахс ўплик шахс-сон қўшимчасининг биз шаклида қўшилиш олати мавжуд<sup>2</sup>. Қиёсланг: ҳабар келтирдиким, келсунлар, шахрни берубиз. биз бу атроф ва жавонибдагилардин кўмак ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳарқайси бир ёзга хаёлда („Бобурнома“). Шунингдек, эски ўзбек адабий тилида сўз ўргасида қўлланган б айрим ҳолатларда ҳозирги ўзбек адабий тилида в ундошига ўтган.

Конимга кўз қарортти бирорнинг қароқлари,  
Қурбон бўлайин учраса кўзга қабоқлари.

(Лутфий)

Ўзбек шеваларининг айримларида, жумладан, қипчоқ шеваларида ҳозир ҳам тарихий шакл сақланиб қолган. Яъни адабий тилда шу сўз қовоқ, қипчоқ шевасида эса ҳамон қовоқ шаклида ишлатилади. Демак, шевалардаги шакл қадимий.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзув усулида бу ундош бир шаклли бўлиб, талаффузда унинг фонетик вариантлари қўлланади<sup>3</sup>. Айни пайтда бу вариантлилик бошқа

Шералиев М.И. Озарбайжон тилида ҳипчоқ элементлари, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари“, 1961, б-сон, 38- бет.

2

Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикиаси. „Ўқитувчи“, Тошкент, 1973, 138- бет.

3

Решетов В.В. Узбекский язык. Т., 1959, 230—231- бетлар; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андикон шеваси, Т. 56—57- бетлар.

туркий тилларда ҳам сақланиб қолган<sup>1</sup>. Бу ўринда яна изоҳ талаб бир ҳолат шундан иборатки, ҳозирги үзбек адабий тили имлоси буйича бориб, келиб, айтиб, қайтиб тарзли сўзларнинг охиридаги товуш б эмас, п тарзда талаффуз этилади. Бу б>п жараёни эмас, балки тилдаги барқарорлик ҳолатидир.

Л ундоши тил олди, ён, сонор товуш. Қадимги туркий тил давридан мустақил фонема бўлиб, унинг қаттиқ ва юмшоқ варианти бўлган. Бу давр ёзуvida улар алоҳида ифодаланган. Яъни қаттиқ шакли учун, юмшоқ шакли учун алоҳида белгилар қабул қилинган. Аксарият сўзиниң ўртаси ва охирида қўлланган. Тил орқа л фақат тил орқа, тил олди л фақат тил олди товушлари билан қатор келган: -алп, алтун, қалын, йыл, қул; билиг, илгәрў, чөл.

Эски үзбек тили даврида ҳам л ундошининг шу хусусияти сақланади. Бироқ бу давр ёдномалари араб алифбосида битилган. Шунинг учун А.М. Шчербак эски үзбек тилдаги л фонемасининг қаттиқ ёки юмшоқлигини айтиш қийин, бунга асос йўқ, деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. Аммо А. Рустамов „Эски үзбек тилида бир л фонемаси мавжуд бўлиб, у икки позицион (қаттиқ ва юмшоқ) вариантига эга. Бироқ л нинг талаффузидаги бу фарқ фонологик хусусиятта эга эмас. Чунки унинг қаттиқ ёки юмшоқ талаффуз қилиниши позициясига боғлиқ<sup>3</sup> деб кўрсатади. Бу давр тилида ҳам л ундоши туркий тилларнинг фонетик қонуниятига кўра анлаут позицияда қўлланмайди“. Бироқ ўзлашган сўзларда сўз бошида ҳам қўлланиладиган бўлади:

-өл, -қылдың, барапың  
Лабингдин чун сучуклик қанд үгурлар,  
Салурлар эл сувға йалангач.

(Лутфий)

1 Батманов И.А. Современный киргизский язык. Фрунзе, 1969, 80—81-бетлар; Грамматика турменского языка. Ашхабад, 1970, 48-бет, Кайдаров А.Т. Развитие современного уйгурского литературного языка, Алма-Ата, 1969, 281—282- бетлар.

2

Шчербак. А.М. Юқоридаги асар, 86- бет

3

Рустамов А. Юқоридаги асар, 268- бет.

4

Маҳмудов Қ. Юқоридаги асар, 110- бет.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам тилимиз тарихидаги олат деярли сакланади, яни худди эски ўзбек тилидагидек ҳозир ҳам асл ўзбекча сўзларда бу товуш фақат сўз ўртаси ва охирида қўлланади. Шунингдек, тил орқалик ва тил олдилик хусусияти ҳам сақланган. Чуончи, бөл-бол, бил-бал, кэл-қал шаклидаги сўзларни қиёслаб талаффуз қилинса, дастлабкиларидали л юмшоқ, кейингиларидали л қаттиқ эканлиги аниқ бўлади. Хусусай, л товушининг икки вариантилиги сингармонизмли шеваларда тўлиқ сақланиб қолган.

И ундоши портловчи, бурун, сонор товуш, икки вариантили. Қадимги туркий тил даврида юмшоқ варианти сўзнинг ҳар уч ҳолатида ҳам кела олса, қаттиқ варианти сўз ўртаси ва охирида келган: нә, ини, ингәк, бэн, ўчүн, қана, қаны, будунум, алтун, қаган.

Эски туркий ва эски ўзбек тили даврида арабча нун ҳарфи билан ёзилиб, туркий сўзларнинг барча позициясида учрайди, барча унлилар, жарангли ва жарангиз ундошлар билан ёндош ҳолда кела олган: ант, әнди, нә, шубҳасиз ўзлашган арабча, форсча-тожикча сўзларда ҳам и товуши иштирок этади: дунйа, қурбан.

Эски ўзбек тили даврида ҳам бу товушининг икки варианти мавжуд бўлиб, қаттиқ варианти тил орқа ўзак билан, юмшоқ варианти тил олди ўзак билан келган:

Кўзум чықсан сени кўргунча мундоқ,  
Кэсилсан тил, сўзунг сурғунча мундоқ.  
Нелар келмиш бошингга ғурбат ичра,  
Не ғурбатлар чекибсен шиддат ичра.

(Навоий)

И ундошидаги бу хусусият ҳозирги сингармонизмли шеваларда тўлиқ сақланиб қолган.

Р ундоши — тил олди, титроқ, сонор товуш. Икки вариантили. Қадимги туркий тилда тил олди ва тил орқа шакллари фарқли ёзилган. Туркий тилларнинг фонетик қонунига кура, бу товуш сўз бошида қўлланмайди: ара, арығ, бар, тәнри, йигирми, йырчы, бәгләр, бир каби.

XI—XII аср ёзма манбаларида ҳам р ундоши сўз бошида қўлланмаган: арығ (*Длт*, 1,95) - тоза, оғур (*Длт*, 1,87) - давлат, кэтур (*Замах*, 152 а) - келтир. Худди шундай ҳолат эски тили даврида ҳам давом

этди: тэр (*Таф.* 67 б) — дер, сор (*Рабг.*) — сўра, барур (*Рабг.*) — борур.

Кўнгума ҳар ёнки боқсам, дого бор,  
Ҳар неча дардимни десам, дого бор.  
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,  
Бир сори бўлди фироқинг дори бор.

(Лутфий)

Эски ўзбек тили даврига келиб, ўзбек тилига араб, форс-тожик тилининг анчагина таъсири бўлди. Шунинг учун бу тиллардан ўзлашган сўзларда бу давр тилида р товуши сўз бошида ҳам қўлланадиган бўлди: роз (*Таф.*)—ризқ, руҳ (*Таф.*)— руҳ. Эски ўзбек тилида ҳам бу товуши талаффуз қилинишига кўра тил орқа ва тил олдиликда фарқланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилига келиб, сўз охиридаги р ундошида бъази товуш жараёни — р>й ҳодисаси рўй берганлиги айрим тадқиқотчилар томонидан қайд этилади. Ҳозирги ўзбек тилидаги қорай, сарғай сўзлари тарихан қарор, сарғар шаклида бўлғавлиги таъкидланади. Бу товуш ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам сўзнинг ҳар уч ҳолатида — сўз боши, сўз ўртаси, охирида фаол қўлланади. Бироқ тил тарикининг барча даврида бўлганидек, асл ўзбекча (туркча) сўзларда р ундоши сўз бошида ишлатилмайди.

Ўзбек тилининг сингармонизмли шеваларида ва ҳозирги туркӣ тилларда р товушининг қаттиқ ва юмшоқ айтилиши сақланиб қолган. Айни пайтда ўзбек шеваларининг аксариятида, хусусан, қипчоқ шеваларида р ундошининг ҳамон сўз бошида қўлланмаслиги ана шу тарихий жараён билан изоҳланади.

с ундоши тил олди, сирғалувчи, жарангиз товуш. Икки варианти — тил олди ва тил орқа булган. Сўзнинг ҳар уч ҳолатида кела олган. — сабы —сузи, сан —сон, барсар—борса, йағысы—душмани, бас—бос; сицли, сунус—уруш, тургәс—уруг.

Ўрхун-Эиасой ёдномалари тилида бъазан қаттиқ с билан юмшоқ с нинг алмашиниб ишлатилиш ҳолати ҳам

1

Рустамов А. Кўрсатилган асар. 269- бет

2

Кононов А.И. Кўрсатилган асар, 34- бет.

учрайди<sup>1</sup>. Эски туркӣ ва эски ўзбек тилида ҳам с ундоши туркӣ сўзларнинг барча ҳолатида учрайди. Оқыса (*Рабг.*) — ўқиса, улус (*Таф.*) — улус, сақын—ўйла.

Айни пайтда ўзлашган сўзлар таркибида ҳам с ундоши ишлатилиб, арабча син, сод, са ҳарфлари билан битилган. Эски ўзбек тили даврида ҳам с ундоши унлилардан ё олдин, ё кейин, икки ундош оралиғида бемалол қўйланила олган:

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андэша қилсам.

(Хоразмий)

Кўп, эй булбул, ҳикоят вақти эрмас,  
Маҳал йўқтур шикоят вақти эрмас.

(Лутфий)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам бу товуш фаол ишлатилиб, сўзнинг ҳар уч ҳолатида кела олади. Давр утиши билан бу ундош товушнинг қўлланнишида ҳам қисман ўзгаришлар руй берди. Жумладан, эски ўзбек тилида сўз бошида қўлланган айрим с ундоши ҳозирги адабий тил даврига келиб ч ундошига айланди. Чунончи, эски ўзбек тилидаги сиз феъли (бу феълда с тил орқа талаффуз этилган ва маъно фарқлаган) ҳозирги адабий тилда чиз тақлида ишлатилади. Ҳозир у *Вазира* билан қўл бериб кўришиди-да, столининг тортмасидан қаламда чизилган эскизларни олиб стол устига кўйди. (П. Қодиров)

Умуман туркӣ тиллар тарихидаги, жумладан, эски ўзбек тили давридаги бу хусусият ҳозирги айрим ўзбек шеваларида, хусусан, қипчоқ диалекти материаларида сақланиб қолган<sup>2</sup>.

Г ундоши чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли товуш. Қадимги туркӣ тилда г ундошининг тил орқа варианти сифатида ишлатилади. Бу товуш сўз бошида учрамайди. Фақат сўз ўртаси ва охирида тил орқа унлилари билан

<sup>1</sup> Айдаров F. Кўрсатилган асар, 66- бет.

<sup>2</sup> Рустамов А. Кўрсатилган асар, 266- бет.

<sup>3</sup> Дониёров X. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Т., 1976, 85- бет.

қулланилади: йағы—дushman, қаған—қоқан, йадағ—йайов, атлығ—отлиғ. Г. Гейкел ва Ю. Неметлар талас ёномаларида <sup>1</sup> ундошининг бошқачароқ кўринишда учрашини таъкидлайди. Бироқ С.Е. Малов у Ўрхун ёзувидаги <sup>2</sup> нинг бошқачароқ кўринишидир, деб изоҳлайди<sup>3</sup>.

XI—XII аср тилида ҳам <sup>4</sup> ундошининг қўлланишида шу ҳолат сақланади: ағлақ—авлок; (*Длт*) урагут—хотин, улуг (*ҚБ*)—улуг йатғақ (*ҚБ*) — тунги соқчи.

Эски ўзбек тили даврида ҳам <sup>5</sup> ундоши жарангли-жарангсиз товушлар ҳамда жарангсиз чуқур тил орқа фонемалари ва тил орқа унлилари билан бирга келади: барғыл (*Рабг.*) — боргин, оғлан (*Тағ.*) — ўғлон, койуг—қуюқ.

Дедим: оғил мени сен бир қулунғға,  
Деди: кўп сўзлама борғил йўлунғға.

(Амирий)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам деярли эски ўзбек тилининг хусусияти сақланган дейиш мумкин.

Ҳозирги айрим туркий тилларда, жумладан, қипчоқ гуруҳига киравчи тиллар ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида бу товуш айрим фонетик ўзгаришга учрайди, яъни <sup>6</sup> в жараёни юз беради: боғ>бов, тоғ>тов каби.

<sup>7</sup> ундоши тил ўрта, портловчи, жарангли товуш бўлиб, қадимги туркий тилда <sup>8</sup> ундошининг тил олди шакли сифатида истеъмолда бўлган. Бу давр тилида сўз бошида қўлланмаган. Фақат сўз ўртаси ва охирида келиши мумкин бўлган: билгэ—ақлли, билимли, йигирми, бәг—бек, кичиг.

Маҳмуд Кошварий коф белгисини ингичка товуш деганда, табиий г ва к ундошларини назарда тутади<sup>9</sup>. Бинобарин, эски туркий ва баъзан эски ўзбек тили даврида

1 Малов Е.П. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.—Л., 1959, 64- бет.

2

Маҳмудов Қ. Кўрсатилган асар, 100- бет.

3

Ишаев А. Кўрсатилган асар, 40- бет.

4

Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком, изд. "Фан", т., 1975, 114- бет.

5

Маҳмуд Кошварий. Девон, 1,54, 56, 62- бетлар

қўим аксарият жарангли г ўрнида коф ҳарфи қўлланган: корклог-кўрклог, йигирми-йигирма.

Рафиқу бормудур меҳнатдин ўзга,  
Кўрарму ҳеч нима заҳматдин ўзга.

(Лутфий)

Эски ўзбек тили даврига келиб арабча, форсча-тожикча сўзлар ҳисобига г ундоши сўз бошида ҳам кела оладиган бўлади:

Гуллари навъини не де онча гул,  
Онча не гулким, санай олғанча гул.

(Навоий)

Бироқ бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, араб тилида адабий г товуши йўқ, шунга кўра араб тилига форс тилидан ўттан сўзлардаги г ундоши ж га ўтади. Гавҳар сузининг араб тилида Жавҳар шаклини олишининг сабаби шунда<sup>1</sup>.

Хозирги ўзбек адабий тилида ҳам эски ўзбек адабий тилидаги ҳолат давом этмоқда. Яъни ҳозирги ўзбек адабий тилида бу ундош инлаут ва онлаутда фаол ишлатилади. Сўз охирида келган г ундоши оғзаки талаффузда к ундошига яқинлашади: барг (барк), таг (таг-туг (тук) каби. Г товуши билан тутаган сўзларга г билан бошланувчи қўшимча қўшилган пайтда ҳар икки жарангли ундош жарангсизлашади, ёзуvida у ўз ифодасини шундай топади: барг + га > баркка, туг + ган > туккан каби.

Қ ундоши чуқур тил орқа, нортловчи, жарангсиз товуш. Қадимги туркий тилда маҳсус белги орқали ифодаланиб, тил орқа товушлари билан қўлланган. Сўзнинг ҳар уч ҳолатида кела олган: қаны, қара—қора, қирқ, тоқуз—тўқиз, йаблақ—ёмон каби.

Эски туркий тил даврида ҳам туркий сўзларнинг барча ҳолатида қ товуши учрайди, бу ундош орқа қатор унлилари ва ундошлари билан келиб, араб ёзуvida қоф ҳарфи орқали ифодаланади: қамуғ (Длт) — барча, йақшы (ҚБ) — яхши, бурундуқ—жилов ва б.

Эски ўзбек тили даврида ҳам қ ундошидаги бу ҳолат сакланди, яъни у оҳангдошлик қонуниятига амал қилиш

1 Рустамов А. Сўз хусусида сўз. „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, 1987, 84- бет.

билин бирга, сүзнинг боши, ўргаси, охирида кела олиш хусусияти давом этди: алқыш(*Таф*) — олқыш, қылғы (*Mn*) — қилғин, байлық (*XIII*) — бойлик.

Жон мамлакатин ёқти ёнар ўтка фироқинг,  
Жон танда күйди худ ул жону қароқинг.

(Лутфит)

Бу ўринда яна изоҳ талаб бир ўрин шундан иборатк туркий тиллар тарихининг барча даврида туркий сўларнинг интервокал нозициясидаги сўз ўзагида қ ундош қўлланган<sup>1</sup>.

Қадимги туркий тилга хос бир хусусият шундан иборатки, жарангли ва жарангсиз ундошлиар ёндош кела олган. Худди шу ҳолат кейинги давр тилида ҳам давом этди: қамуғқа (*Таф*)—барчага, анларқа (*Таф*) — уларга қушларқа (*XIII*)— қушларга.

Эски ўзбек тили даврида баъзи ҳолатларда жарангсиз қ ундошининг жарангли ғ ундоши билан баравар қўлланилишини Мехдихон алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Қиёсланг: булағ ва булақ, айағ ва айақ, қуруғ ва қурук, сарығ ва сарық, қатығ ва қатық, ағ ва ақ. Шунингдек, буйруқ-истак майли шаклида ҳам бу товушларнинг тенг қўлланишини таъкидлаган<sup>2</sup>.

Ҳозирги туркий тилларда<sup>3</sup>, шунингдек, ўзбек шеваларида қ товушининг қўлланилишида тил тарихидаги ҳолат сақланиб қолган. Яъни бу ундош сўзнинг барча ўринда, келиши билан бирга фақат тил орқа товушларнинг ёнида ишлатилади. Ўзбек адабий тилида эса сал бошқачароқ ҳолат кўзга ташланадики, бу айни пайтда имло билан, алифбо билан боғлиқ масала.

Ҳозирги ўзбек адабий тили даврида қ ундошининг нафақат сўзлар таркибида, балки ўзидан кейин келган қўшимча ва товушлар таъсирида айрим фонетик ўзгаришларга учрашида ҳам тил тарихидаги хусусият сақланиб қолган дейиш мумкин. Чунончи баъзан бир

<sup>1</sup> Малов С.Е. Юқоридаги асар; Айдаров F., кўрсатилган асар, 16; Назарова X. Захирiddин Мұхаммад Бобур асарлари учун қисқача лугат, Т. 1972, 25, 41 ва б.

<sup>2</sup>

Жаранг: Шчербак А.М., Юқоридаги асар, 83- бет

<sup>3</sup>

Батманов И.А. Современный киргизский язык, Фрунзе, 1963, 95- бет; Современный казахский язык. Алма-Ата, 1962, 63- бет.

Бүғинли сўз охирида келган қ ундошидан сунг эгалик ушимчаси қўшилса, бу товуш жарангли ғ га ўтади: ғўқ+и>йўги, (бори-йўги). Ўзлашган сўзларда бу ҳолат рўй бермайди. Ҳақ (ар.) + и > ҳаки. қ товуши билан тугаган икки ва ундан ортиқ бүғинли айрим ўзакларга эгалик қўшимчаси қўшилганда ҳам жарангсиз қ товуши жаранглишади ва шундай ёзилади: қулоқ + и > қулоги, оёқ и > оёфи каби. Айрим ҳолатда бу хилдаги сўзлар эгалик ушимчини олган пайтда ҳам сўз охиридаги жарангсиз ундоши ўзгаришга учрамайди. Бундай сўзлар фонетик принципга асосан ўша шаклда ёзилади: машқ+и—машқи, нутқ+и-нутқи каби. Оғзаки талаффузда қ ундоши сўз ўртасида баъзан ҳ шаклида айтилади: мақсад>маҳсат, мақтов>маҳтов, оқсоқ>оҳсоқ каби. Баъзан сонор ундошлилар олдидан келган қ нинг ҳ га ўтиш ҳолати ҳам учрайди: сакла>сахла, тўқмоқ>тўҳмоқ каби. Аммо қипчоқ шева вакиллари нутқида ўз ҳолича, яъни қ шаклида талаффуз итилади. Бошқа қипчоқ гурӯҳ туркий тиллар каби қипчоқ шевасида сўз охирида келган қ ундоши худди ғ, ғ, қ ундошларига ўхшаб аксарият ҳолатда в товушига ўтади, баъзан эса тушиб қолади: бүек>бойав, сариқ>сары каби.

К ундоши тил ўрта, портловчи, жарангсиз товуш<sup>3</sup>. К ундоши қадимги туркий тилда тил орқа, жарангсиз қ ундошининг тил олди шакли сифатида тил олди унлилари билан қатор қўлланган. Сўзниг ҳар уч ҳолатида—сўзниг боши, ўртаси, охирида кела олган. Қадимги туркий тил даврида ёзувда маҳсус белгиси мавжуд бўлган:

кийик, кўмуш, сэқиз—сакиз, әки—икки, тўрк, кек.

Эски туркий тил даврида ҳам к ундошидаги шу хусусият сакланиб қолди: бэдук (*Длт.*) — буюк, тилку (*Длт.*) — тулки, кундә (*ҚБ*) — кунда. Маҳмуд Кошварий

1 Бегматов Э., Исматуллаев Н. Ўзбек имлоси. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1979, 11- бет.

2

Усмонов У. Талаффуз маданияти. „Фан“ нашриёти, Т. 1976, 26- бет.

3

Қаранг: Киссен И.А. Краткий очерк фонетики русского языка в соотношении с фонетикой узбекского языка, Т., 1952, 79- бет; Решетов В.В. Узбекский язык, часть I. Введение, фонетика, Т., 1959, 266- бет; Махмудов А. Согласные узбекского литературного языка, изд. „Фан“, Т., 1986, 20—21- бетлар.

к ундошини коф деб атаб, уни қисқача изоҳлаб ҳам ўтади

Эски үзбек тили даврида унинг мустақил фонема бўлиши мустаҳкамланиш билан бирга к ундоши ёдномалар тилида оҳангдошлиқ қонуниятига тўлиқ амал қиласди, айни пайтда худди аввалги давр тилидагидек сўзнинг ҳар уч ҳолатида келади: экин (*Таф.*) — экин, көрклўк (*Таф.*) — кўрклиқ, кәрклўг (*МН*), кәнләк (*Раб*) — кўйлак.

Ҳар кечада ишқингда, жоно, кўзларим қон йиглади,  
Лола қон ютти-ю, оҳуи биёбон йиглади.

Кечалар анжум эмас, ерга тўкилган онқадар,  
Раҳм этиб, ҳолим кўруб, гардуни гардон йиглади.

(*Фурқат*)

к ундошининг туркий сўзларнинг барча нозициясида келиши ҳозирги туркий тилларнинг ҳам аксариятида сақланиб қолган<sup>1</sup>. Ҳозирги үзбек адабий тили ва унинг шеваларида ҳам к товушининг ишлатилишида тарихий ҳолатнинг давом этишини кўрамиз.

Ҳозирги үзбек тилида икки ва ундан ортиқ бўгинли сўзнинг охирида келган к жарангсиз ундош эгалик қўшимчаси таъсирида жарангли г ундошига айланади. Қиёсланг: эшик+и>эшиги, юрак+и>юраги каби. Бир бўгинли үзбек сўзларида, кўп бўгинли араб ва байнамилал сўзларда бундай ўзгариш рўй бермайди: юқ+и>юки, кўқ+и>куки, иштирок (ap) + и> иштироки каби. Сўз охирида икки ундош келадиган ўзлашган бир бўгинли сўзларда ҳам к ўзгаришсиз қолади: эрк (ap)+и>эрки каби. Шу ўринда яна бир ҳолатни алоҳида қиёслаб кўрсатиш керакки, үзбек адабий тилида сўз бошида к товуши қулланилгани ҳолда уғуз гуруҳига киравчи айрим туркий тилларда, жумладан, Озарбайжон

1

Маҳмуд Кошварий. „Девону луготит турк“, 1- жилд, 54, 59- бетлар.

2

Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II фонетика и морфология, ч. I, М., 1952, 68- бет; Современный казахский язык, Алма-Ата, 1952, 50-51- бетлар.

3

Кононов А.Н. Кўрсатилган асар, 27- бет; Иброҳимов С. Үзбек тилининг Андижон шеваси, Т., 1967, 79- бет; Дониёрөв Х. Кўрсатилган асар, 116, 117- бетлар.

тилида ва ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасида уша сўзларда товуши қўлланади<sup>1</sup>: кўз // гўз, кел // гал, кетди // үтти каби.

Тарихий далиллар ва ҳозирги жуда кўп туркий тиллар имда ҳалқ шевалари манбалари ғ, ғ, қ, қ ундошларининг тарихи битта, яъни дастлаб улар алоҳида-алоҳида фонема булмаган, кейинчалик дивергенцияга учраб, уларнинг ҳар бири алоҳида фонемалик хусусиятига эга бўлган, деган куносани айтишга имкон беради. Шунинг учун ҳам үшимишчалар қўшилиши муносабати билан бу товушларда фонетик ўзгариш содир бўлиб, биридан иккинчисига, яъни қарангиздан жаранглига ёки жаранглидан жарангизга куда осонлик билан ўта олади. Бу ундошлардаги шундай кусусият фақат ҳозирга келиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидагина шакллангани йўқ, у эски ўзбек тили даврида кам мавжуд эди<sup>2</sup>. Бунинг устига ҳалқ шеваларидаги бу тўрт ундошнинг баъзан бир-бирининг ўрнида қўлланилишига эътибор берсак, масала ўз-ўзидан янада ойдинлашади. Яъни бу ундошлардаги тараққиёт босқичини очиқ курсатиб беради.

Т ундоши портловчи, жарангиз товуш. Қадимги туркий тил давриданоқ мустақил фонема бўлган. Ёзувда тил орқа ва тил олди варианtlарига алоҳида-алоҳида белги қабул қилинган. Тил олди шакли тил олди унли ва ундошлар билан, тил орқа шакли тил орқа унли ва ундошлар билан қатор қўлланган. Қадимги туркий тил давридаёқ бу ундошнинг истеъмол доираси кенг бўлиб, сўзнинг ҳар қандай ҳолатида кела олган:

таш—тош, тоқуз—тўққиз, аты—оти, отуз—уттиз, атлат—отлантир; тәнры—тангри, турк—турк, кәлти—келди, төрт—тўрт каби. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, т ундоши жарангли ҳатто сонор ундошлар билан ҳам ёнма-ён кела олган: нт, лт тарзда.

XI—XII аср тилида ҳам т товушининг бу хусусияти да-

<sup>1</sup> Абдуллаев Ф. А. Фонетика хорезмских говоров. Т., 1967, 31- бет; Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. „Фан“ нашриёти, Т.: 1978, 12- бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази-хана Хивинского, М.—Л.: 1959; Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана; Грамматический очерк (имя и глагол. Грамматические категории). Изд. „Фан“, 1969 йил.

вом этди: кәнт (ҚБ.) — кент, оңулты (Длт) — ўнғалди. Бу давр тилида сонорлар ва жарангиз ундошлар ёнма-ён келганды сонордан кейин құлланған т ундоши ўрнида баъзан жарангли д ундошининг келиш ҳолати ҳам мавжуд<sup>1</sup>. Худди шундай ҳолат кейинги давр тилида ҳам давом этди. Шунинг учун ҳам профессор П.М. Мелиоранский XIV асрда ёзилған "Ибн Мұханна" асарида сонордан кейин жарангиз т ундоши жарангли д га ўтганлыгини қайд этади<sup>2</sup>. Эски ўзбек тили даврида сонорлардан кейин т ундоши құлланған: олтуруб (*Рабг.*) — ўтириб. Ҳозирги туркій тилларнинг аксариятида сонор товушлардан кейин жарангиз т жарангли д га (т>д) ўтган, баъзи тилларда бу фонетик жараён (йт, рт, мт, нт, дт) сақланған<sup>3</sup>. Айрим туркій тилде ҳамон сонордан сўнг жарангиз т ишлатилади<sup>4</sup>. Түғри, айрим сўзларда ҳозирги ўзбек тилида ҳам шу ҳолат мавжуд. Аммо асосан кейинги қонуният амал қиласы.

Эски ўзбек тили даврида ҳам т фонемасининг тил олди ва тил орқа варианти сақланды. Сўзнинг ҳар қандай ҳолатида құлланади: алты (*Рабг.*) — олти, турғай (*ХШ.*) — туради, кәтурғил (*Mн*) — келтирғин, тақын (*Замах.*) — тақин.

Кун тушда кўргали сени тушди заволға,  
Ой тонига қолди кеча боқиб ул жамолға.

(Лутфий)

Жусни қутқарыб меҳнат кунидин,  
Ўлукни уйғотиб ярмоқ унидин.

(Амирий)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам т ундошининг истеъмол доираси кенг бўлиб, сўзнинг барча ҳолатида ишлатилади.

Эски ўзбек тилидаги баъзи сўзларда сўз бошидаги жа-

<sup>1</sup> Маҳмудов Қ. „Ҳибатул ҳақойиқ“ тилида ишлатилған жарангиз ундошлар характеристикаси, „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали. 1966, 2-сон, 42-43- бетлар.

<sup>2</sup>

Мелиоранский П.М. Курсатилған асар, 78- бет.

<sup>3</sup>

Тенишев Э.Р. Тодаева Б.Х. Язык желтых уйголов. М., 1966, 16- бет; Малов С.Е. Древние и новые тюркские языки, изд. АН СССР, Т., VI, вып. 2, 1952; 139- бет.

<sup>4</sup>

Шербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970, 139- бет.

рангсиз т ундоши ҳозирги ўзбек адабий тилига келиб жарангли д ундошига айланди: тәңиз >дәңиз каби. Суз бошидаги т>д жараёни ҳозирги ўғуз гуруҳ тилларда, шунингдек, ўғуз шеваларида мавжуд. Тағ // дағ, тиш // дин каби. Бундай товуш жараёнининг сабабини ҳам тилимиз тарихида бу икки ундошнинг баъзан тенг ишлатилиш хусусиятидан қидирмоқ зарур.

Д ундоши тил олди, портловчи, жарангли товуш. Қадимги туркий тил давридаёқ мустақил фонема сифатида мавжуд бўлган. Икки варианти — тил олди, тил орқа бўлган. Суз бошида учрамаган. Суз ўртаси ва охирида кепча олган: адағ —айоқ, адғыр—айғир, қод—қўй; бәдиз — пақш, әдгў-эзгу, эсид—эшит каби. Эски туркий тил даврида д ундошининг сўз бошида ишлатилиш ҳолати ҳам учрайди: дәвә (Длт.) — түя, дақы (Длт.) — тағин, дәңиз (ХХ.) — денгиз каби. Айни пайтда қадимги туркий тилдагидек бу товушнинг сўз ўртасида ва охирида келиш ҳолати бу давр тилида шубҳасиз давом этди: адаш (ҚБ) — дўст, ўртоқ, қадаш (Длт.). Қадимги даврлардан бошлабоқ бу ундош ўрнида тиш ора з (з) ҳам ишлатилган<sup>1</sup>. қод-коз. Кейинчалик з, сўнгра й товушига ўтган. Туркий тиллардаги бундай фонетик жараён XI аср тили — эски туркий тил даврида ҳам давом этаётган эди. Жумладан, айыг сўзи баъзи қабила тилида ҳали азыг шаклида ҳам қўлланар эди<sup>2</sup>. Маҳмуд Кошгариининг изоҳлашича, айақ сўзи ҳам баъзи қабилалар тилида азақ... шаклида ишлатилган. Ёки азғир (Длт.) — айғир, боз (Длт.) бўй, азрыл (Замах.) — айрил каби. Қадимги туркий тилдаги әдгў сўзидағи „а“ унлисининг э га ва д ундошининг з га ўзгариши натижасида XI аср тилига келиб бу сўз эзгу (Қб) шаклига ўтди<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, бу товуш жараёни туркий тиллар тарихида жуда кенг тарқалган булиб, юқорида кўрсатилганидек, Маҳмуд Кошгари ўғуз, яғмо, ябақу, қай, тухси, татар ва бир тоифа қипчоқлар инлаут, интервокал ва ауслаут позицияларда з ундошини й

<sup>1</sup> Эслатма: баъзи олимлар тиш ора з д га нисбатан қадимиyroқ деган фикрни баён этади; Шчербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, 159—161- бетлар.

<sup>2</sup>

Маҳмуд Кошгари. „Девону луготит турк“, 1- жилд, 61- бет.

<sup>3</sup>

Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. „Фан“, Т., 1959, 144- бет.

шаклида талаффуз қилишини күрсатади. Яъни бу қабилалар тилида д>з>й фонетик жараёни мавжудлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Айрим қабилалар, масалан, чигил, бир гурӯҳ қипчоқ ва бошқа туркий қабилалар тиш-танглай з билан талаффуз қилса, бир гурӯҳ қипчоқ, сувор булғорларга яқин ҳудуддаги туркий қабилалар жарангли з билан талаффуз қилғанлигини изоҳлади<sup>2</sup>. Ўша давр тилида бундай хусусият баъзи ишларда маҳсус кўрсатилган<sup>3</sup>. Эски туркий тилига оид баъзи ёдномаларда айрим сўзларда инлаут ва интервокал позицияларда — дундоши қадимги тилларнинг хусусияти сифатида сақланиш ҳолати ҳам мавжуд. Қиёсланг: қодыңыз (*Таф.*) — қўйингиз, йўлгў. (*Х. Х.*) — эзгу<sup>4</sup>, адағ ("Угузнома") ёк<sup>5</sup>, будук (*Длт.*) — буюқ<sup>6</sup> ва бошқалар. Эски ўзбек тили ёдномаларида ҳам айрим сўзларнинг интервокал тиљида дундошининг сақланиши учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам баъзи сўзларда қадимги дундоши қадимги тилида хусусияти қудуқ, қадақ, идиш каби сўзларда қадимент (тараққий қилмай, ўзгармай, дастлабки ҳолатда) сифатида сақланиб қолган дейиш мумкин. Бу фонетик хусусият баъзи туркий тилларда ҳам, жумладан, ҳозирги Тува тилида адағ, қудруқ каби сўзларнинг таркибида учрайди<sup>7</sup>.

Эски ўзбек тили даврига келиб, туркий сўзларнинг асосий қисмида инлаут ва интервокал позицияда зундошининг й га ўтганлиги бир қанча олимларнинг

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. "Девону луготит турк", 1- жилд, 68- бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Ўша асар, 67—68- бетлар.

<sup>3</sup> 3

Маҳмудов Қ. „Девону луготит турк“ ва „Тафсир“ тилида айрим ундошлар ҳодисаси, „Ўзбек тили ва адабиёти“ журн., Т., 1972, 5-сон, 46—49- бетлар.

<sup>4</sup> 4

Маҳмудов Қ. Аҳмад Юғнакийнинг „Ҳибатул ҳақойик“ асари ҳақида, Т.6.1972, 167- бет.

<sup>5</sup> 5

Щербак А.М. Огуз-наме, Мухаббат-наме, М., 1959, 2—8- бетлар.

<sup>6</sup> 6

Маҳмуд Кошғарий. Ўша асар, 366- бет.

<sup>7</sup> 7

Басқаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969, 317—318- бетлар.

ишиларида қайд этилган<sup>1</sup>. Эски ўзбек тилида д товуши сўзнинг барча ҳолатида кела олади: дэвана (*Таф.*) — дост, қадар (*С.С.*) қадр (*Мн.*), дард (*Мн.*).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам тил тарихидаги хусусият сақланган, яни д ундоши сўзнинг ҳар уч ҳолатида кела олади<sup>2</sup>. Бироқ сўз охирида келган жарангли д тошуши жарангиз т шаклида талаффуз этилади. Аммо бу хусусият орфографияда ўз аксини топмайди. Яъни имлода д шаклида ёзилади. Бир гуруҳ туркий тилларда д ундошининг истеъмол доираси фаоллашган<sup>3</sup>, баъзиларида эса туркий сўзларда д ундошининг қўлланиши кенгайган ёмас<sup>4</sup>.

Й ундоши тил ўрта, сирғалувчи, сонор товуш. Қадимги туркий тил давридан мавжуд бўлиб, икки вариантилер. Тил ўрта шакли тил олди товушлари билан, тил орқа шакли тил орқа товушлари билан ёнма-ён қўлланган. Сўзнинг барча ҳолати — боши, ўртаси, охирида кела олган: йағы—душман, йана—яна, тағин, йол—йўл, йуйقا—юпқа, буйруқ, бай—бой; йуз, йўқун, кийик каби. Эски туркий тил даврида бу товуш барча товушлар билан сидош кела олган: йуз—бет, қайу — қайси, қайнар каби. Бу давр тилида й ундоши араб, форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар таркибида ҳам кела бошлади. Бунинг устига баъзи фонетик (д>й, з>й, р>в>й ва б)<sup>5</sup> жараёнлар ҳисобига ҳам й товушининг истеъмол доираси ортди, дейиш мумкин. Масалан, XI аср тилида йаз ва йай сўзлари қатор қўлланганини, ҳатто йаз шакли фаолроқ бўлганлигини Маҳмуд Кошғарий таъкидлаб ўтади. Бу товушнинг истеъмол доираси эски ўзбек тили даврига келиб янада кенгайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам й ун-

<sup>1</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюрских языков, М., 1974, 105, 107, 516—517- бетлар.

<sup>2</sup>

Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 26- бет; Решетов В.В. Узбекский язык. Т., 1959, 217- бет.

<sup>3</sup>

Кононов А.Н. Юқоридаги асар, 27- бет, Грамматика туркменского языка, Ашхабад, 1970, 50—51- бетлар.

<sup>4</sup>

Баскаков Н.А. Каракалп. язык, Фонетика, 1,65- бет; Современный казахский язык, Алма-Ата, 1962, 49—50- бетлар.

<sup>5</sup>

Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, 1969, 173- бет; Севортян Э.В. Курсатилган асар, 287—288- бетлар.

доши сўзнинг барча ҳолатида ва барча товушлар билан ёндош кела олади. Бироқ айрим сўзларнинг оғзаки талафузида, з ва й товушларининг тенг ишлатилиши ҳамон учрайди:

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон,  
Севгисидан янги бир достон.

(Х. Олимжон)

Ж ундоши қадимги туркӣ, Ўрхуя-Энасой ёдгорликлари тилида ўзининг ҳарфий белгисига эга эмас. Қадимги уйғур ёзув ёдномаларида, шунингдек, „Девону луготит турк“, „Кутадғу билиг“ да ж ундоши туркӣ сўзлар таркибида қўлланади: жарылады (Длт. III)— жағиллади, шариллади, корығжын (Длт. I)— қўроғонин, чожулду (Длт. II)— чўзилди, эринж (Длт. I) — равонлик, эриж (ҚБ.) — фарорат. Эски ўзбек тили даврида ҳам бу товуш туркӣ ва ўзлашган сўзлар таркибида иштирок этади:

ажун (ХШ.) — дунё, аждада (Таф.) — аждарҳо. Ж ундошининг ҳам қадимги туркӣ тил даврида ҳарфий ифодаси йўқ. Маҳмуд Кошғарий арабча ж ҳарфи билан ёзилган сўзларни изоҳлар экан, бу ҳарф жарангсиз ч ундошининг функционал белгиси<sup>1</sup> деган фикрни билдиради, қиёсланг: еч (Длт.) ўч, сач (Длт. I) — соч каби. „Кутадғу билиг“, „Ҳибатул-ҳақоиқ“ асарларида ҳам ж ундоши ўзлашган сўзлар таркибида қўлланган. Айни пайтда бундай фикрни XIII—XIV аср ёдномалари тилига нисбатан ҳам айтиш мумкин: наҳҷат (Рабг.) — наҳжот, жинс (ХШ)—жинс, ҳижрат (Таф.) — хижрат, жақсан (Таф.) жаҳон каби. Жарангли аффрикат ж ундоши эски ўзбек тилида туркӣ сўзлар таркибида жарангсиз аффрикат ч товушига вариант сифатига шаклланган<sup>2</sup>. „Бадъеуллугат“ да жими арабий яъни жарангли ж товуши туркӣ сўзлар таркибида қўлланилиши қайд этилган: жиң—йулдош, жыданоқ—чидаш, жигит—йигит каби сўзлар берилган. Табиийки, ж ундошининг истеъмол доираси

1 Маҳмуд Кошғарий, ДЛГ, 1,66—67- бетлар.

2 Маҳмудов Қ. XIII—XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси, 106- бет.

3 Кононов А.Н. Родословная туркмен. М.—Л., 1958, 121- бет.

4 Боровков А.К. Бада-а-ал-лугат. 55 а, 55 б-бетлар.

қозирги ўзбек<sup>1</sup> ва бошқа айрим туркий тилларда кенгайди<sup>2</sup>.

W ундоши лаб-тиш товуш бўлиб, қадимги туркий тил даврида мавжуд бўлмаган. Қадимги уйғур ёдгорликларида бу товуш б, f, g товушларининг фонетик ўзгариши асосида шаклланган<sup>3</sup>. Маҳмуд Кошғарий бу товушни соф турклар лаб-тиш шаклида талаффуз қилганлигини таъкидлайди. Шунга асосан ҳам w иккиласми товуш сифатида эски туркий тил даврида истеъмолда бўлган дейиш мумкин. Айни пайтда w лаб-тиш товуши эски ўзбек тилининг ҳам маълум давригача қўлланиб, ёзувда маҳсус ҳарф орқали ифодаланди: йawuz (таф.) — ёвуз, сув (таф) — сув, awut (Таф) — овут, tawuқ — товуқ, қувуб (ХШ.) — қувуб.

Эски ўзбек тилининг маълум даврига келиб лаб-тиш w товуши лаб-лаб в товушига айланган. Табиийки, w ундоши қозирги ўзбек тилигача етиб келмади.

В ундоши лаб-лаб товуш бўлиб, б, f, g, w ундошлирининг фонетик ўзгариши натижасида шаклланган бўлиб, у қадимги туркий тилда мустақил фонема сифатида мавжуд эмас. Унинг шаклланиши Маҳмуд Кошғарийнинг гувоҳлик беришича, эски туркий тил даврига тўғри келади:

ав (Длт.) — ов, эв (Длт.) — уй, увут (Длт.) — уят, каби. Айни пайтда Маҳмуд Кошғарий ўғузлар бу товушни лаб-лаб тарзда талаффуз этганлигини алоҳида қайд қилиб ўтади. Эски ўзбек тили даврида ҳам бу товуш жарангли ва жарангиз ундош ҳамда тил олди ва тил орқа унлилари билан қатор кела олган: кавақ (Taф.) — кавак, қовса мэн

<sup>1</sup> Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўгуз лаъжаси лексикаси. Т., 1973, 102, 116- бетлар; „Дониёров Х. Қипчоқ диалектининг лексикаси, “Фан”, Т., 1979, 85, 90- бетлар.

<sup>2</sup>

Севортиян Э.В. Материалы к сравнительной фонетике турецкого, азербайджанского и узбекского литературных языков. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Т. 1, м., 1955.

<sup>3</sup>

Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М., —Л., 1961, 46—47- бетлар; Рясянен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., 1955, 167—168- бетлар.

<sup>4</sup>

Куришканов А.К. Исследование по лексике тюркско-арабского словаря, Алма-Ата, 1970; Фазилов Э.И. Староузбекский язык, Т. 1, Ташкент, 1966, Т. 2, Ташкент, 1971.

(ХШ.) — қувсам, сэвэмэн (МН.) — севаман. Бу ундош ҳозирги ўзбек тилигача етиб келди.

Ф ундоши лаб-тиш сирғалувчи, жарангиз ундош Қадимги туркй тилда товуш сифатида мавжуд бўлмаган. Эски туркй тил даврига келиб араб ва форс тилининг таъсирида шаклланди. Форс тилига ҳам араб тилидан ўзлашган товушдир. Ф ундошининг эски ўзбек тили даврига келиб нисбатан истеъмол доираси кенгайди: фаришта (Таф.) — фаришта, фарман (ХШ.) — фармон каби.

Фироқинта мени солди қароқинг,  
На ҳожат қийнаса эмди фироқинг.

(Лутфий)

Бу ундошнинг баъзан лаб-лаб шаклда талафуз этилиши айрим ҳолатда ёнидаги унлиниг таъсиридан ҳам бўлган бўлиши мумкин. Масалан, фусун, фузун сўзларидаги Ф ундошини аввалги сўзлардаги Ф товуши билан қиёсланса, улардаги фарқ маълум даражада сезилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам Ф товуши худди эски ўзбек тилидагидек фаол ишлатилади. Бироқ ўзбек шеваларида Ф мустақил фонема сифатида учрамайди. Чунки ҳалқ шеваларида ўша тарихийлик хусусияти мустаҳкам.

Х ундоши қадимги туркй тилда мавжуд бўлмаган. Унинг ҳарфий ифодаси ҳам йўқ. Уйғур ёзувида қ ва ҳ ундошлари битта белги билан ёзилган. Келиб чиқиши зътибори билан қ ундошига бориб тақалувчи (бу фаразияни ҳозирги айрим туркй тиллар ва ўзбек шеваларининг аксариятида х ~ қ ёнма-ён қўлланилиши ҳам исботглайди) х товушнинг туркй сўзларда қўлланилиши эски туркй тил даврига тўғри келади: хан (Длт.) — кон, хайу (Длт.) — қайси, ахсақ (Длт.) — оқсоқ. Бу давр тилида араб, форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда сирғалувчи ҳ ундоши қўлланади: ҳалқ (ҚБ.) — ҳалқ, хирад (ХХ.) — оқил. Бу товушнинг истеъмол доираси эски ўзбек тили даврига келиб янада кенгайди: хатун (Рабг.) хотин, ҳанлық (ХШ.) — хонлик.

Лофт урур зулфунг била мушк аслида бордур хато,  
Ҳар кишининг аслин билса бўлур ахлоқидин.

(Лутфий)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ҳ ундоши фаол

ишилатилади. Аммо баъзи туркий тилларда, жумладан, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз тилларида, шунингдек, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида бу товушнинг ўрнида қ ундоши қўлланилиб, тарихийлик сақланади.

Ҳ ундоши бўғиз, сирғалувчи, жарангсиз товуш. Қадимги туркий тилда бу товуш фонема сифатида учрамайди. Бироқ эски туркий тил даврида айрим қабила-ларнинг тилида бу товуш қўлланилади. „Девону луготит турк“ да ҳ товуши ҳойи ҳавваз билан берилган бўлиб, Маҳмуд Кошғарий бу давр тилида икки ҳолат бўлганлигини қайд этади. Қиёсланг: өл нэҳ—ҳўл нарса, өл тон —ҳўл тўн; өш-өш—чарс сигирларни соғиша айтиладиган хўш-хўш сўзи; ул анинг товарын өплэди — у унинг молини ҳәплэди— еб юборди, нес-нобуд қилди, демакдир. Ёки ҳата—ота, ҳана—она каби.

Айни пайтда бу давр тилида ўзлашган сўз таркибида ҳам ҳ ундоши иштирок этади: ҳам, илаҳий, раҳмат каби. Табиийки, эски ўзбек тили даврига келиб әраб, форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар ҳисобига<sup>1</sup> ҳ ундошининг истеъмол доираси нисбатан кенгайган:

Фам шоми аро қўлумни туттунг,  
Ҳижрөн тунида кўзум ёруттунг.  
Мадҳингни этай не навъ зоҳир,  
Шукрунгни не тил била дей охир?

(Навоий)

Айрим туркий тилларда баъзи ундош товушларнинг фонетик ўзгаришга учраши натижасида ҳ ундоши шаклланган. Масалан, сөз//ҳөз (бошқирд), керәк//ҳэрәк, көл//ҳөл (Тува) каби<sup>2</sup>.

Ҳозирги ўзбек тилининг сингармонизмли шеваларида ҳ ундоши туркий сўзлар таркибида ҳам қўлланилади: ур>ҳур, урк>ҳурк, өркәч> ҳөркәч каби. Тошкент шеваси

1 Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, 1,40, 48, 68, 69, 285- бетлар.

2 Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка, 64- бет.

3 Дмитриев А.К. Грамматика башкирского языка. М., 1946. 27- бет; Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969, 291- бет\* Шербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970, 98-99- бетлар.

вакиллари нутқида ҳ ундоши мустақил фонема сифатида учрамайди. Кўпинча унинг вазифасини чуқур тил орқа ҳ товуши бажаради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим туркӣ ва ўзлашган сўзлар таркибида ҳ ундоши мустақил фонема сифатида фаол ишлатилади.

Ц фонемаси — тил олди, қоришиқ, портловчи, жарангиз ундош товуш<sup>1</sup>. Бу товушнинг ўзбек тилида қўлланилиши тарихи XX асрга тұғри келади. Чунки XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия Ўрта Осиёни босиб олди. Натижада ўзбек тилига рус тили орқали турли сиёсий лексика ва атамалар кириб кела бошлади. Бундай сўзларни биз дастлаб Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Завқий, Аваз Үтар асарларида учратамиз. Шунингдек, бу давр тилида газета-публицистика услуги пайдо бўлди. Бу услубнинг шаклланишида Саттархон, Исҳоқхонлар муҳим роль ўйнаб, уларнинг асарларида ҳам шундай атама ва сўзлар анчагина. Ана шу сўзлар таркибида ишлатилган ц ундоши энди ўзбек тилига ҳам киритила бошлади. Бироқ бу ўринда шуни алоҳида изоҳлаб кўрсатиш керакки, биринчидан, бу даврда ўзлашган русча сўзлар, асосан, оғзаки шаклда кириб келган. Чунки бу даврда чет сўзлари учун маълум бир орфографик қоидалар белгиланмаган эди. У даврда „қандай талаффуз қиласанг, шундай ёз“ деган қоида ҳукмронлик қиласиди. Шунга кўра, бу давр ёдномаларида сўзлашув нутқида қандай талаффуз қилинса, шундай ҳолатда ёзилган сўзлар учрайди. Масалан, купес (купец), полиска (полиция), чор (царь), апитетер (офицер) каби. Сои, ариқларда сават бирлан полиска ағдариб... (Муқ.) Иккинчидан, XX аср бошларидағи араб ёзувидағи ўзбек матбуотида ц йўқ. Ҳатто, 30- йилларда (лотин алифбосида) ҳам бу ҳарф ёзилмаган. Ц иштирок этган сўзлар оғзаки нутқда баъзи ҳолатларда ҳозир ҳам турли варианларда талаффуз этилиши учрамоқда. Бу ёзууга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хулоса шуки, бу товуш ўзбек тилига умуман сингмади. Демак, у алифбода ҳам ортиқча белги.

Қаранг: Авансесов Р.И. Фонетика современного русского литературного языка, М., 1956; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. М.—Л.: 1960; Матусевич М.И. Современный русский язык, Фонетика, М., 1976.

2

Турсунов У. Үринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи, Тошкент, „Ўқитувчи“, 1982, 126- бет.

## Баъзи товуш жараёилари

Маълумки, туркий халқлар турли қабилаларнинг борикуви асосида ташкил топган экан, бу ўз навбатида улар тилларидаги хилма-хилликларни ҳам юзага келтира бошлади. Талаффуздаги фарқ, тафовут эса айни пайтда турли фонетик жараёnlарни шакллантиради. Табиийки, туркий товушлардаги юмшоқлик, қаттиқлик, кенглик ва торлик масалалари бир-бирига таъсир қилиши натижасида ҳам фонетик жараёnlарнинг айримлари содир булади.

1. Туркий тилларга аслида чўзиқлик хос эмас. Бу хусусият асосан араб тилига хос. Туркий тилларга араб тилининг таъсири натижасида эски ўзбек тили даврига келиб чўзиқлик ҳам бальзан маъно ажратиш хусусиятига ўта була бошлади. Қиёсланг: қадимги туркий тилда аз//эски ўзбек тилида а:з (*Таф.*); қ.т. ат// эски ўзбек тилида а:т.

2. Айрим ҳолатда эски туркий ва эски ўзбек тили даврига келиб қадимги туркий тил давридаги кенг, тил орқа а унлисининг лабланган, тор у унлисига ўтганлигини ҳам учратиш мумкин: йоған — йоғун (*Таф.*)

3. Қадимги туркий тил даврида ўрта кенг ә унлиси мавжуд бўлмаган. Унинг шаклланишида кенг ә (қисман а) товушининг маълум даражада торайиши ва тор и унлисининг кенгайиши асос бўлган. Ҳатто бу товушлар тил тарихининг маълум даврида тенг ҳам қўлланган. Масалан, „Девону луғотит турк“ да Самарқанд Сэмизкэнд (Длт., Ш, 164) — Самарқанд тарзда қўлланган. амты>эмди (Длт.), эдгу>эзгу (*Рабг.*); йир>йэр (*Рабг.*), каби.

4. Туркий тиллар тарихида лабланган, ўрта кенг о ва лабланмаган, ўрта кенг ә унли товушлари мослигини ҳам учратиш мумкин<sup>1</sup>. Масалан, (Навоий.) өчку // (Навоий) эчку.

Ө ва Э товушлари мослиги ҳозир айрим туркий тилларда<sup>2</sup> ва ўзбек шеваларида ҳам мавжуд. Чунончи, бу

1

Рясианен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., 1955, 57- бет.

2

Убрыатова В.И. Опыт сравнительного изучения фонетических особенностей языка населения некоторых районов Якутской АССР, 1960, 45-49-бет. Шчербак А.М. Сравн. фонет. тюрк. яз. 41, 153- бетлар.

сўзлар қипчоқ шевасида ҳамон тэбә адабий тилда тепе, бағдан шевасида өчки, адабий тилда әчки тарзда талаффуз этилади.

5. Тилимиз тарихида тор, лабланган у ҳамда тор, лабланмаган тил орқа і унлиларининг тенг қўлланган ҳолати ҳам учрайди: булат (*ҲҲ*) — булыт (*Длт.*) қумус (*ўғуз*) — қымыз (*Гулх.*)

оғул (*Таф*) — оғыл (*Бн.*) — ўғил. Туркий тилларда унлилардаги бундай мосликни баъзи турколог олимлар қайд этиб ўтганидек, худди шундай мослик ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам учрайди. Масалан, адабий тилда булат, қипчоқ шевасида былыт.

6. Айрим сўзлардаги лабланган, тил орқа, тор у унлиси даврлар ўтиши билан лабланмаган кенг, тил орқа а, ҳозирги ўзбек тилига келиб эса ә товушига айланди. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги ўша (*өшә*) кўрсатиш олмоши эски ўзбек тили даврида ош (*өш*) ва ул сўзларининг қўшилиши асосида ясалиб, ҳозирги ҳолати бу сўзниг бир қанча фонетик жараённи кечиришдаги сўнгги шаклидир:

ошул (*Таф.*) ошал (*Муқ.*) — ҳозирги ўзбек тилида өшә (*ӯша*).

7. Одатда кейинги бўғинда лабланган унлини талаффуз қилиш қийин. Шунинг учун ўзбек тили тарихида баъзи сўзларда кейинги бўғинда келган лабланган, тор, тил олди у унлиси, кенг, лабланмаган, тил олди ә унлисига ўтган: бөлүк (*Таф.*) бөләк (*Навоий.*) Ҳозирги ўзбек адабий тили ва ҳалқ шеваларида ҳам кейинги жараён қўлланади.

8. Қорлуқ, чигил, қипчоқ қабила тиллари учун хос бўлган т ундошининг ўғуз қабилалари тилида д тарзда талаффуз қилганигини Маҳмуд Кошғарий маҳсус таъкидлаган эди. Жумладан, ўғузлар тешик маъносини билдирувчи өт сўзини өд тарзда талаффуз қилишини ёзади. Бундай хусусият Ибн Муҳанна асарида ҳам мавжуд эканлигини П.М. Мелиоранский ҳам қайд қиласиди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Севортян Э.В. Этим. слов. тюрк. яз. 574—576- бетлар; Щербак А.М. Срав. фонет. тюрк. языков. 143—158- бетлар.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий, "Девону луготит турк", 1,67- бет.

<sup>3</sup> Мелиоранский П.М. Араб. филолог о тюркс. языке, 34- бет.

ини пайтда бир асарнинг ўзида ҳам жарангсиз т ва жаңгли д ундошлари баравар қўлланади: ТЭВЭЙ (Длт.) шэй (Длт.) — түя, ёт (Длт.) ёд (Длт.) тешик, тақы (Рабг.)> дағы (Рабг.) — тағин.

Туркий тиллардаги т>д жараёни хусусан ғарбий гуруҳ туркий тилларда ёзилган асарларда янада кўпроқ учрайди. Бундай жаранглашиш ҳодисаси ҳозирги ўгуз лаҳжасида ҳам юз берган<sup>1</sup>. атлы>адлы, тағ>дағ, тил>дил ва б.

9. Туркий тилларда т>ч жараёни ҳам анча қадимий. Қадимги туркий тил даврида экинти<sup>2</sup> — иккинчи сўзи гартиб сон маъносида қўлланган бўлиб, эски туркий тил даврига келиб т>ч ҳодисаси амал қилди. Бу жараён “Денону луготит турк” да ҳам учрайди.

чатыр (Длт.) чачыр (Длт.). Ўзбек тилида т ва ч тошларининг алмашиниб қўлланилиши мавжудлигини Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам таъкидлаб ўтади<sup>3</sup>. Бу фоиетик жараён ҳозирги айрим туркий тилларда (масалан, чуваш) сақланиб қолганидек<sup>4</sup>, ўзбек тилида ҳам баъзи сўзларни тенг қўллашда (масалан, карт ва карч, арт ва арч каби) қўзга ташланиб қолади.

10. қ>ғ ҳодисаси ҳам туркий тилларда қадимдан, яъни эски туркий тил давридан бошлаб рўй берган дейиш мумкин:

тақузмақ (Длт.) тағузмақ (Длт.) — пакана. Бу жараён эски ўзбек тили даврида давом этди: тупроқ (ХШ.) тупрағын (МН.) ақа (Ш. Турк.)> аға (Гулх.) каби.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шеваларида

<sup>1</sup>

Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўгуз лаҳжаси лексикаси, 127—128-бетлар; Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров; Т., 1967, 92- бет.

<sup>2</sup>

Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюрской письменности VIII века, А.А. 1971, 174- бет.

<sup>3</sup>

Тўйчибоев Б. “Бобурнома” — Қомус, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992, 27- бет.

<sup>4</sup>

Щербак А.М. Юқоридаги асар, 167- бет.

ҳозир ҳам айрим сўзларда қ>ғ фонетик жараёни даво этмоқда<sup>1</sup>.

11. Мальумки қадимги туркий тил даврида, яъни дул барчин алифбосида сирғалувчи ҳ ундоши йўқ. Ўйғу алифбосида эса қ ва ҳ ундошлари учун битта белги бўлганлигини С.Е. Малов алоҳида таъкидлайди<sup>2</sup>. Маҳмуд Кошғарий бу давр тилида ўғуз қабила тилида портловчи қ товуши айрим ҳолатларда сирғалувчи ҳ товуши билан ифода этилганлигини, бошқача қилиб айтганда қ>ҳ товуш жараёни юз берганлигини уқтиради<sup>3</sup>.

қыз (Длт.)>хызы (Длт.); қанда (Длт.) ханда (Длт.) — қаерда; қайу (Длт.)>хайу (Длт.) — қайси.

қ>ҳ фонетик жараёни эски ўзбек тили даврида давом этди:

тоқсан (БН.) тоҳсан (Ш. Турк.) чоқ (Гулх.)>чоҳ (Гулх.). Табиийки, бу ўринда ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳ ундоши ишлатиладиган сўаларда қипчоқ гуруҳига киравчи туркий (қозоқ, қорақалпоқ) тилларида ва ўзбекларнинг кипчоқ лаҳжасида жарангиз, портловчи ҳ ундошининг қўлланилиши туркий тиллардаги тарихийлик билан боғлиқ ҳолатdir.

12. Маҳмуд Кошғарий айрим қабилалар тилида ҳ ундошининг қўлланилиши ҳақида изоҳ берар экан, бу товушнинг баъзи қабилалар тилида баъзан айрим сўзини олдида (масалан, ёш-ёш—хеш-хеш каби), баъзан қ>ҳ жараёни асосида шаклланганлигининг гувоҳи бўламиз: ўки (Длт.) >ӯхи (Длт.) — укки. Бу ҳолат ҳ товушнинг ҳозирги айрим туркий тилларда (масалан қозоқ) ҳамда Тошкент шаҳар шевасида ҳамон талаффуз этилмаслигининг сабабини бизга изоҳлаб ҳам беради. Шунингдек, туркий тиллар тарихида қ>г, қ>з, қ>й, қ>ч, қ>ш фонетик жараёни ҳам юз берганки, бу шаклдаги ҳодисалар ҳам уёки бу туркий тилда учраганидек, ўзбек шеваларида ҳам мавжуд.

13. с>ч фонетик жараёни ёки с//ч ҳодисаси қадимги

Конопов А.Н. Грам. совр. узб. лит. яз. 28-бет; Шоабдураҳмонов Ш. Фонетика, Тошкент обласи ўзбек шевалари, Т., 1976, 19- бет.

2

Малов С.Е. Пам. древн. тюркс. письм., 106- бет.

3

"Девону луготит турк", 1, 395, Индекс., Тошкент, 1967, 317—318- бетлар.

туркий тил давридан мавжуд: саб//чаб—шұхрат. Бу фонетик жараён эски туркий тил даврида ҳам давом этди. caw (Длт.) //чаш (Длт.) — сүз. С>ч жараёни ёки с//ч қодисаси эски узбек тили даврида ҳам учрайди: сүчүк (Лутфий) // чучук (Махмур). Бу фонетик жараённи ўзбек шеваларини, хусусан қипчоқ шевасини адабий тил билан қиёслайдиган бўлсак ҳалқ шеваларида ҳамон бу жараён мавжудлигига гувоҳ бўламиш: сач// чеч, сичқон // чычқан, соқич//чақыч ва б.

14. с>ш ёки с//ш жараёни қадимги туркий тил давридаёқ мавжуд бўлган: бәс//бәш—бәш, киси//киши каби. Бу фонетик жараён эски туркий тил даврида ҳам давом этган: сәч (ҚБ) // шәш-шәш (Длт.) — еч.

киси (Длт.) // киши (Длт.). Табиийки, эски ўзбек тили даврида ҳам (сунқар // шунқар) с//ш жараёни кўзга ташланади. Бундай ҳолат ҳозирги айrim туркий тилларда (қозоқ, қорақалпок, қирғиз) сақланиб қолди. Ҳатто с ва ш товушининг мослиги озарбайжон тилида ҳам учрайди<sup>2</sup>.

15. ч>ш ёки ч//ш ҳодисаси қадимги туркий тил даврида мавжуд бўлганидек, эски туркий тил даврида ҳам амалда бўлди: чачыр (Длт.) чашыр (Длт.) — чодир. Нәчә // нәшә каби. Эски узбек тили даврида ҳам ч>ш ёки ч//ш фонетик жараёни кўзга ташланади: эчки (Аттуҳфатуз.) эшки (Аттуҳфатуз.) — эчки. Барча (Аттуҳфатуз.) барша (Аттуҳфатуз.) — барча. Учты (Муқ.) ушды (Ш. Турк.). Ҳозирги айrim туркий тилларда ч>ш ёки ч//ш жараённинг кенгайтланлиги ҳам туркий тиллар тарихидаги қонуният билан белгиланади. Айни пайтда бу жараён ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам сақланиб қолга.

Басқаков Н.А. Карака. яз.ч. II, I, 77- бетлар; Современный казахский язык, Алма-Ата, 1962, 54—55- бетлар, Батманов И.А. Современный киргизский язык, Фрунзе, 1963, 99- бет.

2

Ширалиев М.Ш. Кипчакские элементы в азербайджанском языке (Исследование по грамматике и лексике тюркских языков). Ташкент, 1965, 11—12- бетлар.

3

Современ казах. язық.А—А. 1962, 58- бет; Батманов И.А. Современ. киргиз. яз. Фрунзе, 1963, 100- бет. Ишсаев А. Қорақалпогистондаги ўзбек шевалари, Т., 1977, 15- бет.

16. ч>й ёки ч//й фонетик жараёни ҳам туркый тилларда амалда бўлган: чэс (*Гулх.*) йэш (*Келурн.*) еч чуғду (*Длт.*) йуғду (*Длт.*) — туяниңг узун юнги. Эски туркый ва эски ўзбек тилидаги бу фонетик жараёни ҳозирги ўзбек шеваларининг айримларида, жумладан қипчоқ шевасида ҳозир ҳам мавжуд: чэч>йәч каби.

Бу ўринда маҳсус таъкидлайдиган бир ҳодиса яна шундан иборатки, айрим туркый тилларда ч//й (жумладан уйғур) ҳодисаси натижасидаги й сонор ундоши жаранглыж—ж товушларига ўтди<sup>1</sup>. Бу ҳодиса хусусан қипчоқ гурӯҳ туркый тилларда ва ўзбекларнинг қипчоқ шевасида тўлиқ амал қиласди. Ўғуз гурӯҳ туркый тилларда ва ўзбек адабий тилида й ундоши қўлланади.

17. Туркый тиллар тарихида б ундоши ҳам айрим фонетик ҳодисага учраган. Чунончи, қадимги туркый тил давридаёт баъзан б>w жараёни содир бўла бошлаган: ёб—әв—уй, йаблақ—йашлақ - жуда. Бу фонетик жараёни эски туркый тил даврида ҳам давом этди: убут (*ХХ.*) увут (*Длт.*) - уят. Аммо эски ўзбек тили даврига келиб бу фонетик жараёни б>w>v>й тарзда босқичма-босқич тадрижий тараққиёт босқичига етган эди. Шунинг утгув суб>суу>сув//суй, /әбжw>әв уй тарзидаги шаклларнинг охирги й кўриниши истеъмолда эди. Дарҳақиқат бундан жараённинг босқичини ҳозирги туркый тиллардаги уй туйё тарздаги сўзларнинг шаклларига қараб ҳам белгилап мумкин.

18. Туркый тиллар тарихининг дастлабки давридан бошлабоқ б>m жараёни содир бўлган. Эски туркый тил даврида уларнинг баъзи ҳолда мос равишда тен қўлланганлитигининг гувоҳи буламиз: бэн (*Длт.*) мэн (*Длт.*), бун (*Длт.*) мун (*Длт.*) — шурва. Эски ўзбек тили даврида ҳам бу жараёни давом этди. Чубчуқ—чумчук (*Гулх.*) тарзда. Айни пайтда баъзи сўзлардаги б ундоши тулиқ м га ўтиб ултурган ҳам эди, дейиш мумкин: бунқ>муң (*қайғу*) бинқ>минқ каби. Бундай хусусият ҳозирги туркый тилларда ва ўзбек тилининг шеваларида ҳамон кўзга ташланади: бунча//мунча, буны// муны каби.

19. б>v фонетик жараёни, асосан, эски ўзбек тили

1 Кайдаров А. Развитие современного уйгурского литературного языка, Алма-ата, 1969, 316- бет.

даврига тұғри келади: қабақ//қавақ (*Таф.*) бирләшебиз (*Таф.*) бирләшөвуз. (*Таф.*)

Мәнгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қобоқлари кенг-кенг, оғизлари тор.

(*Навоий*)

Хозирги ўзбек шеваларининг айримларида, чунончи, қипчоқ лаҳжасида баъзан дастлабки қолат сақланса, айрим шеваларда, масалан, Тошкент шевасида кейинги жарайн ўз ифодасини топганлигининг гувоқи бўламиз.

20. F>w фонетик жараёни эски туркий тил даврида мавжуд бўлган. Масалан, қағурмач (*Длт.*) қаурумач (*Длт.*).

Эски ўзбек тили даврига келиб лаб-тиш товуши тұлиқ лаб-лаб в товушига ўтди. Хозирги ўзбек тили ва унинг шеваларида ё дастлабки f, ёки лаб-лаб в товуши ишлатилади. Лаб-тиш w товуши ҳозирги ўзбек тилига етиб келмади.

21. Қадимги туркий тил даврида лаб-лаб в товуши фонема сифатида мавжуд бўлмаган. Унинг қўлланилиши асосан эски туркий тил даврига тұтри келиб, у F>w жараёни асосида шаклланди: қағут (*Длт.*) > қавут (*Длт.*) — янги туқсан хотинлар овқати. қағун (*Длт.*) қавун<sup>1</sup> қофур (*Длт.*) қавур<sup>2</sup>. Бу жараёни эски ўзбек тили даврида давом этди: йарғы (*БН*) > йав (*Ш. Турк.*) Агар оқуғучы> оқувчы—үқувчи, оқытғучы>оқытувчы—үқитувчи, барғучы>барувчы—борувчи: кэлгучи>кэлувчи—келувчи, айтғучы>айтувчы—айтувчи каби сўзларнинг тадрижий босқичига диққат қилсак, бу жараёни янада кўзга очиқ ташланади. F>w жараёни хусусан қипчоқ гуруҳ туркий тилларда<sup>3</sup> ҳамда ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида кўпроқ.

22. F>y, g>y фонетик қодисаси ҳам туркий тиллар тарихининг маълум даврида, эски туркий ва эски ўзбек тили даврида кўзга ташланади: соғул>сойул (*Таф.*). — тўсил, қайт; эгэ (*Лутфий.*) эйә (*Навоий.*). Бу жараёни

<sup>1</sup> Курышканов А.К. Исследование по лексике тюркско-арабского словаря, Алма-Ата, 1970, 113- бет.

<sup>2</sup> Курышканов А.К. Шу асар, 153- бет.

<sup>3</sup> Шчербак А.М. Юқоридаги асар, 177- бет.

ҳозирги ўзбек шеваларидаги фонетик тафовутда кўзга янада очиқ ташланади: бағлә>бэйлә, эгәр>ийэр, сигир>сийир каби.

23. д>з (>) ҳодисаси қадимги туркий тил даврида мавжуд бўлмаган. Бу давр тилида асосан д товуши қўлланган: адағ, адғыр, адгу, кидим каби. Бу жараён эски туркий ва кисман эски ўзбек тили даврида учрайди: будун (ХХ.) бузун (Длт.) — эл, халқ, адақ азақ (Рабг.) — оёқ, қод>қоз (Таф.) — қўй каби.

24. з >й ҳодисаси ҳам қадимги туркий тил даврида йўқ. Бу жараён эски туркий тил даврида юз берди. қазын (Длт.) >қайни (Длт.) қайнин; тоғын (Длт.) тойды (Длт.) тўйди. Эски ўзбек тили даврида тиш ора з товуши эмас, асосан й ундоши ишлатилади. йаз, изн, ззгу каби сўзларда з ундоши рудимент тарзда ишлатилган.

25. л>н, яъни л ва н сонор товушларининг мослиги эски туркий тил давридан бошлаб мавжуд йалды (Длт.) // йанды (Длт.) Бу жараён эски ўзбек тили даврида ҳам давом этди: барғалы //барғаны, кэлгэли//кэгени. л //н жараёни ҳозирги ўзбек шеваларida ҳам учрайди: айтғалы//айтғаны, оқығалы//оқығаны каби.

Қўш ундошлар. Туркий тилларда қўш ундошларнинг шаклланиши ҳам маълум фонетик жараён билан боғлиқ бўлиб, бу ҳодиса хақида туркологияда бирмунча фикрлар баён этилган. Қадимги туркий тилда ундошлар жуфтлиги, яъни иккилик бўлмаган дейиш мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида айрим сонларда сўз уртасида икки ундош талаффуз этилса, қадимги туркий тилда улар битта ундош билан талаффуз этилган: йәти, сәкиз, тоқуз, отуз, элиг каби. Эски туркий тил даврига келиб маълум даражада ундошларда иккилик бошланди. Махмуд Кошғарийнинг „Девону луготит турк“ асарида кўрсатилган сонларда икки хил ҳолатда қўлланади, яъни бир ўринда якка, бошقا ўринда иккиланиш ҳолати мавжуд. Бу хусусият шу жараённинг эндигина шакллана бошлаганлигини курсатувчи далил бўлиб ҳисобланади: сәкиз—сәккиз, отуз-оттуз, ики-икки, элиг-элиг (Длт.)

---

Дмитриев Н.К. Двойные согласные в тюркских языках. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. И. М., 1955, 261—263- б.; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка, М., 1962, 82- б. Рустамов А. Фонетико-морфолог. особен. языка Алишера Навои. Автореф. дис. докт. филол. наук. Т., 1966, 14- бет.

Эски ўзбек тилида ҳам ўзак-негизда баъзи ундошларниң иккиланиши давом этди<sup>1</sup>. Айни пайтда бу давр тилида араб тилидан кирган сўзлар ҳисобига сўз ўргасида ундошларниң иккиланиши анча кўпайди: муҳаббат, йиор, ушшоқ каби. У ёзувда ташдиқ билан ўз ифодасини топди.

Хусн давринда жафодин ўзга йўқтур санъатинг,  
Халқдин йўқ фикринг, ийманмасмуссан халлоқдин.  
Бир нафас маъшук ила ошиқни қўймас шодмон,  
Не тилар, ё раб, сипеҳри кинавар ушшоқдин.

(Лутфий)

Ундош товушлардаги иккиланишнинг шаклланиши очиқ бўғинни ёпиқ бўғинга айлантиради ва улардаги чўзиқликни юзага келтиради:

Та+бас+сум қылсангиз шак+кар уйалур.

Бу ўринда эътиборни қаратиш зарур бўлган яна бир ҳолат мавжудки, бу товушларнинг ҳамиша ҳам бир-бiri билан фарқсиз равишда қўшила олмаслигидир. Ҳақиқатан ҳам, туркий тиллар тарихида бу хусусият эски ўзбек тили даврида ҳам давом этди. Бу давр тилида ўзак р, л, м, н, й каби сонор товуш билан тугаган пайтда аксарият ҳолатда унга қўшимчанинг рд, лд, мд, йд, нг каби жарангли шакли кўшилган.

Мэнки, талаб йулида қўйдим қадам,  
Бордур умудимки, чу тутсам қалам.  
Йўлдаса бу йулда Низомий йўлум,  
Кўлдаса, Хисрав билан Жомий қўлум.

(Навоий)

Қадимги туркий тилда ҳам аксарият шу қонуният амал қилган. Аммо баъзи ўринда р, л, н сонор товушидан сунг қўшимчанинг жарангиз шакли келиши ҳам мавжуд бўлган. Қиёсланг: көлтә соңушдымыз—кўлда уришдик, төпесинтэ—тепасида каби.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва унинг баъзи шеваларида икки, етти, саккиз, тўққис, ўттиз, эллик, иссик, қаттиқ каби сўзлар иккиланган ҳолда қўлланмоқда<sup>2</sup>.

Кононов А.Н. Родословная туркмен., М.—Л., 1968, 134—135- бетлар.

2

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1966.

Айрим туркий тилда эса ўша икки хиллик ҳолати мавжуд<sup>1</sup>. Бу ҳолатлар тилдаги тарихийлик билан бевосита алоқадор.

### Оҳангдошлиқ қонуниятида тарихий ўзгаришлар

Қайси бир соҳада бўлмасин, инсон ҳамиша қулайликка интилади. Ундаги бу хусусият нутқ жараёнида ҳам кўзга ташланади. Агар талаффуз меъёрига эътибор берилса, айрим ҳолатда баъзи сўзлардаги товушларнинг тушиб қолганлиги, ё уларнинг ўрин алмашганлиги, ё сўзнинг олдидан бир товуш орттирилганлиги, ёки олдинги товушга қараб кейинги товушнинг ҳам ўз шаклини ўзгартирганлиги каби турли фонетик жараёнларнинг гувоҳи бўламиз. Шубҳасиз, бу каби товушларнинг ҳамма комбинатор-нозицион ўзгаришлари кишиларнинг нутқ жараёнида осонликка, қулайликка интилиши натижасида келиб чиқадиган ҳодисадир. Тилда бу каби жараён жуда кўп бўлиб, албатта, улар бир-биридан фарқ қиласиди. Айни пайтда улар ўзаро алоқадор ҳам. Аммо бу фонетик жараёнлар ичida энг мураккаби оҳангдошлиқ ҳодисаси<sup>2</sup> бўлиб, унинг қонуниятлари ҳақида турлича қарашлар мавжуд.

Оҳангдошлиқ ҳодисаси туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлиб, у товушлардаги уйғунликни, ўзаро оҳангдошлиқни таъминлайди. Одатда, оҳангдошлиқ ҳақида гап кеттанди, кўпинча, унлilarдаги тил олдилик ва тил орқалик ҳамда лабланганлик ва лабланмаганлик тўғрисида гапирилади. Ваҳоланки, оҳангдошлиқ ҳодисаси бу билан тугамайди. Лабланганлик, яъни лаб уйғунлиги фақат унли товушларга хос ҳодиса. Аммо танглай уйғунлиги қонуния-

1

Севорян Э.В. Фонетика турецкого литературного языка, М.: 1955, 176- бет; Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II Фонетика и морфология. ч. I, М., 1952, 98- бет.

2

Қаранг: Богородицкий В. Закону сингармонизма в тюркских языках, ВНОТ, 1927, 6- сон, 60—80- бетлар; Батманов И.А. Современный кыргызский язык. Фрунзе, 1953, 61—74- бетлар; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка; М.: Л., 1948, 38—40- бетлар. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, 35—39- бетлар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1980, 71—75- бетлар ва бошқалар.

тига биноан, товушлардаги тил олдилик ва тил орқалик ҳусусияти ҳисобга олинади. Бундай ажралиш нафақат унли товушларда, балки тилимиз тарихига назар ташласак, ундошларда ҳам мавжуд бўлган. Шунинг учун бўлса керак қадимги туркий —Ўрхун-Энасой алифбосида жуфт ундош товушларнинг тил орқа ва тил олди шакллари учун алоҳида-алоҳида белгилар қабул қилинган. Албатта ёзувда тил орқа ундошлари тил орқа унлилари билан, тил олди ундошлари тил олди унлилари билан бирга ёзилган. Бу қонуният умуман бузилмаган. Бундан келиб чиқадиган кулоса шундан иборатки, сўзларда нафақат унлилар, балки ундош товушлар мослиги ҳам дастлаб тўлиқ сақланган. Демак, ўз-ўзидан оҳангдошликни ҳам унли, ҳам ундош товушлар учун хос фонетик ҳодиса деб тушунмоқ ўриниши. Қиёсланг: қаганқа—ҳоқонга алым—олим, қарз, оғизғару—ӯғузга, соқум—сўқим, ишиг—ишни, кәдим—кайим, кўчүг—кучни, көзўм—кўзим каби.

Оҳангдошликтаги учинчи жараён — бу ундош товушлардаги жаранглилик ва жарангсизлик ҳодисаси саналади. Бу жараён ҳам туркий тиллар тарихининг қадимги давридан бошлаб амал қилган. Аммо қадимги туркий тилда аксарият ундошлардаги жаранглилик, жарангсизлик қонуниятига амал қилинса-да, баъзан л, н, р сонор ундошларидан сунг қўшимчаларнинг жарангсиз шакли қўшилиб келиш ҳолати ҳам учрайди. Масалан, эрти—эрди, қөлта—қўлда, тепесинта—тепасида каби.

Оҳангдошилик эски туркий тил даврида ҳам мавжуд булиб, туркий тиллар тарихида бу жараён ҳақида биринчи Маҳмуд Кошғарий фикр билдирган. Олим туркий сўзларнинг ўзак характеристига қараб қўшимчаларнинг ҳам қаттиқ, юмшоқликда фарқланганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

А.М. Шчербак эски ўзбек тили даврида биринчи тип, яъни танглай уйғунлигининг сақланган ва бузилган ҳоллари бор, иккинчи тип, яъни лаб уйғунлигига эса бузилиш ҳолати мавжуд деб кўрсатади<sup>2</sup>. А. Рустамов эса Алишер Навоийнинг „Ҳамса“ сига асосланган ҳолда: „XV аср ўзбек адабий тилида сингармонизмнинг ҳар учала қонуни, яъни унлилардаги танглай уйғунлиги ҳамда ун-

1

Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, 1,45,63- бетлар.

2

Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка, 73—74- бетлар.

дошлардаги жаранглилик ва жарангизлик уйғунлиги бор, деган хуносага олиб келади<sup>1</sup>, — деб ёзади. Алишер Навоий асарлари тида құшымча үзакнинг хусусиятига күра фарқланиб құшилишини Мирзо Меҳдиқон ҳам үзининг „Санглох“ асарида маҳсус таъкидлаган. Дарқақиқат эски үзбек тида оҳангдошликтин танглай ва лаб уйғунлиги ҳам, шунингдек, ундошлардаги жаранглилик ва жарангизлик жараёни ҳам амал қилган: атасы (*Рабг.*) — отаси, отурмаз (*ХШ.*) — ўтирмас, қатла (*МН.*) — қатла, сұлук (*Аттүхфатуз.*) — узлуклик, ийзүңдин (*МН.*) — юзингдин, түшти (*ХШ.*) — тушди, урдуур (*Рабг.*) — урдирап, болсун (*МН.*) — бўлсин, улуғлук (*ХШ.*) — улуғлик, кетуруб (*Рабг.*) — кўтариб, көңул (*МН.*) — кўнгул, көзўндүн (*МН.*) — кўзингдан.

Ул сәнәмки сув қырағында пәритәк олтуур,  
Файаты нәзўклўкиндин сув билә йўтса болур.

(*Атоий*)

Түшумдэ чўн куйашдэк оразингни кўрдўм ўтрудин,  
Тиләрмэн то қыйамат очмагаймэн кўзни уйқудын.

(*Бобур*)

Кўринадики, эски үзбек тили даврида биринчи бўгинда тил орқа, ўрта кенг о ҳамда олд қатор ө унлиси қатнашган сўзларнинг кейинги бўгинда тор у ва ў унлилари иштирок этган. Айни пайтда товушлардаги тил олдилик ва тил орқаликдаги монандлик тўлиқ амалда бўлган.

Эски үзбек тилига араб-форс тилининг таъсири кучли бўлган. Яъни бу тиллардан эски үзбек тилига анча сўзлар ўтган. Табиийки, ана шу ўзлашган сўзларда оҳангдошлиқ кисман бузила бошлаган.

Ҳозирги туркӣ тилларнинг айримларида нафақат танглай уйғунлиги, балки лаб уйғунлиги ҳам тўлиқ сақланганинг гувоҳи бўламиз<sup>3</sup>.

1

Рустамов. А. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари, Навоий ва адабий таъсир масалалари, 278- бет.

2

Умаров З. Мирзо Меҳдиқоннинг „Мабони ул-лугат“ асарида масдар ва феъл замонларининг тавсифи, ТошДУ: ИИ, 240- нашри, „Шарқ филологияси масалалари“, Тошкент, 1964, 80—89- бетлар.

3

Орзубаева В.О. Словообразование в киргизском языке, Фрунзе, 1964, 60- бет; Дијканов К. Қыргыз тилиндең ундуулар. Ф. 41- бет.

Ҳозирги ўзбек тилида оҳангдошлик ҳақида эса турлича фикр мавжуд. Жумладан, Фитрат тилдаги оҳангдошлик ҳодисаларига жиддий эътибор бериб: „Турк тилининг бутун тармоғидан бўлгани каби бизнинг тилда ҳам сўзлар оҳанг эътибори билан йўғон, ингичка бўлиб иккига аж-ралади<sup>1</sup>, деб ёзади. Айни пайтда олим бу соҳадаги фикрини изчил давом эттириб, янада тарькидлайди: „Бу оҳанг масаласини эски йозма асарларда кўп кўра олганимиз каби, далада йашаганлар орасида ҳам кўпроқ учратиш мумкинdir. Форс адабийоти, мадраса таъсири билан бузулған шаҳар шеваларида бу ҳолни оз кўрганимиз билан бизнинг шевада йўғонлик, ингичкалик оҳангни йўқдир, деб бўлмайдир<sup>2</sup>. Бу фикрларини олим мисоллар ёрдамида асослайди. Масалан, „сын“ (сын) сўзи йўғон бўлгани учун бундан йасалган „сынтақ“ (синмақ), „сынqан“ (синган), „сынъқ“ (синик) сўзлари ҳам йўғондир. „мин“ (мин) сўзи ингичка бўлгани учун бундан йасалган „тип-шак“, „мипқәп“ сўзлари ингичкадир, деб уқтиради<sup>3</sup>. Аммо кейинги пайтда „Ҳозирги ўзбек адабий тилида оҳангдошлик бузилган“ деган тушунчани „Ҳозирги ўзбек адабий тилида оҳангдошлик йўқ“ деган тушунча билан фарқсиз ишлатиб келдикки, бу жуда кўп чалкашликларга олиб келди. Америкалик туркшунос, Тенниси дорилфунуни доктори Билл Фиерман ўзбек тили тарихи фавқулодда ҳодисаларга бойлиги, аммо ёзувнинг ўзгариши муносабати билан анчагина муаммоларнинг юзага келганигини, булардан бири оҳангдошлик эканлигини ва у ҳодиса эса унли товушлар ҳақидаги тушунчаларни чалкаштиришга олиб келганигини ҳақли равища қайд этади: „Ёзувнинг ўзгариши эса бундан бўлак муаммоларни ҳам юзага келтирди. Масалан, оҳангдошлик масаласи. Лотин ёзувига ўтилгач, ўзбек тилидаги тўқиз унлидан 1939 йилга келиб атиги олтитаси сақланиб қолган. Бу, ва умуман, ёзувнинг ўзгариши тилдаги асрий оҳангдошлик сақланишига зиён етказди. Қолаверса, ўша

<sup>1</sup> Fitrat. Sərf. Bichipçi kitab. Өsnəşç, Samarqand—Taşkent, 1930, 7- бет.

<sup>2</sup> Фитрат, кўрсатилган асар, 8- бет.

<sup>3</sup> Тўйчибоев Б. Фитрат— буюк тилшунос олим. Ўзбек тили масалалари, ТошДУ тўплами. Т., 1992, 26- бет.

көзлар тил табиатига бевосита таъсир ўтказган шундай қараш ҳам амалда бўлган: пролетариат шаҳарда истиқомат қиласди, уларнинг лаҗжаси тараққийпарвардир!

Ҳамма тилларни бирлаштириш сиёсати ҳам тилнинг табиий йўсиндаги ривожига салбий таъсир қилмай қолмади“.

Кўринадики, оҳангдошлиқ ҳодисаси айни пайтда товшулар, уларнинг тараққиёти ва турли жараёнлар билан бевосита чамбарчас борлиқ. Демак, оҳангдошлиқ жараёнини бугунги ўзбек тилшунослигига тил маибасига суяянган ҳолда кузатмоқ ўринли бўларди. Бинобарин, тил тарихидаги бу жараён ҳозирги ўзбек, хусусан, умумхалқ тилини тарк этиб кетганича йўқ.

---

Билл Фиерман. Яшараёттан тафаккур, „Ёшлик“ журнали, 1990, 2-сон, 33-бет.

## П В О В.

### СҮЗ ГУРУХЛАРИДА ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Туркий тиллар тарихида нафақат фонетик тараққиёт, балки грамматик тараққиёт ҳам жуда узок босқични ногонама-погона, тадрижий равишда бошидан кечирди. Сүзлар ҳам қадимги туркий тил давридаёқ гурухлар бўйича шаклланиб улгурган ва уларни туркий тилшуносликда биринчи бўлиб Маҳмуд Кошварий учга — исм, феъл ва кўмакчига ажратган эди<sup>1</sup>. Ҳар бир гуруҳдаги сўзларнинг аксарияти ҳозирги туркий, жумладан, ўзбек тилигача асосан етиб келди. Шу билан бирга тил ижтимоий ҳодиса саналганлиги сабабли жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида унда айрим ўзига хос жиҳатларнинг ҳам юзага келганлиги табиий бир ҳолатdir.

#### От гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

От категорияси сўз гурухлари ичida маъно ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан алоҳида муносабат касб итuvchi бўлим саналади. Бу гуруҳдаги сўзлар қадимги туркий тил давридаёқ мустақил шаклланган бўлиб, уларнинг маъно муносабатида, ясалишида ҳозирги ўзбек, хусусан умумкалқ тили билан асосан муштараклик мавжуд. Айни пайтда бу соҳада ҳам баъзи ўзига хос жиҳатларнинг ҳам бўлмаслиги мумкин эмас. Худди шундай қолат сўз ўзартувчи қўшимчалар доирасида ҳам мавжуд.

#### Сон курсаткичидаги тарихий ўзгаришлар

Отларда бирлик ва кўплик тушунчасида қадимги туркий тил даврида маълум даражада ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, бу давр тилидаги оғуз, тургәш сўзларини ҳозирги тилда албатта „Ўғузлар“, „Халқ“ деб ишлатамиз, яъни қадимги туркий тил даврида

1 Маҳмуд Кошварий. „Девону луготит турк“, уч жилдлик, Тошкент, 1960—1963 йиллар.

кўпликини ифодалашда лексик усул анча маҳсулдор саналган. Шунингдек, туркий тиллар тарихида кўплик тушунчи синтактик ва морфологик усул билан ҳам ифодаланиб, хусусан, морфологик усул билан кўплик ифодаланиши ҳозирги ўзбек тили билан қиёслаганда, улардаги умумийлик ва ўзига хосликлар кўзга янада очиқ ташлаиди. Ләр—лар қўшимчасининг келиб чиқиши ва этиологияси ҳақида туркологлар орасида турлича фикр мавжуд бўлиб, бу қўшимча туркий тилда кўпликини ифодалашда фаол қатнашган ва ўзакнинг характеристига қараб ҳар қандай сўзга қўшила олган: бәгләр, өгләр.

Эски туркий тил даврига келиб -ләр/-лар қўшимчасининг истеъмол доираси янада кенгайди. Айни пайтда шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу давр тилида ҳам -ләр/-лар от, сифат, олмошларга қўшилган: *Тогда камуг сувлар қўйулушиди. Алар икки бойун қайырышиды Сен андин йирақ тур тилэ эзгүлэр* („Қутадғу билиг“).

-ләр/-лар кўплик қўшимчаси эски ўзбек тили даврида кўмакчи ва таъкидловчи сўзларга ҳам қўшилиши мумкин (масалан, соңралар, ахырлар (*Бобур*) бўлгани ҳолда ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида ҳам бу хусусият йўқ. Аммо ҳозирги ўзбек тилининг барча шеваларида худди эски ўзбек тили давридагидек, пайт маъносини ифодаловчи равиш гуруҳидаги сўзларнинг аксарияти бу қўшимчани олиши мумкин: кәчеләр, қышлар бурунлар, йазлар. (*Бобур*) Оҳангдошлиқ ҳодисаси билан боғлиқ равишда қипчоқ лаҗжасида кўпликиниг -нәр/-нар шакли ҳам қўлланади: атаңнар, әкәннәр каби. Кўплик

нинг -ләр шакли олмошнинг иккинчи шахс бирлик ва үзбеклигига қўшилганда силәр-сизлар, шаҳар гуруҳ шеваларида сенлар<sup>2</sup> тарзида қўлланади. Бу ўринда таъкидлари позим бўлган бир ҳолат шундан иборатки, қипчоқ лаҗжасида ва умумхалқ тилида силәр тарзида қўлланади -ләр кўплик қўшимчаси бу сўзнинг қадимги тарихий „си“ шаклига қўшилади. Бошқача қилиб айтгани, сэн олмоши бундай пайтда қипчоқ лаҗжасида тарихий шаклига қайтади: *su<sun< силәр < сэнләр*.

-ләр/-лар кўплик қўшимчаси туркий тилларнинг дастлабки даврида, яъни қадимги туркий тилда ҳурмат маъносида қўлланмаган. Аммо эски ўзбек тили даврига келиб у қўшимчанинг ҳурмат маъносида (аталары эзгў киши ёрди тарзда) келиши мумкин бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тили ҳамда шаҳар ва шаҳар гуруҳ шеваларда бу қўшимчанинг қўлланилишида кейинги давр тил таракқиёти акс этса, қипчоқ шеваларида туркий тиллар тарихидаги дастлабки хусусият сақланаб қолган, яъни бу ишсавда худди қадимги туркий тилдагидек -ләр/-лар қўшимчаси ҳурмат маъносида ҳамон қўлланилмайди. Худди шу хусусият қипчоқ гуруҳидаги қозоқ ва орақалшоқ тилларида ҳам сақланган. Табиийки, бу ҳолат бир томондан тилдаги барқарорлик, иккинчи томондан, индаги ижтимоийлик билан изоҳланади.

-т (-д) қўшимчаси ҳақида П.М. Мелиоранский, С.Е. Малов, А.М. Габэн<sup>3</sup>, А.М. Шчербак ва бошқа жуда кўп олимлар ўз фикрларини баён этгандар. Дарҳақиқат бу қўшимча қадимги туркий тил давридан бошлабоқ

<sup>1</sup> Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века, Алма-Ата, 1971, 142- бет.

<sup>2</sup>

Казамбек М. Грамматика турецко-татарского языка. Казань, 1945. 50-бет; Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. М., 1957, 27- бет; Богородицкий В.А. Введение в татарское языкознание. Казань, 1958, 167-бет; Кононов А.Н. Показатели собирательности-множественности в тюркских языках. Л., 1969, 3—4- бетлар ва б.

<sup>3</sup>

Маҳмуд Кошгари. Девону луготит турк, III ж., 146- бет.

<sup>4</sup>

Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка, М.—Л.: 1962, 119-бет.

<sup>5</sup>

Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов с сравнением с узбекским литературным языком, Т., 1975, 137- бет.

Решетов В.В. Курминские говоры Ташкентской области (фонетические и морфологические системы). Ташкент, 1951, 407- бет.

<sup>2</sup>

Гуломов А.Ф. Ўзбек тилида кўплик категорииси. Ташкент, 1955, 12- бет.

<sup>3</sup>

Тўйчибоев Б., Ширинов С., Қашқири Қ. Туганмас бойликлар бури. Тошкент, „Ўқитувчи“, 1991, 17- бет.

<sup>4</sup>

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л.: 1951, 1- бетлар.

<sup>5</sup>

Avop. Gabain. Altürkische Grammatik. Yeipziq, 1950.5. 63.

<sup>6</sup>

Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка, М.—Л.: 1962, 120- бет.

кўпликни ифодалаб, ҳар қандай ўзакка эмас, балки мансабни, вазифани билдирувчи сўзларгагина қўшилган. Масалан, қаан—хон, қаат—хонлар, тигин—бэк, шаҳзода, тигит—бэклар, шаҳзодалар, алпағу—катта ер этаси, алпағут—катта ер эталари.

Кўринадики, бу қўшимчанинг бир томондан истеъмол доираси тор бўлган. Иккинчидан, бу баъзан ўзакка бевосита, баъзан и товушининг ўрнига қўшилган. Бу қўшимча эски туркий тил даврида ҳам кўплик маъносини ифодалаганлигини Маҳмуд Кошгари алоҳида тарькидлаган<sup>1</sup>. Жумладан, бу давр тилида ҳам тэгин шаҳзода, тэги шаҳзодалар маъносида қўлланган. Эски ўзбек тили даврида эса бу қўшимча аксарият жамликини ифодалаган<sup>2</sup>. Маҳаллат, бэгёт, тумонёт, белук-белукёт" бағ-бағат (*Бобур*). Бу қўшимчанинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати ҳақида Д. Абдураҳмонов<sup>3</sup> ва Х. Дониёровлар<sup>4</sup> ўз муносабатларини билдирганлар. Дарҳақиқат, ҳозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилида ҳам — т қўшимчасининг кўпликни ифодалаши жуда кам ҳолатларда қайд этилади. У айрим сўзларга қўшилиб, жамликини ифодалаши мумкин: кийим—кийит, кек—кекёт, сув—суват, эл—эзет шыбат, ҹагат каби. Айни пайтда бу қўшимча айрим жой номлари<sup>5</sup>, уруг, қабила номларида ҳам сақланыб қолғав. Бағ-ат бағат (қишлоқ номи), Байавут, ўймавут, гелдурузвут, қыйат, манғыт.

-з қўшимчасининг кўпликни ифодалаши ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд бўлиб, венгер туркологлари В. Банг ва Л. Лигеттилар<sup>6</sup> унинг кўпликни ифодалашини исботлаш учун кинни танасида мавжуд бўлган -з

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошгари. „Девону луготит турк“, 1 жилд, 337, 391- бетлар.

<sup>2</sup> 2

Тўйчибоев Б., „Бобурнома“ — Қомус. (Дорилмуалимдин талабалари учун Ўзбекистон тариси ва ўзбек тили тарихидан маҳсус курс). Тошкент, „Ўқитувчи“, 1992, 37- бет.

<sup>3</sup> 3

Абдураҳмонов Д. — т аффикси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1966, 4-сон, 57-58- бетлар.

<sup>4</sup> 4

Данияров Х. Кўрсатилган асар, 181—184- бетлар

<sup>5</sup> 5

Абдураҳмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Тошкент, 1973, 29- бет.

<sup>6</sup> 6

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л.: 1951, 52- бет

құшымчали бирдан ортиқ аъзони билдирған сұзларни (масалан көз, мәңгиз каби) мисол тариқасида көлтирадилар. Ҷарҳақиқат ҳозирги үзбек тилида ҳам бу құшымчанинг (ви-ni->вәп—бән>мән; ви+з; su-sun>сін>сән; su+з тарзда) тадрижий тараққиёт босқичига әтибор қаратсак, юқоридаги фикрнинг анча асосли эканлигига ишонч ҳосил қаламиз. Бунинг устига ҳозирги қытчоқ лақжасида биз олмошига -лар күплик құшымчасининг қабатланиб қүшилмаслик хусусиятига әтибор берсак, бу ғоя янада асослағы бұлади.

Эски үзбек тили даврида гарчи каммаҳсул бұлса-да, күплик тушунчасини ифодаловчи араб тилидан кирган шакллар мавжуд эди<sup>2</sup>. Масалан, вакт — бирлик, авқат — күплик (*Бобур*), шаъир—бирлик, шуъар — күплик—күплик (*Мажл.*), шеър —бирлик, ашъар — күплик (*Бобур*), уләма—күплик, Султон—бирлик, Салатын—күплик. Бироқ ҳозирги умумхалқ тилида бу хусусият түлиқ сақланиб қолтан деб бұлмайди. Аксарият ҳолатда бу гурухдаги сұзлар туркй күплик— ләр құшымчасини олади. Бу ҳолат айғын пайтда ҳар бир тилнинг ички қонунияті бирламчи эканлигини изохладайды.

### Әгалик курсаткичидан тарихий үзгаришлар

Тилемиз тарихига назар ташласак, әгалик күрсаткичининг тарихан мән, сән, биз, сиз олмошларига бориб тақалишининг гувоғи бұламиз. Туркй тиллар тарихида оқшындошлиқ қонунияті билан bogliq равища әгалик курсаткичлари жуфт қолда ишлатылған. Чунончи, қадимги туркй тилде бу құшымчаларнинг күриншілі туандаги:

Шахс	Бирлик	Күплик
I	-м, -им, -ым,-ум, -ум	-миз, -мыз, -имиз, -ымыз, умиз, -уміз
II	-и, ин, -ын, -уң, -уң	-ніз, -ныз, -иніз, -унізб -уныз
III	-си, -сы, -и -ы	- си, -сы, -и -ы

1

Малов С.Е. Күрсатилған асар, 52- бет.

2

Шчербак А.М. Күрсатилған асар, 119- бет.

Бу динр тилида III шахс әгалик құшимчасининг бирлини күплиги бир-бирига тұғри келади.

Атым, иним, башын, терун (урф-одатинг), қаған илимиз, йағымыз, қағаныңыз.

Эски ўзбек тили даврида құлланған әгалик күрсаткіч қадимги туркій тилдан жуда ҳам фарқ қылмайды. Аммокисман ўзига хосликлари ҳам мавжуд.

Шахс	Бирлик	Күплик
I	-м, -им, -ым, -ұм, -ум	-миз, -мыз, -имиз, -ымыз, -ұмұз, -умуз
II	-ң, -ин, -ың, -ұң-уң	-ңиз, -ңыз, -иңиз, -ыңыз -ұнуз, -ұқуз
III	-и -ы, -си, -сы	-и, -ы, -си, -сы, -ләри, -лары

Масалан, қөңлум, йузум, ғамым, қөңлүң, кезүң, кезиң, сөзи; эли; кезумуз, қолумыз, сөзүңүз, қөңлүнүз; қанлары бойунлары каби.

Табиийки, ўзбек тилига араб, форс, қардош тоғижилининг таъсири даврлар үтиши билан сезиларлы дара-жада бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида оҳангдошликка ҳам қисман ўз таъсирини ўтказа бошлади. Натижада сўз ўзагидагина эмас, айрим құшимчадаги шаклларни ҳам қисман камайтиришга олиб келди. Гарчи бу ҳолат оғзаки нутқда кам бўлса-да, араб алифбосидаги бир хил ёзув усули, хусусан, кейинги кирилл ёзувидаги имлонинг но-мақбуллиги сабабли ёзувда нутқдаги бу хусусият, яъни талаффуздаги тафовут ўз ифодасини топмайдиган бўлди. Натижада ҳозирги адабий тилда әгалик құшимчасининг фақат унли ва ундош товушдан сунг құшилиши эътиборга олинниб, ундаги тил олдилик ва тил орқалик хусусияти инобатта олинмайдиган бўлди. Шунинг учун ҳозирги ўзбек адабий тилида әгалик құшимчаси қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар ёзувга мослаштирилиб, унинг бир хил кўриниши эътироф этилади, холос. Аммо умумхалқ тилида ҳамон әгалик құшимчасининг тилимиз тарихидаги кўп шакллилик хусусияти сақланиб қолган. Масалан, қипчоқ лаъжасида әгалик құшимчасининг худди шундай турли кўринишида қўлланилиши нафақат тилдаги тарихийлик, балки барча туркій тиллардаги муштаракликни ҳам изоҳлайди:

I -м, -им, -ым	-мис, -мыс, -имис, -ымыс
II. - ى, -ىق, -ىق -ىس, -ىس, -ىرس, -ىرس (хурмат маъносида)	- لәриق, -ларық, -ләрис, -ларыңс (хурмат маъносида)
III -и, -ы, -си, -сы	-и, -ы, -си, сы, -ләри, -лары.

Бу ўринда қайд этилиши лозим бўлган бир ҳолат шундин иборатки, баъзан оҳангдошликтининг лабиал хусусияти ҳозирги умумхалқ тилида эгалик қўшимчасини талаффуз қилишда бузилиш ҳолати ҳам мавжуд. Чунончи, улум, кезум, ғенглум тарзли сўзларда эгалик қўшимчаси лабланган ҳолатда талаффуз қилинганидек, айни пайтда бу қўшимчалар лабланмаган ҳолатда ҳам талаффуз этилади. Бу хусусият ўзбек тилида айрим туркӣ (масалан, қирғиз) тилларида ҳамиша ҳам лабланган улиларнинг қўшимчаларда кела бермаслик қонуниятига амал қилиши билан изоҳланади.

### Келишик қўнимчаларида тарихий ўзгаришлар

Хозирги ўзбек адабий тилида келишиклар<sup>1</sup> деб аталиб келган қўнимчаларни грамматиканинг морфология бўлимида урганиш одат тусига кириб қолган бўлса-да, аслида улар сўзларни бир-бири билан боғлаш учун хизмат килади. Демак бу қўнимчалар грамматиканинг синтаксис бўлимида ўрганилиши лозимлиги ўз-ўзидан аниқ. Аммо биз бу ўринда уларнинг тадрижий тараққиёт босқичини, ҳозирги ўзбек тили ва унинг лаҳжаларига бўлган муносабатини ғуздан кечирамиз.

Бош келишик туркӣ тиллар тарихининг барча даврида худди ҳозирги ўзбек ва умумхалқ тилидагидек ёч қандай кўрсаткичга эга бўлмаган.

Қаратқич келишиги шакли қадимги туркӣ тил даврида -ин, -ын, -ниң, -ның тарзда бўлган: қағаның бу-

1

Руломов А. Ўзбек тилида келишиклар: ЎзФА асарлари, филология, Шитоб, 1941; Севортиян Э.В. Истории падежной системы в тюркских языках. Ученые записки ИИЯ, 1948, 6- сон; Абдуллаев Ф.А. Келишик аффиксларининг генезисига доир. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, 5- сон; 1962, 4—6- сон, Каримов К. Категории падежа в языке "Қутадгу билгі". АКД. 1962; Зиёева И. Келишик аффиксларининг функционал алмашинувига доир. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1966, 3- сон.

дуны, бәниң будуным. Эски туркий тил даврида құшимчаларииң бу турига лабланган шакли ҳам қүшилди ажуннуң төри, өлүмнүн фырақы (Қутадғу билиг). Худди шундай ҳолат, яғни лабланган шаклнинг қүшилиши асосан XVI асрғача давом этди<sup>1</sup>: оғулнуң чырагы (Үгүзнома), көзүмнүн йашы (Лутфий). Бу давр тилице табиийки қаратқич келишиги құшимчаларининг қолган шакллари ўзакнинг хусусиятига қараб, унга монанд равишда қүшилиб келган: Бизиң жанымыз (Навоий). Сизиң қадрыңыз (Таф) бизиң хан, сизиң жанларыңыз (Ш.н.) Султан Мұхаммадның нокарлары (Шаж. түрк). Йарның сәвләслиги (Лутфий). Өзбекниң бир йаҳшы уруқы (Шаж. түрк).

Улки ҳар күзи ғазоли Чиндуур,  
Қошида пайваста әниң чиндуур.

(Бобур)

Хозирги ўзбек адабий тилице қаратқич келишиги құшимчаси -нинг деб күрсатилгани ҳолда, умумхалқ тилице худди тилимиз тарихидагидек, мазкур келишик құшимчаларининг турли шаклида ишлатилиш ҳолати мавжуд. Жумладан, қипчоқ лаҳжасида қаратқич келишиги құшимчаси -иң, ың, -ниң, -ның, -тиң, -тың, -диң, -дың тарзда келиб -иң, -ың, I, II шахс олмошининг құшлигига (бизиң, сизиң каби), -ниң, -ның, унли товуш билан битган ўзакка тил олди ва тил орқаликда фарқланган ҳолда (әкәнин, атаниң каби), қолган шакллари эса ўзакнинг қандай ундош билан тугаганлыгига қараб, бир томондан, жарангли жарангсизликда, иккинчи томондан, тил олди ва тил орқаликда фарқланиб, шунга мос равишда қүшилади: иштин көзи, көлдиң сувы; қаштың ўсти, қойдың, кәләси каби. Табиий, бу ҳолат жуда күп адабиётларда қайд этилганидек, умумхалқ тили билан адабий тил ўргасида катта тафовут, фарқ юзага келганигинаи эмас, аксинча умумхалқ тилице тилимиз тарихидаги шакларнинг сақланиб қолғанлыгини курсатади.

Тушум келишиги құшимчаси қадимги туркий тил даврида турли күринишда бўлиб, -ни, -ны, -и, -ы шакли

<sup>1</sup> Абдураҳмонов Ф. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Тошкент, „Ўқитувчи“, 37- бет.

асосан олмошларга қўшилган<sup>1</sup>: бини, сини, буны, бизни, ши.

-ғ, -г, -ығ, -иг шакли ўзакнинг унли ёки ундош билан тугашига қараб қўшилган: будунуғ, тошығ, сүғ (лашкарни).

Тушум келишигининг -н шакли учинчи шахс эгалик ўшимчасини олган сўзларга қўшилган: оғлын, баримын, ўсин, илин.

Эски туркий тил даврига келиб -ни, -ны ўшимчасининг истеъмол доираси ортди. Агар қадимги туркий тилда бу шакл фақат олмошларгагина қўшилган булса, бу давр тилига келиб у отларга ҳам қўшиладиган бўлди:

Сезуңни эшиттим эшиттил сўзум,  
Бу пандлэрни берди кўр Ойтўлдиқа.  
Нагу йурса туши аниятак бўлур.  
Аригликни барча кишилар тилар.

(Қутадгу билик)

П.М. Мелиоранский тушум келишигининг фақат -ни клини кўрсатгани ҳолда унинг қолган кўринишлари ҳам истеъмолда бўлган:

Эр ишығ ыртады (*Девон*) — киши ишни истади. Ол созуг аңлады (*Девон*) — у сўзни тушунди. Эшитти бу Ойтўлди барча созуг (*К. бил.*).

Эски ўзбек тили даврига келиб тушум келишигининг г, -ғ, -иг, -ығ шакли айрим ёдномалар тилини ҳисобга олмаганда истеъмолдан чиқди. -ни, -ны шаклининг истеъмол доираси кенгайди: сөзимни, йузумни, сачыңни, йаман йаҳшыни (*Max.*), бир тахтаны (*Сак.*). Суғдның элләрини (*Ши*). Айни пайтда бу давр тилида учинчи шахс эгалик ўшимчасидан сўнг тушум келишигининг -н шакли ҳам ўлтанилища давом этди: тақриниң келәмин (*Бобур*), арна фамын (*Max.*) Шаҳар халын (*Ши*). Бу ўринда изоҳ талаб яна бир ҳолат шундан изборатки, эски ўзбек тилида бальзан тушум келишиги ўшимчаси қаратқич келишиги назифасини бажарган: Атайның көзи тоймас. (*Атойи*)

1

Айдаров Г. Язык орконских памятников древнетюркской письменности VIII века. Алма-Ата. 1971, 153- бет.

2

Мелиоранский П.М. Араб. филолог. о турецком языке. 13- бет.

Бир қыргавулны үскүнәсини төрт киши йәб түгәтә алмайдур (*Бобур*). Лутфыйны нийәти (*Лутфий*).

Хозирги ўзбек адабий қолиңда ҳам тушум келишиги худди эски ўзбек тилидагидек -ни, -ны тарзда ишлатилади. Аммо табиийки, ҳозирги имло талабига биноан бир хил -ни шаклида ёзилади. Айни пайтда умумтуркий ва эски ўзбек тилидагидек ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам III шахс әгалик құшимчасидан сұнг бу келишиккінг -н шакли истеъмолда сақланиб қолғанки, бу ҳолат тилнинг барқарор категория эканлигини изохлады. Шу билан бирга тил ижтимоий ҳодиса саналғанлигидан ҳозирги тилда айнан мазкур шаклнинг құлланилишида эски ўзбек тили билан қисмаи үзига хос жиҳати шаклланди. Агар эски ўзбек тили даврида тушум келишигінинг -н шакли III шахс әгалик құшимчасасини олган бұлса, ҳозирги тилде бундай ҳолат фақат шеъриятта, назмгагина хос бўлиб қолди:

Болалар руҳига ҳаёт деган дарс,  
Манманлик уруғин жойласа;

Ошқулар күчада маъшуқасин эмас,  
Кимнингдир қадамин пойласа;  
Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби  
Бир-бирларин ғажиб есалар;

Минбарларга чиқса күча-күйнинг гапи,  
Андишани құрқоқ десалар..

(A. Орилов)

Умумхалқ тилда тушум келишигінинг -ни -ны -ди -ды, -ти, -ты шакли ишлатилади: атыны минди, үйини питирди, қойды ҳайдә, кузди откүзди, отты жақ, ишти қыл. Қуриналики, оҳангдошлиқ қонунияти билан бөрлиқ равищда ҳозирги тилде ҳам тушум келишигінинг құшимчаси турли шаклда құлланилиши қонуний бир ҳолат. Аммо ҳозирги адабий тил имлоси тил қонуниятини эътиборга олмагани ҳолда бу келишик құшимчасини сунъий равищда фақат -ни тарзида изохлады, холос. Бу үринде яна бир изоҳталаб ҳолат шундан иборатки, эски ўзбек тили давридаги айрим пайтда тушум келишиги құшимчасининг қаратқыч келишиги вазифасини бажарып келиш хусусияти ҳозир ҳам қорлук-чиғил-уйғур лаҳҗасида сақланиб қолған: Баланы хайалы, үйни тамы,

шити кези, қышти ахыры, кезди усти, қойды гөшти каби. Аммо бундай ҳолат қипчоқ гуруқ шеваларида йүк. Яни қипчоқ лаҗжасида тушум келишиги құшимчаси тиратқыч келишиғи құшимчаси ўрнида құлланылмайды.

Тәкід ва изохни талаб этадиган масалалардан яна бири I, II, III шахс бирлик олмошларининг тушум келишиги құшимчасини олган пайтда товуш жараёни шигжасида юз берадиган ўзакнинг шакли масаласидир. Инобарин, хозирги ўзбек тилида I, II, III шахс бирлик олмошлари бу келишик құшимчаси билан турланған пайтда туркий тиллар тарихининг дастлабки давридаги товуш жараёни юз беради. Бошқача қилиб айтганда, таркий шаклига қайтади: мэн+ни>мәни, сэн+ни>сәни, ул+ны>унны>уни. Агар бу олмошларининг қадимги туркий тил даврида би, сы, ол // ул шаклида бўлганлигига эътибор берсак, хозирги ўзбек тилида албатта бу ҳолатни товуш жараёни билан боғлиқ ҳодиса деб тушунмоқ тўғри бўлади.

Жұналиш келишигининг -қа, -қә, -ғә,-ға шакллари қадимги туркий тил давридаёқ шаклланған булиб, улар ўзакнинг хусусиятига қараб ўзаро фарқланиб құлланылған: қаранқа, қарлуққа, кимкә, алтуға, әдгүгә каби жұналиш келишигининг ёнг қадимги -ру, -рӯ шакли билан -ға, -ғә, -қа, -қә шакллари құшилиб, бу келишик құшимчасининг -ғару, -ғәрӯ, -қару, -қәрӯ тарздаги мураккаб күринишни юзага келтиради. илғару, йоқару, оғызгару каби. Бу құшимчани олган сұзларнинг аксарияти равиш гурухига ўтди. -а, -э шакли ҳам бу давр тилида мавжуд булиб, I, II шахс әгалик құшимчасини олган сұзларга қўшилған: будунума, инимә, оғрлымса, сөзинә.

Эски туркий тил даврида ҳам -ғару, -ғәрӯ, -қару, -қәрӯ құшимчаси гарчи кам даражада бўлса-да, истемолда бўлган: йағыңдару кириш қылдым (*Девон*) — Душманга (қарши) уруш қылдим. Байат тапғыңару илин миш өзүм (*Қутадгу билг*) — Мен худонинг кизматига мойил бўлганман. Аммо юқорида тәкідланганидек, мураккаб шаклни олган сўзлар ўша давр тилидаёқ равиш гурухига ўтди. Бу ҳолат кейинги давр тилида янада қатъйлашди. Жұналиш келишигининг -ғә, -ға, -қа, -қә шакли табиийки, эски туркий тил даврида ҳам құлланышда давом этди: қарға, қазға утканса бути синур (*Девон*). Бу давр тилида -а, -э құшимчасининг ишлатилишида қадимги туркий тилдаги қонуният сақланған: Ол мәни атама охшатты (*Девон*). У суқмыша сақығ қамуғ сув көрүнур (*Девон*) — чанқаганга ҳар қандай сароб ҳам сув бўлиб кўринади.

Эски ўзбек тилида -гә, -ға, -қә, -қа шаклининг фас ишлатилиш ҳолати сақланиб қолган. Қайси шаклиниң қўлланилиши ўзакнинг хусусиятига боғлиқ бўлган Кенгурумгэ дард көлгэли (*Бобур*). Аларға (*Махмур* Мәккәгә баралы (*Сак.*)

Эйким бари шеър аҳлига сен хон янглиғ,  
Шеъринг бари шеърларга султон янглиғ.

(*Бобур*)

Бу давр тилида ҳам худди эски туркий тил давридагидек жұналиш келишигининг -ә, -а шакли I, II шахс әгалик қўшимчасини олган сўзларга фаол қўшилган жананым (Лутфий), кезум (ШН), Қойнума (Шаж. тарақ.), дардым (Мунис), хатирыңа (Бобур), жамалың (Мунис). Эски ўзбек тили даврида айрим ёдномалар тилида бу келишикнинг -нә шакли ҳам қўлланилади кишилэринә хат бэрәлиң (Шаж. турк.). Устинә (Навомий) элини йўзине уруб йығлайур эрди (*Рабг.*)

Ҳозирги умумхалқ тилида ҳам жұналиш келишиги қўшимчаси -гә, -ға, қә, -қа, -а, -ә тарзда ишлатилади Айни пайтда қўшимчаларнинг қандай ўзакка қўшилишида тил тарихидаги қонуният амал қиласди: ўйгэ барды ишкә кетти, оқышқа келди; әкемә айтты, атача айт, апама бэр хаби. Ҳозирги ўғуз лаҳжасининг айрим шеваларида худди эски ўзбек тилидагидек, жұналиш келишигининг -нә шакли ҳам қўлланади<sup>1</sup>.

Ҳозирги ўзбек тилида бальзам жұналиш келишикли от бирикмаларнинг ўрин келишикли шундай бирикмалар билан маънодошлиқ муносабатини юзага келтириб, нутқда бир-бирининг ўрнида алмашиниб ишлатилиш ҳолатини ҳам тилимиз тарихидаги хусусан, эски ўзбек тили хусусиятининг давом этиши деб қаралмоғи лозим<sup>2</sup>. Жұналиш ва ўрин-пайт келишикли бирикмалар бир-бири билан маънодош бўлганда, уларнинг ҳоким қисмидаги вазифали, мансабни ёки бирон ташкилотга мансубликни билдирувчи сўзлар иштирок этади. Тобе қисмда эса улар-

1

Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1978, 82- бет.

2

Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1988, 39—40- бетлар.

дип фарқли ўлароқ фақат отлар келади. Аммо тобе қисмдаги сұзлардан аксарият ўрин-жойга бұлған муносабат ҳам англашилиб туради:

Тоға ўн бир йилдирки, жамоага бош. (С. Аҳмад). Юр, сенда гапим бор, — деди-ю, ўзи әшикка қараб юрди. (С. Аҳмад) Сизга гапим бор. (А. Қаҳхор).

Нутқда баъзан жұналиш келишигидаги бирикмалар қаратқичли бирикмаларга маънодош бўлиб келиши ва бирга қўлланиши мумкин. Бироқ бу бирикмалар бир-бири билан доимий маънодошликтин таъминлай олмайди, уларнинг маънодошликтин муносабатига киришишида контекстнинг ўрни кучли. Чунки тил ва нутқ доимо бир-бири билан муносабатда, алоқада. Жуда кўп ҳодисалар, нарсалар нутқ жараёнида аниқланади. Шунинг учун уларни доимий ва фақат контекстдагина маънодошликтин юзага колтирувчи бирикмалар деб ажратишга тўғри келади. Бу ўринда қайд этилиши лозим бўлган бир ҳолат шундан иборатки, бу бирикмаларнинг грамматик маъноси доимо бир хил бўла бермасдан, улар баъзан бир-бирига яқин грамматик маънони ифодалайди. Чунончи, жұналиш келишикли бирикмалар бошқарув муносабати асосида ҳосил бўлса, қаратқичли бирикмалар қарама-қарши тобеланиш муносабати асосида юзага келади. Албатта бу бирикмаларда маълум даражада фарқнинг, тафовутнинг булиши шубҳасизdir. Яъни жұналиш келишикли бирикмаларда обьект муносабати аниқроқ ифодаланса, қаратқичли бирикмаларда қарашлилик маъноси кучлироқ. Шунингдек, у ташқи кўриниш томондан ҳам қисман фарқланиб, эталик қўшимчаларини қабул қилган ҳолда қўлланилади. Бу гурӯҳ маънодош бирикмаларнинг ҳоким қисмидан вазифани, мансабни, бирор гурӯҳга ёки жойга аъзоликни кўрсатувчи от туркумдаги ҳамда кишилар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи сұзлар иштирок этади. Гобе бўлакда эса отлар, шахс ва кўрсатиш олмошлари келади. Қиёсланг: бу одамга қандай вазифа беришни узларингга ҳавола қиласмиш, лекин ҳосилот кенгашига раис қиласаларинг куймайсизлар. Ўрмонжонни ҳосилот Кенгашининг раиси қилиб тайинлашди. (А. Қаҳхор). Ҳозир эса Ҳусайн Бойқаронинг жияни — „мирзои кичик“ —

Шендельс Е.П. Понятие грамматической синонимики // Научные доклады высшей школы. Филологические науки. М., 1969, 1-сон. 81-бет.

Муҳаммад Султоннинг вазирчаси. (Ойбек). ...иккинчи то мондеп куеви бўлмиш хонга бош вазир (Ж. Шарипов)

Нутқда жуналиш келишикли бирикмалар билан учун кумакчили бирикмалар маънодошлик муносабатига киршиб, ўзаро алмашиниб қўлланилиши ҳам мумкин. Бу гурӯҳ маънодошиб бирикмаларнинг ҳоким қисмидаги аксари мавҳум ва қисман аниқ отлар қўлланилади. Тобе қисмидаги эса кўпроқ атоқли ва турдошиб отлар иштирок этади. Бундай маънодошиб бирикмалар асосан объект муносабати ифодалайди. Масалан: ялқов билан анқов — душманни катта ов. (Мақол). Ялқов билан анқов — душманни катта ов. (М. Ҳакимов)

Объект маъноси мақол, матал, ҳикматли сўзлар шунингдек, мавзу, руқнлар асосида ифодаланса, тилди бундай пайтда аксариёт бирикмаларнинг келишикли шакли ишлатилади. Масалан, Донога иш шону шұхрат нодонга иш — ғаму күлфат. (Мақол) Айниқса тилда қисқаликка иятилиш натижасида газета мавзуларидан, руқнларидан от бошқарувли бирикмаларнинг қўлланиш доираси көнтгайиб, ишчиларга қўлайлик, илғорларга мукофотарзли бирикмалар кўплаб қўлланмоқда.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу гуруҳдаги маънодошиб бирикманинг тобе бўлагида баъзи ҳолларда шахс, ўзлик жуда кам даражада кўрсатиш (у) ҳамда биргалик олмошлиари иштирок этиши мумкин. Масалан, Шу ҳам мен учун катта саодат (С. Азимов) — менга катта саодат.

Баъзи туркӣ тилларда, жумладан, қозоқ тилида, тобе бўлакда олмошлиар қўлланилганда у фақат бош келишикли шаклида ишлатилади, холос. Бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилида ундан фарқли улароқ, услугуб хилма-жиллиги мақсадида бўлса керак, тобе бўлакдаги шахс ва кўрсатиш олмошлиари ҳам бош келишик, ҳам қаратқич келишикли шаклида қўлланила беради. Бу ҳолат, бизнингча, қаратқич ва бош келишигининг тарихан бирлиги билан белгиланади. Қиёсланг: Лекин „хотин киши олдида эркак қаддимни букма“ дегани менинг учун ҳам янгилик. (А. Қаҳҳор) Мен учун ҳам янгилик — менга ҳам янгилик.

Маълумки, бошқариш хусусияти тилимизда жуда қадимдан бошлабоқ сифатларда ҳам ҳосил бўлди ва улар феъллардан сўнг сўзларни бошқаришда фаол иштирок этади. Сифатларнинг бу хусусияти ҳозирги тилимизда янада кучайди. Улар аввало отларни, хусусан, атоқли (асосан киши номлари) ва бирон гуруҳни, турни умум-

шитириб ифодаловчи отларни жұналиш келишигіда ва учун күмакчиси билан бошқариб маңнодошликтен өзага келтиради ва бу тарзлы бирикмалар нутқда күпинча үзаро алмашының ишлатилади. Масалан, Заводда ишлайды, у Үсунга қадрли ва қадрдан (*Ойбек*) — Үнсін учун қадрли; ... тоғни талқон қилиш құлдан келдиган йигит киши учун күп хунук нарса... (*М. Исмоилий*) — йигит кишига хунук нарса.

Одатда күмакчылы бирикмалар фикрни аниқроқ ифодалайды, бундай пайтда обьектта ургу аниқроқ берилади. Шунинг учун бұлса керак, ҳозирғи үзбек адабий тилида «сейнги» пайтда бу гурұх бирикмаларнинг күмакчылы шакли нисбатан фаолроқ иштирок этади. Шуни яна алохіда қайд этиш керакки, бу гурұхдаги сифатларнинг оғларни бошқариш ва маңнодошликтен өзага келтиришилдеги хизмати бир хил әмас. Жумладан, таниш сифати жұналиш келишигидеги ҳамда учун, билан күмакчылы сұздарни бошқара олади. Бироқ жұналиш келишигидеги бириким қар иккала күмакчылы бирикмалар билан синонимик мұносабатта кириша олгани ҳолда, келишикли бирикмалар билан үзаро алмашының ишлатилмайды. Агар ғапда аниқ шахс ҳақида фикр юритилса, таниш сифати билан күмакчылы бирикмаларни, борди-ю, предмет маңнози ифодаланса, учун күмакчылы бирикмаларни бошқарып келади. Аммо қар иккала ҳолатда ҳам бу сифат жұналиш келишигидеги сұзни бошқара олади. Демек, жұналиш келишикли бирикмаларнинг умумий құлланиш доирасы нутқда кенгроқ. Шу билан бирга, бу бирикмаларда маңтум даражада маңно нозикликлари ҳам мавжуд. Қунончи, учун күмакчиси қатнашған бирикмаларда обьект нофаолроқ, билан күмакчылы ва жұналиш келишигидеги бирикмаларда обьекттің иштироки күчлироқ бұллади.

Сифатлар бошқарған бирикмаларда тобе бұлаклар сифатида әңг фаол қатнашадын сұз түркүмларидан яна бири олмошдир. Бунда аксарият шахс олмошлари ҳамда қысман үзлик ва бирғалик олмошлари иштирок этади. Масалан: Ишлаганинг элингга яхши, үрганганинг үзингга яхши. (*Мақол*) Бу гурұхдаги бирикмаларнинг мұхым хусусияти шундаки, ҳоқим қысмда отлар қатнашғандеги каби шахс олмошларини сифатлар бошқарған пайтда ҳам

күмакчили бирикмаларнинг тобе бўлаги бош ва қаратқо  
вотишигига ёнма-ён ишлатила бериши мумкин. Чоғиши  
тиринг: Насибали сизга қанчалик азиз бўлиб қолганини  
бilmайман. Лекин менга азиз, жуда азиз (A. Қаҳҳор)  
— Мен учун азиз — менинг учун азиз. Бу тарзда  
бирикмаларнинг тобе бўлагида баъзан отлашган сифатлар  
ҳам иштирок этиши мумкин. Бундай бирикмалар тилди  
кам даражада бўлиб, у ҳам асосан халқ мақоллари учун  
хосдир. Халқ мақолларига эса қисқалик хосдир. Шунинг  
учун нутқда кўмакчили шаклга нисбатан келишикли шакл  
кўпроқ ишлатилади: Торга тор дунё, кенита кенг дунё.  
(Мақол) Ёмонга кун ҳам қоронгу. (Мақол)

Баъзи равишлар ҳам жўналиш келишикли ва учун кў  
макчили сўзларни бошқариб, маънодошликни юзага  
келтиради. Бунда албатта ҳамма равишлар эмас, балки  
келиб чиқиш жиҳатидан сифатларга яқин бўлган равиш  
лар ва оз, кам, кўп, мўл каби равишлар ҳоким бўлагида  
иштирок этади. Бирикмаларнинг тобе бўлагида эса от,  
ган шаклли отлашган сифатдошлар, шахс, биргалик ва  
ўзлик олмошлари фаол қатнашади. Масалан: Берганга битта  
ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз. (A. Қаҳҳор) Берган (киши)  
учун битта ҳам кўп, олган (киши) учун ўнта ҳам оз.

Маълумки, модал сўзларнинг бошқариш хусусияти ҳам  
анча кучли. Хатто улар бошқарган бирикмалар нисбатан  
анча бурун, яъни қадимги туркий тилдаёқ шаклланган  
эди. Биз бу ҳолни Юсуф Хос Ҳожибининг „Кутадѓу билиг“  
ва Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луготит турк“ асар  
ларида ҳам учратамиз. Ҳозирги тилимизда эса керак, за  
рур, лозим, бор, йўқ сўзлари бошқарган бирикмалар ва  
уларнинг нутқдаги синонимлари анча кўпайиб, тилни  
бойитиш, унинг ички имкониятларини кенгайтириши  
хизмат қўлди. Ҳоким кисмда зарур, керак, лозим, даркор  
сўзлари қатнашган бирикмаларнинг тобе бўлаги сифатида  
аксарият атоқли отлар фаол иштирок этади. Масалан:  
Лекин... давлатга ҳозир гўшит керак. (П. Қодиров) Юрт  
ва давлат учун ўт ва сув кечиб, ... олижаноб баҳодирлар  
керак. (Ойбек) Ҳоким бўлак сифатида модал сўзлар  
иштирок этган маънодош бирикмаларнинг тобе кисмидан  
шахс, биргалик, ўзлик олмошлари ҳам кела олади: Бу  
ларнинг ҳар иккалasi ҳам бизлар учун зарур. Ахир, сен  
дан ҳам кура бизга лозим-ку бу. (Р. Файзий) Тутри,  
аёлни ҳурмат қилиш аввало эркакнинг ўзи учун зарур

(П. Қодиров) Ўн кун муҳлат Сайданинг ўзига керак. (А. Қазхор)

Мълумки, даркор, лозим, зарур, керак сўзлари лексик синонимдир. Лексик синонимлар эса ўз навбатида синтактика синонимларни юзага келтиришда роль йўнайди. Шунинг учун шу сўзларнинг ўзи алмашиниб келган бирикмалар ҳам нутқда синоним сифатида тенг ишилгилади. Бироқ бу бирикмаларни нутқда қўллаганда ўзаро ўслубий тафовути, фарқи борлиги кўзга ташланади. Яъни, даркор, лозим сўзлари бошқарган бирикмалар аксарият калиқ достонлари тили ва кексалар нутқи учун хос бўлса, зарур сўзи билан келган бирикмалар кўпроқ китобий усбуб учун муҳимдир, керак сўзи ҳоким қисмда қатнашган бирикмалар ҳам оғзаки нутқда, ҳам китобий услубда баривар ишлатила беради.

Хозирги ўзбек адабий тилида бор, йўқ сўзлари ҳоким қисмда қатнашган бирикмаларда обьектта тегишли бирон ширсанинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ифодаланади. Нутқда бундай бирикмаларнинг синоними кўн бўлиб, уларнинг тобе қисмда аксарият шахс, биргалик, курсатиш, умлик олмошлари, қисман отлашган сифатлар иштирок отади. Масалан: Юрт учун ҳеч қандай таҳлика йўқ,— деб ўнгиллашибди. (Ойбек) Юртга ғамхўрлик йўқ,— деб ўнгиллашибди. (П. Қодиров)

Объект муносабатини ифодалашда маълум, аён, разван типидаги сўзлар бошқариб келган жўналиш келишигидаги бирикмалар жуда кўп. Шу билан бирга, тил тараққиёти натижасида бу сўзлар учун кўмакчили билан слган сўзларни ҳам бошқариб, келишикли ва кўмакчили бирикмалар нутқда ўзаро синонимликни ташкил этади: Сабо хонимнинг ишбайлармонлитига келсак, унинг макрлиги менга маълумдир. Силвия Азиз Камол мамлакатининг келажаги, ўзимнинг мағкуравий удумларимни мен учун развшан. (С. Азимов) Бироқ тилда кўмакчили бирикмаларга нисбатан келишикли бирикмалар кўпроқ ва уларнинг истеъмол доираси ҳам кенгроқ.

Тилнинг тараққиёти натижасида балъзи олмош ва соняр ҳам бошқариш хусусиятига эта була бошлади. Шунга ўра, гарчи кам даражада бўлса-да, бу туркумдаги сўзларнинг жўналиш келишигидаги ва учун кўмакчили исмларни олмош ва соняр бошқариб келган синоним бирикмаларни нутқда учратиш мумкин.

Жўналиш келишикли ва билан кўмакчили бирикмалар

дам ўзаро алоқадор бўлиб, нутқда улар бир-бири билди синонимик муносабатта киришади. Бундаги муҳим ҳодиса шундан иборатки, шу туроҳ синтактик синонимлари қаторининг кентгайишида бошқа тилларнинг, хусусай рус тилининг ҳам таъсири борлиги сезилади. Худди шу ҳолатни боғлиқ сўзи асосида юзага келган бирикмаларда учратиш мумкин. Ҳалқанинг оғзаки нутқида, умумхалқ тилида бу сўз ўзидан олдин жўналиш келишигидаги сўзни талаб қиласи, яъни оғзаки нутқида ва умуман ўзбек тилида бундай бирикмалар шунга боғлиқ, ҳол бўлишига боғлиқ, келишига боғлиқ шаклида ишлатилади. Бироқ кейинги пайтда рус тилидаги „в связи с тем“ бирикмаси ўзбек тилига „шу билан боғлиқ“ шаклида кириб келиб, тилдаги олдинги бирикмалар билан синонимик муносабатга киришди ва нутқида у билан ёнма-ён ишлатилмоқда: ...от, олмош ёки отлашган сўзлар билан кентгайиши уларнинг маъно хусусиятларига боғлиқ. Демак, бундай бир бутуялик лексик хусусият билан ҳам боғлиқ.

Ўрин келишиги қадимги туркӣ тил давриданоқ шаклланган бўлиб, ўзакка -тә, -та, -дә, -да қўшимчалари қўшилган: ташта, қаганта, тағда, илтэ. Бу ўринда изоҳтабир ҳолат шундан иборатки, қадимги туркӣ тилда ҳозирги барча туркӣ тиллардан фарқли ўлароқ л, м, н ундошлари билан биттан ўзакка жарангиз -тә, -та шакли қўшилган. Эски туркӣ тил даврида ҳам ўрин келишиги -дә, -да, -тә, -та шаклда қўлланишда давом этди. Аммо бу давр тилида аксарият -дә, -да унли ва жарангиз ундош билан тутаган ўзакка -тә, та жарангиз ундош билан тутаган ўзакка қўшилди. Эски ўзбек тили даврида ҳам ўрин келишигининг қўлланилишида шу қонуғият бузилмаган дейиш мумкин: Роза айыныц йэтинчи кунинде (Сак.) Қавун мәҳәлидә (Бобур). Бу йурттә фарман болдыким. (Бобур) Ҳан қашинда. (ШН) Баҳар айамыда. (Фурқ.) Йән учыда. (Муқ.) Эски ўзбек тили даврида ҳам худди қадимги туркӣ тил давридаги каби айрим ҳолатда ўрин келишиги чиқиши келишиги вазифасида қўлланган: ҳинд фатҳыда соң. (Бобур) Тил тарихидаги бундай хусусият ҳозирги ўзбек тили ва унинг шеваларида сакланиб қолмаган.

Ўрин келишиги ҳозирги ўзбек тили имлосида гарчи -дә тарзда изоҳланса-да, аммо умумхалқ тилида унинг тилимиз тарихидаги шакллари -тә, -та, -дә, -да тарзидаги тўлиқ сакланиб қолган: қышта, йаштә, ўйдә, тойда, мөлдә

каби. Айрим пайтда нутқда келишик қўшимчасини тушириб қолдириб ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди.

Чиқиши келишиги туркӣ тилларда энг ёш, энг кенжакелишик бўлиб, қадимги туркӣ, Ўрхун-Энасой обидалари тилида унинг кўрсаткичи бўлмаган. Чиқиши келишиги вазифасини у даврда ўрин-пайт келишиги бажарган<sup>1</sup>. Ҳатто чиқиши келишиги фаол ишлатила бошлаган XI аср ёдномалари тилида ҳам бу келишик ўрнида баъзан ўринпайт келишиги шаклининг қўлланганини қўрамиз. Масалан: буларда бириси, кунлордә бир кун<sup>2</sup>. Бу келишик ўзбек адабиёти давридан бошлаб мустақил шаклга эга бўлиб, эски туркӣ тил даврида унинг қўшимчаси -дән, -дан, -тән, тан, баъзан -дин, дын, -тин, -тын тарзда бўлган. Эски ўзбек тили даврига келиб асосан тор унли шакли -дин, -дын, -тин, -тын тарзда қўлланиладиган бўлди: Сэн баштін айақ жансэн. (Лутфий) Жандын сәни көп сәвәрмән, эй умри эз. (Навоий) Анин артын дын бармақ болдылар. (Шаж. турк) Кәпдин бәриким йарулыйарым йоқтур. (Бобур)

Ҳозирги ўзбек тилида бу келишик қўшимчаси туркӣ тиллар тарихидагидек<sup>3</sup> турли маъноларни ифодалайди. Лйни пайтда бу келишик қўшимчаси қадимги шаклига қайтди. Яъни ўртадаги тор унли кенг унлига ўтди. Гарчи ҳозирги ўзбек адабий тилида чиқиши келишиги қўшимчаси шакли -дан деб кўрсатилгани билан умумхалқ тилида ҳозир ҳам худди тилимиз тарихидагидек кўринишга эга. Чуончи, ҳозирги қипчоқ лаҳжасида -дән, -дан, -тән, -

Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. М.-Л.: 1948, 61- бет; Шербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.-Л.: 1962, 82- бет.

<sup>2</sup> Шербак А.М. Ўша асар, 80-81- бетлар.

<sup>3</sup> Дмитриев Н.К. Юкоридаги асар, 242- бет. Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка, М.-Л., 1962: 10- бет; Абдурахманов Г.А. Исследование по синтаксису XI- века. М., „Наука“, 1967, 37- бет. Каримов К. Категория падежей в языке „Кутадгу билиг“, АКД, 1962, 17- бет

<sup>4</sup> Фуломов А. Ўзбек тилида келишиклар. Фанлар академияси Узбекистон филиалининг асарлари. Иккинчи серия, филология, иккинчи китоб, Тошкент, 1941, 66- бет; Орифов О. Ўзбек тилида чиқиши келишиги. КД., Ленинобод—Тошкент, 1944; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.-Л.: Изд-во АИ 1960; Фойипов С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сабаб муносабатларининг ифодаланиши усуллари. КД. Тошкент 1971, 13—49- бетлар.

тән, -нән, -нан шаклда құлланадыки, бу ҳолат башқа түркій тилларда ҳам сақланиб қолған: иштән кейин оқыштан қайтты, даладан кәләди, уйдән чықты оннан сорады, түннән күн кәлтә каби.

Юқорида таъкидланғаныдек, гарчи чиқиши келишиң түркій тилларда әнг ёш келишик саналса-да, башқа келишикларга нисбатан күп маңнолидир. Бу күп маңнолиң үз навбатида шу келишикни олган сүзларнинг башқа сүзлар билан боғланган пайтида намоён бұлади. Демак, бу хусусият аввал қайд этганимиздек, келишиклар категориясини синтактик бирлик сифатида тильтунослик нинг синтаксис бүлимида үрганған пайтдагина уннинг маңнолари аниқланишини изохлады. Масалага худди шу нүктәи назардан қарагаңда чиқиши келишикли бирикмаларнинг бир маңноси бутуннинг бүлагини ифодалашыдир. Бундай пайтда күп ҳолатларда у қаратқич келишигидеги бирикмалар билан үзаро маңнодошлиқ касб этиб, нутқда услуг талаби билан бир-бирининг ўринде ҳам құлланади. Дарҳақиқат, ҳозирги ўзбек тилида талабалардан бири // талабаларнинг бири, қизлардан бири // қизларнинг бири, келгәнлардан бири // келгәнларнинг бири, ўқувчилардан бири // ўқувчиларнинг бири каби бирикмалар жуда күп. Улар үзаро маңнодошлиқ муносабатта киришиб, нутқда, аксарият ҳолатда ёнма-ён ишлатиласы. Бироқ гарчи гап чиқиши келишигиге шу келишикли бирикма ҳақида кетаёттан бұлса-да, нутқда қаратқичли бирикма билан маңнодошиб құлланылып келгәнлиги сабабли айни пайтда қаратқич келишикли бирикмалар юзасидан түркологлар орасыда мавжуд бүлгән бир мунозарали масаланы эслатып ўринли бүларди. Чунки бу масала бир томондан синтактик синонимиянинг мезонини белгилаш масаласи билан бевосита алоқадор. Негаки, грамматик маңно ҳам синонимияни белгилашдаги мезонлардан бири бұлғын ҳисобланади. Иккінчи томондан бир сүз иккінчи сүз билан боғланған пайтдагина келишик құшымчаларига

1

Түйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика, „Фан“ наприёти. Тошкент, 1988; Түйчибоев Б. Ўзбек адабий тилида қисмни (бутуннинг бүлагини) билдирувчи конструкциялар синонимияси. „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, Т., 1980, 3-сон, 39—42-бетлар.

2

Коптунова И.И. О синтаксической синонимике. „Вопросы культуры речи“, М., 1955, вып. 1, 130- бет; Винокуров И.П. Синонимика падежных конструкций в якутском языке. КД. Якутск. 1971, 23- бет.

88

түгіёж бұлади. Ва бу ҳолат келишиклар масаласи синтактик категория сифатида үрганишни тақозо этади.

Маълумки, түркологияда аниқловчи ва аниқланышнинг үзаро муносабатта киришиш үйлени бир гурх олимлар мослашув<sup>1</sup>, иккінчи гурх олимлар башқарув өсб қарайдилар. Профессор М.Б. Балақаев қаратқичли бирикмаларнинг үз хусусияттика кура мослашувдан ҳам башқарувдан ҳам фарқ қылышини таъкидлаб, уни Mataсу деб<sup>2</sup> А.А. Абдуллаев қарама-қарши тобеланиш деб номлады<sup>3</sup>. И. Расулов борганишнинг бу турини муносабаттарлашиш деб номлашни таклиф этади. Дарҳақиқат, борганишнинг бу тури гарчи, бир томондан, мослашувга, иккінчи томондан, башқарувга үхшаб кетса-да, үз хусусият зытибори билан уларнинг ҳар иккаласидан ҳам фарқ қылади. Чунки алоқанынг бу турида баъзан ҳоким ўз тобе сүзнинг талабига кўра үз шаклини үзгартираади. Айрим ҳолатларда уннинг акси бўлиши мумкин. Демак, бу бирикмаларда ҳар иккала қисм ҳам тобе, ҳам ҳоким бўлак сифатида кела олади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида маңно нозикларни ва услуг талаблари билан қаратқичли ҳамда чиқиши келишикли бирикмалар баравар құлланылыб, үзаро синонимикни юзага келтирган. Бу гуруҳдаги маңнодошиб бирикмаларнинг баш, яъни ҳоким қисми сифатида асосан бир сони, баъзан сифат ва равишлар қатнашади. Ҳоким

Баткаманов И.А. Способы выражения синтаксических отношений в киргизском языке. Фрунзе, 1940, 11—13- бетлар; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка, М.-Л., 1948, 204- бет.

2 Пончелуевский А.П. Основы синтаксиса туркменского литературного языка. Ашхабад. 1943, 24- бет; Убрятова К.И. Исследования по синтаксису якутского языка. М.-Л.: 1960, 39- бет.

3 Балақаев М.Б. Казак тилиндеги изофеттик құрылымыс. „Халық мұгарынымыс“, 1946, 1—2- сонлар, 43—49- бетлар; Основные типы словосочетаний в казахском языке. Алма-Ата, 1957, 34—40- бетлар.

4 Ҳозирги пайтда қозоқ тили дарслыларининг деярли ҳаммасида борганишнинг бу тури Mataсу атамаси билан юритилади.

5 Абдуллаев А.А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сүз бирикмаларини үрганиш масаласига доир. ЎзДУ. Янти серия, 77-сон, Самарқанд — 1958.

6 Расулов И. Сүз бирикмаси масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, 2-сон, 36-39- бетлар.

89

Бұлғык визифасида келувчи аниқловчи сүз, албатта, ҳар иккала көлишикта әгалик құшымчасини олади. Бироқ бу гурух бирикмаларни кузаттанды, фақат уларнинг ҳоким бұлагига әмас, тобе бұлагига ҳам зътибор бериш лозим. Чунки юқорида таъкидланғаннан дейін, қаратқычли бирикмаларда фақат ҳоким сұзларгина асосий роль үйнао қолмасдан, балки тобе сұзлар ҳам, ўз нақбатида, маълум таъсир курсатади.

Қаратқычли ва чиқиши келишкіли бирикмалар үзаро синонимликти ташкил эттанды, тобе қисм сон билан санаб буладигай нарсаннинг тұдасини англатувчи отлардан иборат булиб; улар доимо -лар құшымчасини олади.

1. Қисмни ифодаловчи бирикмаларнинг тобе бұлагида аниқ отлар (хона, мактаб, парта ва ҳ.) фаол ишлатилади: хоналарнинг биридан баковул Абдусамад чиқди. (*Ойбек*) Мәҳмөнхоналарнинг дахлиз хоналаридан бири. (*С. Азимов*)

2. Тобе бұлакда жинс ёки ёш хусусиятини күрсатувчи сұзлар қатнашади: Паранжидаги хотинларнинг бири — Нигор ойим пик-пик үйнәді. (*А. Қодирий*) // Аёллардан бири ёнидаги Жаннатхонни тутиб деди. (*П. Қодиров*)

3. Маънодош бирикмаларнинг тобе бұлагида касбни, вазифаны, мансабни, даражани билдирадиган (мутакассис, дәққон, чупон, үқитувчи, үқувчи, чолғучи, навкар ва ҳ.) сұзлар иштирок этади: Дәққонларнинг бири Жура. (*И. Султон*) // Дәққонлардан бири Жура; Мавлоно Аёзий бұлғуси ҳужумларга қарши улут сал ясамоқдалар болибо! — деди чолғучилардан бири. (*Ойбек*) //... чолғучиларнинг бири.

4. Бұлиб үтган өзгеанинг пайтини ажратиб курсатиши учун бирикмаларнинг тобе бұлагида үйл, ой, кун сұзлари қатнашади. Аммо бундай бирикмаларда уша ҳикоя қилинаёттан вақт аниқ бұлмайды. Тылда тобе бұлакда кун сүзи иштирок этан бирикмалар фаолроқ ишлатилади. Масалан: Кунларнинг бирида у, раис билан учрашиб, Журрабоев билан Ойқиздан норози эканлитигини очиқ баён қылды. (*Ш. Рашидов*) Кунлардан бирида унинг уйига үзга элдан орттирган дүстлари мемес булиб келишибди. (*Газетадан*) Бу таралы бирикмаларда баъзан тобе сўзнинг аниқловчиси сифатида фаслини билдирувчи кўклам, ёз, куз, қиши сұзлари иштирок этади. Қиёсланг: Ёз кунларининг бирида эндигина заводдан келиб таҳририятда ўтирувдим, муҳарриримиз чақиририб қолди. (*У. Умарбеков*) // — Мана шунақанги эрта куз кунларидан бири. (*Р. Файзий*)

5. Маънодош бирикмаларнинг тобе қисмида байлан олмошлар, аксарият, у шу, бу кўрсатиш олмошлари қўлланилади. Тилда бу тарзли бирикмалар ин ушунинг маънодош шакллари анча кўп ишлатилади: Улардан бири — сержаҳл ранглар ва ориқ... (Ойбек) // Уларнинг бири интраб ётганмиш... . (Р. Файзий) Шулардан бири кийининг шохидаги бугинларини санади. (П. Қодироев) // Қуёш воқеаси шулардан бири. (Ж. Шарипов) Булардан бири, нимча пўстин, қулоқлик телпак кийгац, новча, жуда ҳам йўғон бир киши... (А. Қаҳҳор) // Буларнинг бири, у адабиёт оламида ҳали ҳеч юргмаган йўлдан юради... (О. Шарафиддинов) Бу тарзда маънодош бирикмаларнинг ҳоким булагидан бошқа саноқ сонлар, шунингдек, айрим сифат ва равишлар ҳам қатнашиши мумкин. Чошибтириинг: Шундан ўнови сенини. (А. Қодирой) Булардан энг ҳавфлиси мунофиқ одам. (С. Азимов) Ҳоким булақда аксари, кўпчилиги каби сўзлар келганда, ҳозирги ўзбек адабий тилида чиқиши келишикли бирикмаларга нисбатан қаратқич келишиклиси кўпроқ ишлатилади.

6. Минг, миллион сонлари отлашиб, бирикманинг тобе булаги вазифасида келади. Улар кўплик қўшимчасини олганда, тилда, аксарият, қаратқич, бу қўшимчани олмаган пайтда эса чиқиши келишиги шаклида ишлатилади. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нутқда гарчи қаратқич ва чиқиши келишикли бирикмаларни бемалол алмаштириб қўллай берсак-да, аммо уларда маълум маъно нозикликлари услубий тафовутлар мавжуд. Жумладан, агар чиқиши келишикли бирикмаларда ажратиб кўрсатиш кучлироқ бўлса, қаратқич келишиги билан келган бирикмаларда кўпчиликдан ажратиб эмас, балки ўшларнинг бири сифатида кўрсатилади.

7. -ган қўшимчали отлашган сифатдошлар ҳам қисмни ифодаловчи маънодош бирикмаларнинг тобе булагида фаол ишлатилади.

Қаратқич ва чиқиши келишикли бирикмалар услугуб талаби билан қайтариқлардан қочиши мақсадида ҳамда маъно нозикликларини бера олиш учун юзага келган бўлса-да, улар нутқда доимо фарқсиз равишда бирдай ишлатила бермайди. Чунончи, қисмни ифодаловчи бирикмадан аввалги сўз қаратқич келишигида келса, тобе булақ албатта чиқиши келишик шаклида бўлади. Қиёсланг: Раиснинг одамларидан бири совунгар бир косибга осилиб қолди. (Ж. Шарипов). Бирикманинг ҳоким булаги қаратқич келишиги қўшимчасини олган пайтда тобе сўзнинг кўпроқ

өттөн келишигига бўлишини талаб этади. Чоғиштирип. Бу жадонни фашизм оғатидан сақлаб қўлиш йўли берилган йигирма миллион ҳурбондан биттасинин тарихи. (С. Азимов) Баъзан бирикмадан кейинги сўнг қаратқич келишиги шаклида бўлади. Бундай ҳолатда ҳам тобе бўлак қўпинча чиқиш келишиги қўшимчасини қабуқ қиласди. Қиёсланг: Кечга губком Ритани уезд конференцияларидан бирита ўзининг вакили қилиб тайинлайди. (Н. Островский). Агар ҳоким сўз кейинги сўзга чиқиш келишиги орқали боғланса, тобе бўлак албатта қаратқич келишиги шаклида бўлади. Чоғиштирип: Шу ҳолди нимсупачаларнинг биридан чолгулар товуши келди. (А. Қодирий).

Келтирилган манбага асосан биринчидан туркий тиллар тарихида чиқиш келишиги шакли энг кейин шаклланган. Иккинчидан, баъзи туркий тилларда<sup>1</sup> ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қаратқич ва чиқиш келишикли бирикмалар маънодош бўлиб, нутқда мувозий қўлланилгани ҳолда, туркий тилларнинг айримларида, жумладан, қозоқ тилида фақат қаратқич келишикли бирикмалар ишлатиллади, холос. Яъни қозоқ тилида шу маънодаги чиқиш келишикли бирикма ишлатилмайди. Бу икки асос бизга туркий тиллар тарихида қаратқичли бирикмалар олдин юзага келган, яъни чиқиш келишикли бирикмаларга нисбатан қадими деб айтишга имкон беради. Тил тараққиётинатижасида силлиқликка интилиш, такрорийликдан қочиш мақсадида чиқиш келишикли бирикмалар ва нутқда қаратқич келишикли бирикмалар билан тенг ишлатилиб, маънодопликни ҳосил қила бошлаган.

### Сифат гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Сифат гуруҳини ташкил этувчи сўзлар ҳам қадимги туркий тил давридан бошлабоқ шаклланган бўлиб, улар ўша пайтда ҳам туб ва ясама тарзда қўлланилган. Бу давр тилидаги аслий сифатларнинг аксарияти айрим товуш жараёнларини ҳисобга олмагандан, ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигига етиб келди:

ақ, брез, йашыл, кек, қара, торуг, йўйқа, кичиг йасы, йалаң, йақы, йумшақ, қатығ, сәмиз ва б.

<sup>1</sup> Эслатма: қаратқичли ва чиқиш келишикли бирикмаларнинг татар тилида маънодоплик муносабатига киришишини М.З. Закиев қайд қиласди. Қаранг: Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка. Казань, 1963- бет.

Қадимги туркий тил даврида сифат ясовчи олд үшімчалар умуман истемолда бұлмаган. Шунингдек, қозирғи туркий тилде мавжуд бұлған сифат ясовчиларнинг ҳам барчаси бу давр тилида сүз ясашда қатнашмаган дейиш мүмкін. Аммо -сиз, -сыз, -лиг, -лық, -лығ, -лық үшімчаларининг истемол доираси кенг бұлған. Бу үринде изохталаб бир ҳолат шундан иборатки, қадимги туркий тил даврида -лиг, -лығ жарапгли шакли сифат ясаса, -лик, -лық жарапгиз шакли аксарият от гурухидаги сүзларни ҳосил қылған.

Сифатнинг қиёсий даражаси -рак, -рәк (ақ+сы+рақ) қүшімчаси, белгінинг ўта ортиқлиги эң (әң илки) сүзи ердамида ифодаланған.

Эски туркий тил даврида ҳам сифатлардаги шу хусусият давом эттан дейиш мүмкін. Яғни бу давр тилида ҳам сифат гурухидаги сүзлар худди қадимги туркий тилдегидек рангни (ақ, қара, қызыл, көк), ҳажмни (кәттә, кичик, улуг), шаклни (әгри, туз—тұғри, йәси) тамни (ачығ, сүчүк) ва бошқа маъноларни ифодалашда давом этган.

Сифатларнинг ясалишида ҳам эски туркий тил даври билан қадимги туркий тил даври ўргасыда умумиilikлар сақланиб қолған. Чунонча, -лик, -лық, -лик, -лығ қүшімчаси отларга құшилиб, ўзакдан англатилған нарсага әгалікни билдиради: тәшәклик бәргин (Девон) түшакка мос, түшакка ярайдиган шоқи, -чарулық—чаруқылыш эр (чориги бор, чориққа эга одам) (Дезон). - сиз, -сыз қүшімчаси отларга құшилиб, ўзакдан англашилған маънога эга әмасликни англатади: қайнар өкүз кәчиксиз болмас (Девон) тез өзар катта анқор күпприксиз бұлмайди. Оғулсыз тәсә әртә көрүксүз сөкуш (Қутадғу билиг). Үғилсиз дейиш — одам учун хунук сүкишdir.

Маҳмуд Кошғарий — чыл (чи+л) қүшімчаси сүз маъносидаги доимиilik ортиқча — мұлликни англатиш учун құшилишини таъкидлайды<sup>2</sup>. Йамрыр+чыл (Серемғир жой). Бу давр тилида сифатнинг олдинги қисмининг охиридаги ундошни п ёки м га алмаштириб, күм-күк, сап-сарыг тарзда құлланади<sup>2</sup>. Эский туркий тил даврида сифатнинг

Маҳмуд Кошғарий. "Девону луротит түрк", 1, 312- бет.

<sup>2</sup> Муталибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қысқача очерк. Тошкент, 1959, 46- бет.

ортирима нисбатини ясашда ҳозирги тилда қора субилин келувчи тим элементи чим тарзда қўлланилган: „Чим элементи бир нарсанинг кўплигини ошириб кўрсатиш учун сўзлар олдидан келтирилади: чим йик эт жуда ҳўл, сели аримаган гўшт, чим ўл тон — жуда ҳутун”<sup>1</sup>.

Эски ўзбек тили даврида ҳам сифатлар нарсанинг рағини, шаклини, ҳажмини билдиришда фаом қўлланилган: сарғиғ йўз (*Сах.*) сучук сез (*Атойи*), қараш (*Бобур*), Тогры йол (*Лутфий*). Айни пайтда бу даврида ҳам сифатларнинг ясалишида қадимги туркий тилда ишлатилган қўшимчаларнинг аксарияти иштирок этган. Бироқ шубҳасиз давр хусусияти билан боғлиқ рациональда айрим ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Чунонча қадимги туркий тил давридаги -лик, -лық, -лиғ, -лығ (-лўқ, -лук, -луг, -лув) қўшимчаси эски ўзбек тили даврида ҳам сифат ясашда иштирок этди: Сарв бойлук (*Навоий*). Гул чәдрәлик сарв-у раваным (*Атойи*) каби. Бироқ, агар қадимги туркий тилда бу қўшимчанинг фақат жарангсиш шакли от ясашда иштирок этган булса, эски ўзбек тили даврида улар жарангли, жарангизликда фарқланмасдан ҳам от, ҳам сифат ясашда иштирок эта бошлади. Аммо унинг от ясашда иштироки кенгая борди. Чунки эски ўзбек тилининг маълум даврида, хусусан XIII—XIV<sup>2</sup> аср тилида -лик, -лық, -лик, -лығ дан фонетик жиҳатдан ўсиб чиқсан -ли, -лы, -лу, -лу қўшимчаси ҳам сифат ясашда қатнаша бошлади: татлу хурма (*Гаф.*) Көзләру сурмәлү (*Гаф.*) Нәргис көзли, ширин сөзли (*МН*). Бу давр тилида -сиз, -сыз қўшимчаси худди қадимги туркий тил давридагидек сифат ясашда қатнашгани ҳолда, эрон тилларидан ўзлашган -бэ олд қўшимчаси ҳам унинг маънодоти сифатида ишлатила бошлади: бэфаҳм-у бэвафа (*Бобур*) каби. Аммо нутқда улар ҳамиша ҳам маънодошлини юзага келтира олмаган, яъни бу иккига

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошгари. „Девону луготит турк“. Тошкент, 283- бет.

<sup>2</sup> Абдурадмонов Р., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикиси. Тошкент, 71- бет.

<sup>3</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II Фонетика и морфология: часть I. (Части речи и словообразование). М., 1952, 195—196- бетлар, Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957, 242—243- бетлар.

имчани олган сўз нутқда доимо фарқсиз ишлатилма. Эски ўзбек тилида сифат даражаларининг ифоданинда бир томондан эски туркий тил даври, иккичи томондан ҳозирги ўзбек тили билан муносабати кўзга ташланади. Чунонча, ортирима даража бальзан инг биринчи очиқ бўғинига п, м, с каби товушлар ирилиб, сунг ўзак кўшилиш йўли билан ҳосил ингади. ап-ақ, қып-қызыл, сап-сарғиғ, кем-кек, йам-шыл. Айрим ҳолатда сифатларнинг олдидан энг, бари, чум, асрү, баридин сўзларини келтириш йўли билан белгининг ортиқлиги ифодаланади:

Яъни мени мубталони истаб,  
Икки юзи чум қарони истаб.

(*Навоий*)

Белгининг ортиқлиги бальзан синтактик усул — икки инг айнан такрорланиш йўли билан ҳам ҳосил инган:

Бу эл эрур барча ёмондан-ёмон,  
Кимки йўқ андин ёмон андин ёмон.

(*Навоий*)

Яхшилардин яхшилур ёрим не навъ айлай тамаъ,  
Васлин анинг мен ки бордурмен ёмонлардин ёмон.

(*Навоий*)

Иурганде қаттық-қаттық овоз қылур. (Ш. турк)  
Қиёсий даража ҳам эски ўзбек тили даврида худди қадимги ва эски туркий тил давридагидек -рақ, -рэк қўшимчаси воситасида ифодаланган:

Неча ким ул ойга мендин меҳрибонроқ йўқ киши,  
Яхши то қилсан назар мендин ёмонроқ йўқ киши.

(*Навоий*)

Эски ўзбек тили даврида ҳам белгининг камлигини ифодаловчи шакллар худди эски туркий тил давридагидек -(у) мтул, - (у) мтўл, - чыл, -чил, -ғына, -гинә қўшимчаларини қўшиш асосида ясалган: көкўмтўл (*Абушқа*), ақчыл (*санглоҳ*), қорамтул (*Мабоинул лугат*). Иахшиларни мазасы бар (*Бобур*) кичкинэ уйдур (*Бобур*).

Ҳозирги ўзбек тилида сифат гуруҳидаги сўзларда асосан қадимги туркий, эски туркий ва хусусан, эски ўзбек

тили давридаги хусусият сақланиб қолган, дейиши мумкин. Шу билан бирга, кишига бирданниг сезилмайдиган ўзи хос жиҳатларнинг ҳам булиши табиий. Жумладан, эс ўзбек тили даврида, бир томондан, -ли, -лы, -лу, -л қўшимчаларининг истеъмол доираси тор бўлса, ҳозирни ўзбек тилига келиб, унинг қўлланиш доираси кенгайд. Иккинчидан, агар эски ўзбек тили даврида унинг лабланган шакли ҳам истеъмолда бўлса, ҳозирги ўзбек тилида лабланган шакли умуман истеъмолдан чиқди минишили от, ўтиришли жой, билимли одам, сутли сиғиғайратли бола каби. Тўғри, бу шаклнинг -лик кўриниш ҳам бაзаян ишлатилади. Аммо жуда кам: Янги чачвон – паранжилик аёллар. (П. Турсун) Тил тарихидаги -сиз, сиз қўшимчали гарчи ҳозирги имлода -сиз тарзда бир хишиш шаклда ифодаланса-да, аммо умум талаффузда тарихидаги ҳолат сақланган, яъни бу қўшимча ҳамон тил орка вишиш тил олди қилиб талаффуз этилади. Қиёсланг: кўчсиз ишсиз, тұғмасиз, үйсиз, кәйләксиз, көрпәсиз; қолсыз, аяқсиз, орынсыз, қанатсыз, тайақсиз, қулақсиз каби. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди эски ўзбек тилидагидеги -сиз -сиз қўшимчали билан маънодош форс-тоғиши тилидан ўзлашган -бэ олд қўшимчали ҳам ишлатилади бэ-ҳад // ҳадсиз, бепул // пулсиз, бехабар// хабарсиз бесабаб // сабабсиз. Аммо бу қўшимчаларни олган сўзларни ҳамиша ҳам фарқсиз бир-бирининг ўрнида нутқда ишлатиб бўлмайди. Қиёсланг: бечора-чорасиз.

Ҳозирги ўзбек тилидаги сифат даражаларининг қўлланилишида ҳам эски ўзбек тили билан мослик мавжуд. Чунончи, ҳозирги ўзбек тилида ҳам сифатлардаги белгининг камлигини -гина, -кина, -қина қўшимчалари ифодалай олади: Навоий... пастгина, кўримсизгина уйга кирди (Ойбек) — Тухумдай оппоқгина (Ойбек).

-ич, -иш қўшимчали ҳам шу маънони ифодалайди: кўк кўкиш, сарғиш // сарғич <(сариқ - иш), қизғиш (< қизиқ+иш)<sup>1</sup>, -(и) мтири, - ((и) мтил) қўшимчали ҳам ҳозирги адабий ва умумхалқ тилида худди тил

1

Гуламов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. I. Аффиксация, часть первая. Словообразующие аффиксы имен. АДД, М., 1955, 42- бет.

2

Гуламов А.Г. Кўрсатилган асар, 42- бет; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, 160- бетлар.

прикдагидек вазифани бажариб, нутқда аксарият -иш ғимчали билан маънодош қўлланади: сарғиш (сарғыш) // сарғич (сарғич) // сарғимтири // сарғимтил (сарғымтил); оқиши (ағыш) // оқимтири (ақымтыр) // оқимтил (ақымтил); кўкиш (көгиш) // кўкимтири // кўкимтил (ақимтил) каби. Белгининг ортиқлиги ҳозирги ўзбек тилидаги ғимчали ҳам худди эски ўзбек тилидагидек баъзи пайтда ишлатилади: қоп-қора, сап-сариқ, ямашил, кўм-кўк; бус-бутун каби. Баъзи пайтда ҳозирги тилда ҳам сифатнинг олдидан фирт, лиқ, жиққа, энг, тим тилда ҳам белгининг ортиқлиги ифодаланди: фирт аҳмок, лиқ тұла, жиққа ҳўл, тим қора. Йоки ўзбек тилидаги иккى сўзнинг такрорланиши асосида ҳам белгининг ортиқлигини англашиб ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланиб қолди: тўғридан-тўғри, очдан-оч, шигидан-янги, яхши-яхши, иссиқ-иссиқ, катта-катта, банд-баланд ва б. Қиёсий даражани ифодалаш учун қадимги туркй тилда қўлланган -рак, -рэк қўшимчали туркй тиллар тарихининг барча даврида шу маънода қўлланилди ва у ҳозирги ўзбек тилида ҳам истеъмолда: юзларни мәй яна кучлироқ оловлантириди, сурмали кўзларнинг қора шуъласи яна ёрқинроқ ёнди. (Ойбек)

Белгининг ўта ортиқлигини ифодалаш учун эски ўзбек тилида ғайат, бағайат, энг, жуда, бэҳәд сўзлари сифатлар олдидан келтирилиб қўлланган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида бу сўзлар билан бирга ниҳоят сўзи ҳам ишлатиладиган бўлди: ниҳоят гўзал, ниҳоят билимли каби. Адабий тилдаги ниҳоят, жуда сўзлари қипчоқ, лаъжаси вакилларининг нутқида нәйәти (нәйәти сулув), (жэ: ыссық) шаклида ҳам талаффуз этилади.

### Сон гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Сон гуруҳига доир сўзлар қадимги туркй тил даврида ёк шаклланган бўлиб, улар ҳам туб ва ясама ҳолда бўлган. Табиийки, бу давр тилида қўлланган сон гуруҳидаги сўзларнинг айримларида товуш жараёни юз бериши натижасида ҳозирги туркй, жумладан, ҳозирги ўзбек тилига улар баъзи бир товуш ўзгариши билан етиб келди. Қиёсланг: бирликлар: бир, эки, уч, тэрт, бәс, алты, йәти, сәкиз тоқуз. Ўнликлар: он, йигирми, отуз, қырқ:

элиг, йэтмиш, сәкизон, тоқузон. Юзлик: йуз, миңги биң — 1000, туман — 10. 000. Бу ўринда изоҳталааб ҳол шундан иборатки, қадимги туркий тилда етти, саккиз түккиз, уттиз сонлари аксарият бир ундош билан талаа фуз этилган. Йигирма сонининг охирида „и“ товуш бўлиб, йигирми тарзида талаффуз қилинган. Саксо түксон сонлари эса сәкиз он, тоқуз он тарзда қўлла нилган. Айни пайтда „миң“ „биң“ шаклида бўлган. Мраккаб сонларни санааш усулида ҳам қадимги туркий тилда ҳозирги туркий тиллардан фарқли үлароқ дастлабк санааш тизимида аввал бирлик, сунг ўнлик айтилган: йэт йигирми — 17, алты отуз — 26, бир отуз — 21.

Санашнинг бу усули кейинги давр тилида учра маслигини В.В. Бартельд қайд этса<sup>1</sup>, С. Е. Малов<sup>2</sup> ва А. М. Щербак 11 дан 30 гача бўлган сонларни бундай санааш сариқ уйғурлар тилида мавжудлигини тъқидлайди: ўйғирма — 13, ІІар фирмаси — ІІ. Шу билан бирга, қадимги туркий тилда санашнинг ҳозирги туркий тилларга бирмунча яқин келувчи санааш усули ҳам мавжуд бўлган. Бунда санааш усулига асосан аввал ўнлик, сунг бирлик сон, ўртада артуқ, артуқи сўзлари келтирилади: отуз артуқ у — 33, отуз артуқи төрт — 34, қырқ артуқи төрт — 4 каби. Ҳозирги туркий тилларда санааш усулининг шу туртарақий қилиб, айrim ўзгаришга учраб давом этганини ўз-узидан авик.

Тартиб сонларнинг ясалishiда қадимги туркий тилнинг ҳозирги туркий тиллар ва ҳозирги ўзбек тили билан умумийлиги, айни пайтда бъязи бир ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Қадимги туркий тил даврида тартиб сонлар саноқ сонларга -ти, -нч, -инч, -ынч қўшимчаларини қўшиш билан ясалган: ёкинти, учунч, йётинч. Бу шаклларнинг қай бири қадимийроқ эканлиги ҳақида туркологлар — В. Банг, И. Бенцинг, Д. Синор, К. Менгеслар ўтасида жуда катта мунозара ҳам бўлиб ўтди. Бу ўринда яна бир изоҳталааб масала шундан иборатки, қадимги туркий тилда тартиб сон ясашда „бир“ сони қатнашмаган.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Система счисления орхонских надписей в современном диалекте СПб, 1907, 3- бет.

<sup>2</sup>

Малов С.Е. К изучению турецких числительных В сб.: „Академику Н.Я. Марру“<sup>3</sup>. М.—Л.: 1935, 271/277- бетлар. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (имя) изд. „Наука“, Ленинград, 1977, 141- бет.

Шунинг ўринда „ил“ сўзига -ки қўшимчаси қўшилиши асосида ил+ки>илки сўзи шу маънода қўлланган. Шунингдек, -ки, -қы қўшимчаси йигирми, отуз сонларига ом қўшилиб, йигирми-ки, отузқы шаклида тартиб сон мисносини ифодалаган. Уйғур ёдгорликларида „биринчи“ тартиб сони ўринда „баштынқы“ сўзи қўлланган.

Жамловчи сонлар қадимги туркий тилда саноқ сонларига асосида ил+агу қўшимчасини қўшиш асосида ясалган: учагу.

Эски туркий тил даврида сон гуруҳидаги сўзларда, бир томондан, қадимги туркий тил давридаги хусусият қўлланди, иккинчи томондан, бу даврга келиб уларнинг талаффузида айrim товуш жараёнлари юз берди. Натижада бъязи сонларнинг талаффузи ҳозирги туркий тилларга оинлаша борди. Чунончи, бир сони эски туркий тил даврида икки хил — қисқа бир, чузиқ бийр талаффуз қилинганини Маҳмуд Кошғарий алоҳида тъқидлайди<sup>4</sup>. Икки сони ҳам бу даврда икки тарзда кўрсатилгани билан Маҳмуд Кошғарийнинг девони ва „Қутадғу билик“ да бу сўз ҳам икки ва икки шаклда қўлланган: икки аран оқушды (икки киши бир-бирини мақтاشди) („Девон“).

Киши икки турлук киши отанур;  
Бири учратигли, бири ўгранур,  
Ики дан барча йилқи сони,  
Тиласа муни тут тиласа ани.

(„Қутадгу билик“)

Шунингдек, бу давр тилида етти, саккиз, түккиз сонлари ҳам икки хил талаффуз қилинганини Маҳмуд Кошғарий изоҳлаган эди: йётти қат кек<sup>5</sup> (етти қават осмон). сәкиз. Бу саккизнинг қисқа шаклидир<sup>6</sup>. Маҳмуд Кошғарий 20 сонининг аксарият йигирмә тарзда талаффуз қилингани ҳолда, бъязан йигирми шаклда келишини ҳам

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, III, 87- бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, I, 271- бет.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“ III, 20- бет.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“ III, 305- бет.

такидләйди<sup>1</sup>. Айни пайтда 80,90 сонларнинг сәкиз+он тоқуғон тарзда шаклланиб, сәксән, тоқсан шакллари кейинги давр маҳсулидир<sup>2</sup>. Бу давр тилица бўм товуш жа расни шаклланиб улгурганлиги сабабли қадимги туркий тилдаги „бин“ сўзи эски туркий тил даврига келиб „мин“ тарзда қўлланади:

Мин киши йулғы болыб езиге

(„Қутадгу билиг“).

Кәрек мин йәшәтил кәрек он сәкиз

(„Қутадгу билиг“)

Эски туркий тил даврида тартиб сонларнинг саноқ сонларга -нч (-инч, -ынч, -үнч, -унч) қўшимчасини қўшип асосида ясалганини Маҳмуд Кошғарий кўрсатиб ёзади: „Бир сонининг ўзидан сўнгти сондан олдинги сирада туришини англатиш учун у соннинг охирига н билан ж орттирилади“<sup>3</sup> Шу билан бирга „Қутадғу билик“ да бу қўшимчанинг тўлиқ шакли ҳам учрайди. Бир — адл, иккинчи — давлат, учунчи — ақл, тўртўнчи — қаноат, („Қутадғу билик“). Бу давр тилица тартиб сон ясашда -нти, -нты, -нди, -нды қўшимчаси ҳам кам даражада бўлса-да, ҳали истеъмолда эди: ики нди нәқ — иккинчи нарса. („Девон“)

Эски узбек тили даврига келиб, сон гуруҳидаги сўзларнинг қўлланилишида янада ҳозирги ўзбек тилига яқинлаша бориш ҳолати сезилади. Айни пайтда эски туркий тилдаги хусусиятлар ҳам тамоман йўқолиб кетмади. Бинобарин, ҳозирги ўзбек адабий тилица тўлиқ иккиланган ундош билан талаффуз қилинадиган 2, 7, 8, 9, 30, 50 сонлари икки хил талаффуз этилган: ики//икки, йети//йэтти, сәкиз//сәккиз, тоқуз//тоққуз, отуз //оттуз, элик//эллик. Эски ўзбек тили даврида қисман ҳазор (1000), туман (10.000), лак (100.000) саноқ сонлари ҳам қўлланган:

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, III, 55- бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, I, 410- бет.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, I, 118- бет.

Бухтайи симкаш қатор-қатор,  
Юки ичра дирам ҳазор-ҳазор.  
Ки ҳисоб ичра бор эди ўн лак,  
Хар лаки ўн туман келиб бешак.

(Навоий)

Бу давр тилида „биң“ тұлиқ „миң“ тарзда талаффуз илинадиган бұлды. Таркибли сонлар эски ўзбек тилида үдди ҳозирги ўзбек тилидагидек, аввал катта сон, сұңг ичик сонни келтириш (йуз йигирмә бәш, ўч йұз алтынш уч тарзда) билан ҳосил қилинганидек, баъзан дағы, -у, -е боғловчилари воситасида ҳам ясалади:

Адад ичра ўч миң дағы йэтти йуз,  
Жазойир орасида күп тогу туз.  
Қилонки Дорога маҳзан эди,  
Эшигтимки йуз дағы сәксан эди.

(Навоий)

Йылға миң, сәккиз йўз-ў тоқсан эди.

(Фурқат)

Эски ўзбек тили даврида тартиб сон асосан -нчи, -нчы (-инчи, -ынчи, -унчи, -унчы) ўчунчи, төртүнчи, алтынчы, онунчы, отузунчы.

Шу билан беріга, бу давр тилида қадимғи аввалғи тартиб сони билан бириңчи сони ҳам тенг құлланади. Бу қолаттар табиий ҳозирги ўзбек тили билан монандлыкни юзага келтирған. Айни пайтда гарчи кам даражада бўлса-да, эски ўзбек тилининг маълум даврида худди қадимғи ша эски туркй тилдагидек тартиб сонларнинг -нч (-инч, ынч, -унч, -унч) қўшимчаси асосида ясалган шакллари ҳам мавжуд. Ҳатто бу шакл Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди:

Икинч улки қил хизмати волидайн,  
Бил ул иккининг қуллуғин фарзи айн.

Ўчунч ул ки чун холиқи зулжалол,  
Ки ҳам ламйазал келди ҳам лойязал.  
Уч қуий, уч юқори қилди шитоб,  
Машъала төртүнч уй аро солди тоб.

Булуб төртунч Арастуға рақам кам,  
Ки гори ичра кирдим аждаҳоваш.

(Навоий)

Эски ўзбек тили даврига келиб гарчи ҳали кам дара жада бўлса-да, тартиб сон ясашда -ланчы, -ләчи қўшимчалари ҳам қўлланиладиган бўлди: Падшахниң, бәшләнчи оғлы болграй-мэн. („Шаж. турк“)

Эски ўзбек тилининг маълум давригача қадимги ўзбек туркий тил даврида жамловчи сон ясовчи қўшимчасининг -эгў, -эгўн шакли ҳам истеъмолда бўлган Андин соң ўчагусу тан сариға бардылар. (Ўгузнома) Кейинчалик г>в фонетик жараёни асосида эски ўзбек тилида -в, -ав; әвлөн, -авлан, -(а) ла, - (ә)лә, -(а) лан, - (ә) лән қўшимчалари шаклланиб, унинг биринчилари қипчоқ ва қарлуқ, иккинчилари уйғур-ўғуз тиллари учун хосдир:<sup>1</sup> икәвлә, икәвлән, иккәлә (си), тәртәлә (си) алтав төртәв (Абушқа).

Эй кўнгул, кел ким икав бўлуб нигори кўзлали,  
Сарв қадди истабан симин узори кўзлали.

Бўлғач учав иккиси узолиб,  
Қум узра аниг нишони қолиб.

Чиқиб шаҳзода бирла шоҳ икавла,  
Вазири кордон бирла учавла.

Не хуш бўлғай икавлан маст бўлсақ васл боғинда,  
Қўлум бўлса аниг бўйнида-ю, оғзим қулогинда.

Иккаласи қатла ўзи азл қилди...  
...Тўрталаси нодир тушубтур...

(Навоий)

Эски ўзбек тили даврида дона сон -тә, -та чама сон -чә, -ча қўшимчалари ва саноқ сонга чағлы сўзини қўшиш асосида ҳосил қилинган:

Кўрунуб хайлиға гоҳи қароси,  
Очуг ярим йироч чоғлиқ ароси.

(Навоий)

1

Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка, 139- бет.

Ҳозирги ўзбек тилидаги сонларнинг қўлланишида<sup>1</sup> юғорида қайд этилганидек, эски ўзбек тилидаги сонлар билан умумийликлари анчагина. Аммо қисман ўзига хос ишатларининг ҳам бўлиши табиийdir. Ҳозирги ўзбек тилида бирдан миллиардгача бўлган саноқ сонлар үлланилади. Эски ўзбек тилидаги туман, лак сонлари ҳозир ишлатилмайди. Лак халқ достонлари тилида сақланиб қолган бўлса, туман „бирники мингта, мингники туманга“, „соғлиғинг туман бойлигинг“ мақолларида ва „тумонат одам“ бирикмаларида сақланиб қолган. 2,7,8,9 сонлари ҳозирги туркий тилларда икки хил ҳолатда— бир ундош ва икки ундош билан талаффуз этилади. Озарбайжон, уйғур, ўзбек тилларида ундошлардаги иккилиқ адабий қолип бўлиб қолгани ҳолда, туркий тилларнинг кўпчилигига бу шевага хос ҳолат саналади. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҗжасида ҳам шу сонларнинг талаффузида икки хил ҳолат мавжуд. Чунончи, 2,7 сонлари ҳудди қадимги туркий тил давридагидек, эки, жэти тарзида бир ундош билан талаффуз қилинса, қолганлари сөkkиз (с), тоққызы (с), эллув (эллик) шаклида иккиланган ҳолатда талаффуз қилиниб, тилинг кейинги давр тараққиётини ифодалайди. Чуваш тилида биринчи ўнликда ундошлар иккиланган (перрэ, икке, висс е, таватта, пиллек, ултта, сичче, саккар, шаххар)<sup>2</sup>. Туркий тиллар тарихининг маълум давридан бошлаб ундошлардаги иккилиқ мавжуд бўлиб, иккилиknинг дастлабки вазифасини жуда ҳам аниқ айтиш қийин<sup>3</sup>. В.А. Гордлевский туркий тиллардаги турлича санаш усули борлигини таъкидлаганидек<sup>4</sup>, дарҳақиқат бундай ҳолатни жуда кўп туркий тиллар ёки уларнинг шеваларида уч-

<sup>1</sup> Исхаков Ф.Г. Числительное. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, часть вторая, М., 1956, 176—190- бетлар. Низомиддинова С. Ҳозирги ўзбек тилида сон. Тошкент, 1963.

<sup>2</sup> Матвеев Т.М. Некоторые особенности чувашских числительных — "Вопросы чувашского языка, Литературы и искусства" китоби, Чебоксары, 1960, 10- бет

<sup>3</sup> Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка, 1,11—12- бетлар.

<sup>4</sup> Гордлевский В.А. Числительное 50 в турецком языке (К вопросу о счете в тюркских языках). — Изд АНССР, Оля, 1945, IV, 3—4- сони, 135—147- бетлар.

ратиш мумкин. Масалан, қыргыз тилида бирдин ўчү әк чүкү—7, бирдин ўчу ўч чүккө—8<sup>1</sup>, ўзбек тилининг Ҳозир расп шевасида Икки доқызы чорәк-18 нон ўч доқызы патир—27 нон<sup>2</sup>, Кавказ туркларининг ва қисман балқа ва қумиқлар тилида<sup>3</sup>, йијирма bla он —30, эки йыйир+ма—40, эки ѹијирма ма bla он—50. ўч ѹијирма—60 тарзда санаш усули мавжуд. В.А. Гордловский бошқирд кексаларининг тилида дўрт биш —20, ўч отузунда пири фэртут (уч ўттуз тўқсон) ёш<sup>4</sup> шаклда ишлатилишини таъкидлайди. Эски озарбайжон тилида ўч отуз он йаш олсун — 100 ёш бўлсин. Икки јэдди — 14, ики фирм<sup>5</sup> 80<sup>6</sup> туркман тилида ўч элли — 150, ики элли — 100<sup>6</sup>, шаклида ишлатилиши ҳолати мавжуд. Ўзбек халқ оғзаки нутқида ҳам „эрдиқ жашизиотиз, эрәң жэтәр ўч отиз“ тарзли иборалар ҳам ишлатилади. Табиийки, сонларнинг туркий тилларда бу шаклда ишлатилиши маълум бир услубий аҳамият касб этиш билан алоқадор.

Ҳозирги ўзбек тили ва унинг шеваларида составли сон боғловчилар билан талаффуз қилинмайди. Аммо туркий тиллар тарихидаги бундай хусусият айрим туркий тилларда ҳамон сақланиб қолган. Жумладан, чуваш тилида сер тэ икки — 102 (юз ва икки), пин тэ вис е — 1003 (минг ва уч)<sup>8</sup>, қарачай-балқар тилида йијирма bla бир — 21, йијирма bla эки 22, йуз bla эки йијирма bla тәрт

1

Юдахин К.К. Киргизское ис-5. Тр. МИВ, 1940, 2, 191—193- бетлар.

2

Джуманазаров Г. Морфологический особенности хазарапского говора узбекского языка. АКД. 1961, 15- бет.

3

Дмитриев Н.К. Грамматика кумыкского языка, 73- бет.

4

Къарачай-малкъар тилни грамматикасы. Нальчик. 1966, 114- бет.

5

Гордлевский В.А. Числительное "50" в турецком языке, 144- бет.

6

Элизадэ А. Азэрбајҹан дилининјазылы абидаләринда сајларын ифадә олинмасына даир. (Мигдар сајдары). "Вопросы азербайджанского языкоznания", Баку, 1967, 118- бет.

7

Грамматика туркменского языка, 1, 157- бет.

8

Кеңесбаев. „Жети“, „уш“, „торыз“, „қырқ“ пен байланысты ўғыттар. — Изд. АН Казахской ССР, серия филологическая, 1946: 4 (29), 3—14- бетлар; Turk dilinde 40—Turk dili Ankara<sup>7</sup> 1953, 749—752- бетлар; Бекбергенев А. Қарақалпақ тилиндеги санлықлардын, сақраменталь манилери. — Қарақалпақ тили бойынша изертлеулер. Некис, 1971, 186—191- бетлар.

144.<sup>1</sup> бошқирд тилида мә та ңигүб јоб ңихван 1880 тарзда талаффуз қилинади. Аммо ўзбек тилида ошаки нутқда баъзан — у билан бирга бир йуз-у бэш, бир йўз-у алты шаклда талаффуз қилиш ҳолати мавжуд. Бундай ҳолат қирғиз тили шеваларида ҳам учрайди бир йуз-ӯ он — 110<sup>2</sup>. Ёкут тилида эса қадимги туркий тилдагидек „ордуқ“ сўзи билан келиш ҳолати ҳам бор. Қиёсланг: отуш ордуға бир — 31, ағас уон ордуға икки — 82<sup>3</sup>.

Ҳозирги ўзбек тилининг жуда кўп лаҳжаларида соннинг кам сўзи билан бирга қўлланилиш ҳолати мавжуд. Қиёсланг: ўч кәм йигирмэ 17, ўч кәм қириқ — 37<sup>4</sup>, йэкәмттй с — 28, вўчкәмалмийш — 57<sup>5</sup>, экәэм қирқ — 38, уч кәм йэтмуш — 67<sup>6</sup>, бир кәм қирқ — 39, бир кәм йўз — 99<sup>7</sup>. Бундай ҳолат уйғур тилининг шеваларида (икки кәм отуз — 28)<sup>8</sup>, шунингдек, туркман тилининг ёвмут шевасида (бир кәм қирқ — 39), қирғиз тилининг айрим шевасида (эки кәм тоқсан — 88, ўч кәм тоқсан — 87) учрайди<sup>10</sup>.

Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси вакилларининг, хусусан, кексалар нутқида чәрәк //чәйрәк сўзи ҳам

1 Қъазачей-малкъар тилни грамматикасы, 113, 117- бетлар.

2 Юнусалиев Б.М. Қыргыз диалектологиясы, Фрунзе, 1971, 189- бет.

3 Хаританов Л.Н. Современный якутский язык. Фонетика и морфология. Якутск, 1947, 145- бет.

4 Тулаков С. Морфологические особенности наманганского говора узбекского языка, АКД, Т., 1965, 15- бет.

5 Аҳмедов А. Джушский говор узбекского языка, АКД, Самарқанд, 1962, 17- бет.

6 Шарипов Х. Узбекские говоры Южной Киргизии, АКД, Ташкент, 1967, 17- бет.

7 Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро групса шевалари, Тошкент, 1969, 58- бет.

8 Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. 142- бет.

9 Амансарыев Дж. Северные говоры ёмудского диалекта туркменского языка, АКД, Ашкабад, 1954, 11- бет.

10 Бакинова Г. Киргизский говор Октябрьского района, АКД, Фрунзе, 1953: 12- бет; Юнусалиев Б.М. Қыргыз диалектологияси, Фрунзе, 1971,

ишлиатилади. Қиёсланг: әкичәрәк — 4 кило, он чәйрәк — 20 кило<sup>1</sup>.

Тартиб сон ҳозирги ўзбек адабий тилида -нчи, -инчи қўшимчаси билан ясалгани ҳолда, унинг шеваларида ва бошқа туркий тилларда тил тарихидаги кўп шакллилик хусусияти сақланган. Бу кўп шакллилик аввало фонетик жараён билан боғлиқ. Яъни ҳозирги туркий тилларда энг кўп тарқалган қўшимча (ы) нчы — (и) ниши, - (у), нчу, — (ы) — ниши, - (у) нишу, - (ы) нјы-, (у) нјы, (у), нју, — (ы) ноы—(э) исэ шакллари ҳисобланади. Қиёсланг, озарбайжон тилида: биринji, икинji, учунji, дердунji; Олтой тилида: экинчи, учинчи, төртинчи бежинчи; бошқирд тилида биринси, икинси, осонсо; қозоқ тилида: биринши, ушинши<sup>2</sup> ўзбек тилида биринчи, икинчи, учинчи, тортинчи каби. Шунингдек, эски ўзбек тилида қўлланилган -ләнчи, - ланчи - қўшимчаси ўзбек тили ва унинг шеваларида ҳамда бошқа туркий тилларда - ланчи, - (у) ланjы, - ланши, - ламчи, - ламчи, - ламjы шаклларда қўлланилади. Қиёсланг: ўзбек тили ва унинг шеваларида бирламчи, иккиламчи, би лләмчи, ушламчи<sup>3</sup>, бәшләмчи<sup>4</sup>. Туркман тили шеваларида ўчләнji бошләнji, алтиланji<sup>5</sup>. Қорақалпоқ тилида бирләнши, алтыланши<sup>6</sup> каби.

Бу масала билан шуғулланган туркологларнинг деярли барчаси тартиб сон ясовчи қўшимчаларнинг қай бири қадимий деган масалани қўядилар ва бу саволга турлича

<sup>1</sup>

Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком, 148- бет.

<sup>2</sup>

Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. 145- бет.

<sup>3</sup>

Шерматов А. Каршинский говор узбекского языка. АКД, 1960, 28- бет.

<sup>4</sup>

Джураев Б. Шахрисибзский говор узбекского языка. АКД, М., 1959, 17- бет.

<sup>5</sup>

Атаджанов М. Салырский диалект туркменского языка, АКД, Ашхабад, 1959, 11- бет.

<sup>6</sup>

Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Части речи и словообразование, АДД, М.-Л., 1950, 23- бет.

жавоб бергандар. Агар О. Бетлингк ва С.В. Ястремскийлар<sup>1</sup> тартиб сон ясовчи тұлиқ -нчи, -инчи, -ынчы шакллари қадимий деса, А.Н. Кононов<sup>2</sup>, П.М. Мелиоранскийлар<sup>3</sup> бу фикрга қарши бүлгап ҳолда, етарли ассоц бүлмаганлыги сабабли аниқ хulosса билдирамайдылар. В.Банг қисқа (-нч) шаклининг қадимийлиги қақида ўз фикрини баён этар экан, унинг бу фикри айни пайтда И. Бенциг, Д. Синор, К. Менгеслар томонидан қувватлашади. Бироқ Д. Синор — (ы) -нчы құшымчаси билан келгап қадимийроқ мисолларга дуч келгандылығы сабабли қадимги туркий тиілдеги (ики нди икинти) —(ы) нты шакли қадимий, деган хulosага келади. К. Брокельман биринчилардан бўлиб тартиб сон ясовчи құшымчанинг қаракат номи ясовчи -(ы) ич билан алоқадорлигини таъкидлайди<sup>4</sup>. Ж. Клосон бу құшымча охирида иккى ундошнинг бир ўринда келмаслик қонуниятига биноан орттирилган деган хulosани билдиради. Айрим туркологлар эса бу шаклларнинг III шахс эгалик құшымчаси билан алоқаси борлигини таъкидлайди. Бу борада А.М. Шчербакнинг тұлиқ шакл (икинчи) қисқа (икинч) шаклга алоқадор, эгалик құшымчаси (икинчиси) ўз вақтида тұлиқ (икиниси) шаклга алоқадор деган хulosаси анча асослидир.

Хозирги ўзбек, туркман, қорақалпоқ шеваларидан тартиб сон ясашда иштирок этадиган -ләнчи тартиб сон ясовчи құшымчаси тузилиш жиҳатдан феъл ясовчи -лә (ла) ва тартиб сон ясовчи -нчи құшымчасининг құшилишидан -ләнчи тарзда ясалған<sup>5</sup>. Дарҳақиқат, қадимги туркий тиілде икәлә, ўчлә, тәртлә тарзидан құлланыш ҳолати мавжуд бўл-

<sup>1</sup> Ястремский С.В. Грамматика якутского языка, М., 1938, 73- бет.

<sup>2</sup> Кононов А.Н. Тюркские этимологии. Уч. зап. Ленинградского гос. универ. N 179, серия востоковедческих наук; История и филология стран Востока, 1954, 4. 272- бет.

<sup>3</sup> Мелиоранский П.М. Араб филолог. о турецком языке. СПб, 1900, III—IV.

<sup>4</sup> Brockelmann C. zuz Czammatik des Osmonisch — Turkisch. исп. Zu den Zehlvorterh ZDMC, 1916, 70.

<sup>5</sup> Clansonsc, The Turkish Numerals. IRAS, 1959.

<sup>6</sup> Шчербак А.М. Кўрсатилган асар, 149- бет.

<sup>7</sup> Шчербак А.М. Ўша жойда.

ган. -лэмчи шакллари н>м фонетик жараёни асосида бирлэмчи, иккилэмчи тарзида ишлатиладиган бўлди.

Хозирги ўзбек адабий тилида жамловчи сон -ов (<ағ-+ғу<-а+<-ғун)<sup>1</sup> қўшимчаси билан шаклланиб, бу қўшимчани умумтуркий тилда бирдан саккизгача бўлган сонларни қўшилади, холос: бирор, иккот (икки+ов), учов, тўртсон, бешов, олтов, еттов (етти+ов). Ўзбек тилининг шеваларида ва бошқа туркий тилларда худди тилими тарихидагидек, бу қўшимчанинг -эв шакли ҳам истеъмолда: қыпчоқ лаҳжасида экэв, ўчэв, тәртэв, бәшэв; бошқир тулида: бирэв, икэв, ёсэв, дўртэв, бишэв; қозоқ тулида: икав, жидав каби. -ала (<ав+лағ<агу+ла)<sup>2</sup> қўшимчасига нисбатан кам ишлатилиб, асосан 2, 3, 4, 5, 6, 7 сонларига қўшилади: иккала (<икка+ала), учала, тўртала, бәшала, олтала (<олти+ала), еттала (<етти+ала). Бу қўшимча ҳозирги айрим туркий олтой (Экилә, ўчулә, тәртүлә), тува (дөртәлә, біжәлә), шор (ужәлә, тэртәлә, пәжәла) тилларда ишлатилади<sup>3</sup>. Бу қўшимчадаги -лә элементини В. Банг -ла ју га олиб бориб боғлайдики, бу фаразия кўргина туркий тиллар ва уларнинг шеваларида бошқа кўринишдаги жамловчи сонларга эътибор берилса, анча асослига ўхшайди. Қиёсланг: бошқирд шевасида: осёвләп, дўртёвләп, алтавлап, алтавлашып<sup>4</sup>, татар тулида: икёвлап, икёвлашып, бишёвләп, уновлап, гарбий-сибирь татарлари тулида: пышёвләшып, унав-

<sup>1</sup>

Гулямов А. АДД, 47- бет; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 169- бет.

<sup>2</sup>

Гулямов А. АДД, 47- бет; Исхаков Ф.Г. Числительное, 199—200- бетлар.

<sup>3</sup>

Шчербак А.М. Кўрсатилган асар, 152- бет.

<sup>4</sup>

Баева Н.Х. Говор айский башкир, АТ, 17- бет.

манип<sup>1</sup>, туркман тилида: икиләшип<sup>2</sup>, ўзбек тилининг шевирида: иккәвлап<sup>3</sup>, экәвләшип<sup>4</sup>, учовлашип<sup>5</sup> каби.

## Олмош гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Олмош гуруҳидаги сўзлар ҳам қадимги туркий тил дигридаёқ шаклланган бўлиб, уларнинг ҳозирги туркий тиллардаги олмошлардан баъзи фонетик тафовути ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Чунончи, шахс олмошлари бирликда: бин, мин, син, ол; кўпликда: биз, сиз, учинчи шахс кўплиги ёдномаларда қайд этилмаган<sup>6</sup>. Ёдномалар тилида бин (бэн) ва мін (мэн) олмошлари тенг қўлланган:

— Мин (мэн) тоқуз йигирми йыл шад олуртыйм, тоқуз йигирми йыл қаған олуртыйм, йыл тутдым—бин утру йорыйдым.

II шахс бирлик олмоши ёдномаларда аксарият син шаклида истеъмолда бўлган:

бәнгүил тута олургачы син.

I, II шахс бирлик олмошларини туркологлар одатда иккига — мэ +н, сэ+н га ажратиб қараб, уни турлича изоҳламоқдалар<sup>7</sup>. Аммо афсуски, ҳануз -н қўшимчасининг этиологияси аниқ эмас.

I, II шахс кўплик олмоши биз, сиз шаклда бўлган: —

1 Ахатов Г.Х. Диалект западносибирских татар, АДД, Ташкент, 1965, 22- бет.

2

Пенжиев М. Ҳозирги заман туркмен дилинде санлар. Чарҳев, 1962, 136- бет.

3

Шарипов О. Папский говор узбекского языка, АКД, Ташкент, 1962, 14—15- бетлар.

4

Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка, 17- бет.

5

Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1962, 64- бет.

6

Айдаров Г. Язык орхонских памятников древне тюркской письменности VIII века, Алма-Ата, 1971, 179- бет.

7

Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 172- бет; Исхаков Ф.Г. Некоторые предположения о происхождении конечных т и д в словах аст, уст, алд, арт и т.п. В сб.: „Академику В.А. Гордлевскому к его семидесятилетию“. М., 1958, 135- бет; Баскаров Н.А. О соотношении значений личных и указательных местоимений в тюркских языках. „Доклады и сообщения ИЯ АН СССР“, 1- т, 1952, 140- бет.

биз аз эртимиз, биз оз эдик. — биз қорқмадымыз — бүкілмадык, сиз ташықынсиз — ташарига чиңинг. Худьирик олмошлари каби I, II шахс күплик олмошларын ҳам туркологлар<sup>1</sup> кисмет ажратып изохладылар. Чөнчи, би-з, си+з ҳамда сиң, +з>сиңиз>сиз тарзда<sup>2</sup>? С. Малов биз, сиз олмошларининг этимологиясини башкачароқ, би+ си- биз, си+си- сиз тарзда ҳам күрсатып мүмкін<sup>3</sup>, деб таъкидлайды. Шахс олмоши құшимчалары олганда баъзи фонетик ўзгаришларга учрайди: — анәр сүләмәсәр... ол бизни елүртәчи күк (биз уларга қаршы бормасак, бизни ентиб қўймаса).

Күрсатиш олмошлари қадимги туркй тил даврида бу ол (ол шахс олмоши сифатида ҳам қўлланган) шаклид бўлган:

бу йирдә олурлып — бу йерда экиб, ўзлаштириб, анъ кәрўп.

Ўзлик олмоши маъносида бу давр тилида ез, кәнтү—сўзлари истеъмолда бўлган: элтәбәр өзиқалти—тоқуз оғуз будун қенгу (будуным арти—тўқиз ўгуз халқи (менинг) халқим) эди.

Сўроқ олмошлари ким, нә, қай, қан, қач шаклда бўлиб, бу олмошнинг қолган кўринишлари ана шу шаклардан юзага келтан.

Биргалик олмошлари маъносида қамур (ҳамма), бары, барча, бунча сўзлари қўлланилган.

Олмошларнинг қўлланилишидаги бу ҳолат эски туркй тил даврида ҳам давом этди. Аммо бу давр тилида айрим сўзларнинг талаффизида фонетик тафовут ҳам кўзга ташланади. Маҳмуд Кошгари мэн сўзини шундай изохлады: „Мэн сўзловчи шахс ўрнида қўлланувчи сўздир“<sup>4</sup>. Мэн аны имлэттим („Девон“).

II шахс олмоши ҳақида олим ёзди: „Сән иккинчи шахс маъносидаги сўздир. Бу сўзни турк қабиласи ёшда,

<sup>1</sup> Поцелуевский А.П. Происхождение личных и указательных местоимений. Алматы. 1947, 4- бет; Малов С.5. Памятники древнетюркской письменности. М., — 1951, 52- бет.

<sup>2</sup> Суюнчев Ж.И. Карабаево-балкарские и монгольские лексические параллели. АКД, Баку, 1969, 13- бет.

<sup>3</sup> Малов С.Е. Юқоридаги асар, 5- бет.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошгари. „Девону луготит турк“, 1- жилд, 285- бет.

шакабада ўзидан кичикларга қўллаб, ўзидан катта, ҳурматлиларга сиз олмошини қўллайдилар. Ўгузларда осинчадир. Яни ўгузлар ўзидан катталарга сән, ўзидан кичикларга ва кўпликда сиз қўллайдилар. Туркий қабиласор қўллаган шакли қоидага мосдир<sup>5</sup>. Бу олмош эски тил даврида ҳам қисқа — си тарзда учрайди. Мардан, силёрга мәниидән асығ сөз кәрек<sup>6</sup>.

Учинчи шахс ўрнида қўлланувчи олмош ул дир. „Ул аммунида, яъни учинчи шахс ўрнида қўлланувчи олмош ул олмошидир: Ул андағайды — у шундай деди маъносида“<sup>7</sup>. „Биринчи шахс кўпроқ, яъни биз маъносидаги олмош биз дир: Биз келдимиз каби“<sup>8</sup>.

Қадимги туркй тилдаги „б“ ундошининг эски туркй тил даврига келиб баъзи сўзларда „м“ ундошига ўта бошлаган ҳолати сезилади, яъни бу даврга келиб бўм фонетик алаённи юз берди. Бу ҳолат биринчи шахс кўплик олмошида ҳам содир бўлганлигини Маҳмуд Кошгари мўлохида таъкидлайди: „Миз сўзи биз демакдир. Бу сўзининг биринчи товуши м, б дан ўзгарган. Сўз бошида б билан биз тарзида қўллансан ҳам, сўз охирида исмда чим, феълда ҳам миз тарзида қўлланади. Биз бордимиз, келдимиз, отимиз каби“<sup>9</sup>.

Эски туркй тил даврида қадимги туркй тилда қўлланган кўрсатиш олмошлари қўлланышда давом этди. Бу ҳақда Маҳмуд Кошгари ёзди: „Ул узоқдаги нарсани кўрсатувчи олмошдир“<sup>10</sup>. „Бу яқиндаги нарсани кўрсатувчи олмошдир: бу эр — бу одам дейилгандаги каби“<sup>11</sup>. Ул олмоши келишик қўшимчаларини олиб турланганда ҳам худди қадимги туркй тилдагидек фонетик жараён юз

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошгари. „Девону луготит турк“, 1, 284—285- бетлар.

<sup>2</sup> Уша асар, III, 89- бет.

<sup>3</sup> Уша асар, 1,41- бет.

<sup>4</sup> Уша асар, 1,273- бет.

<sup>5</sup> Уша асар, 1, 275- бет.

<sup>6</sup> Уша асар, 41- бет.

<sup>7</sup> Уша асар, III жилд, 105- бет.

берган. Яъни, жўналиш келишиги қўшимчасини олса аңар, ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олса анда шакда бўлган<sup>1</sup>. Бу ўринда изоҳталаб бир ҳолат шундан ибратки, туркий тиллар тарихидаги б>м фонетик жараён фақат биз биринчи шахс олмошидагина эмас, ҳатто қўрсатиш олмошида ҳам юз берган. Қиёсланг: Муң маңзар эмди эшит ушбу сез. („Қудатгу билиг“) Мун сэн айурсан мәниң тэб мәниң. („Қутадгу билиг“ Тиләнсән, аны тут, тиласән муны. („Қутадгу билиг“)

Қадимги туркий тилда қўлланган ўзак сўроқ олмошлиари эски туркий тил даврида ҳам қўлланилиши давом этди. Шу билан бирга, сўроқ маъносини англатган сўроқ ўзак олмошларига турли қўшимчалар қўшилиши асосид ҳам сўроқ олмошларининг доираси бу давр тилида янад кенгайди. Жумладан, „нә“ сўроқ олмоши ҳақида Маҳмуд Кошғарий „Нарсани аниқлаш учун ишлатиладиган сўроқ сўзи нә дир, нә тэрсаң — нима дейсан демакдир“ деб ёзади: Ач нә йэмәс, тоқ нә дәмәс. Бу давр тилида сўроқ олмошининг нә, нә кўринишлари фаол ишлатилгани ҳолда, ундан нәлўк, нәчўк, нәтәк, нағутәк, начә шакллари ҳам ясалган:

Нағутәк тэгир эмгәк сенга,  
Нэдәк бэк бўлур бул будунға улуқ.

(„Қутадгу билиг“).

Бу давр тилида „ким?“ сўроқ олмошининг ҳам қўлланилишини Маҳмуд Кошғарий таъкидлар экан, „шахсларни аниқлаш учун қўлланадиган сўроқ олмоши ким дир. Бу ким олмоши — сўзлаётган ёки ишлаётган киши қайси одам демакдир“<sup>2</sup> дейди. Эски туркий тил даврида сўроқ олмошининг қайу шакли ҳам қўлланган: Асығлығ қайу ул асығсыз қайу. Бу давр тилида бу олмошининг қайда шакли ҳам ишлатилганигини Маҳмуд Кошғарий қайд этади: „Қайда—нарсаларнинг ўрнини аниқлаш учун қўлланадиган сўроқ олмошидир“. Айни пайтда, қайда олмошининг қанда, қайуда шакллари ҳам мавжудлигини Маҳмуд Кошғарий таъкидлаб кўрсатади: „Қайда олмошининг қанда равишидаги н лик варианти ҳам бор“.

1

Ўша асар, 1, 113- бет.

2

Ўша асар, 1, 284- бет.

Эски туркий тил даврида құлланған биргалик олмошларининг ҳам қадимги туркий тилдаги шундай олмошлар билан деярли үхашшылығы бор. Чунончи, бу давр тилида қам ҳамма маъносидә қамуғ сўзи ишлатилган: „Қамуғ— ҳамма маъносидаги кўпликни белгиловчи олмошдир. Қамуғ киши туз эрмас „ҳамма одам бир хил эмас“<sup>1</sup> каби. Айни пайтда шу маънода бу давр тилида барча сўзи ҳам фаол қўлланған: „Кўпчилик шахс ва нарсаларни аниқловчи ҳамма маънолардаги сўз — барча сўзицир: барча кэлдилар — ҳаммалари келдилар маъносидар“<sup>2</sup>.

Эски ўзбек тили даврида ҳам бир томондан қадимги туркий ва эски туркий тил давридаги олмошлар сақланиб қолса, иккинчи томондан, бу давр тилида, табиий, ўзига хос жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Чунончи, шахс олмошлари эски ўзбек тилида қўйидагича шаклда қўлланылган: Биринчи шахс бирлик маъносини бу давр тилида банда, фақир, ҳақир сўзлари билан бирга аксарият қадимиий мэн сўзи ифодалаган. II шахс бирлиги учун сэн сўзи қўлланылган. I, II шахс бирлик олмошларига эски ўзбек тилида кўплик - лэр, - лар шакли қўшилмаган:

Сэн гулсэну, мэн ҳақир булбулдумрмэн,  
Сэн шуъласэну, ул шуълага мэн қулдумрмэн.  
Нисбат йўқолур деб ижтиоб айламаким,  
Шаҳмэн элга, валэ сэнга қулдуммен.

(Бобур)

Гарчи кам даражада бўлса-да, баъзан II шахс кўпликни англатиш учун II шахс бирлик шаклига-лэр кўплик шакли қўшилиб келиш ҳолати ҳам учрайди: мэн сэнләргә болдум қаған. („Ўгузнома“)

III шахс бирлиги учун ул//ол олмоши қўлланылган. Бу олмош келишик қўшимчаларини қабул қилган пайтда, оҳангдошлиқ қонуниятининг иккинчи ҳодисаси амал қиласади. Яъни қўшимчанинг ўзакка таъсири натижасида ўзакдаги лабланған у//о унлиси қўшилган қўшимчанинг хусусиятига қараб лабланмаган э ёки а унлисига айланади. Тушум ва қаратқич келишигидаги н сонор ундошининг таъсирида ўзакдаги л ундоши ҳам н товушига айланади:

1

Ўша асар, I, 314- бет.

2

Ўша асар, III, 249- бет.

Хижронда соғиниб мәни шод этгайсән,  
Мән хастани мухлис эътиқод этгайсән.  
Бу хатни аниңг учун битидим мунда,  
Күргач бу хатимни, мәни ёд этгайсен.

(Бобур)

Бу олмош жұналиш келишиги қўшимчасини олган пайтда ўзидаги н ва қўшимчадаги г, f товушларининг бир ўринда келиши натижасида әңә аңа шаклини олади.

Биз олмоши биринчи шахс бирлиги ҳамда кўплиги маъносида ишлатилган. Баъзан биз олмоши бу давр тилида -ләр қўшимчасини ҳам қабул қилган бўлиб, аммо бу ҳолат жуда кам даражада бўлган: Биздин бурун тарих айтқанлар арабий луғатларни қошуб турурлар. („Шах. тарок.“) Бизләр бундақ тархи ажаб олий имаратны ҳәргиз көрмәгэн эрдук. (Фурқат)

Сиз шакли II шахс бирлигига нисбатан ҳурмат маъносида ҳам қўлланылган, айни пайтда у кўплик -ләр қўшимchasини ҳам қабул қилган. Султон Аҳмад бэг сизни падшаҳ көтәрўр. („Бобурнома“) Сизлэр қайдин кэлә—сиз? („Бобурнома“)

III шахс кўплиги алар, әләр, анлар, энләр. Алардын мал алыб. („Бобурнома“) Ҳануз анлар кишиниң атын тутмай турурлар. („Шах. турк“)

Бу ўринда изоҳталаб бир ҳолат шундан иборатки, шахс олмоши келишик қўшимчалари билан турланган пайтда эски ўзбек тили даврида ҳам худди қадамги ва эски туркий тил давридаги фонетик жараёнлар юз бериши давом этган. Масалањ, ҳурмат ва кўплик маъносида қўлланувчи I, II шахс биз, сиз олмошларига қаратқич келишигининг қисқа -иң шакли қўшилиши давом этади: Бизиң— у сизиң ара болмади қан (Шн). I шахс бирлик ва кўплик олмошига ушбу келишик қўшимчасининг -им тарзда қўшилиб ишлатилиш ҳолати ҳам учрайди — бизим, мәним каби. I, II шахс бирлик олмоши жұналиш келишиги қўшимchasини олган пайтда худди III шахс олмошидаги товуш жараёнидек ҳодиса юз берган ва у: маңа, саңа, маңға // манқа, санқа шаклида қўлланылган: Агар манқа бақсаныз, әзиңизни алдурур-сиз. („Бобурнома“) Баъзан жұналиш келишигининг қадимий -тару//гәру шаклининг фонетик ўзгариши натижасида мән+гәрў мәнәрў>маңару>маңар; сән+гәрў>сәнәрў>саңару, саңар тарзида маңар, саңар, аңар шакллари ҳам истеъмолда бўлган.

Күрсатиш олмошларининг қўлланилишида ҳам эски ўзбек тили билан қадимги ва эски туркй тиллар ўртасида умумийлик кўзга ташланади. Бу давр тилида кўрсатиш олмошлари ул, бу, уш, шу, ушбу, ошул, оша, ошал, шул, ошу, энэ мәнә шаклларда ишлатилган. Бу олмошлар келиб чиқиш эътибори билан бир-бирига алоқадор бўлиб, бу ҳақда туркололгар турлича фикр билдирганлар. Жумладан, Н.К. Дмитриев шул олмошини шу ва ул олмошига борласа<sup>1</sup>, баъзилар шу олмошини ошбу га олиб бориб тақаса, Ф.Д. Ашнин ошул-ошол (ошол>шол>шу) шаклда кўрсатади<sup>2</sup>. А.М. Шербак ҳам шул ни ошул сўзига бориб тақалишини қувватлайдики<sup>3</sup>, бу фаразия ҳақиқатга анча яқин: шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғона мэн. (*Муқимий*) Бу кўрсатиш олмоши ҳозирги пайтдаги, яъни сўзлашиб турган пайтдаги воқеа-ҳодисани кўрсатиш учун қўлланган бўлса, ул кўрсатиш олмоши унинг аксини ифодалаган ва улар эски ўзбек тили даврида фаол ишлатилган: Бу бозаны ичмәк ҳайал қылдук. („Бобурнома“) Ул йыл Самарқандтын чықыб. („Бобурнома“) Эски ўзбек тили даврида бул олмоши ҳам истеъмолда бўлган. Унинг шаклланишини айрим туркшунослар бу ва ул олмошининг қўшилишига олиб бориб тақайдилар<sup>4</sup>. Баҳоланки, бу ва ул олмошлари бир-бирига қарама-қарши маъноларни ифодалайдилар. Бу ва бул олмошлари келипик қўшимчаларини олган пайтда, биринчидан, л сонор товуши н сонор товушига ўтади, иккинчидан, баъзан туркий тилларга хос бўм фонетик жараёни юз беради: му-нуң тўбидин ақар. („Бобурнома“)

Маҳмуд Кошгариј томонидан шундай, худди, ҳозиргина, шу онда маъносини ифодалайди, деб изоҳланган уш сўзи эски ўзбек тили даврида ҳам кўрсатиш олмоши сифатида қўлланилган. Айни пайтда бу давр тилида уш ва бу кўрсатиш олмошининг бирикишидан

<sup>1</sup> Дмитриев Н.К. Об указательных местоимениях в башкирском языке, — Тр. МИВ, 1947, N4, 73- бет.

<sup>2</sup>

Ашнин Ф.Д. Указательные частицы в тюркских языках, изв. АН СССР, ОЛЯ, 1958, XVII, N5, 428—429- бетлар.

<sup>3</sup>

Шербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. (Имя), 129- бет.

<sup>4</sup>

Қаранг: Дмитриев Н.К. Кўрсатилган асар.

ташкыл топған ушбу олмоши ҳам құлланыладиган бүлди ушбу чақда ҳам бир киши бир кишидин сорса. („Шахтарок“). Эски ўзбек тилида ош//уш ва ул күрсатыш олмошларининг бириқувидан ташкыл топған ошул<sup>1</sup> күрсатыш олмоши ҳам құлланылған: Ошул қалъа ичига кирмиш. (Шн.)

Ошул олмошининг (ош//уш+ул>ошу>ешә) қисқарған шаклининг истеъмол доираси эски ўзбек тили даврида тор бўлган дейиш мумкин: Ошандін қачқан бирла... . („Бобурнома“)

Эски ўзбек тилининг маълум давригача, яъни XV асрдан олдинги ёдномаларида ўзлик олмоши маъносини ифодалашда қўлланган кэнду (кэнту)<sup>2</sup> сўзи давр ўтиши билан истеъмолдан чиқди. Бу давр тилида ушбу маъносини ифодалашда асосан ўз олмоши иштирок этади: өз элини талаб... олқа қылурлар. („Бобурнома“)

Эски ўзбек тилида қадимги туркӣ ва эски туркӣ тил давридаги туб сўроқ олмошлари (ким, нэ//нэ, қай//қан) билан бирга, бу олмошларга турли қўшимчаларнинг қўшилиши асосида ясалган сўроқ олмошлари ҳам фаол қўлланган. Бу сўзларнинг этимологияси — келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Чунончи, ким сўроқ олмошини Шотт В. мўғул ёдномаларидаги кимип (одам)<sup>3</sup>, В. Котвич ва Г.И. Рамстедт уни кикә ва м қисмларга ажратиб кўрсатади<sup>4</sup>. Нэ сўроқ олмошини Г.И. Рамстедт іёга бөғлайди ва қаратқич келишигининг таъсирида н (нэниң>нэнин)<sup>5</sup> га ўтган деб таъкидлайди. Н.А. Басқаков

Суончиев Ҳ.И. Карабаево-балкарские и монгольские лексические параллели, 31- бет; Дмитриев Н.К. Об указательных местоимениях в башкирском языке. 73- бет; Абдураҳмонов Ф., Шукров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 97- бет.

2

Қаранг: Абдураҳмонов Ф., Шукров Ш. Кўрсатилган асар, 101- бет.

3

Schott N. Versuch über die tatarischon sprachen, Berlin. 1836, 71- бет.

4

Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология, 76—78- бетлар.

5

Рамстедт Г.И. Уша асар, 76- бет.

сўроқ олмошини отга бөғлайди (нэмә>нэнә, мэмә(нар-сан)).

Ким сўроқ олмоши тил тарихининг олдинги давридагидек эски ўзбек тилида ҳам шахста нисбатан ишлатилган ва сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қила олган: Кимдин тилайн. (Атойи)

Ҳар кимки вафо қиласа, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қиласа, жафо топқусидир.  
Яхши кипти кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

(Бобур)

Нэ//нэ сўроқ олмоши ҳам эски ўзбек тилида воқеа-қодиса, ҳайвон, жониворларга нисбатан фаол ишлатилган: Билман, нэ жарима билан ҳиридин иҳроҳ қылды. („Бобурнома“). Бу хусусият айни пайтда эски ўзбек тилининг маълум даражада ҳозирги ўзбек тилидан ўзига хос жиҳатларини ҳам кўрсатади. Нэ//нэ ўзак сўроқ олмоши асосида исалган нимэ нэчён//нэвчун (нэ учун) >нэучун>нэучун, нэ учун >нэучун>нэвчун, нэчук, нэлук, нэтэк, нэшэ (нішэ), нэчэ (не чағ) нэчаг>нэчэ) олмошлари ҳам эски ўзбек тилининг маълум давридаги ёдгорликларда турли даражада қўлланылди. Қай ўзак сўроқ олмоши асосида ясалган қайму, қайсы, қайда//қанда//қайдуда, қайдын//қайдан қандын//қандан, қайян сўроқ олмошлари ҳам бу давр тилида истеъмолда бўлган. Қач ўзак сўроқ олмоши воситасида эса қачан, қанча сўроқ олмоши ясалиб, бу олмошлар ҳам эски ўзбек тилида ишлатилган.

Эски ўзбек тилида биргалик олмошларининг қўлланилишиди ҳам, бир томондан, эски туркӣ тил даври хусусияти сақланса, иккинчи томондан айrim ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Биргалик маъносини ифодалашда бу давр тилида барча, бары, баъзи сўзлари кенг қўлланилиб, айrim ҳолатда ҳамма (ҳама), жумла шакллари ҳам истеъмолда бўлган. Қадимги туркӣ ва эски туркӣ тил учун характерли бўлган қамуғ олмошининг истеъмол доираси эски ўзбек тили даврида тамоман чегараланди.

1 Басқаков Н.А. Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, I. М., 1952, 296- бет; Суиров И. Сўроқ олмошларининг этимологиси ҳақида. — Уч. зап. Кокандского ГПИ, серия филологическая, 1964, IV, 203—204- бетлар.

Ҳатто айтиш мумкинки, XV асрдан кейинги ёдномал тилида у архаиклашди.

Тил далилларида тарих изининг мужассамлашувини ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда олмошлар гурухида ҳам кўп учратиш мумкин. Чунончи, шахс олмошлари озарбайжон тилида мән, сән, о, биз, сиз: онлар лаҳжаларида мән бän, сан; олтой тилида мән, сән, ол бис (-бистэр), оләр, олор<sup>2</sup>; бопқирд тилида мин, ҳин (биздәр) сиз (силәр; сиздәр), алар; қозоқ тилида мән, сән, ол биз уйгур тилида ман, сан, у биз (-бизлар), силар, улар; туркман тилида бэн, сән, о, биз, сиз, онлар шаклида қўлланади, бу ҳолат туркий тилларнинг маълум бир даврида қўлланган шахс олмошларига тўғри келади. Худди шундай ҳолатни ҳозирги ўзбек адабий тил ва унинг шеваларида ҳам учратиш мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тилида шахс олмошлари мән, сән, у, биз, сиз, улар; шахс-сон қўшимчаси -ман, -сан, -миз, -сиз; ўзбек шеваларида мән, мән, сән, сән, у, о, ул//ол, вол, биз, бизләр, бизлә бизәр, бизә, сиз, силәр, сизләр, сизле сизәр, силә; шахс-сон қўшимчаси -ман, -мән, -сан, -сан шаклларида қўлланади. Айрим лаҳжаларда, яъни ўзида оҳангдошлиқ қонуниятини сақлаб қолган қипчоқ лаҳжасида худди тилимиз тарихидагидек шахс олмоши маъносида бирлик ва қўплика ҳар бири иккитадан жами тўртта сўз қўлланади. Айни пайтда, бу лаҳжада сиз кўп кишига нисбатан эмас, балки бир кишига нисбатан ҳурмат маъносида қўлланади. Бу ўринда яна таъкидланиши лозим бўлган бир ҳолат шундан иборатки, қипчоқ лаҳжасида тил тарихининг маълум давридагидек биз ва сиз олмошлари -ләр қўплиқ қўшимчасини олмайди. Сән тарихий -си шаклига қайтади. Шахс олмошларининг тарихий шаклига қайтиш ҳолатини, яъни тил далилларида тарих изининг мужассамлашувини, хусусан, бу олмошлар халқ тилида келишик қўшимчаларини олиб қўлланган пайтда янада очиқроқ қўриш мумкин. Масалан, шахс олмошлари бирликда жўналиш келишигига турланган

тыйта қозоқ тилида маган, саған, оған; қорақалпок тилида маган, сазан, оған; нўйой тилида мага, саға, оға; қипчоқ лаҳжасида маган // мәған // саған//сэған, оған// уған шаклларини олади. Бу шаклнинг вужудга келиши ҳақида Ф.Г. Исҳаков: „оған (унга) <онра: и ва метатеза йўли билан ўринларини алмаштирган“<sup>1</sup>, — деян фикри билдиради. Ўзбек лаҳжашунослигига ҳам бу фикрга суюнилган ҳолда, маган, саған, ....мен, сен олмошларининг охиридаги и ундошининг жўналиш келишигиги шаклидан кейинга кўчирилиб...“ қўлланани туфайли пайдо бўлган<sup>2</sup>, леган ғоялар айтилди. Ва мен+та, сен+та (- и+та -га+н) метатезаси туфайли меган, сеган маган, саған юзага келди, деган фикр кенгайди.

Э.В. Севортиян -ған қўшимчаси -ға+н бўлиб, бундаги и ундоши мә+н, сә+н, сә+н охиридаги и элементининг худди ўзи бўлса керак<sup>3</sup> деб ёзади.

Умуман олганда, маган, саған, оған шаклларининг вужудга келишида метатеза ҳодисаси эмас, балки -ған (-ға+н) қўшимчаси шахс олмошларининг тарихий шакли бўлган мә, сә, о ўзакларига (мә... ма+ға... ма+ға+н) қўшилган<sup>4</sup>, айни пайтда шу кўринишда айрим туркий - қозоқ, қорақалпок, қирғиз тилларида ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сақланиб қолган. Бу ўринда таъкидланиши керак бўлган бир фонетик ҳодиса шундан иборатки, қаттиқ ға+н қўшимчасининг таъсирида оҳангдошлиқ қонуниятига биноан ўзакдаги (мә, сә) юмшоқ эулиси (э>а) қаттиқ а (օ) товушига айланган. Бинобарин, оҳангдошлиқ қонуниятига биноан фақат ўзак қўшимчагина таъсири қилиб қолмасдан, айни пайтда қўшимча ҳам ўзакка акс таъсири қиласди.

Ҳозирги ўзбек тилида мән, сән шахс олмошлари қаратқич ва тушум келишигига турланган пайтда ҳам бу

<sup>1</sup> Исҳаков Ф.Г. Местоимение. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, II, Морфология, Изд-во АН СССР, М.-Л.: 1956, 223- бет.

<sup>2</sup> Мирсоатов Т.З. Ўзбек тилининг қирқ шеваси. Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, ЎзФА нацириёти, 1957, 244- бет.

<sup>3</sup> Севортиян Э.В. Категория падежа. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков... 50- бет.

<sup>4</sup> Ишаев А. Қорақалпогистондаги ўзбек шевалари, 28- бет.

Дыренкова Н.П. Грамматика ойратского языка. М.-Л.: 1940, 91- бет.

Басқаков Н.А. Диалект кумандинцев (Кумандықижи). М., 1972, 51- бет.

олмошлар тарихий (мэ, сэ) шаклига қайтада мәниң<sup><мә+ниң;</sup> мәни<sup><мә+ни;</sup> сәниң<sup><сә+ниң;</sup> сәни<sup><сә+ни</sup> Бу ҳолат ҳам мэн, сән сүзининг охиридаги -н бу олмошларининг ўзагига тегишли бўлмасдан, қаратқич келишигидек қолдиги эканлигини тасдиқлайди. III шахс олмоши (<ул) қаратқич келишигига турланган пайтда қуйидагичи кўринишда бўлади: унинг < уннинг<ул+нинг. Ўзак у кўринишига ўтади ва жўналиш, ўрин-пайт, чиқиши келишигидаги қўшимчани шу ҳолатда олади: ун+га, ун-да, ун+дан. Кўринадики, ҳозирги ўзбек адабий тилида у шахс олмоши келишикда турланганда, адабиётларда қайд этилаётганидек, битта „н“ товуши ортирилмайди, балки бу олмош тарихий шаклига (фақат ул эмас, ун тарзига) қайтади. Биз, сиз олмошларига қипчоқ лаъжасида қаратқич келишигининг худди қадимги тўркий тил давридагидек иң шакли (бизиң ўй, сизиң ўйиниз каби) қўшилади.

Тарих изининг тил далилларида мужассамлашуви кўрсатиши олмошларида ҳам анчагина. Бинобарин, туркман тилида бу, о (л), ишбу, шу, ушбу, шо (л); қозоқ тилида бо (л), ол, осы; қорақалпоқ тилида бо(л), ол, осу—усу усы; нўғай тилида бў(л), ол; уйғур тилида бу, у (шеваларида) ушбу, ошал, ошу, шу, шул<sup>1</sup>, мана у, маву, ману, мана бу, мана шу, мошу<sup>2</sup>; қирғиз тилида бу (л), ал, ушу (л), ошо (л). Ўзбек тили ва унинг шеваларида бу, у (шеваларида) бо (л), во (л)<sup>3</sup>, шу, ўша (л)<sup>4</sup> (шев.) әшә ушә<sup>5</sup>, оша ошу<sup>6</sup> тарзда ишлатилади: „Бу тап-тақир дашт“. (Ойбек) „Сен шу ерда андак тўхтаб тур“, — деб тайинлади“. (П.Турсун) Ўзбек тилининг қипчоқ

<sup>1</sup> Садвакасов Г. Язык уйгуротов Ферганской долины и проблема взаимодействия уйгурских и узбекских диалектов. АДД, Алма-Ата, 1972, 22- бет.

<sup>2</sup>

Назирки замон уйғур тили. II, Морфология ва синтаксис. Алмута, 1966, 138- бет.

<sup>3</sup>

Аҳмедов А. Джушский говор узбекского языка. АКД. Ашхабад, 1962, 18- бет

<sup>4</sup>

Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош (ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар). Тошкент, 1953, 12- бет; Ибродимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир. УТАМ, 1960, 5- сон, 60- бет.

<sup>5</sup>

Джураев Б. Шахрисябский говор узбекского языка, 18- бет.

<sup>6</sup>

Шарипов Х. Узбекские говоры Южной Киргизии, 17- бет.

лаҳжасида ул//ол, у/о кўрсатиш олмошлари бир хил маънени англатганидек, шу, шул, шо, шол шакллари ҳам мазкур лаҳжада бир хил ҳолатда қўлланади. Ўзбек адабий тилида ва айрим шеваларда ўша (өшэ) кўрсатиш олмоши қўлланилгани ҳолда бу шакл қипчоқ лаҳжасида учрамайди. Бу ҳолат айни пайтда ўзбек адабий тили ва баъзи шеваларда эски ўзбек тили анъанасининг давом этиши булса, қипчоқ лаҳжасида қадимги туркий ва эски туркий тил хусусиятининг узоқ сақланганлигини кўрсатади. Ҳозирги ўзбек тилида бу, шу, ўша олмошлари мана, ана сўзлари билан бирикиб ҳам кўрсатиш маъносини англатади. Оғзаки нутқда, хусусан, қипчоқ лаҳжасида баъзан б>м фонетик жараёни юз бериб, бунда кўрсатиш олмоши мында // мунда тарзда ҳам қўлланади. Бу ўринда яна бир изоҳталаб ҳолат шундан иборатки, ҳозирги ўзбек тилида бу, шу, у, ўша кўрсатиш олмошлари жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари қўшимчасини олган пайтда бу олмошлар тарихий бун, -шун, ун-, ўшан- шаклига қайтади ва қўшимча ана шу ўзакка қўшилади. Бу олмошлардаги н товуши сингармонизм қонуниятига биноан ўзакдаги л ундошининг қаратқич келишигига турланиши асосида шаклланган (тарихий шакли: бул, шул, ул, ўшал. Бул+ниң, >бун+ниң>бунниң> буниң.

Тарих изи ҳозирги ўзбек тилида ўзлик олмошининг қўлланилишида ҳам сақланиб қолган. Бу маънода эски ўзбек тилида қўлланган өз (ўз) сўзи ишлатилади. Бу олмошининг ишлатилишида адабий тил билан унинг шевалари ўртасида тафовут йўқ. Ўз олмоши эгалик қўшимчасини олган пайтда бирлик ва кўпликда ҳам шахс (кишилик) олмошларининг маъноси англашилиб турадики, бу ҳолат ҳам ўша қўшимчанинг тарихий шахс олмошларининг фонетик ўзгарган шакли эканлигини кўрсатади. Қиёсланг:

### Бирликда

1. (Мэн) ўзим
2. (Сэн) ўзинг
3. (У) ўзи

### Кўпликда

1. (Биз) ўзимиз
2. (Сиз) ўзингиз
3. (Улар) ўзлари

Бу ўринда таъкидланиши лозим бўлган бир ҳодиса шундан иборатки, қадимги туркий тилда ўзлик олмоши маъносида қўлланган „кэнди“ сўзи ҳозир гагауз ва турк-

ман тилларида сақланиб қолган: гагауз тилида: кэнди өз мактапундан. Туркман тилида: кэнди китабы<sup>1</sup>.

Тил далилларида тарих изи сўроқ олмошларининг қўлланилишида ҳам ҳозирги туркий тилларда анчагина сақланиб қолган. Чунончи, ҳозирги қозоқ тилида ким, нә, нэмэнэ, қай; қарачай-балқар тилида: ким, нә, қа си; қирғиз тилида ким, нә, қандај, нэмэнэ; туркман тилида ким, нә, нэмә, ҳајвы шаклида қўлланилади. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам туркий тиллар тарихида қўлланган ўзак сўроқ олмошларига турли қўшимчанинг қўшилиши асосида шаклланган сўроқ олмошлари ишлатилади: ким?, нима?, қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, неча?, нечта?, ким беради?, Нима деди?, Қанча талаба? Шеъриятда на, нә, нечун тарихий шакллари ҳам фаол ишлатилади:

Яшаб келмоқдаман ўзимга кўра,  
Ўтган-кетган сирдан кўнглим эрур тўқ.  
Лекин недир менга етишмас сира,  
Балки етишмайди у эски қудуқ.

(А. Орипов)

Нечун боқишлиарингиз мунгли ва сузгин,  
Шумикин ишқ достони — жарангдор севги?  
Нечун бир нафасдаёқ ёноқлар сўлгин,  
Шумикин дил тугёни — бекарор севги?

(Миртемир)

Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўроқ олмошининг қай-тайин (қайтайын бармаса?), қандай чақайкин // қандачақайкин // қандачақа шакллари ҳам қўлланади. Шунингдек, адабий тилдаги ким, неча сўроқ олмошлари ўрнида бу гурӯҳ лаҳжаларда кум, нәчи шакллари ишлатилади.

Тил далилларида тарих изини ҳозирги туркий тилларда биргалик олмошларида (бари, барча, барлик) ҳам учратиш мумкин. Бинобарин, ҳозирги қозоқ тилида бары, барша, барлик, бутун; бутун; туркман тилида бары, бутин, тўқөл, ҳәмә, эпли, јимлә, татар тилида бары, барча, барлик, ботин, қирғиз тилида бары, бардық, буткул, бу-

1 Каранг: Боржаков А. Туркмен дилинде гайдым галышмалары. — Изд. АН. Туркменской ССР, серия общественных наук, 1962, N 2, 70- бет.

тун; озарбайжон тилида вар, вары, ңаму, ңамы, ғаму, бутун; уйғур тилида бәри, барчә, пүтүн, пүткүл шаклларида ишлатилади. Ҳозирги ўзбек тилида бари, (бар+и), барча (бар+ча), бутун (бут+ун), ҳамма шакллари ишлатилса, қыпчоқ лаҗжасида юқоридаги шакллар билан бир қаторда пүтүн, жәми (жәми баллар кәлди), барлығы (шүйәрдагиләрдиң, барлығы барады) күринишлари ҳам құлланилади. Сўзлар қиёсида ҳам шу нарса аниқ бўлмоқдаки, ҳозирги туркий тилларда қўлланадиган биргалик олмошлари бир-биридан фарқланадиган бўлса, бу асосан фонетик тафовут ҳисобига бўлмоқда. Ҳатто ҳозирги озарбайжон тилидаги ңаму ңәмы-ғаму биргалик олмошларини туркий тиллар тарихидаги қамуғ олмошининг фонетик жиҳатдан ўзгарган күриниши деб қарашга тўғри келади ва бу фонетик жараён ҳозирги ўзбек тилидаги ҳамма биргалик олмошига ҳам тегишли кўринади. Ўзбек тили шеваларида қўлланиладиган биргалик олмошларининг аксариятини бошқа туркий тиллардаги олмошлар билан қиёслаганда, бу каби фонетик жараёнларининг амал қилганлигига яна бир ишонч ҳосил қилишга тўғри келади.

Тил далилларида тарих изининг мужассамлашуви олмошларининг бошқа турларида ҳам мавжудки, бу тил категорияларининг барқарор ҳодисалиги сабаблидир.

### Феъл гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Феъл гуруҳидаги сўзлар туркий тиллар тарихининг энг қадимги, яъни қадимги туркий тил давридан бошлабоқ алоҳида тизим бўлиб шаклланиб улгурган эди. Бу давр тилидаги феълларнинг асоси эса, табиийки, иккинчи шахс бирликнинг буйруқ шакли бўлиб ҳисбланади: көр, бил, әсиг, әлт, бол каби. Феълнинг бўлишсиз шакли эса бу давр тилида ҳам ўзакка -ма/мә қўшимчасини қўшиш асосида ясалган: удымадым (ухламадим), кәлмәди. Қадимги туркий тил давридаги феъллар ҳам аввало содда ва мурракабга бўлинади. Содда феъллар бир бўғинли ва аксарият икки бўғинли бўлган: ач, уқ, бар, бол, көр, сур, тут, қорқ; бити, йара, тыңла, алқын (камайтириш) ағыт (бўшатиш).

Феълларнинг ясалишида бу давр тилида ҳам морфологик усул маҳсулдор бўлиб, хусусан, исмдан феълнинг ясалиши фаол; -а -а/-ә; ат + а > ата, йаш + а > йаша,

бош+а>боша. -ла/-лэ<sup>1</sup> аң+ла>аңла, йай-ла> (ёзла-ёзни ўтказ) тынла топ+ла>топла, сәз+ла>сәзлә. Бу давр тилидің сүз ясовчи -ла/лә нисбат ясовчи -н қүшилишидан шаклланган -лан / -лән қүшимчаси ҳам феъл ясашда иштирон этган:- ат+лан>атлан. қ/-к, ик/-ық қүшимчаси ҳам феъл ясаган йолук, ичик, -сирә / -сыра: қаған+сыра, қағансыра, уруғсыра. П.М. Мелиоранский -сира/сыра қүшимчасини туркий тиллардаги р ~ з товушларининг баъзав тенглигини эътиборга олиб бўлишсиз феълдаги -сиз /сыз шаклининг эквиваленти деб қарайди<sup>2</sup>.

Буйруқ-истак майли қадимги туркий тилда ўзак шаклида (ай, бил, көр, бол, қал каби) ва ўзакка айрим қүшимчаларни қўшиш йўли билан ҳосил қилинган. Чунончи, II шахс ҳурмат маъноси ва қўплиги учун феъл ўзагига -иң/-ың, - уң/-уң -ң қүшимчаси қўшилган (-иң из, иңыз шакли жуда кам) бар+иң>барың, бил+иң>билиң, сақын+ың>сақының, эртигиз.

Бу давр тилида -рыл, -гил қүшимчаси асосида ҳам шумайл ҳосил қилинган: бил+гил>бигил, әсид+гил>әсигил, ур+ғыл>урғыл.

Қадимги туркий тилда I шахс буйруқ-истак майлиниң бирлиги учун -айын/-эйин, -ын/-йин; қўплиги учун -алым/-элим, -лым/- лим қўшимчалари қўлланилган:

айайайн>айайин (айтайин), йаз+ма+йын>йазмайын (гуноҳга ботмайин), адыр+ыл+ма+йын > адыр+ылмайын (ажралмаймиз), сул+та+лім>сулалим (биз урушамиз), қабыш+алым>қабышәлым (биз бирлашамиз). Гарчи кам даражада бўлса-да, бу давр тилида ҳам -рай/гәй шакли учрайди: бол+ғәй>болғәй.

Буйруқ-истак майлиниң бўлишсиз шакли -ма/мә қўшимчаси асосида ҳосил қилинган: бол+ма+зун>болмазун (бўлмасин), йит+мә+зўн>йитмәзўн (йўқ бўлмасун).

1

Изоқ: -ла/лэ қўшимчасининг туркий тилларда феъл ясами ҳақида жуда кўп ишларда қайд этилган: Дыренкова Н.П. Грамматика ойратского языка. М., -Л.: 1940, 122- бет; Харитонов Л.Н. Типы глагольной основы в якутском языке. М., 1954, 92- бет; Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.-Л., 1956, 258- бет; 129- бет; Насылов В.М. Грамматика уйгурского языка. М., 1940, 78- бет; Мирзаев Х. Историческая грамматика азербайджанского языка. Баку, 1962, 209- бет. Ғуломов А.Ф. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курси бўйича материаллар. Тошкент, Ўз ФА нашриёти, 1954; Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, Фан, 1973 ва б.

2

Мелиоранский П.М. Ўша жойда.

Бүйрүк-истак майли III шахс бирлиги ва қўшигига учун ун/-зўн (баъзан-чун) қўшимчаси қўшилган:

бар+зун>барзун (борсин) бол+чун болчун(бўлсин).

Туркологлар -зун/ -зўн қўшимчасининг этимологияси турлича шарҳлайдилар. Айримлар уни III шахс эгалик үшимчасига боғласа<sup>1</sup>, баъзилар қадимги истак майли билан алоқадор деб қарайдилар.

Шарт майли феъл ўзагига -сар/-сэр қўшимчасини үшиш йўли билан ҳосил қилинган:

бар+сар>барсар (борса агар), эр+сэр>эрсэр (агар юрса). Ну ўринда изоҳталаб бир ҳолат шундан иборатки, феъл майлиниңг бу тури шахс-сон қўшимчасини олиб тусланийди. Бундай пайтда шахс олмошлари тўлиқ қўшилган: мён барсар мэн, сэн барсар сэн, ол барсар ол; биз барсар биз, сиз барсар сиз каби.

- кул тэгин йоқ әрсэр, қоп өлтәчи әртигиз — Агар Кул-Тэгин бўлмаганда, ҳаммангиз ўлар эдингиз („Кул-Тэгин“ битигтоши, 50).

Замон шакллари қадимги туркий тилда турли үшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган.

Ўтган замон маъноси феъл ўзагига -ди -ды, ты/-ти қўшимчасини қўшиш асосида англашилган. Қадимги туркий тил ёдгорликларида, хусусан, „Култегин“ ва „Тўнюқуқ“ ёдномаларида л, р, н ундошлари билан битган феъл ўзагига қўшимчанинг жарангсиз -ти/ты шакли қўшилган: қалты, болты, кәлтә, олурты, өлўрти; сақинты, йўкунти каби.

Унли ва бошқа ундош товуш билан тугаган феълларга ўзакнинг хусусиятига қараб -ди/ды қўшилган: басды, йайды, тәпди, қачды, сунушди; битиди, тәди, қалмады каби. Аммо Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида л, р, н ундошлари билан тугаган феъл ўзагига қўшимчанинг жарангсиз ва жарангли шаклининг аралаш ҳолда қўшилиш

1

Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, 219- бет; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка, М.-Л.: 1948, 164- бет.

2

Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. М., 1957, 83- бет; Олдашев А.А. Система словообразования и спряжения глагола в башкирском языке, М., 1958, 157- бет.

долати учрайди<sup>1</sup>: адырылды// адырыл+ты, өлди//өл болты//болды.

Қадимги туркий тилда -ди /ды-ти/ ты шакли үтті замон феъли шахс-сон құшымчасини ҳам олиб тусланған кор+түм, адырылтым// адырылдим; созлашдимиз; өлү тимиз; бардыг//бардың, олтиң; бардыңыз, кәлуртиң лэр; кәртиләр, тәгдиләр каби.

Үттан замон маъноси бу давр тилида -мыш/-миш, мыс/мис құшымчаси билан ясалған феъллар ёрдамида ҳа кенг ифодаланған: балық дақы тағық+мыс, тақдақ инмис — шаҳардагилар тоққа чиқибдилар, тоғдагилша ҳаҳарга тушибидилар.

Қадимги туркий тилда үттан замон маъносини антилати учун феълнинг аналитик шакли ҳам фао ишлатылған<sup>2</sup>.

Ҳозирги - келаси замон феъли қадимги туркий тилде -р, -ыр, -ир, -үр, -ур, -йур; йур; -ғалыр, -ғелир құшымчалари асосида ҳосил қилинған:

бар+ур, кәлур; йор+ы+йур.

Сифатдош шакллари қадимги туркий тилде түрлі құшымчалар ёрдамида ҳосил қилинған:

1. -миш -мыш, мису-мыс құшымчаси фаол ишлатылған бўлиб, с ва ш шакллари шу товушлардаги фонетик жа-

раён билан алоқадор: басмыш, қалмыш, тутмус. Бу сифатдош кесим ва сифатловчи вазифасида кела олган:

Тәнридә болмыш турк Билгэ қаған (тандридан бўлган турк Билга хоқон).

— киши оғлы кылыш+мыш (инсон боласи яратылған).

2. -Дүк/ -дўк, -туқ/-тўқ құшымчаси билан ясалған сифатдош ҳам бу давр тилида кенг истемолда бўлган бардуқ йәрдә (борган ерда), болтуқда (бўлганда), қишлидукда (қишлигандан).

3. -р, -ир, -ыр, -ур, -үр, -ар, -эр шакли қадимги туркий тилде ҳозирги-келаси замон сифатдошини ҳосил қилинур, кирўр, аңар каби. Бу құшымча

лишсиз феъл негизига құшилғанда р>z фонетик жараёни беради. Кәләр кәлмәз, кәрәр-кәрмәз каби. Бу фонетик таңын ҳозир турк тилида сақланиб қолған<sup>1</sup>.

4. -ғу, -ғү құшымчаси ҳам ҳозирги-келаси замон сифатдошини шакллантирган: барғу (бориладиган), киргү ириладиган).

5. -гучы, -гүчи, -кучы, -кучи құшымчаси ҳаракат номи соғчи ва от ясовчи құшымчанинг бирикишидан ташкил шиганлиги сабабли унда отлик хусусияти устунроқ: гучуы (маслаҳатчи), күлгүчи (кулувчи).

Равишдош шакллари қадимги туркий тилде қуйидагича таңын қорык топған: -п, -ип, / -ып, -уп/ - ўп құшымчаси асосида: алып (олиб), қылыш (қилиб), олур+уп (ўлтириб), тирилип (тирилиб), сунғыш+уп (урушиб).

Бу давр тилида -п ҳамда -ан, -эн құшымчаларининг таңын қорыквидан<sup>2</sup> ташкил топған -пан, -пән шакли асосида шаклланған равишдошлар ҳам қўлланилған: йорипан (юрибон), сўләпән (урушибон), кәлигән (келибон).

тутупан (тутибон). Бу құшымчани Ф.Е. Корш ба (бэ+н) тарзда шаклланған деган фаразияни билдиради<sup>3</sup>. уча (уча), тута (тута) кәчә (кеча); өлӯ (ӯла), баш- дайу (бошлейе); алы (ола), қоды (қүя), галы-гәли, - қалы-қали уқралы (уққани), алғалы (олгани), ўзгәли (уз- гани), топлағалы (тўплагани), олурғалы (ўлтиргани).

Қадимги туркий тил даврида равишдошнинг бўлишсиз шакли феъл ўзагига -мадын (-мәдин, -матын/ -мэтин) құшымчаларини құшиш асосида ясалаб, нутқда фаол ишлатылған<sup>4</sup>.

Эски туркий тил даврида ҳам феълларда қадимги туркий тил давридаги хусусият сақланиб қолди. Чунончи,

1 Малов С.Е. „Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии“. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1959, 75, 76, 80- бетлар.  
2 Шукуров Ш. Феъл тарихидан. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида майл ва замон формалари. „Фан“ нашриети, Тошкент, 1970, 66—72- бетлар.

3 Баскаков Н.А. Причастие на, -ды, -ты в тюркских языках. Труды Московского института востоковедения, вып. 6, 1951, 205—217- бетлар; Кононов А.Н. Происхождение прошедшего категорического времени в тюркских языках. Тюркологический сб. т. 1, м. -Л.: 112—117- бетлар; Рамstedt Г.И. Введение в алтайское языкознание, М., 1957.

4 Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности, 48- бет.

Корш Ф.Е. О тюркских элементах. „Известия отделения русского языка“. Т. XI, кн. I. СПб, 1906, 207- бет.

Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 128- бет.

бу давр тилида ҳам буйруқ феълининг иккинчи ши бирлигига турли қўшимчаларни қўшиш асосида феълдемайл, замон, шунингдек, улардаги лексик ва грамматикахусусиятлар ҳосил қилинганки, бу ҳақда Маҳмуд Кошарий шундай ёзади: „Бу тилда феъл ясашда асос бу руқдур. Буйруқдаги ҳамма ҳарфлар ўзакни ташкил этади турли мақсадлар учун қўлланувчи қўшимчалар ўша ўзакка қўшилади. Ҳар хил мазмунларни ифодалаш учун феълга ортириладиган ясовчилар фақат буйруққа қўшиб яслади“<sup>1</sup>.

Буйруқ-истак майлиниңг қадимги туркий тилдан айын/-эйин, -йын/-йин I шахс бирлик шакли эски туркий тил даврида ҳам шу шаклда давом этиш билан бирга „Қутадғу билиг“ да баъзан унинг -айы/-эйи шакли ҳам қўлланилган: кәрәйин (*Девон*), тутайын биләйин, болайы, барайы („Қутадғу билиг“).

I шахс қўплик шакли -алым/-элым, -лым/-лий қўшимчасини қўшиш асосида ясалган:

Тақ ата ат йорталым,  
Будрәж қанын иритәлим.<sup>2</sup>

(Девон)

Йўригил кәрәлим мәнгә ай сөзүн. („Қутадғу билиг“)

Айрим пайтда бу шаклнинг қисқа -лы/ли, -элы/али, элиң кўринишлари ҳам гарчи кам даражада бўлса-да, эски туркий тил даври ёдгорликларининг баъзиларида учрайди баралы, кәрәли, кирәлиң. („Қутадғу билиг“)

Буйруқ-истак майлиниңг II шахс бирлик шакли феъл ўзагидан ташқари унга -ғыл, -гил, -қыл, -кил қўшимчасини қўшиш йўли билан ҳосил қилинган уқ+қыл, эшит+гил, йорығыл, кәл+гил, тут+ғыл. („Қутадғу билиг“).

Маҳмуд Кошарий бу ҳақда шундай ёзади: „Бу бобнинг буйруғи... бар, кәл буйруқ феъллари кабидир. Қўпчилик турклар буйруқ феълининг тингловчи шаклида қелса ва ёки умуман қаттиқ талаффузли сўзларда ҳамда буйруқ охирида -ғ келганда -ғыл, -қыл, юмшоқ сўзларда ва ўзагида қ ҳарфи бўлган сўзларда -гил (-кил) ортириб

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошарий. „Девону луготит турк“, II, 153- бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошарий. „Девону луготит турк“, II, 1961, 49—50- бетлар.

Уллайдилар: барғыл, турғыл каби. Бу сўзлар қалин бўлганилиги учун -ғыл қўшилгандир. Охири -ғ билан тугаган феълларнинг буйруқ шаклларида -қил қўшилади: -тағқа токқыл — тоққа чиққин, сут сағқил — сут соққин каби узакда -қ ҳарфи бўлган сўзларда -гил қўшилади: әвгэ киргил — уйга киргин... Буйруқ охирига -ғыл, -қыл, -гил (-кил) қўшиш тингловчи бирликда бўлгандағина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу қўшимчаларни қўшиб бўлмайди<sup>1</sup>. П.М. Мелиоранский ҳам -ғыл, -ғыл қўшимчасининг буйруқни кучайтирувчи шакл эканлигини таъвид этади<sup>2</sup>.

Маҳмуд Кошарийнинг изоҳлашига қараганда эски туркий тилда буйруқ феълининг бўлишли ва бўлишсиз шаклига -чи/-чи, -чӯ/-чу, -шӯ / шу қўшимчалари маънони янада кучайтириш учун қўшилган: кәл+чӯ — албатта кел, келсанг+чи! - борма-чу — зинҳор борма; барғыл+шу, албатта бор, борсанг+чи! кәл+чӯ — албатта кел, келсанг+чи! (Длт.)

Буйруқ-истак майлиниңг II шахс қўплиги эски туркий тил даврида -иң-ин (-и), -иңлэр, ыңлар (-ңлар), -ңиз, ыңиз, ыңиз қўшимчалари билан ҳосил қилиниб, турли қабилаларнинг тилида уларнинг турли шакллари ишлатилган. Жумладан, ўгузлар ва қипчоқлар -иң/ың (-и) қўшимчасини кўплик учун қўлласа, бошқа турклар уни бирликнинг ҳурмати учун қўллаган. Қўплик учун эса унга яна -лэр, -лар кўплик қўшимчасини қўшиб -иңлэр, -ыңлар, -ңлэр, -ңлар тарзда ишлатганлар. Бошқа турклар -иң/ың, (-и) қўшимчасини ҳурмат маъносида ишлатган бўлса, қипчоқлар ва ўгузлар унга -з қўшимчасини ортириб, -иңиз, -ыңиз (-ңиз) қўшимchasини ҳурмат маъносида ишлатганларни Маҳмуд Кошарий алоҳида таъкидлаган:

... Иккиталик ва кўплик фарқсиз, бир хилдир... Бирлик учун бар, иккиталик учун барыңлар иккагу (икковингиз боринг), кўплик учун барыңлар қамуғ дейдилар. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик шакли қўлланади: барың дейилади. Аслида бунинг маъноси барыңлар демакдир.

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошарий. „Девону луготит турк“, II, 1961, 49—50- бет.

<sup>2</sup> Мелиоранский П.М. Араб. филолог. о турецком языке, 39- бет.

Үғуз ва қипчоқлар бирликда бар, күпликтә бары дейдилар. Улар күпликтә құшымчалар -лар/ләрни туширилдирадилар. - лар/ -ләр үрнігә тингловчи бирлигидә ңыз/иңыз (-ыңыз/иңиз) құллайдылар, улар тилемде би кишига нисбатан ҳам күпликтә устига күпликтә құлланады. Шу парчада ҳам келган:

Авлаб мәни қоймаңыз,  
Айық айыб қаймаңыз,  
Ақар күзүм уш тәңиз,  
Тәгрә ийрә құш үчар.

(Севгилисига айтады): „Мени овлаб, үзингизга асир қылғанингиздан кейин, хұрлаб ташлаб құйманғиз, вайдаға вафо қилингиз, деңгиз сувлари каби күз ёшларим дарё бүлиб оқаётір. Күз ёшларим атрофида құшлар учыб юрибди“<sup>1</sup>.

„Буйруқнинг күплигі — үғуз ва қипчоқларда буйруқнинг бирлик шакли охирiga ғүннали -ң орттириб ясалады. Чунончы: эт тоғраң — гүшт түғранглар ёки әвгә оғран — уйға боринглар, дегандаги каби. Бу түғри қоидалар. Лекин турклар ҳұрматлайларға ёки ёши катта ёшлиларға сұзлаганларида, бирлик буйруқ шаклининг охирiga ғүннали -ң орттириб құллайдылар. Бу ғүннали -ң уларда ҳұрмат белгиси сифатида үрин олған. Күпликтә улар тограңлар, оғранлар тарзда құллайдылар. Шунинг учун иккى мустақил күпликтә белгисини бирга құшиб құллаш хато ҳисобланмай, түғри деб тушунлади. Үғузлар билан қипчоқлар бириңчи усулни құллайдылар. Қоидада шудир“<sup>2</sup>.

Буйруқ-истак майлиниң III шахс шакли эски туркий тил даврида -сун/ -сүн -су/ сү, -суны құшымчалар иердамида ҳосил қилинганды.

Сән көрсү, билсү, эшитсү сөзүн. („Қутадгу билиг“)  
Сән өгерән, сәнгә бу йазылсу түгүн. („Қутадгу билиг“)  
Ачун қалмасуну сәниңсиз қуруқ. („Қутадгу билиг“)  
С. Е. Малов бу ҳолатни буйруқ феълининг түлиқ ва

қисқа шакли деб изоҳлады<sup>1</sup>. Маҳмуд Кошғарий бу құшымчаны асосан -сун / -сүн тарзда изоҳлады:  
„Буйруқ феълининг учичи шахс бирлиги иккінчи шахс буйруқ шаклиға ҳамма қабилаларда бир хил -сун/-сүн құшиш билан ясалады: барсун, қэлсүн каби“<sup>2</sup>. „Бу бўлимнинг ўзга буйруғи тограсун — тўғрасин, оғрасун йўл олсин дир. Бу бўлимнинг бўлишсиз шакли буйруқ охирiga м ва а/ә (алиф) орттириб ясалади: оғрамасун — ўл олмасин, тограмасун — тўғрамасин, демакдир“<sup>3</sup>.

Шарт майли эски туркий тил даврига келиб, хусусан „Қутадгу билиг“ ва „Девону луготит турк“ да -са/-сә шаклида қўлланиладиган бўлди. Бу ҳолатни Маҳмуд Кошғарий ҳам алоҳида таъкидлаган<sup>4</sup>. Шахс-сон құшымчанинг қисқа -м, ң; -қ/қ, ңиз/-ңыз (-ңызлар, -ңизлэр) шаклларининг қўшилиши ҳам табиий шу даврга тўғри келади. Чунки мазкур ёдномаларда шахс-сон құшымчанинг қисқа шакли билан бирга ҳам тўлиқ шаклининг -барса+мэн, барса+сән тарзда қўшилиши ҳолати ҳам учрайди. Ваҳоланки, қадимги туркий тил даврида -сар/-сәр шаклга шахс-сон құшымчанинг тўлиқ -мэн, -сән, -биз, -сиз, -ул кўриниши қўшилган. Бошқача қилиб айтганда, бу жараён бар+сар+бин (мин мэн) барсар+мэн>барса+мэн>барсам; бар+сар+син бар+сар+сән> >барсән барса+ң>барсаң тарзда кечганилиги аниқ.

Шарт феълининг (шахс күпликтә шаклда -миз ўрнида (барса+ миз, барса+ң) қўшилиши Марказий Осиё туркий тилларида XI асрдан кейин юз берган II шахс шаклида -сиз ўрнида -ңыз (лар) / -ңиз (ләр) барса+сиз барса+ңызлар) қўшилиши ҳам шу хилда бўлса керак<sup>5</sup>.

Феъл замонлари ҳам эски туркий тил даврида асосан қадимги туркий тил давридагидек давом этди. Маҳмуд Кошғарий феъл замонларини иккига: мозий — ўтган за-

<sup>1</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности, 301- бет.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 67-68- бетлар.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, III, 326-327- бетлар.

<sup>4</sup> Шукуров Ш. Феъл тарихидан. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида майл ва замон шакллари. „Фан“ нашриёти, Тошкент, 1970, 32—33- бетлар.

<sup>5</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 12- бет.

мон ва музори — келаси замонга ажратади. Балки оли ҳозирги замонни келаси замон билан бирлаштиргандир.

Үтган замон феъли эски туркий тил даврида -ди /ды-ит, -ти /ты қўшимчалари билан шаклланиб, уларга ўзакка қўшилиши нуқтаи назардан эътибор берилса, қадимги туркий тил даврига нисбатан ҳозирги туркий тилларга анча яқинлаша бошлаганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, қадимги туркий тил даврида л, и, р ундошлари билан битган ўзакка бу қўшимчанинг жарангсиз шакли ҳам қўшила олгани ҳолда, эски туркий тил даврида бу товшулардан сўнг қўшимчанинг жарангли шакли қўшиладиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, эски туркий тил даврида қадимги туркий тил давридан фарқли ўлароқ, жарангсиз товуш билан битган ўзакка бу қўшимчанинг жарангсиз (-ти/-ты) шакли ва жарангли ундош билан битган ўзакка жарангли (-ди/-ды) шакли қўшилган. Бундан з ундоши билан битган ўзак мустасно. Бундай пайтда жарангсиз шакл (-ти / -ты) қўшилган. Масалан: там+ди, сын+ды, туғ+ды, алда+ды, тэг+ди, ең+ди, ағ+ру+ды каби эски туркий тил давридаги бу ҳолатга Маҳмуд Кошғарий алоҳида эътибор бериб, уни шундай изоҳлайди: „Нутқни ёқимли қилиш учун охири қаттиқ ҳарфлар билан тугаган ўзаклардан ясалган ўтган замон феъли қўшимчасидаги -ди ни -т га алмаштириш тўғрироқдир. п, ч, қ, қ ҳарфлари қаттиқ ҳарфлардир. Булардан бошқа ҳарфларда ўтган замон феъли қўшимчасини -д билан ёзиш ҳам мусобидир“<sup>1</sup>. Олим давом этиб яна ёзади: „Шуни билиш зарурки, феълнинг ўтган замон шакли ҳамма феълларда (феълларнинг ўзак ва негиз шаклларига) -ди /-ды қўшилиб ясалади, ҳеч ерда ўзгармайди. Ўтган замон феълини ясовчи -д, -п, -т, -ч, -қ каби тўртта қаттиқ ҳарфлар билан қўшилганда -т га алмашади. Чунончи, тәпти — тепди, тутты — олди, қачты—қочди, чекти— чўқди каби ўзидан сўнгги -д ни т га айлантиришда -қ ҳам -к га ўхшайди. Чунончи, ол маҳ бақти каби. Бу -д ни -т га айлантириш, у ҳарфларнинг маҳражлари қаттиқ бўлгани учундир. Буларнинг асли -д дир. Юқоридаги ҳарфларга қўшилганда -т равишда талаффуз қилиш яхшироқдир. Ҳар қандай феъл бобларида ва феъл тур-

Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 12- бет.

рида ҳам асос шудир<sup>1</sup>. Ўтган замон феълининг бу туртика шахс-сон қўшимчалари эски туркий тил даврида ўйидаги шаклларда қўшилган: I шахс бирлик -м, -им, -ом, -ўм, -ум: эшитгим, уқтум („Қутадгу билик“) турдум, эмуләдим (Девон); I шахс қўплик -миз, миз тутымыз, тўғдимиз (Девон). II шахс бирлиги -н; уқтун, ордун, („Қутадгу билиг“), бардың, кэлдиң (Девон). II шахс кўплиги -ңиз; -ңыз. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий сайди: „Ўтган замон феълининг қўшимчаси -ды/ди сўзловчи, тингловчи, ўзга шаклларда ҳар вақт шу равишда / -илиkdir. бардым да -м ҳарфи иш-ҳаракат сўзловчи томонидан бажарилганини билдирувчи белгидир. Бардыңдағи -қ тингловчини, бардыдаги -и/ы ўзгани билдирувчи белги (қўшимча)дир.

Турклар ҳурматли кишиларга нисбатан, гарчи у киши физиз бўлса ҳам бардыңыз дейдилар. Ҳолбуки, -ңыз / низ аслида кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар фиқат кўпликда қўллайдилар: бардыңыз — ҳаммангиз бордингиз, демакдир.

Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса им, туркларнида фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир. -ди/ -ды ҳамма ерда кўрсатниимиздек, -и/-ы лик бўлади. Бу қоида ҳар бир феъльда на ҳар бир бўлимда ва ҳамма туркларда умумийдир.

Маъно жиҳатидан -ди/ -ды, -ти/ -ты шакли феълга қин бўлган -дуқ/-дўқ, -туқ/- тўқ қўшимчаси билан ясалган ўтган замон феъли ҳам эски туркий тил даврида қали истеъмолда эди. Унинг қайси шаклининг қўлланилиши -ди/ -ды, -ти/ -ты қўшимчаси қонуниятига мос келади. Бу ерда таъкидланиши лозим бўлган бир колат шундан иборатки, Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳича дуқ/ -дўқ, -туқ/ тўқ айрим гуруҳ тилларда бирлик учун ҳам, кўплик учун ҳам бир хилда қўшилган<sup>2</sup>.

Қадимги туркий тилда кенг истеъмолда бўлган ўтган замон феълини ясовчи -миш/ -мыш шакли эски туркий тил даврида ҳам фаол эди: ол қадацын кени сөзләмиш („Қутадгу билиг“) — у қариндошинг тўғри гапирибди.

1 Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 41—42- бетлар.

2 Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 52—53- бетлар.

3 Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 64—66- бетлар.

Озақи билгә анча аймыш (*Девон*) — ўтган донолар бу дай деган. Маҳмуд Кошғарий бу шаклнинг қўлланилиш ва маъноси ҳақида махсус изоҳ бериб, бу ҳақда шундай ёзади: „-мыш / -миш ўтган замон гумон феълини ясайди эвгэ бармыш — уйга борган эмиш (менинг эшитишимча) ол маңа кәлмиш — у менга келган эмиш (менинг эшитишимча) каби... барды, кәлди феъллари билан бармыш, кәлмиш феъллари ўртасидаги фарқ: биринчиди / -ди қўшимчаси ўтган замонда бўлган ишни сўзлов ўз кўзи билан кўрганидан, аниқлигидан хабар беради. Барды деган сўзнинг маъноси: борганини ўзим кўрдим боргани аниқ демакдир. - мыш / -миш қўшимчаси ҳашиш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини билдиради. Лекин бунда сўзловчининг ўзи кўрмагани, аниқ эмаслигидан маъноси бор. ол бармыш — у борган эмиш, лекин унинг борганини мен ўзим кўрмадим. ол кәлмиш — у келган эмиш, лекин унинг келганини мен ўзим кўрмадим де мақдир!“

Ҳозирги-келаси замон эски туркий тилда -р (-эр/-ар/-ир/-ыр, -ёр/-ур), -йўр/-йур, -ғалыр/-галир) -ғелир бўлишсиз шакли эса -маз/ -мэз (-мас/-мэс) қўшимчаларини феъл ўзагига қўшиш йўли билан ҳосил қилинган. Будун тилларинда нағу сөз йўрўр (*„Қутадгу билиг“*) — халқ тилида қандай сўз йуар.

Ул кар қамуғ қышын инәр,  
Ашлық, тарық андын ўнәр. (*Девон*)  
Ариф болса аш-сув киши арзуладар.

(*„Қутадгу билиг“*)

Баъзан бу шакл умумзамон маъносини ҳам англатган: Аркәч эти эм болур, эчки эти йэл болур (*Девон*) — кийик эти эм бўлар, эчки эти йэл бўлар. Ава қылмыш ишлар өкёнчлўк болур. (*„Қутадгу билиг“*) — Шошилин қилинган иш пушаймонлик бўлар.

Кәчәр уш мунуқы бу кунги кунум,  
Булурму өзўм бу кэлигли тунум?

(*„Қутадгу билиг“*)

Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 63- бет.

Ҳозир умрим мана шундай ўтиб бормоқда, келадиган чаларимни топа оламанми?

Қарғурма дунйага суқлуқ қылыб,  
Қалыр бу, барыр -са өкўнчўн олиб.

(*„Қутадгу билиг“*)

Дунёга суқлиқ қилиб кўз тикаберма, дунё қолади,  
Сен эса ўкинч билан ўлиб кетасан.

Ҳозирги-келаси замон феълининг бу шакли шахс-сон қўшимчасининг тўлиқ кўринишини қабул қилган. Маҳмуд Кошғарий феълнинг биринчи шахс бирлигидаги ўгузлар билан бошқа туркий халқлар тилида қисман тафовут борлигини таъкидлайди: „Ўгузлар келаси замон феълидаги шакл таркибида -р ҳарфини сақлаб, келаси замон феъли қўшимчаси бўлган бир -р ҳарфини туширадилар. Масалан, мэн баран—мэн бораман, мэн турган—мэн тураман каби.

Ўзак таркибида -р ҳарфи бўлмаган тақдирдагина, келаси замон феъли қўшимчаси бўлган -р ҳарфини сақлайдилар. мэн кэлирэн—мэн келаман каби.

Ўгузлар мэн кўлэрэн—мэн куламан, дейдилар, чунки ўлди сўзида -р ҳарфи ўнинг алиф қўйиб барыран қўллайдилар. Яна улар мэн йа қуарар-мэн—ёй қураман ўрнида мэн йа қуран дейдилар. Турклар бу феълни иккита билан қуарар-мэн тарзида қўллайдилар. Биринчи -р ғузак таркибида бор, иккинчиси келаси замон феъли қўшимчасидир. Бу усул қоидага мувофиқдир. Ўгузлар тағаффузи қоида усулига мувофиқ эмас, лекин унда сингиллик бор.

Эски туркий тил даврида ҳозирги-келаси замон феълининг -йур/ йўр қўшимчаси билан ясалган шакли зам учрайди. Бу ўринда таъкидланиши лозим бўлган қолат шундан иборатки, бу қўшимча баъзан -р қўшимчаси билан баравар (параллел) қўлланилган.

-ғай / -гәй (-қай/ -кәй) қўшимчаси бу давр тилида келаси замон маъноли феъл ясашида иштирок этиб, улар шахс-сон қўшимчасининг тўлиқ шаклини қабул қилган:

Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, II, 68- бет.

тинглө+гэй+мэн, сөзлэ+гэй+сэн („Күтадгу билиг“), саңкай, бар+гай („Девон“).

Эски ўзбек тили даврида ҳам феълларга хос хусусият асосан эски туркий тил давридагидек давом этди.

Буйруқ-истак майлиниг I шахс бирлигини ҳосил қилишда эски ўзбек тилини барча даврида - (а) йын / - (ә) йин қўшимчаси фаол иштирок этди. Бу шаклнинг қисқа - (а) й / - (ә) й кўринишнинг қўлланилиши XIV аср оқирларидан бошлиб учрайди:

Қаёнға борсанг итингмен, ўзумни еткўрдайин,  
Етишмасам сенга боқиб дуо қилиб турдайин.  
Юзум бўсаганга сурсам не яхши айшдуурур,  
Иноят эт эшигингда бу айшни сўрайин.

Фироқинг нчра йигидин нечун йиграй ўзни,  
Ёмим боз урди жаҳонга не наяв ёшурдайин.

(Бобур)

Буйруқ-истак майлиниг I шахс кўплиги  
Ўзбек тилида аксарият -алың / -элиң; -алым / -элим,  
- (а) лы / -эли; (а) лық / - (ә) лик; -а (йық) / - (ә) йик;  
қисман - (а) йлық / - (ә) йлик қўшимчалари билан ҳосил қилинган:

Чун мунча тақриб бўлди, хонларнинг аҳволини даги ижмол била зикр қиласлиг. (Бобур)

Йурун мәkkәгә баралы (Сак.) Көрәлим. (Бобур)  
Кўрәшәлиқ. (Бобур) Рўбару болалың. (Бобур) Көрә (й) лиқ (Шайбонийнома). Сэнэ бэрәйик. (Бобур) Өзимизниң аҳволымызын алайық. („Шаж.турк“) Ойнайлық, кўләйлик, аман болайлық. (Муқимиј)

Буйруқ-истак майлиниг II шахс бирлик шакли эски ўзбек тили даврида ҳам феъл ўзагига -ғыл / -гил, -қыл / -кил қўшимчасини қўшиш асосида ясалади: тутқыл, сорғыл, эйләгил (Бобур). Хабар қылғыл. (Сак.)

Қаро қўзўм келу мардумлуг эмди фан қылғыл,  
Қўзум қаросида мардум киби ватан қылғыл.

(Навоий)

Кейинги давр тилида бу қўшимча билан бирга тин/ // -гин шакли ҳам истеъмолда бўлди. Рост айтқын. (Бобур). Аны алъиб кэлгин. (Бобур) Айақ басқын Амирий) Байан қылғын. (Амирий)

Неча дедим ул санамга бармағын,  
Қилмади ул тарк охир бармағын.  
Мунча ким худойлиқ кўргузди ул,  
Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бармағин.

(Навоий)

Эски ўзбек тилида II шахс кўплик маъноси -ң, иң, -ың, уң -ун қўшимчаси билан ҳосил қилинган:

Бу кун туроц, сабақ кэтиқ. (Шаж. турк) Сабр қылын. (Ш. ң.) Худди эски туркий тилида қипчоқ ва ўғузлар тилида бўлганидек, эски ўзбек тили даврида ҳам бу шаклга -з қўшимчасини орттириб, -ңиз, -ыңиз, -иңиз, -унуз, -үнз, -үңиз, -уңиз қўшимчаси ясалган ва гарчи кам даражада бўлса-да, шу маънода ишлатилган:

Йана бир нэчэ йигит қошуқыз.

(Бобур)

Керёнўз („Шайбонийнома“), қопарыңыз (Лутфий), Битициз (Сак.) Ишрат қылмақыз (Мунис).

Эски ўзбек тили даврида кўплик шаклга -лэр / -лар ни баъзи ҳолатда дастлабки кўплик шаклга -лэр / -ларни қўшиш асосида -лэр / -лар, -иңлэр / -ыңлар / ҳамда кўплик+кўплик+кўплик — ң +из+лэр (-ң+из+лар), -иң+из+лэр) -иң+из+лар тарзда ҳам қўшилиб келган: Тутунлар (Шн.) йўтўрўнлэр (Шаж. турк).

Буйруқ-истак майлиниг III шахс бирлиги -сун / -сўн қўшимчаси билан ясалган:

Келтурса юз балони ўшал бевафо менга,  
Кэлсўн, агар юзумни эвурсам, бало менга.

(Бобур)

Сенсузин, эй умр, бир соат мэнга жон  
болмасун,

Сен бўлу бас тубиё фирмавсу ризвон  
болмасун.

(Навоий)

1 Абдураҳмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилиниң тарихий грамматикаси. 140- бет.

Бу қўшимчанинг -син/-сын шакли ўғиз ва қишло гуруҳ тиллар учун хос бўлиб, XIX асрдан кейинги ёдно маларда фаоллашди. Кўпликни ифодалаш учун -сун/-сўн қўшимчасига -лэр / -лар қўшилган. Айни пайд кўплик кўринишини қўшимасдан ҳам бу давр тилида -сун/-сўн орқали ҳам кўплик маъноси англашилган.

Шарт майли эски ўзбек тили даврида асосан -сә/-сўн қўшимчаси билан ифодаланиб, улар шахс-сонда тусланган.

### Бирлиқда

I шахс — сәм/-сам

II шахс — сәң/-саң

III шахс — сә/-са

### Кўпликда

- сәк / -сақ

- сәнз / -санз

- сә (лар) -са (лар)

Қайси мавзони ки манзил айласа ул шаҳсувор, Кеча тонг отқунча қиссанг посбонлиғ ихтиёр, Солсанг ўзни ичкари, гар ғойиб олса пардадор, Қавса чиқсанг қавмаса даргоҳ аро тутсанг қарор.

(Навоий)

Лутф этсангу қўнгул била жон ўргатсанг, Васлинг била эй жону жаҳон ўргатсанг, Бу қатла ёмонроқ ўлса ҳолим сенсиз, Айб айламагайсену ёмон ўргатсанг.

(Бобур)

Менинг сўзимдин чықмасалар Синд Суйининг ул йузида подшоҳ қиличин чопсам.

(„Бобурнома“)

Эски ўзбек тилида шарт феълининг аналитик шакли -сә/-са эрди -сә/-са эди тарзда қўлланилган: Англесам эрди мунча дўстлар йордин айырылмас эдим ўлгунча. (Бобур)

Гар меҳр била бу чарх эврулса эди, Жонлардин анинг жавфи керак тўлса эди, Бобур киби жонга меҳр боғлар эрдим, Гар ушбу жаҳонда меҳри жон бўлса эди.

(Бобур)

Абдураҳмонов Р., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 12- бет.

Эски ўзбек тилида феъл замонларини кўрсатувчи қўшимчаларнинг ишлатилишида бир томондан эски туркӣ тил даври билан яқинлиги бўлишдан ташқари, бирим жиҳатлари билан ҳозирги ўзбек тилига яқинлаша бориши кўзга ташланади. Жумладан, ўтган замон феълининг кўрсаткичи -ди/-ды, -ду/-ду га шахс-сон қўшимчасини қўшиш асосида ясалган:

### Бирлиқда

I шахс -дим/-дым, -дўм/-дум

II шахс -диң/-дың, -дўң/-дун

III шахс -ди/-ды

### Кўпликда

-дик/ дық, -дўк/ -

дук

-диңиз/ -дыңиз

-ди (лэр) -ды (лар)

Ани көрдўң билирнинг фикридин кеч, Ки биз ҳам көрдўк, аммо билм эдўк ҳеч.

(Навоий)

Ваҳки бордуқ яна ҳажри элгидин зор, эй қўнгул.

(Навоий)

Бу давр тилида жарангиз билан тугаган ўзакка қўшимчанинг ҳам жарангиз шакли қўшилган.

Эски ўзбек тили даврида -ған/-ғән, -қан/-қән қўшимчали ўтган замон сифатдош шаклининг ўтган замон феъл маъносида қўлланилиш ҳолати ҳам маълум даражада унинг ҳозирги ўзбек тилига яқинлаша боришини кўрсатади: Баъзи одамларга мәниқ ошандар мазмунларым марғуб болмагандур. (Фурқат). Ушбу ай ичрэ қэлиб алғандур. (Ши.)

Англа ким овора болғандардур ул ой ишқидин, Ҳажр саҳросида кўрсанг тогу водий аро эл.

(Навоий)

-ған/-ғән, -қан/-қән шакли эски ўзбек тили даврида эр тўлиқсиз феъли, дурур/турур ҳолат феълининг турли қўринишлари билан бирга ҳам қўлланилганки, бу ҳолат ҳам ҳозирги ўзбек тилида давом этмоқда.

-мыш/-миш шакли ўтган замон феъли ҳам эски ўзбек тили даврида истеъмолда бўлиб, бунда сўзловчи ўз

күзи билан кўрмаган, ўтмишда содир бўлган воқеани ифодалайди:

Кўзга то кирмиш хаёлинг совуғ оҳим ваҳмидин,  
Бағламышмән куры ҳар сари мужгонидин ача.

(Навоий)

Бу шаклга шахс-сон қўшимчаси I шахс бирликда тўлива қисқа шаклда қўшилгани ҳолда бошқа шахсларнинг қўшимчаси тўлиқ кўринишда қўшилиб ишлатилган: айтмышсэн, айтмишмән, айтмышам, айтмышбиз, айтмышсиз каби.

Ҳозирги-келаси замон маъноси эски ўзбек тили даврида -ғәй/ -гәй қўшимчаси орқали ифодаланиб, улар шахс-сон кўрсаткичнинг тўлиқ шакли билан тусланган:

Экмак эмас барча бу ким турғасен,  
Арпа-у буғдой сочибон ўргасен.

(Навоий)

Тэнри ҳеч мусулмонга бу баланы бэрмәгэй.

(„Бобурнома“)

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгәймән,  
Не кун болғай висолингта мени дилхаста йэтгәймән.

Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буйурғайсэн,  
Хуш улким, оразингни кергемэн, сўзунг эшитгәймән.

(Бобур)

Ҳозирги-келаси замоннинг бўлишсиз шакли -ман/-мән<sup>1</sup> қўшимчаси асосида ясалган.

Сендин нафасе мурод тапман,  
Ишқингда кўнгулни шод тапман.  
Ишқ аҳлиға илтифот көрмән,  
Ҳусн олдида эътиқод тапман.

(Бобур)

Ҳозирги замон феълининг -мақда/ -мәкдә қўшимчаси билан ясалган кўриниши гарчи кам даражада бўлса-да,

1 Фуломов А.Ф. Ўзбек тилида -мән аффикси. „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари“, 1961, 3- сон, 20- бет.

Эски ўзбек тилига оид ёдгорликларда, „Ўғузнома“, Алишер Навоий ва Мунис асарларида учрайди<sup>1</sup>: ... бир шунқар қыатның ичәгүсин йэмектә турур. („Ўғузнома“)

Маст олуб бир дам шабаб айамыны тут мұғтанам,  
Ким йигитлик дамбадам өтмәкдәдүр айам ара.

(Навоий)

Эйни инәйәтиндеги ҳалымға қыл назара,  
Олмәкдә-мән ғамындын, дардымға әйлә чара.

(Мунис)

Ҳозирги-келаси замон маъноси -ә/-а (й) равишдоши билан ифодаланганда -а/-ә (й) + турур+мән (айта+турур+ +мән // айта+дур+дурур+мән, -а/ -ә (й) +дур+мән (айта+ +дур+мән) -а -ә (й)+мән (айта+мән) шакл-ларда ишлатылған. Табиийки, бу шаклининг негизи битта бўлиб -айта+дурур +мән>айта+дур+мән>айта+мән айтаман>айтаман тарзда тараққиёт босқичини бошидан кечирган. Шунингдек, ҳозирги-келаси замон маъноси -а/ -ә (й) +турур+ған-гән// -ә/ -ә (й)+тур+ған/-гән шаклида ҳам ифодаланган:

Мэни шэйда қыладурған бу кенүлдүр, бу кенүл,  
Хару расва қыладурған бу кенүлдүр, бу кенүл.

Кўринадики, бу шакл — -а/ә (й)+турур+ған (-гән)-а / -ә — (й) + тур + ған (-гән) // -а / -ә (й) + дур + гән > -а/ -ә + ди + гән > эди-гән тарзда тараққиёт босқичини бошидан кечирған.

Эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон маъноси -р, -әр/-ар, -үр/-ур қўшимчаси билан ҳам ясалиб, у ўзича шахс-сон қўшимчасининг тўлиқ шакли билан тусланган. Баъзан I шахсада қисқа шаклининг қўшилиш ҳолати ҳам учрайди.

Қашы ўчён жан бэрўрәм, достлар.

(Лутфий)

Ҳар нәчә эл тиләмәс, мән тиләрәм,  
Эл мәни сийләмәсә, мән сийләрәм.

(Шн.)

<sup>1</sup> Абдураҳмонов F., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 175- бет.

Айни пайтда ҳали бу давр тилида ҳам -р билан биргэ-йур/-йур қүшимчаси ҳам ҳозирги-келаси замон феълини ясашда тенг (параллел) иштирок эттан: башла+р /башла + йур, сөзл + р / сөзлэ + йүр, тилэ + р // тилэ + йүр, қыйна + р // қыйна + йур каби.

Ҳозирги-келаси замон маъноси бу давр тилида баъзан -гу/-гү, -қу/кү қүшимчали феълга шахс-сон қүшимчасини қўшиш асосида ҳам ясалган:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидур.

(Бобур)

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,  
Юз ғуссаву андуҳ ила борғум, қаро кўз.  
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,  
Мушкулки, фироқинда тирилгум, қаро кўз.

(Бобур)

Бўлишсизлик маъноси бу кўрсаткич олдидан -ма/мә қўшимчасини қўшиш асосида ифодаланган:

Ҳар сўзки, не дермен сенга лоф ўлмағуси,  
Бемаънию ҳарзаву ғазоф ўлмағуси.

Сифатдош эски ўзбек тили даврида -р, -эр/ -ар, -ир/ыр, -ўр/-ур; -миш /мыш; -гән/-ған, -кән/қан (а+ған/-ә+ғән) қўшимчалари билан ҳосил қилинган. -р, -эр/-ар, -ўр/-ур шаклли сифатдош бу давр тилида ҳам ҳозирги-келаси замон маъносини англатган:

Берди көрәр —кўз-у эшитўр қулор,  
Айтур тил, атрни аңлар димог.

(Навоий)

Бу насиҳатим англа, нэ билур киши ёнгла,  
Нэ болур экин тонгла, сен бугун ғанимат тут.

Гофил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта,  
Тэнри бэрур албатта, давлат иста, ҳиммат тут.

(Бобур)

Бу кун ахшамғача нэ болури маълум эмэс.

(Махмур)

Бу шакл одатда эски ўзбек тилида фаол ишлатилиб, унинг инкор маъноси -мәс/-мас (-мә + с, < с < з р) қўшимчаси асосида ифодаланган: сарғарур сарғарай-пур сарғармас сарғармайдур (Келурн.)

-Миш/ -мыш шакли сифатдош туркий тиллар тарихининг дастлабки давридан бошлаб кенг истеъмолда бўлиб, эски ўзбек тилининг ҳам XV асргача бўлган ёдгорликларида худди қадимги ва эски туркий тил давридагидек шаклларда ва маъноларда қўлланилган бўлса, XV асрдан кейинги давр тилида кўпроқ ўтган замон фоъли маъносида қўлланиши давом этди: қылмамыш жонин фидо жононга етмас деб эмиш, Эй Навоий ушбу сўз бирла фидо юз жон анга. (Навоий)

Деди ким Шах-заман Балх сары кэлмиш. (Шн.)

Мен сени өлтўрмиш эрдим.

(Сак.)

Ул ишта, агар мухолафат айларсен,  
Тенгри ҳақи, бу сўзда хилоф ўлмағуси.

(Бобур)

Ҳаракат номи эски ўзбек тили даврида асосан -ш, -иш / -ыш; -мақ/-мек; -в,/ -ув -ув қўшимчалари билан ясалган. Чунончи, -ш, -иш/ -ыш қўшимчасининг истеъмол доираси кам бўлиб, у баъзи ёдгорликларда учрайди: коруп эл қачышын. (Шн.) Хан кэлишидин бурна (Шн.) Аларниң кэлишин кордум (Шн.) Буларның алышы — йу аларниң бэриши бу муқаррардин артуқ ва оксук эрмэс. ("Бобурнома")

-Мақ/-мек шакли эски ўзбек тилининг барча даври учун характерли бўлиб, бу қўшимча билан ясалган ҳаракат номи фаол ишлатилган: оқай алғап ағыр сатмақ аның мақсады. (Махмур) Бағы кўйдўрмәкдин гам йоқ (Махмур). Бада ичмәк сары болмас майыл (Шн.) Мәниң көнлўмки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур. Агар йуз минг баҳор ўлса, ачымагы нэ имкондур. (Бобур)

Осон эрмас бу майдон ичрә турмақ,  
Низомий панжасига панжа урмақ.

(Навоий)

Қайта көрмәк мумкин өлмайди.

(Фурқат)

-в -ув/-ўв шакли туркий тиллар тарихида дастлаб -ғу/-ғү, -қу/-қү күринишда бўлиб, ҳатто эски ўзбек тили тарихининг маълум даврида ҳам шу тарзда қўлланишда давом этди. Баъзан унга -чи/-чы қўшимчаси қўшилиб, от ҳам ясалди: бар+ғу+чы, кәл+ғү+чи каби. Айни пайтда бу қўшимчаларнинг фонетик ўзгаришга учраб, (-ғу/-ғү) үғ/ ўғ>-в, -ув/-ўв/-в, -ув/-ўв шаклига ўтиши ҳам шу даврга тўғри келади: Йасав. (Бобур) Ондин икки киши болды сақлав. (Шн.) Аммо бу шаклнинг истеъмол доираси эски ўзбек тилида жуда тор бўлган.

Қадимги туркий тилда учрамаган, эски туркий тил даврига келиб шаклланган, аммо ҳали бу давр тилида истеъмол доираси тор бўлган -ғән/-ған, -қән/-қан қўшимчаси эски ўзбек тили даврига келиб фаоллашган. Бу қўшимча ҳам ўтган замон сифатдошини ясаб, -миш/-мыш шакли сифатдошларга маънодош сифатида қўллланган. Табиийки, дастлабки шаклларнинг ҳисобига бу қўшимча билан ясалган сифатдошнинг истеъмол доираси ортган:

Эй, хуш ул майким анга зарф ўлса бир сынған сафол,  
Жом ўлур четинамо жамшид ани ичган гадо.

(Навоий)

Ғурбат туғи йапқан руҳи зардимниму дей,  
Ё ҳажр чықарған оҳи сардимниму дей?

(Бобур)

Шаҳар ҳалин биләтурған бўлди. (Шн.)

Равищдош шакли эски ўзбек тилида -п/-б, -ип/-иб, -ып/-ыб қўшимчалари асосида ҳосил қилинган:

Хуштур бир тура шоми ҳажр икки ёр ўчрәшиб,  
Танышыб (п), бир-бирларин маҳкам кучушуб йығлашиб.

(Навоий)

Чин дей сенга, Бобурки, ошиқлиқда  
Хар неки қылыб (п) эрдим пушаймон бўлдум.

(Бобур)

Равишдошнинг қадимги туркий тилдаги -пан/-пән шакли бу давр тилида -бән / -бан / -ибән / -ыбаи, -үбән/ -убан) тарзда ишлатилади:

Ногаҳ агар нағма чекиб бир найи,  
Маст қылыбан ани ҳолат майи.

(Навоий)

Зулфиға кўнгул қўюб паришон бўлдум,  
Кўз алдурубан юзига ҳайрон бўлдум.

(Бобур)

Чиқти ул миңча киши атланыбан,  
Иш қилурға бариса қатланыбан.

(Шн.)

-гач / -гәч, -ъқач / - кәч шакли равишдош ҳам эски ўзбек тили даврида истеъмолда бўлди:

Ҳусни ортар юзда зулфин анбар афшон әйләгәч,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон әйләгәч.

(Навоий)

Ошиқ олғач кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,  
Ўзга кўнглумнинг бу оламда қароси қолдиму?

(Бобур)

Ачылғач келиб эртаси ҳужраси,  
Қилур жаңу жанжал ҳар эртаси.

(Муқ.)

Қадимги туркий тилда мақсад маъносини ифодалашда фаол ишлатилган -галы/ -гәли, -қалы/ -кәли шакли равишдошининг эски ўзбек тили даврида ҳам истеъмол доираси кенг бўлган:

Көргәли ҳуснунгни зори мубтало бўлдум саңа,  
Не балолиғ кун эди ким ошно бўлдум саңа.

(Навоий)

Учгалы пар чиқарыбтур күнглум.

(Мунис)

-ғунча / - гүнчә, -қунча / - күнчә шакли келиб чиқиш эътибори билан ҳаракат номи (ғу / -ғұ , -қу / -құ) ва равиш ясовчи (-чә/ -ча) қўшимча асосида (-ғучча / -гучә) шаклланган бўлиб, равишдош сифатида эски ўзбек тили даврида фаол ишлатилган:

Тонг эмас жисмим ақыргунча кўзум гар тўкти ашк,  
Не ажаб абри баҳори аққуча хос йигламоқ.

(Навоий)

Кирмәгўнчә бу улус қолумга,  
Бармағумдур йурубон йўлумга.

(Ши.)

Шабнам эрмас нарғис ашқидур недун қон йигламас,  
Кўз йумуб ачқунча гулшан умри поёнин кўруб.

(Навоий)

Йуз очғил, кўз сени тойғунча кўрсун.

(Лутфий)

Баъзан унинг лабланмаган -ғенчә / -ғанча // -қанча  
/ -кенчә шакли ҳам шу маънода қўлланилган:

Болғанча сипеҳр даври коми бўлсун,  
Афлок уза базм иҳтишоми бўлсун.

(Навоий)

Та кэлгениңчә айлар бэзор, ароба қурсун.

(Муқ.)

-а/ -ә (-й) кўринишни равишдош якка такрорланиб,  
қўшма феълнинг асосий қисми сифатида ишлатилган:

Фироқ отына йана-йана келдим

(Лутфий)

Ыттыфақ қыла алмай...

(Бобур)

Он кўн өтмәй йана атланды хан.

(Ши.)

Равишдошнинг бўлишсиз маъносини ифодалаш учун ишлатиладиган қадимти туркий тилдаги -мадын / -мәдин шакли эски ўзбек тили даврида (д>з>) фонетик ҳодисаси натижасида -майын/-мәйин ва қисқа -май/ -мәй шаклларда қўлланганки, бу ҳолат ҳам эски ўзбек тилининг ҳозирги ўзбек тилига яқинлаша борганилигини кўрсатади:

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмәйин нафи этма бу майхона аҳлин, зоҳида.

(Навоий)

Хўбларни арз қилдим қилмади кўнглум писанд,  
Ани кўргач, иктиёри қалмайин деди бу хўб.

(Навоий)

Сэни көрмән-өләр-мән, гар йолуқсаң.

(Лутфий)

...аш йэмәй йатсам, касал даванамән.

(Муқ.)

Тил далилларида тарих изининг мужассамлашувини, ҳозирги тилимизга назар ташласак, феъл гуруҳидаги сўзларда ҳам анчагина эканлигига гувоҳ бўламиз. Бундай умумийликни аввало туркий тилларнинг феъл негизида учратиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳозирги туркий тилларнинг деярли барчасида худди туркий тиллар тарихидагидек феълларнинг асоси иккинчи шахс бўйруқ шакли саналади: бор, ол, кел, кет, ўт, қол, бўл ва б.

Феълнинг бўлишсиз шакли ҳам ҳозирги туркий тиллар ва уларнинг шеваларида -мә/-ма қўшимчасини феъл негизига қўшиш асосида ифодаланади: көрмә, барма, ёкмә, кэтмә, ишләмә, башлама ва ҳ.

Ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда қўлланадиган феъллар ҳам шаклланиш жиҳатидан худди тилимиз тарихидагидек туб ва ясама бўлишдан ташқари, ҳамон бу гуруҳдаги сўзларнинг морфологик усул билан исалиши маҳсулдордир.

Ҳозирги ўзбек тилида тарих изининг мужассамлашуви

фөсл майллари, замон тушунчаларини англатувчи кўрсаткичларда, шунингдек, фельнинг грамматик функционал формаларида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, буйруқ-истак майли ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди тилимиз тарихидагидек ўзак шаклида (бор, ол, кел, кет) ва ўзакка айрим қўшимчаларни қўшиш асосида ифодаланади. Жумладан, бу майдининг I шахс бирлиги аксарият фөсл ўзагига -й, -эй, баъзан -айин қўшимчасини қўшишдан ҳосил қилинади:

Мен ёнай, учқунланай, нурларга қонай,  
Мен буюк одамларни санай куйларда.  
Баҳор бўстонларингда сайраб, учиб қўнай:  
Қайта бошдан ер босай, қайнар кунларда...

Ол мени... тўлқинингда мард қулоч отай,  
Сриб ўтай йўллардан, поғоналардан...  
Ол, мени... куй яратай, куйлар таратай,  
Қатра-қатра тер тўкиб пешоналардан...

(Миртемир)

Азиз неъматларим, Сизга ташаккур,  
Доимо бўй чўзинг замин комидан.  
Мен Сизни қўзимга суртайин ҳар қур,  
Шукронга айтайн ҳаёт номидан.

(А. Орипов)

Умумхалқ тилида, хусусан, қипчоқ гуруҳ шеваларида ва ўғуз лаҳжасида (мэн барис: н, гэли: н) тил тарихидаги дастлабки тўлиқ - (а) йық / (а) йин шакли қўлланилади. Мэн бўғун ўйгэ барайын. Саган қоңлимдәгини айтайн. Ўйгэ кирэйин. Худди шундай ҳолат халқ достонлари тилида ҳам сақланиб қолинган: „Бу сўзни эштиб, Алломиши айтди: — Бобо, сиз мен бўлиб боринг, мен сиз бўлиб борайин, ким дўст, ким душман, ўз қўзим билан кўрайин, бироннинг чоригига бирор тойиб, ўлиб кетмасин, — деди. („Алломиши“) Ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ

1 Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, ЎзФА напр. Тошкент, 1978, 90-бет; Сауранбаев Н. Т. О категории лица повелительного наклонения. Изв. АН КазССР, Серия филологии и искусствоведения, вып. 1—2, 1954, 28-45- бетлар.

шаклида ҳам буйруқ-истак майдининг тўлиқ шакли ишлатилади

Буйруқ-истак майдининг I шахс кўплиги ҳозирги ўзбек алабий тилида -лик, -айлик қўшимчаси билан ясалади деб ишлатади: Мавриди келганда бир ҳақиқатни эслатиб ўтайлик, шошибильлик, борайлик, ўзига айтайлик, келайлик каби. Айни пайтда тил тарихида фаол ишлатилган алым/-элим; а-лы/эли шакллари ҳамон ўғуз лаҳжасида ишшу гуруҳ туркӣ тилларда қўлланилмоқда. Шунингдек, тарихий - (а) йық / - (э)йик шакли ҳозирги қипчоқ гуруҳ туркӣ тиллар ва ўзбекларнинг қипчоқ лаҳжаси учун хос: ўйгэ барайық, ўйгэ кирэйик, жораларды кэрэйик дэп кэлдик.

Буйруқ-истак шакдининг II шахс бирлик шакли ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди тилимиз тарихидагидек ўзак шаклида (бор, кел, ол, қол, кет) ва ўзакка турли қўшимчаларни қўшиш асосида ифодаланади. Фөсл ўзагига -ч (-нг), -инг қўшилганда бирлик ҳурмат маъноси ифодаланиши билан бирга баъзан қўллик тушунчаси ҳам англапшади. Бу майдада бошқа буйруқ майдидек ургу фөсл ўзагига тушади<sup>1</sup>: Боринг, ишланг, ёзинг.

- Сиз ўшами, келинг, марҳабо!
- Мен ўшаман, лол бўлма, бўтам.
- Кўз туттанман, муҳтарам бобо,
- Қўл туттанман азизим - отам.

(Миртемир)

Баъзан бу шаклга -чи юкламаси қўшилади: кўрингчи, боринг-чи, келинг+чи каби.

Эски ўзбек тилида қўлланган -ғыл/-гил, -қыл/-кил шакли ҳозир шеърий услубда сақланиб қолдики, бу ҳолат ҳам тил ҳодисасининг барқарорлигини изоҳлайди:

Мени куттил ва мен қайтарман.

(Х. Олимжон)

Тезроқ боргил, ҳалоскор дўстим,  
Ёвларни қув, дўстларни қутқар.

(Х. Олимжон)

Ойдин палаталар сенгадир тортиқ,  
Шифтга боққанингча қоматинг кергил.

Фуломов А. Ф. Ўзбек тилида ургу. Тошкент, 1947, 8- бет.

Менга бу ҳашамлар керакмас ортиқ,  
Менга ўз кулбай хонамни бергил.

(A. Орипов)

Эски ўзбек тили даврида бу шаклнинг -и лашшига ўган -ғын -гин, -қын -кин тури ҳозирги оғзаки нутқи тўлиқ сақланиб қолгани ҳолда (айтқын, барғын, аз+ғын көргин каби) адабий қолип сифатида -гин кўриниш қабул қилинган:

Келма, келмагин, майли,  
Йўлда елмагин, майли,  
Кутмайман эрта-ю кеч,  
Жиндек жилмагин, майли,  
Сўнмиш ишқи демагин,  
Хом хаёлда кулмагин.  
Ишқим баттарроқ ҳозир,  
Майли, бетинч бўлмагин.

(Миртемир)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида II шахс кўплик маъноси айни пайтда худди эски туркӣ ва эски ўзбек тилидагидек -инг қўшимчаси билан ҳосил қилинади: боринг, ўқинг, келинг. Шу билан бирга, бу шаклга -лар қўшимчасини кўплик маъноси ифодаланади: „Ўтираберинглар, ўтираберинглар!“ — деди Давронов. (П. Турсун) Нутқда бундай қўлланишида ҳурмат муносабати англашилиб турди. Қипчоқ ва ўғуз лаҳжасида қадимий кўпликни англатиш учун қўлланган -иниз (-низ), -ыныз (-низ) шакли кўплик -лэр/-лар қўшимчасини иккичи марта қабатланган шаклда олади: ўйғе кириқ +из+лэр, төрге эт+ин+из+лэр, аштан ал+ың+ыз+лар, шу жэйдэ тур+ин+ыз+лар, бизикигэ бар+ың+ыз+лар каби. Кучли ҳистайғуни ифодалаш учун адабий тилда бу шаклдан ҳам фойдаланади.

Бўйруқ-истак майлиниң III шахс бирлиги тил тарихидан фақат лабланмаган шаклнинг қўлланилиши билан фарқланади: у бу ерга келсин! ...Ҳар ким ўз ўрнига ўтирсин. (С. Айний). -лар қўшимчаси баъзан ҳурматни,

Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 206- бет.

изан кесатиш, пиchinгианглатади: Марҳамат илсинлар! Гапирсинлар! каби.

Шарт майли маъноси ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам уди эски ўзбек тилидагидек. Аммо умумхалқ тилида, усусан сингармонистик хусусият сақланиб қолган шевада бу қўшимча худди тилимиз тарихидагидек -сә/-са никлда ишлатилади. Булар шахс-сон қўшимчалари билан усланган пайтда ҳам тарихий шаклдан фарқланмайди:

I шахс -сәм/-сам

-сәк/-сақ

II шахс -сән/-саң

-сәңиз/-саңыз

III шахс -сә/-са

сә/ләр/-са (лар)

Бирлик

барсам, гәлсәм, кесәм  
барсан, гәлсән, кесән,  
бар саңыс, гәлсәңис,  
кесәнләр

барса, гәсә, кәсә

Кўплик

барсақ, гәлсәк, кесәк

барсала, гәлсәлә; кәсә (лар)

Етимлар ҳақидан қўрқмаса бирор, Сўқмоқча айланиб кетсалар йўллар;

Қиблагоҳлар осий, туғишганлар ёв, Фазналарга чўзилса қўллар;

Болалар руҳига ҳаёт деган дарс—  
Манманлик уругин жойласа;

Ошиқлар кўчада маъшуқасин эмас,  
Кимнингдир қадамин пойласа;

Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби  
Бир-бирларин ғажиб-есалар;  
Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи,  
Андишани қўрқоқ десалар...

Бундай юртда энди қирғин шарт эмас.

(A. Орипов)

Ҳозирги ўзбек тилида феъл замонларини кўрсатувчи қўшимчаларнинг ишлатилишида ҳам эски ўзбек тили

даври билан деярли умумийлик мавжуд. Фақат бу ероизоҳталаб бир ҳолат шундан иборатки, эски ўзбектилидаги айрим шакллар ҳозирги ўзбек тили даврига келарханклашган. Жумладан, -ди/-ды, -ти/-ты кўрсаткич ҳозирги ўзбек тилида ҳам ўтган замон тушунгасини анлатувчи феълни ҳосил қилгани ҳолда<sup>1</sup>, унинг лабланган дў / -ду) кўриниши истемолдан чиқди:

### Бирлика:

I шахс -дим (-дым; -дик (-дық, -ти+к/ тық)  
-тим/ -тым

II шахс -дин, (-дын; -дин-из  
-тиң/ -тың)

III шахс -ди / -ды, -ти/  
-ты -ди+лар.

- |              |                 |
|--------------|-----------------|
| 1) бор+ди+м  | 1) бор+ди+к     |
| 2) бор+ди+нг | 2) бор+ди+нг+из |
| 3) бор+ди    | 3) бор+ди+лар.  |

Умумхалқ тилида ва оғзаки нутқда бу шаклининг жарангиз ҳамда тил олди ва тил орқа шакллари (айт+ты, айт+ты+ң, айт+ти-м; айт+ты+қ, айт+ты+ң-ыз; кэт+ти+м, кэт+тиң, кэт+ти; кэт+ти-к, кэт+ти+ңи+з каби). Шунингдек, Тошкент шаҳар шевасида аксарият -ди+миз (бордимиз, айттимиз, ёздимиз каби) кўриниш ҳамон истемолда эканлиги тил далилларида тарихий ўзгаришнинг акс этиши натижасидир.

Оғзаки нутқда II шахс кўплиги учун ҳурмат маъносида — ўқидинглар, ўқидингизлар, ўқидиларинг, ўқидиларингиз шакллари ҳам қўлланилади. Гарчи бу сўзларда шахсон ва кўплик қўшимчаларида ташқи кўринишдан тафовут кўзга ташланса-да, аслида фақат қўшимчаларинг

Бу ҳақда қаранг: Васаков Н.А. Причастие на -ди/-ты в тюркских языках. Труды Москов. инст. востоковедения., 1951, 6-сон, 205—217- бетлар; Кононов А.Н. Происхождение прошедшего категории времени в тюркских языках. Тюркологический сборник, I, М. -Л.: 1951, 112—117- бетлар; Рамstedt Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология, М., 1957, 62- бет; Фуломов А. Феъл. 23—24- бетлар.

урни алмашган бўлиб, аввалги шакллар қарлуқ шеваси, сейингилари эса қипчоқ шевалари учун хосдир.

Эски ўзбек тили давридаги ўтган замон феъли маъносида қўлланган -ран/-гэн,-қан/кэн шаклли ўтган замон сифатдоши ҳозирги ўзбек тилида ҳам шу маънода қўлланади. Аммо ҳозирги ўзбек тилида -ган>-кан фонетик жараёни юз бераб, эк+ган > эккан, боқ+ган > боқкан, сог+ган>сокъдан шаклига ўзгаради, деб таъкидланади. Бироқ бу ўринда фонетик жараён ҳақида эмас, балки тарихий -ган/-гэн, -қан/кэн шаклларининг ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланиб қолганилиги ва сингармонизм—оҳангдошлиқ қонуниятининг талаби билан турли шаклнинг қўшилиш ҳолати ҳақида фикр юритиш ўринлироқ бўлар:

Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон,  
Шу ширин ёлғонга, лекин алданиб қолғон ёмон.

(Эркин Воҳидов)

Эски ўзбек тилидаги бу хусусият ҳозир қипчоқ гуруҳ тилларда ва хусусан, қипчоқ лаҳжасида тўлиқ сақланиб қолган: Эк+кэн, тик+кэн, чэк+кэн, чық+қан, тық+қан, қорқ+қан, уқ+қан, тук+қан; кэ(л) +гэн, дэгэн, кергэн, оз+ган, тоз+ган, соз+ган, бар+ган, тур+ган, бур+ган, аяа+ган, тай+ган каби. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу шакл кудди эски ўзбек тили давридагидек эр тўлиқсиз феъли ва дурур ҳолат феълининг турли кўринишлари билан бирга ҳам қўлланилади, бу ҳолат ҳам тилдаги барқарорликдан далолат беради.

Тил тарихининг барча даври учун хос бўлган ўтган замон феълини ҳосил қилувчи -миш/-мыш шакли одатда ўзбек гуруҳ тилларга хос бўлиб қолса-да, аммо ҳозирги ўзбек тилида ҳам шеъриятда учрайди:

Ишқинг юрагимда ташламиш каманд,  
У кундан ошиқман, камандингда банд.  
Балоларга дучор бўлсан-да ҳарчанд,  
Сени унумтмайман, о, бўсаси қанд!

(Миртемир,

Демишсан: Ёр унга омад ҳар нафас,  
Айрича илтифот бор бу одамга..."

(А. Орипов)

Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 216- бет.

Демишлар: „Ҳар шоир эл қақнусидур,  
Битиги — халқ рухи, ғам, қайғусидур!“  
(Жонибек Субҳон)

Саҳройи боболар армон этмиш юрт  
Балки шу гүшадур, шу яшил оғуш.

(Миртемир)

Эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон мъносини ифодаловчи феълы ясаган -гай/-ғай шакли Хоразм ўғуз ва қипчоқ шеваларига хос (баҳти йатмагый, өлмәгийсән бўлиш билан бирга, шеъриятда сақланиб қолди:

Сени кутиб олгаймиз  
гулзор ё олмазорда,  
Гудакдай чўмилгайсан  
Чирчиқда ё Анҳорда.  
Собит оға, бир оз кун  
юриб кетсанг бўлмасми?

(Миртемир)

Соқоли кўксига тушса ҳам гарчанд,  
Инсон аталмагай масалан, серка.  
Одамлик ҳурмати шунчалар баланд,  
Уни ураберма ҳар нафас ерга.

(А. Орипов)

Кимдир чоҳ ичра ҳам давронин сургай,  
Кимдир чўққида ҳам ўтта келгай дуч.  
Кўзинг очиқ эса ҳар нени кўргай,  
Бир ён дўст, бир ёнда — нафрат билан ўч.

(А. Орипов)

Эски ўзбек тилидаги ҳозирги-келаси замоннинг бўлишсиз -ман/-мэн шакли одатда ҳозир гарбий туркий тилларга хос. Аммо ҳозирги ўзбек тилида шеърий услубда гарчи кам даражада бўлса-да, ном фонетик жараёни асосида шаклланган -мэм кўриниши учрайди.

Онагинам кўз олдида юргим бор,  
Кетмам, тўлқин иргиттандай қирғоқقا.

(Миртемир)

1 Абдуллаев Ф.А. Кўрсатилган асар, 90- бет.

Унинг сариқ вужудчаси „лов“ этди фақат,  
Билмам, уни мафтун этмиш қандоқ манзара?  
Не бўлса ҳам хотирамда қолди шу ҳолат,  
Менинг мурғак шууримда очилди яра.

(A. Орипов)

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол ишлатиладиган -моқда қўшимчаси билан ясалган феъларнинг дастлаб қўлланилиши эски ўзбек тили давридан бошланган эди.

Эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон маъносини англатиш учун қўлланилган -р/әр, -ар, -ўр/-ур қўшимчасининг -эр шакли ҳозирги адабий тилда -р, -эр/-ар шакли оғзаки нутқда, -ўр/-ур шакли бошқа шакллар билан бирга шеъриятда учрайди: Ит ҳуар, карвон ўтар. (*Мақол*) Тап-тап этар, тагидан карвон ўтар. (*Топишмоқ: элак*) Айттар сөзди айт, айтмас сөздэн қайт.

Сойларга тикилсам, кўзим ёшланур,  
Жарларга эгилсам —айланур бошим.  
Тонг чоғида бунда ҳаёт бошланур,  
Далада пахтачи жамий юртдошим.

(Миртемир)

Эски ўзбек тили давридаги -ғу/-ғў шаклига шахс-сон кўрсаткичини қўшиш асосида ясалган ҳозирги-келаси замон феъли ҳозирги ўзбек адабий тилида шеърий услубда сақланиб қолди.

„Тулпор тўрри чортоқ томон чопармиш,  
Сен ҳам ахир чопиб келгунг Чортоққа.  
От айланиб, қозигини топармиш,  
Сен ҳам ахир топиб келгунг шу ёққа...“

(Миртемир)

Мен узлатни элимнинг  
Юрагидан ахтаргум,  
Ўксикларнинг энг шинҳон  
тилагидан ахтаргум.

(A. Орипов)

Қолган чўллар гул бўлгуси,  
Ҳосилингиз мўл бўлгуси,  
Душман куйиб, кул бўлгуси.

(С. Абдулла)

Ҳаракат номи ясовчи құшымчалар доирасыда ҳа-  
тарих изининг мужассамлашувини күриш мумкин.  
Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракат номи асосан -в, -ув; -ш-  
иш; -моқ құшымчалари асосида ифодаланиб, уларниң  
құлланилишида, бир томонлама, тил тарихи ва бошқа  
туркій тиллар билан умумийлик, иккінчи томондан  
ўзига хос жиҳатлар касб эттегілининг губоғи бұламис.  
Келиб чиқыш эътибори билан -ғу/-ғү->-ғы-ғ-(у)  
р құшымчасига бориб тақалувчи -у~ӯ, ~ (ы) в, ~ (у) в  
шаклли ҳаракат номининг ўзбек адабий тилида истеммол  
доирасы нисбатан камроқ бұлиб, у асосан қыпчоқ гурух  
тиллар<sup>2</sup> ва ўзбек тилининг қыпчоқ лаҗжаси учун хос.  
Қиёсланг: қозоқ тилида: оқув, жайлар, шақырув; қыргыз  
тилди: бару, көрү, кәлу; нұғай тилида: барув, кәлув;  
бошқирд тилида: алыв; ўзбек тилида: сайлов, учрашув;  
қыпчоқ лаҗжасида: жәйләв, барув, қазлов, айттуv, қайтуv,  
шақыруv ва б. Ҳозирги туркій ва ўзбек адабий тилида  
худди **ески** ўзбек тили давридагидек (гарчи у даврда ак-  
сарият -ғу/-ғү шаклни истеммолда бұлган бұлса-да, бу  
шаклли ҳаракат номига -чи құшымчаси құшилиб, от ҳам  
ясады: қозоқ тилида: сейләвшi, сыптырувшi; қыргыз  
тилди: билучу; қарачай-балқар тилида: йазывчу; нұғай  
тилди: барувши; татар тилида: ташувчы; олтой тилида:  
садучы-садучи; ўзбек тилида: барувчы, келувчи, оқувчы,  
окытуvчы каби).

Эски ўзбек тили даврида истеммол доираси тор бұлган  
-ш, -иш, -ыш, -уш, -үш құшымчасининг ҳозирги ўзбек,  
уйгур, шунингдек, қыргыз ва туркман тилларыда истеммол  
доираси көнгайды. Қозоқ, қорақалпоқ, нұғай тилларыда  
-ш, -иш, -ыш, -уш, -үшнинг вазифаси асосан -у, -ув га  
юқлатылған бұлса, бошқа қыпчоқ гурух ва туркман тилида,  
бошқа ўғуз гурух ҳамда Сибир ва Олтой тиллари учун бу  
құшымча каммахсул саналади. Масалан: Озарбайжон  
тилди: гүріш, билдириш; бошқирд тилида: барыш, та-  
лаш; қозоқ тилида: жаріс, жүгірис; татар тилида:

1

Баскаков Н.А. Некоторые аффиксы словообразования  
функциональных форм глагола, общие для алтайских языков, СА, 1973,  
XVII, 2—4, 87—89-бетлар.

2

Неталиева Х. Казириң қазақ тилиндеге — У тұлғалар қымыл есімдері  
жайында. Изв. АН. Казахской ССР, серия филологии и искусствоведения,  
1961, 1 (17), 80—90; Тойчубекова Б. Имена действия в киргизском языке,  
АКД, Фрунзе, 1968, 6—7-бетлар.

қүриниши; уйғур тилида: йырылыш, күріш; туркман  
тилди: ғұлиш, альш, опуш, қурулуш; ўзбек тилида:  
таныш, билиш, барыш, кәлиш, кириш, чықыш, оқыш,  
гоқыш ва х.

Эски ўзбек тили даврида истеммол доираси кенг бұлган  
мак/-мәк құшымчасининг ҳозирги туркій тилларда  
құлланилиш чегараси турлічадыр. Жумладан, ҳозирги  
озарбайжон<sup>1</sup>, турк, қисман құмиқ тилларида бу құшымча  
характерли. Қиёсланг: озарбайжон тилида: ғазмағ, гулмәк;  
турк.: билмәк; бошқирд тилида: үқимақ, бармак, тұлэмзек  
каби. Ҳозирги ўзбек тилида -моқ шаклининг истеммол  
доираси торайды<sup>2</sup>. У аксарият ҳолатда ҳозир ўрин-пайт  
келишиги билан бирга келади<sup>3</sup>. Бу шакл ҳозир күпроқ  
шельрий услугуга хос бұлиш билан бирга, ўзбек тилининг  
ұғуз лаҗжасида ҳамон унинг истеммол доираси кенг.

Сифатдош ясовчи құшымчаларнинг ҳозирги туркій ва  
қозирги ўзбек тилида құлланилишида ҳам тарихий ўз-  
гаришларни күриш мумкин. Жумладан, туркій тиллар  
тарихининг барча даврида истеммол доираси кенг бұлган  
ұттан замон сифатдошини ясовчи -миш/-мыш шаклининг  
мәньно муносабати эски ўзбек тили давридағы қисман ўз-  
гарган эди. Яъни XV асрдан кейинги давр эски ўзбек  
тилдида бу шакл асосан ұттан замон феъли мәньносидан  
құлланишда давом эттан эди. Мәньно жиҳатдан -ған  
шаклига яқын бұлган -миш қүринишининг ҳозирги туркій  
тилларда құлланилиш даражаси турлічай<sup>4</sup>. Яъни у ҳозирги  
ұғуз гурух тилларда кенг ишлатылғаныдек, ўзбек тилида  
шельрий услугуда сақланиб қолди. Масалан, гагауз тилида:

1

Дашчин Т. Дж. Глагольные имена на -дыр, -атзг, -маг и -ма в современном азербайджанском литературном языке, АКД, Баку, 1962, 12—16-бетлар.

2

Искаков Ф. Имена действия и состояния в современном узбекском языке (формы на -(и)ш, -моқ, -(у) в. АКД. Самарканд, 1960, 7-бет; Искаков Ф. Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳаракат ва ҳолат номлари. — Научн.тр. Андижанского ГПИ, 1957. IV.

3

-моқта шакл қаңыда қаралған: Ҳожиев А. Ўзбек тилида -моқда  
аффикси. УТАМ. 1958, 4, 73—76-бетлар; Мелиев К. Ҳозирги туркій  
тилларда ҳаракат номлари. 67—68-бетлар; Шукров Ш. К истории  
формы настоящего времени -макда. Вопросы тюркологии. 1965, 97—  
99-бетлар.

4

Кононов А.Н. Турецкая глагольная форма “-мыш”. — Уч. зап. Ленинградского гос. универ. N 20, Серия филологических наук. 1939, I. 35—бетлар; Мухтаров Дж. История развития причастных форм в узбекском языке. АДД, Ташкент, 1971, 48-бет.

Үрэнмиш (олим), гәчйімйіш; тұва тилида: кәлбишәм башқырд тилида: қырқмыш; түрк тилида: башы жылмыш ва б.

Бир қабила йүлбошчиси демиши Темурга...

(A. Орилов)

Сүнг, топингиз дейишибиди, эчки засин,  
Дархол ҳайдаб келтирмишлар ота-болани.  
Бир ўқ билан үчирмишлар отанинг сасин,  
Бола эса қолабермиш, чекиб нолани.

(A. Орилов)

Алишербек, маликул қалом  
Бул исмің жойламиш жисм,  
Ки ул ёнмиш тенгсиз фироқда,  
Хижрон босмиш рұхи равонни.

Дард забтига олғани чоқда,  
Балогардон айламиш жонни!

(Мұхаммад Али)

Түркій тиллар тарихида истеъмол доираси көнг бүлган -ғән (ған, -қән,) -қан шаклли ўттан замон сифатдоши ҳозирги барча түркій тиллар учун хос. Масалан, озарбайжон тилида: бурулған, чалишған; гагауз тилида: улашқан, чалышқан; түрк тилида: вурушқан, апышқан, қачагон, чалышқан; қозоқ тилида: сораган, билзгән.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу шакл -ғән/-ғон деб күрсатылған (билаған, чапаған, қапаған) ҳолда<sup>1</sup>, умум ўзбек тилида, яни уннің барча шеваларида түлиқ тарихий шакллари оқанғдошлиқ қонуниятiga амал қылған ҳолда сақланиб қолған<sup>2</sup>. Масалан, тиккән, әккән, төккән, беккән, чеккән, қорққан, сатқан, чаққан; кергән, ергән, тәргән, тәқисләгән; барған, озған, тозған, қозған, құбырсыған каби. Ҳатто, хоразм-ўғуз шеваларида -ғән билан бир

1

Жуманиязов Р. Ўзбек тилида сифатдош. Тр. ИЯЛ, Т., 1949, 106- бет.

2

Данииров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком, изд. "Фан", Ташкент, 1975, 162—163-бетлар. Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг ўгуз лаъжаси, "Фан" нашриети, Т., 1978, 98-99- бетлар.

шторда -йән ҳам қўлланилади: гәлгән // -гәлйән,  
ғәтгән//гәтийән каби<sup>1</sup>.

Ҳозирги-келаси замон маъносини англатувчи -р, -ир, -ыр, -ур, -ўр, -ар, -эр шаклли сифатдош ҳозирги барча туркий тилларидағи каби<sup>2</sup> ўзбек тили<sup>3</sup> ва унинг шеваларида ҳам тарқалиш доираси чегараланган<sup>4</sup>. Унинг лабланган шакли эса шеърият учун хос:

Агар бу дунёда яшашдан мақсад,  
Ном қолдириш бўлса, бу жуда осон.  
Кабр тошларига ёзилган сарҳад,  
Ўчмай яшай олур неча минг замон.

(Шукрулло)

Ҳозирги-келаси замон маъносини англатувчи тарихий -  
а+дурур+ған// -э+дўрур+ған>а+дур+ған// -э+дўр+ған>адыған //  
әдигән таразда тараққиёт босқичини ўтаган охирги шакл  
ҳозирги ўзбек тилида адабий қолип сифатида қўлланади:  
ёзидиган, борадиган, келадиган, айтадиган, ўқидиган  
каби. Бу шакл қипчоқ лахжасида ҳозир ҳам худди эски ўзбек  
тили давридагидек ишлатилади: баратурган адам,  
айтатурган киши, кэләдйргэн адам, оқуйтурган бала,  
ишләйтирган адам каби. Ҳозирги ўриз лахжасида ҳам  
айрим товуш жараёнини ҳисобга олмагандан бу шаклнинг  
қўлланилишида эски ўзбек тили давридаги ҳолат  
сақланган: кэләйатырган, барайатқан // -барайатырган;  
баратогун а: дам, кэләтогун мыйма:н, барадаган, боладогун каби<sup>5</sup>.

Кўринадики, сифатдош шаклларининг қўлланилишида  
ҳам бир томонидан тил барқарор ҳодиса сифатида туркий  
тиллар тарихидаги кўринишларнинг аксарияти ҳозирги  
туркий тиллар, шунингдек, ўзбек тили ва унинг шеваларида  
сақланиб қолган. Иккинчидан, тилдаги ижтимоий-  
лик давр ўтиши билан баъзи ўзгаришларни ҳам табиийки,  
юзага келтирган.

<sup>1</sup> Абдуллаев Ф.А. Ўша асар, 98- бет.

<sup>2</sup> Современный казахский язык, 323- бет

<sup>3</sup> Мухторов Ж. Ўзбек тилида сифатдош шаклларининг тараққиёт тарихи. Науч. тр. Самарқанд. ГПИ, Новая серия, 1969, №1, 134- бет.

<sup>4</sup> Абдуллаев Ф.А. Ўша асар, 99- бет.

<sup>5</sup> Абдуллаев Ф.А. Ўша асар, 98- бет.

Равишдош шаклининг қўлланилишида ҳам ҳозирги ўзбек тилида тил тарихидаги ҳолат давом этмоқда. Чунончи, қадимги туркӣ тил, эски туркӣ тил ва эски ўзбек тилини фаол ишлатилган -п/-б, -ип/-иб, -ып/-иб қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам равишдош шаклини ясашда фаол ишлатилади. Тўғри, бу шаклни адабий тилда факат -б/-иб тарзда деб кўрсатилади. Аммо тил тарихи ва бошقا туркӣ тиллардаги қўлланиладиган шу қўшимча асосида ясалган равишдошларга эътибор берилса, ҳозирги оғзаки нутқ ва халқ шеваларидағи -п ва унинг фонетик вариантлари бирламчилигига гувоҳ бўламиз. Қиёсланг: көптин қойян қачып қутылмас. Қара сийирим қарап туради, қызыл сийирим йалап туради (-қа: зан-е: т)<sup>1</sup>.

Қипчоқ лаъжасида: жақшы тавып гәпирер, жаман қавып. (Мақол) Жугирип бардым жэздэмэ. Тавып асанам санап ал. (Мақол) Гарчи равишдошнинг бу тури оғзаки талаффузда жарангиз -п тарзда талаффуз қилинса-да, аммо имло қоидасига биноан -б шаклда ёзилади: Қозининг хотини ўлуб (п), у ёлғиз қолди. (Афанди латифасидан). Афанди янги чепонни кийиб (п), хачирга миниб (п), қўшниси билан бирга қозига жўнади (Афанди латифасидан) Қадимги туркӣ тилдаги -пан/-пэн, эски ўзбек тили даврида фонетик ўзгаришга учраган -бан/-бән/, -ибән, /-ыбан/ равишдош шакли ҳозир оғзаки нутқда қисман фонетик ўзгариш юз берган ҳолда -бақ (ыбақ) тарзда ишлатилади: барыбақ айтаман, келибақ тўшундим, айтыбақ қеләйин ва б.

Тарихий -ғач / -ғеч, -қач / -қеч шакли, асосан, ҳозирги ўзбек адабий тилида сақланиб қолган дейиш мумкин. Табииики, ҳозирги грамматикаларда унинг асл кўриниши -ғеч деб қайд этилади ва қолган шакллар фонетик ўзгариши теккач (тег-ғач), чиқкач (< чиқ+ғач), йиқкач (йир+ғач)<sup>2</sup> деб кўрсатилади. Аммо бу ўринда ўзакнинг хусусиятига қараб, оҳангдошлиқ қонуниятининг учинчи кўриниши (яъни жаранглилик ва жарангизликтаги монандлик) асосида қўшимчаларнинг ўзакка монанд равишида тарихийликдан узилмаган ҳолатда қўшилишини таъкидлаш ўринли бўларди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг деярли барча шеваларида тилимиз тарихида қўлланилган -ғели/-ғалы,

-қалы/-қели ва унга маънодош -ғени/ -ғаны, -қаны/ -қени шакллари мақсад маъносини ифодаловчи равишдошларни ҳосил қилинча иштирок этади<sup>1</sup>. Қиёсланг: көргәли // көргәни кэлди, айтқалы // айтқаны кэлди, йазғалы // йазғаны алды/, эккәли // эккәни алды каби.

Тил тарихида пайт маъносини англатувчи равишдошларни ҳосил қилган -ғунчә / -ғунча, -қуича/ -қунчә ва кейинчалик истемол қилинган унинг лабланмаган -ғенчә / -ғанча, -қанча / -қенчә шаклларининг ҳар икки тури ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади: Узим бормагунимча кампирнинг кўнгли тўлмайди. (П. Турсун)

Қишлоғим, тағин ҳам сулувсан бугун,  
Тағин ҳам суюксан, менинг ардоқлим.  
Нечоғлик тўқиссан, нечоғлик тўқин,  
Дунё тургунча тур, қўли қадоқлим.

(Миртемир)

Умумхалқ тилида эса асосан унинг лабланмаган шакллари ишлатилади: барғанча, айтқанча, көргәнчә, чеккәнчә, беккәнчә, теккәнчә, шашқанча, ташқанча, ойнағанча, тойғанча, оғзанча кабилар.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди тилимиз тарихидагидек -э/-а (й) қўшимчасини фесъ негизига қўшиш асосида ҳам равишдош шакли ясалади.

ықандан чықтық тақ ата,  
Арысқа бардық кўн бата.

(Иқон)

Айта-айта җирәди

(Қипчоқ)

Равишдошнинг бўлишсиз шакли ҳозирги ўзбек тилида худди эски ўзбек тили давридагидек -мәй (-май) қўшимчаси билан ҳосил қилинади: Ёзувчилар ҳақида ҳар хил гапларни эшишавериб, чалкашиб кетган фикрларимни бир мезонга сололмай юрадим. (Шукрулло) ...деганларидейк, рўпаро келолмай юрад эдим. (Шукрулло) Умумхалқ тилида, хусусан қипчоқ лаъжасида унинг тил тарихидаги тўлиқ -мәйин / -майин шакли истемолда:

<sup>1</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакский язык, II. Фонетика и морфология. М., 1962, 471: Искаков Ф.Г. ИСГТЯ, I, 137- бет; Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология, М., 157, 54- §.

<sup>2</sup> Абдуллаев Ф.А. Кўрсатилган асар, 99- бет.

Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 243- бет.

бармайын, айтмайын, сатмайын, келмәйин, кәтмәйин, көрмәйин, билмәйин каби.

Хозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилдиң қўлланилаётган равишларда ҳам тарихий ўзгаришларни юқоридаги таҳлил тўлиқ асосламокда.

### Равиш гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Туркий тиллар тарихида равишлар мустақил сўз туркими сифатида энг ёш, энг кенжаси бўлиб, қадимги туркий тилда бошқа гуруҳдаги сўзлар ҳисобига, алоҳида сўз гуруҳи сифатида эндиғина шакланаётган эди. Яъни феълнинг равишдош шакли ва келишик қўшимчаларин олган отларнинг айримлари равиш туркумига ўта бошлади. Бу ҳол, ўз навбатида, равишларнинг бошқа гуруҳдаги сўзлар билан алоқасини, муносабатини белгилайди. Чунончи қўйын — оғир, қоды — қуйи сўзлари келиб чиқиши жътибори билан равишдош бўлгани ҳолда ичра (-ичра (ич+ра), ташра (таш+ра), кәрў — орқага (кә+рў), эбрў—уйга (эб+рў), йоқару-юқорига, эбгәрў—уйга (зб+гәру), илгәрў—илгарига, олдинга (ил+гәру), анта—унда, у ерда (аи+та), бунта — бунда, бу ерда (бун+та) сўзлари жўналиш ва ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган отdir. Бу сўзлар қадимги туркий тил даврига келиб, равиш маъносини ҳам англата бошлаган. Бошқача қилиб айттанди, равиш туркумига ўтган. Айни пайтда, ўша давр тилдидаётча /-чә, -тәг қўшимчалари равиш маъносидаги сўзларни шакллантирган ҳам: отча — ўтдай, ёртча—ёнгиндай, субча—сувдай; беридэг — бўридай, қойтэг — қўйдек каби.

Эски туркий, хусусан, эски ўзбек тили даврига келиб, қадимги туркий тилдаги асл туркий равишлардан ташқари, эрон тиллари ва араб тилидан бу гуруҳга доир сўзлар ҳам ўзлаша бошлади. Масалан, аҳиста, ҳаргэз, дайма, дайым, агаҳ, раван, ҳардам, лам, ҳануз, дамадзм, ҳардам, ҳарлаҳза, пайваста, субҳидам ва б. Шу билан бирга, эски ўзбек тили даврида ҳам равишларнинг ясалishiда худди қадимги туркий тил давридагидек, морфологик, синтактик усул давом этдики, бу ҳол улардаги умумий ҳолатни белгилайди. Чунончи, бу давр тилдида ҳам -ча/-чә қўшимчаси турли сўзларга қўшилиб, иш-харакатнинг ҳолати, даражаси, миқдорини англатувчи равишлар ясаган: улуғлуғи бўргутчэ болғай. (Бобур)

Мэн туркчэ бошлабан ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят.

(Назоий)

Жўналиш келишиги қўшимчасига -ча/-чә қўшиш асосида шаклланган -ға+ча > ғача, -ғә+чә > гәчә, -қа+ча > ҷа, -қә+чә > қәчә қўшимчаси ҳам эски ўзбек тили даврида исм гуруҳидаги сўзлардан равиш ясаган: ҳанузгача киши звуна тушмаймэн. (Шах. турк.) Та намаз хуфтангача йол барилди. (Бобур)

Эски ўзбек тили даврига келиб, -дәк/-тәк қўшимчасининг истеъмол доираси ортди. Яъни, бу давр тилдида у -миш// -миш; -ған / -ғән, -қан/-қән; -р, -эр/-ар, -ўр/-ур; -ғу / -ғу, -қў / -қу қўшимчали сифатдош ва харакат номига қўшилиб равишлар ясаган: мэн дэгэндэкоқ болды. (Бобур) Йаги бирлә урушурдәк болғай. (Ши).

Айни пайтда бу қўшимча шахс ва кўрсатиш олмошлирига ҳам қўшилиб ишлатилган: Тапылмас насли адамдын сэниң-тәк. (Атойи) Сабадын нары андағ қилурмэн, Мундағ қылурмэн. (Шах. турк.)

Эски ўзбек тили даврида қадимги туркий ва ҳатто, ҳозирги ўзбек тилдан фарқли ўлароқ, тақ ва тўн сўзларига -ла/ -лә қўшимчасини қўшиш асосида ҳам пайт равиши ҳосил қилинган: эмди бу кун таңла бу сез Абид ханга йэтэр. (Шах. турк) Тўнләоқ йётти ошул қорғанга. (Ши). Таңласыра бу йўрттин кечуб (Бобур) Мазкур қўшимча XV асрдан бошлаб баъзан: шул, бул, ул кўрсатиш олмошлирига ҳам қўшилиб, фонетик ҳодисага учраган ҳолда (бул+ла>буй+ла, шул+ла>шуйла, ул+ла> уйла каби) буйла, шуйла, уйла тарзда қўлланган. Бу шакл ҳозир гарбий туркий тилларда сақланиб қолган бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилдида ундай, бундай, шундай деган маъноларни англатади:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочишур ҳар лаҳза ёш,  
Буйлаким пайдо бўлур, юлдуз ниҳои бўлғач қуёш.

(Назоий)

Шуйла ким башта барын айтылди.

(Ши.)

Эски ўзбек тилдида равишлар синтактик усул билан ясалганда, асосан ҳозирги ўзбек тилига тўғри келади, дейиш мумкин. Чунончи, қўшма равишлар бир кун, бир лаҳза, ҳар кун, ҳар қайда, ҳар сафар; жуфт равишлар тун-кун, кеча-кундуз, бара-бара, аз-аз тарзда ишлатилганидек, ҳозирги ўзбек тилдида ҳам шу усул давом этмоқда.

Ҳозирги ўзбек адабий тили<sup>1</sup> ва умумхалқ тилида, яъни халқ шеваларида равишларнинг щаклланиши ва қўлланишида тил тарихидаги ҳолат давом этмоқда, дейин мумкин. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида ҳам морфологик усул билан равиш ясалганда -ча қўшимчаси отга (дўст+ча, ўзбек+ча), сифат ва равишга (атроф-ли+ча, янги+ча, яширинг+ча), оғломашга (менинг+ча, сенинг+ча, бул>бун+ча, шул>шун+ча, ул>унча) анча фаол қўшилади. Бу қўшимча олдидан -лар кўплик қўшимчаси келтирилиб, одамларча болаларча, дўстларча тарзида қўллаш ҳозирги ўзбек адабий тили учун хос бўлгани ҳолда ўзбек тилининг қиғчиқ лаҳжасида бундай шаклни кудди тиламиз тарихидагидек одатдаги ҳол деб бўлмайди. Аммо тил барқарор ҳодиса бўлғанлиги сабабли умумхалқ тилининг аксарияти, чунончи, қиғчиқ лаҳжасида адабий тилдан фарқли ўлароқ ҳануз ишлатиладиган ўйтеп // ёйтеп; бийтеп // бўйтеп; шўйтеп // шўйтеп равишлари тарихий бўйла, шуйла, уйла равишларидирки, бу халқ тилининг туганмас бир манба эканлигини исботлайди: шўйттып жыргенниң, элгэн жақшы. Бийтеп отырмай, ишиқли қымайсама. Балларды ёйтып урышмац. Шуй-дэп> шуйтеп, буйдэп >бўйтеп, уй+дэп >ўйтеп.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, равиш гуруҳидаги сўзларнинг деярли барча турида ҳозирги умумхалқ тили билан тарихий шакл орасида умумийликлар, ўхшашликлар мавжуд. Бундай умумийликлар нафақат умумўзбек тилида, балки умумтурк тилида ҳам сақланиб қолганки, бу ҳолат уларни фақат қиёсий усолда ўргангандагина тилининг тараққиёт босқичини тўғри белгилаш имконини беради. Дарҳақиқат, ҳозирги ўзбек тилида равиш гуруҳидаги сўзларда ҳам тарихий ўзгаришлар анчагина.

### Қўмакчи гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Қадимги туркий тил давридаги кўмакчилар ҳам ўзича мустақил маъно англатмасдан от ёки отлашган сўзлар билан бирикиб, гап бўлакларининг ўзаро муносабатини белгилаб келган. Чунончи, тэг кўмакчиси ўхшатиш маъносини ифодалаш учун қўлланган бўлиб, у ҳозирги туркий тилларга қўшимча сифатида етиб келди:

Тәнритәг, тәнридә болмыш тўрк билгэ қаған бу ёдкә

<sup>1</sup> Фузаилов С. Ўзбек тилида равишлар. Тошкент, 1953.

олуртум (К.б.) — Тангридай, тангридан бўлмиш турк билга ҳоқон бу дунёга келдим.

Тэги кўмакчиси келиб чиқиши эътибори билан тэг (тегмоқ, етмоқ) феълининг равишдош шакли бўлиб, бу давр тилида асосан жўналиш келишигидаги сўз билан бирга қўлланган:

Темир қапығқа тэги иртимиз (Тон). Темир дарвозагача қувиб бордик. Ўчун кўмакчиси ҳам қадимги туркий тил даврида қўлланилиб, ҳозирги туркий тилларда англатган маъноларни ифодалаган:

Турк будун ўчун тўн удымадым: кўнтўз олурмадым (К.б.). Турк ҳалқи учун тунда ухламадим, кундуз бекор ўтирамадим. етру сўзи ҳам бу давр тилида кўмакчи вазифасида қўлланилган: -Анта етру қағаныма етунтум (Тон) — Шунинг учун ҳоқонимга мурожаат қилдим.

Бирла сўзи қадимги туркий тил даврида ҳам биргалик маъносини англатиб, кўмакчи сўз сифатида истеъмолда бўлган: иним култэгин бирлө сезләшдимиз (К.б.). иним култэгин билан сўзлашдик. ара сўзи ҳам қадимги туркий тил даврида худди ҳозирги туркий тилларда англатган маънени ифодалаган: экин ара киси оғлы қылымыс (К.б.). Иккаласи орасида инсон боласи (ўғли) пайдо бўлди.

Эски туркий тил даврида ҳам асосан қадимги туркий тил давридаги кўмакчилар қўлланилган. Айни пайтда уларнинг айримларида баъзи фонетик ўзгаришлар ҳам юз берган. Масалан „бирла“ кўмакчисидаги ана шундай жараёнлар ва уларнинг маъноси ҳақида Маҳмуд Кошгари махсус изоҳ беради: „Бирла сўзи бирга, шерик маъносидадир. Ул менинг бирла эрди каби. Сўзда енгиллик учун баъзан Р тупширилиб, била тарзида талаффуз қилинади“<sup>1</sup>. Айни пайтда ўша давр тилидаёқ „ билан“ шакли ҳам мавжуд эди. Бу кўмакчи, шунингдек, худди ҳозирги ўзбек тилидагидек биргалик, восита, сабаб, натижа маъноларини англатган. Эски туркий тил даврида каби, йаңлығ сўzlари ҳам кўмакчи вазифасида ишлатилган:

Қул йаңлығ ўгуллугингни қилсан,  
Ўгул кэби қуллугингни қилсан.

(„Қутадеу билиг“)

Эски ўзбек тили даврига келиб, кўмакчиларнинг қўлланилишида бир томондан қадимги туркий ва эски туркий тил даври анъаналари давом этса, иккинчи томон-

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошгари. „Девону луротит турк“, I, 360- бет.

дан, шу давргагина хос бўлган жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Чунончи, бу давр тилида ҳам -дек/ -тек кўмакчиси худди аввалгидек ўхшатиш, қиёслаш мъносида қўлланилган:

Қаро тилни демактин бир замон чек,  
Десанг ким бормагай бошинг қалам-тек.

(Навоий)

Бу ўринда изоҳталаб бир ҳолат шундан иборатки, -дек қўшимчаси ҳозирги ўзбек адабий тилидаги каби фақат бош келишикдаги сўзни бошқариб қолмай, балки қаратқич келишигидаги кипшилик ва кўрсатиш олмошлирини ҳам бошқарган. Қиёсланг: Муддаосидек фармонлар бераб, рухсат берилди. Мунингдек жавоб қилди. ("Бурнома")

Бу кеча кулбамға келди ул қуёшим ёшурун,  
Қариларда келмади ҳаргиз мунингдек кечқурун.

(Бобур)

Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғам-ғусорим бор.

(Бобур)

Бу давр тилида йаңлығ кўмакчисининг истеъмол доираси кенг бўлиб, у ҳам ўхшатиш, қиёслаш мъносирини ифодалаган:

Минг бандаси ҳоқон била қайсар йаңлығ,  
Юз чокари Дороу Искандар йаңлығ,  
Ҳам тахтига поя чархи ахзар йаңлығ,  
Ҳам тожига қубба меҳри анвар йаңлығ.

(Навоий)

Билан кўмакчиси эски туркий ва ҳозирги ўзбек тилидаги мъонони ифодалагани ҳолда, бирлан, бирла, билан, била, илан, или шаклларда ишлатилганлиги кўзга ташланади:

Сендеқ менга ёри жафокор топилмас,  
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.  
Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парийсен,  
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

(Бобур)

Қүёшім ҳар сариға азм құлса, зарре, қолмон,  
Не учунким агар айрилсам, ондин күн күра олмон.  
Онингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ юзунгаким,  
Қуёшдек наизалар тегса кўзумга кўз ила олмон.

(Бобур)

Ким бир шоҳ учун кетургай ул тоифани,  
Тожир ўзин айлаган баҳо бирла ғани.

(Навоий)

Кўзу кўнглумга то бўлди аён ул зулф бирлан юз,  
Кўзумдин уйқу учти тун кўнгулдин сабр ҳам кундуз.

(Навоий)

Мумтоз адабиётда учун ва жигат кўмакчилари фаол ишлатилгани ҳолда, ҳозирги ўзбек тилидан фарқли ўла-роқ, таркибида феъл шакли бўлмаган ёйиқ бирикмаларни ҳам бошқара олган. Қиёсланг: Темурбекнинг зод ва буди кечдин учун. („Бобурнома“) (Кечдин бўлгани учун). Қор улуг жигатдин. („Бобурнома“) (Қор кўп бўлгани). Ҳозирги ўзбек адабий тилида бундай бирикмаларда албатта сифатдош шакли иштирок этади.

Сари кўмакчиси эски ўзбек тили даврида ҳозирги ўзбек тилига нисбатан фаолроқ ишлатилган. Баъзи ҳолатда сари сўзи ўзининг асл маъносини, яъни предметлик маъносини сақлагани ҳолда отлар каби эгалик, келишик, кўплик қўшимчаларини қабул қила олган: Кобул олғондин бир неча кун сўнг Қандаҳар Сарыға рухсат этилди. („Бобурнома“)

Сочию қўзию қошидин бошта ҳаводур,  
Не бошда ҳаво, ҳар бариси бошга балодур.  
Қош ёси била ул қаро кўз ғамза ўқини  
Ушшоқдин ўзга сариға отса хатодур.

(Бобур)

Эски ўзбек адабий тилида ҳам от кўмакчилар анчагина бўлиб, жумладан, олд, йон, қот, қош, ўнг сўzlари кўмакчилик вазифасида қўлланган пайтда айрим ҳолатда ўзаро маънодошлиқ ҳам касб этади. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, бу сўзларнинг шу вазифада келиш даври ҳам бир хил эмас. Чунончи, агар қот, ўнг сўzlари XIII—XIV асрдан бошлиб кўмакчи вазифасида келса, қош,

олд сўзларининг бу вазифаси XV асрдан бошланди. Бу давр тилида „қош“ кўмакчи оти бошқаларига нисбатан фаол ишлатилган:

Қошингта кўп бора олмон, нетай оралиқда,  
Ёшим тишинг дуридин айру баҳру уммондур.

(Бобур)

Тўғри, бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланган. Бироқ ҳозир унинг маънодош шакли бўлган „олд“ ва „ён“ сўзлари фаол ишлатилади. Эски ўзбек тилида „олд“ кўмакчи отининг истеъмол доираси тор бўлиши билан бирга, аксарият „д“ товуши фонетик жараёнга учраган ҳолда қўлланилади:

Ағёр кўз олидаву ул ёр аён йўқ,  
Фамхоре кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

(Бобур)

### Боғловчи гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Боғловчи сўзларнинг шакли қадимги туркӣ тилда ҳозирги туркӣ ва ҳозирги ўзбек тилидан фарқлироқ бўлган, дейиш мумкин. Чунончи, -ли/-лы қўшимчаси қадимги туркӣ тил даврида боғловчи вазифасида қўлланилиб, ҳозирги у, ва боғловчилари ифодалаган маънони англатган, яъни шу боғловчилар вазифасини бажарган дейиш мумкин:

аудығлы тоңузлы -айиқ ва тўнғиз.  
тўнли кўнли — туну кун.

Шунингдек, қадимги туркӣ тил даврида азу боғловчиси ҳозирги ё боғловчисининг, йэмэ боғловчиси ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳам боғловчисининг вазифасида қўлланилган. Аммо бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозир умумхалқ тилининг барча гуруҳларида унинг йэм тарзда ишлатилишини тарих изининг сақланиши деб қарашга тўғри келади: өзийэм етә кэлишкен. Мэнем бараман. Айтқанам өзи, қайтқанам өзи каби.

Эски туркӣ тил даврида ҳам йэм, йэмэ боғловчиси қўлланишда давом этди: кэздэн пирасэ қенулдэн йэм йирар. (Девон) Айни пайтда бу давр тилида ушбу боғловчи билан бирга ҳам боғловчисининг қўлланганлигини учратиш мумкин: Бўри, тулку, арслон, айиғ ҳам тўнғуз.

(„Қутадгу билиг“) Қадимги туркий тил даврида айирувчи боғловчи сифатида ишлатилган азу сўзининг эски туркий тил даврида ҳам шу маънони англатганилигини Маҳмуд Кошғарий алоҳида таъкидлайди: „Икки ишнинг бирини ихтиёр қилиш, танлаш маъносини ифодаловчи ёрдамчи азудир. —Узум егил азу қовин егил дегандаги каби“<sup>1</sup>. Бу давр тилида тақи, йана бириктирувчи боғловчилари фаол ишлатилганидек, йа боғловчиси ҳам қўлланилган. Шунингдек, ҳозирги ки боғловчисининг тўлиқ ким шакли ҳам истеъмолда бўлган: Боқа кўр бу сўзлар ким айдим сенга. („Қутадгу билиг“).

Эски ўзбек тили даври боғловчиларнинг ишлатилиши жиҳатидан ҳам боғламалик вазифасини ўтайди, дейиш мумкин. Чунки эски ўзбек тилида ишлатилган боғловчиларнинг бир қисми қадимги туркий тил ва эски туркий тилда қўлланилган бўлса, бир гуруҳи ҳозирги ўзбек тилигача етиб келди. Чунончи, эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ва, -у (йу), ҳам (ҳам...ҳам), тақы // дағы, йэмд бириктирувчи боғловчиларининг аксарияти ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланади:

Сенга бори сўзунгда муттафиқмен,  
Муҳиқсен сен дағы мен ҳам муҳиқмен.

(Навоий)

Ёки эски ўзбек тилида айирувчи боғловчилардан йа (йа...йа), йақы, йаҳуд, (йаҳуд... йаҳуд, ҳаҳ, ҳаҳы, гаҳ (гаҳ...гаҳ), гаҳы (гаҳы...гаҳы), азу кабиларнинг ишлатилганилиги ҳам масалани янада ойдинлаштиради:

Йа эшитмас, йа эшитгач зулмин айлар бирга юз.

(Навоий)

Гаҳ-гаҳ, иситма ўтидин ёнмоқ иши,  
Гаҳ тўнгдуруридин яна чиранмоқ иши.

(Навоий)

Бу боғловчилар табиийки, (азу боғловчисидан ташқари) ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам истеъмолда. Эски ўзбек тили даврида аммо, лэкин, лэк, валэкин, валэк, валэ зидловчи боғловчилари фаол ишлатилган:

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. „Девону луготит турк“, I, 82- бет.

Ғам ўтидин, эй ҳаким, ўлмак тилармен, жомима,  
Захр қўшсанг қўш валекин қотмагил зинҳор.

(Навоий)

Дедимки бу ишдаким бўлубмен маъмур,  
Ҳар нечаки тутмасам ўзумни маъзур.

Лек риштани аждаҳоға келтурган зўр,  
Зўр эткай ўзига истаса қилмоқ мўр.

(Навоий)

Топиб ҳолин неча ким айлаб идрок,  
Хунардин мамлу, аммо айбдин пок.

(Навоий)

Куйдум ул дам ким юз очдинг халқни куйдургали,  
Элга ўт солдинг vale мен нотавонға тушти ўт.

(Навоий)

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилига бу боғловчиларнинг дастлабки иккитаси етиб келгани ҳолда, кейингилари фақат эски ўзбек тили даври учун хос бўлиб қолди, холос.

Эски ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг махсус бир гуруҳи мавжудки, улар -ки боғловчиси асосида тузилган боғловчилар ва боғловчилашган сўз бириклиариdir. Чунончи, -ки, -ким, қачонким, ҳарқачонким, вақтики, замониким, ўшандоқки, вақтдаким, нечукким, не жиҳатданким, нега ким, ани учунким кабилар: Элининг лафзи қалам бирла росттур. Ани учунким, мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур. („Бобурнома“) Ҳозирги ўзбек тилига эргаштирувчи боғловчиларнинг ҳам бир қисми етиб келди.

**Юклама гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришилар**

Қадимги туркий тилда юклама кам бўлиб, асосан оқ //өқ сўзидан иборат. Бу юкламанинг эски туркий тил даврида истеъмол доираси ортди. Бу сўз „Девону луғотит турк“ да фақат гина маъносини ифодалагани ҳолда „Қутадғу билиг“ да ёлғиз, фақат, гина, атиги, бирдан-бир, албатта, бутунлай маъноларини ҳам билдирган:

Бирүқ эрса душман минг ул ёслиги.

(„Құтадғу билиг“)

Мингин дүстинг эрса бирүқ озлиги.

(„Құтадғу билиг“)

Бу давр тилица -қына, -кинә юкламасининг мавжуд бўлганлигини Маҳмуд Кошғарий изоҳлаганидек<sup>1</sup>, П.М. Мелиоранский<sup>2</sup> ҳам таъкидлайди. Шунингдек, эски туркӣ тил даврида -му/-мӯ сўроқ юкламаси ҳам қўлланилган: тиләгин болурму, кэлурмӯ эшин. („Құтадғу билиг“)

Эски ўзбек тилининг барча даврида юкламалар шаклий қўриниши, маъно хусусияти, ишлатилиш ўрнига қараб бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Жумладан, улар қўшимча шаклда соф юклама сифатида ҳамда юкламалар вазифасида қўлланувчи мустақил сўз сифатида учрайди. Маъно хусусиятига кўра улар таъкид, кучайтириш, сўраш, илтимос, ажратиб кўрсатиш, қатъийлик, аниқлик, таажжуб, фараз, тахмин, истак, орзу каби бир қатор қўшимча маъно нозикликларини юзага келтириш билан характерланади. Ишлатилиш ўрнига қараб ҳам юкламалар фарқланади. Яъни уларнинг айримлари сўз охирида, айримлари ўзи алоқадор бўлган сўзниңг ёнида, баъзи пайтда ўртада бошқа сўз ҳам келиши мумкин ёки ўша ўзига алоқадор сўзниңг икки томонида, баъзан эса жумланинг бошида келиши ҳам мумкин, эски ўзбек тилица - ўқ (-оқ) юкламаси фаол ишлатилиб, у асосан, чегаралаш, таъкид, ажратиб кўрсатиш каби маъноларни ифодалаб, гап бўлакларининг барчаси билан бирга кела олган: Бу тажрибалиқ бекларнинг сўзига кириб, мақаллотнинг ёқасидан-ўқ ёндуқ. („Бобурнома“) Рўбару бўлроч-ўқ уруша ҳам олмади. („Бобурнома“)

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилица ундош товушдан сўнг -оқ, унли товушдан сўнг -ёқ (йақ) қўшимчаси худди шу маънони англатади. Айни пайтда бу қўшимчани шу сўзниңг фонетик жараён асосида шакли деб қарашга тўғри келади: Биринчи куниёқ, ҳозирданоқ айтади. У келибоқ ишга тушди.

Эски ўзбек тилица мустақил сўз сифатида сўз ва гап

1

Маҳмуд Кошғарий. „Девону луротит турк“, III

2

Мелиоранский П.М. Араб. филолог. о турецком языке, 112- бет.

олдидан қўлланган магар юкламаси таажжуб, фараз, тахмин; гўйа юкламаси ўхшатиш; кошкэ юкламаси орзу, истак; шойод юкламаси истак, тахмин, фараз; балкэ юкламаси маънони кучайтириш, таъкидлаш маъноларида ишлатилган. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу юкламалар айrim фонетик тафовутлар билан қўлланилади.

Қўшимча юкламалардан -му// -мў эски ўзбек тили даврида фаол ишлатилган бўлиб, у аксарият ҳолатда мантиқли урғу олган сўзларга қўшилган. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, эски ўзбек тили даврида унинг асосан лабланган шакли қўлланган:

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?

Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримниму дей?

Ҳажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ этай?

Дарди муҳлиқ ичра жони беқароримниму дей?

(Бобур)

-чи/-чы юкламаси эски ўзбек тилининг дастлабки даврида камроқ қўлланиб, XIX аср тилидан бошлаб фаоллашди:

Эй водийи Айман ичра қўйчи,  
Итмен сенга ўз қошингда қўй-чи!

(Навоий)

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилида бу қўшимча юкламалар худди эски ўзбек тилидагидек фаол ишлатилади. Фақат бу ўринда таъкидланадиган бир ҳолат шундан иборатки, сўз охирида лабланган унли товушни талаффуз қилиш қийин бўлганлигидан ҳозир тарихий -му/-мў юкламаси -ми тарзида ишлатилади. Тарихий -гина қўшимчаси ҳам ҳозирги ўзбек тилида ҳамон истеъмолда. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида -да, -ку, -у, -а қўшимча юкламалари ҳам фаол қўлланилади.

Ундов гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар

Инсон ҳис-туйғусини, ҳолатини ифодаловчи сўзлар ҳамиша ҳам мавжуд бўлган. Шунинг учун тил тарихнинг барча даврига хос.

Эски туркий тил даврида ва (во) сўзи ачиниш, алам маъносини англатувчи ундов сўз бўлиб, эски ўзбек тилида вай, эй, вай,вой шаклида фаол қўлланди: Вай, йўз миң вай ким, сарви равоным бардыла. (Навоий) Ҳозир умум-

халқ тилида ҳам бу сўз вай(вой), вай-вай (вой-вой) шаклида ишлатилади. Сўзловчининг тингловчи фикрини жалб этиш, хитоб, мурожаат этиш маъноларини ифодалаш учун эски ўзбек тилида қўлланган эй ундов сўзининг ҳозирги ўзбек тилида ҳам истеъмол доираси кенг:

Эй Навоий, йигламоқ оҳимға таскин бермади,  
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсири тӯфондин анга.

(Навоий)

Эски туркий ва эски ўзбек тилида огоҳлантиришни англатиши маъносида қўлланган ай, ая аундовлари ҳозирги тилимизда архайлешган:

Май бирла юзунг тимтим аҳмарму экин ая,  
Ё шуъла аро бир-бир ахгарму экин ая.

(Навоий)

Аҳ сўзида сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, таажжубланиши, афсусланиши каби маънолар англашилиб, эски ўзбек тилида бу ундов сўзи фаол қўлланилган:

Аҳ, эмди қалмады аҳ ургалы ҳам қувватым.

(Атойи)

Айни пайтда бу сўз шу маъноларда ҳозирги ўзбек тилида ҳам кенг ишлатилади.

Маҳмуд Кошгари эски туркий тил даврида қушларни, ҳайвонларни чақириш учун бирмунча ундов сўзлар қўлланганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Чунончи, бу давр тилида чилк-чилк// чик-чик сўзлари эчкини чақириш, чек-чек сўзи туяни чўктириш, хөш-хөш сўзи сигирни соғаётганда тинчлатиш учун қўлланилганки, ҳозирги ўзбек тилида бу сўзларнинг дастлабки иккитаси айрим фонетик тафовут билан чигы-чиги шаклда, кейинги икки жуфтни эса ҳеч қандай ўзгаришсиз ишлатилади. Бу ҳолат ҳам ундов гурӯҳидаги сўзлардаги маълум тарихий ўзгаришларни кўрсатади.

1

Маҳмуд Кошгари. „Девону луготит турк“, II, 334—338- бетлар.

## ХУЛОСА

Қиёсий-тариҳий усулда тилни кузатиш тиљшуносликда ўзини ҳар жиҳатдан оқлаган усул эканлиги бугун янада аниқ бўлиб қолмоқда. Айни пайтда, ўзбек тилини кейинги пайтда фақат бир қолипда ўрганиш, аниқроғи уни рус тили қолипига солиб таҳлил этиш, бошқача қилиб айтганда, тил далилларидан, матндан келиб чиқиб эмас, балки назарияга амалиётни мослаб таҳлил қилиш аксарият ўзбек тили ҳақида сунъий хулосалар чиқаришга олиб келди. Ваҳоланки, ҳозирги ўзбек тилида тарихий шакллар етарли ва ҳатто жуда кўп бўлиб, ҳозирги ўзбек тилини умумтаълим мактабларида ва олийгоҳларда ҳам фақат қиёсий-тариҳий усулда ўргатишгина кишиларда бу тилга нисбатан меҳр уйғотади. Негаки, бундай ўрганиш ҳозирги ўзбек тили ҳақида тўғри хулоса чиқаришга имкон беради. Зеро:

1. Ўзбек тили тараққиёт босқичининг бирор даврида олти унлилик тизимиға эга бўлмаган. Туркӣ тилларнинг дастлабки даврида саккиз унлилик тизими, ўзбек тили тарикининг барча даврида тўқиз унлилик тизимидан иборат бўлган. Табиийки, ҳозирги ўзбек тили ана шу узоқ тарихий босқичининг тадрижий давомидир. Демак, ўз-ўзидан ҳозирги ўзбек тили ҳам тўқиз унлилик тизимиға амал қиласди.

2. Туркӣ тиллар тарикининг бирор даврида, шунингдек, ўзбек тилининг тараққиёт босқичи жараённида ҳам ярим унли, графема деб аталувчи товуш ҳам, унинг шартли белгиси — ҳарфий ифодаси ҳам бўлмаган. Бу тушунча славян-кирил алифбосини қабул қилиш муносабати билан бирданига пайдо бўлди ва тил гўё йил сайн ўзгариб турладиган ҳодиса сифатида биз уни ўзбек тили фонетикаси дарслитига киритдик, айни пайтда ўқувчининг саводсизлигигагина хизмат қилувчи бу белгиларни ўқувчига сингса-сингмаса тарғиб қилмоқдамизки, қиёсий-тариҳий усулда кузатиш бундай „киритма“ нинг ўзбек тили учун ортиқча юқ эканлигини ҳар жиҳатдан исботламоқда.

3. Ўзбек тилини қиёсий-тариҳий усулда кузатиш, жумладан, товуш жараёнларини шу усулда таҳлил этиш, туркӣ тилда, хусусан, ўзбек тилида қайси товушлар бирламчи, қайсилари иккиламчи эканлигини аниқлашга илмий асос беради.

4. Тилни шу усулда ўрганиш ўзбек тилидаги ундош товушларда рўй берган тадрижий тараққиёт босқичларини тўғри белгилашга ёрдам беради.

5. Ўзбек тилининг тарикий тараққиёти ва умумхалқ тили манбаси оҳангдошлиқ қонуниятита амал қилғанлиги сабабли унинг бошқа бир қатор туркӣ тиллар билан умумий жиҳатлари мавжуд. Бу ҳолат туркӣ тилларни қиёсий ўрганиш асосида уларни яқинлаштириш йўлида ҳаракат қилишга имкон беради. Шу вақтта қадар амалда бўлган, мутлақо алоҳида йўлдан кетишдек ноилмий ва зўраки йўналишга тўсиқ қўйиш имконини турдиради.

6. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва умумхалқ тилининг грамматик қурилишида ҳам тарих изи мужассам. Бу жиҳатлари ўзбек тилини тарихдан узиб олиб ўрганиш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатиш билан бирга, у бошқа туркӣ тиллар билан узвий алоқадорлигини ҳам эътироф этишни тақозо этади.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
I б о б	
Нутқ товушларида тарихий ўзгаришларнинг акс этиши . . . . .	7
I. Унли товушларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	8
II Ундош товушларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	26
III Баъзи товуш жараёнлари . . . . .	55
Оҳангдошлиқ қонуниятида тарихий ўзгаришлар . . . . .	64
II б о б	
Сўз гуруҳларида тарихий ўзгаришларнинг акс этиши . . . . .	69
От гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	69
Сон кўрсаткичидаги тарихий ўзгаришлар . . . . .	69
Эгалик кўрсаткичидаги тарихий ўзгаришлар . . . . .	73
Келишик қўшимчаларидаги тарихий ўзгаришлар . . . . .	75
Сифат гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	92
Сон гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	97
Олмош гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	109
Феъл гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	123
Равиш гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	162
Кўмакчи гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	164
Боғловчи гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	168
Юклама гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	170
Ундов гуруҳидаги сўзларда тарихий ўзгаришлар . . . . .	172
Хулоса . . . . .	174

ТҮЙЧИБОЕВ БОСИМ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ  
БОСҚИЧЛАРИ

*Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари ва  
тил-адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма*

*Тошкент „Ўқитувчи“ 1996*

Муҳаррир *Ҳ. Юсупова*

Бадиий муҳаррир *Э. Нурмонов*

Техн. муҳаррирлар *Д. Габдрахманова, Ш. Бобохонова*

*Мусаҳҳиҳлар Д. Умарова, М. Ибрагимова*

ИБ №6768

Оригинал-макетдан босишига рухсат этилди 15.08.96. Бичими 84x108 1/32.  
Тип. қозози. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 9,24. Шаргли бўёқ отт. 9,45. Нашр т. 8,65.  
3000 нусхада. Буюртма №2356.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 13—  
50—95.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида техни-  
кавий ва дастурий воситалар асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент  
китоб-журнал фабрикаси. Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси, 1. 1996

76



„O‘qituvchi“